

П. Юсупова

Мактабғача ёшдағы болаларға экологик тарбия берши



ХІІ. А. ЙОСУПОВА

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ

Тарбиячилар үчүн методик құлланма

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
шаптрага тавсия этган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

Қўлланмада мактабгачи ёндағы болаларини экологик тарбиялаш уларда табиатга муҳаббет инуша ишебтаси эҳтиёткорликнинг мазмунин ва методлари кўрентиганни. Шунингдек, унда Ўзбекистонинг иқлимий шароитларида ўсандиган ўсимликлар ва яшидиган ҳайвонлар тўғрисида қисқача маълумот берилган.

Қўлланмада болаларни она табиат билан таништириши машрупотлари, дидактик ўйинлар, шеър, ҳикоя, эртак, тоинимоқларини намуналари келтирилган.

Қўлланма мактабгача тарбия муассасалари ходимларига, педагогика институтларининг ҳамда педагогика билим юртларининн талабаларига мўлжалланган.

СЎЗ БОШИ

Ҳозирги вақтда экологик тарбия долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ер юзида аҳоли сони йил сайин ўсиб бормоқда, табиий ресурсларни истеъмол қилишнинг кўлами кенгайиб, суръати ортиб бормоқда. Инсоннинг теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабати эса мураккаблашмоқда. Одамларнинг хўжалик фаолияти натижасида бутун биосфера ўзгартирилиб, ер юзида ги жонзор учун янги, ўзгартирилган муҳит юзага келди-ки, у бугунги кунда бутун ўсимлик, ҳайвонлар, шунингдек, одамларнинг яшаши учун зарарли бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан унумли фойдаланиш масаласи ҳозирги кунда бутун инсоният учун тобора муҳим аҳамиятни касб этмоқда. Шунинг учун экологик масалаларни яхши англаб олиш ҳамда уларни тўғри амалга ошириш жамиятнинг ва ҳар бир кишининг ҳаётий заруратига айланмоғи лозим.

Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, табиатни қўриқлаш масалаларини онгли равишда ҳал этиш учун оила, боғча, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида, ишлаб чиқариш ва жамоат жойларида камол топаётган ёшлилар табиат сирларини ва ундан тўғри фойдаланиш ўсуулларини ҳар томонлама пухта билиб олишлари шарт. Келажагимиз ҳозир мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим ва тарбия олаётган ёшлилар қўлидадир. Шу сабабли, уларни табиатга оид билимлар билан шундай қуроллантириш керакки, улар келажакда табиат бойликларини муҳофаза қила оладиган ва улар-

Юсупова Н. А.

Мактабгача ёндағы болаларга экологик тарбия берини. Тарбиячилар учун методик қўлланман. Т. «Ўқитувчи», 1995.—224 б.

74. 100. 5

1308000000-118 180-95
303(01)-05

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995

ISBN 5-045-02311-0

дан режали равища фойдалана оладиган бўлишсин.

Ердаги табиий манбаларни асраб-авайлашнинг энг муҳим йўли аҳолини шу билан бирга ўсиб келаётган авлодни табиатни асрашга оид экологик билимлардан хабардор қилиш, уларга экологик тарбия беришидир.

Экологик тарбия ватанпарварликдир. Табиат куйчиси М. М. Пришвин: табиатни асраш — бу Ватанини асраш, деган эди. Бу муҳим вазифани амалга ошириш халқ маорифининг бошланғич звеноси бўлган мактабгача тарбия муассасаларида бошланиши керак. Ҳамма ташкилотларнинг таълим ва тарбия системаси, фан, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари, касаба союзлари, бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти шу мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиши керак. Ҳамма ишларда табиий ресурсларнинг битмас-туган маслиги, табиатга нисбатан истеъмолчилик муносабати нуқтаи назаридан қараш каби кишилар психологиясига барҳам бериш ишини қатъийлик билан амалга ошириш керак.

Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики, агар жамиятилизнинг ҳар бир аъзоси табиатни асрашга оигли равища қизиқмаса ва табиатни асрани бўйича амалга ошириладиган муҳим ишларда актив қатнашмаса, ҳеч қандай оқилона ва қаттиқ қонун, талаблар билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Ҳар бир фуқаро ўз ташаббуси билан табиатни асрашга ўрганиши, она еримизнинг аҳволи учун бўлажак авлодлар олдида ўзишиг жавобгар эканлигини тушуниши лозим. Яъни, кишиларимизнинг экологик маданияти, экологик билимдонлиги она табиатимизни асраб қолишининг асосий шарт-шароитидир. Табиатдан унумли фойдаланишга ўргатиш учун болалар оғигда экологик маданиятни шакллантириш зарур.

Болалар табиат ҳақидаги элементар билимларни эгаллаб олиб, ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилишининг оддий усулларини ўрганиб, табиатни кузатиш, унинг гўзалликларини кўра олиши билиб ол-

ган тақдирдагина уларда табиатга нисбатан әхтиёткорлик ва ғамхұрона муносабатда бўлишни тарбиялаш имконияти туғилади.

Болаларда она Ватанга, унинг табиатига, жонажон ўлкасига муҳаббат худди ана шу асосда шаклланади.

«Болалар боғчасининг таълим-тарбия дастурй»да болаларда табиатга нисбатан фаол муҳаббатни, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақида ғамхұрлик қилиш күникмаси-ни тарбиялаш, табиат қўйнида ўзини одоб билан тутиш кўникмалари, уларда ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилиш ва уларни муҳофаза қилишга қизиқиши уйғотиш, буталар ва дараҳтларни синдириласлик, ҳайвонларни қийнамаслик ва қўрқитмаслик, дам олиш жойларида ахлат қолдирмаслик кўникмаларини тарбиялашни кичик гуруҳдан бошлаб амалга ошириш кўзда тутилган.

Аммо, мактабгача тарбия муассасаларида болаларни теварак-атроф билан таништириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг даражаси, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни теварак-атрофдаги табиат билан таништириш ишини яхшилаш зарурлигини тақозо этади.

Табиатнинг фаол ҳимоячиларини тарбиялаш катталар раҳбарлигида табиатни асрараш бўйича маълум ҳажмдаги билимларни (ўсимлик, ҳайвонларнинг номи, тузилиши, яшаш шароити, ўсимлик — одам — ҳайвон — табиий омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик) эгаллашиб, табиатга тўғри муносабатни шакллантиришни тақозо этади.

Инсонни тарбиялашда катталарнинг роли тўғрисида В. Белинский шундай деган эди: «Шердан туғилган ҳайвон ота-онасининг ҳаракатисиз ҳам, юзага келган вазиятнинг таъсирисиз ҳам шер бўлиб ўсаверади, аммо одам боласи шер, йўлбарс бўлмасдан, балки, тўла маънодаги одам бўлиб туғилса ҳам у бўри, эшак, қўйингки, нимаики хоҳласа шу бўлиши мумкин». Шунинг учун болаларимизнинг қандай бўлиши бизларга, катталарга боғлиқ. Табиийки, ҳамма тарбиячилар ҳам болалар табиатни

севадиган, уни асраб-авайлайдиган бўлишини хоҳлайди. Аммо, битта хоҳиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, бунга оила, боғча, мактаб, жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракати билан эришиш мумкин.

Табиатнинг фаол ҳимоячиларини тарбиялаш учун мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан қўйидаги йўналишда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга табиат өлами, ундаги воқеа-ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида аниқ билимлар бериш.

2. Болаларда табиат, уни асраб-авайлаш, уни бойитишига оид фаолиятни шакллантириш.

3. Болаларни давлатимизнинг табиатни қўриқлаш, уни асраб-авайлаш бўйича олиб бораётган ишлари билан таништириб бориш.

Буни мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, ота-оналар ва жамоатчилик ўзаро ҳамкорликда изчиллик билан таълим-тарбиявий ишлар орқали амалга ошириб бориши зарур.

Шахснинг ривожланиши, маънавий юксалиш ва ахлоқий эстетик тарбияда табиатнинг роли бекиёсdir. Шунинг учун табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқадорлигини сақлашга лаёқатли кишилар авлодини тарбиялаб етиштириш керак.

Бунинг учун кузатиш, табиатга экспурсия, мақсадли саёрлар, меҳнат фаолияти, маҳсус ташкил этилган вазият, оддий тажриба, бадиий адабиёт, машғулотлар ўтказиш, техник воситалар каби метод ва усуллардан фойдаланиш яхши самара беради.

КИРИШ

Бутун дунёда, шу билан бирга жумҳуриятимизда ҳам жуда тез суръатлар билан илмий техника тараққиёти натижасида йилдан-йилга давлатимизнинг қудрати ошмоқда, кишиларнинг яшаш шароитлари яхшиланмоқда, аммо табиатни ўзлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳар доим ҳам социал аҳамиятли бўлавермас экан. Бугунги кунда ер юзида юз бераётган экологик вазият шундан далолат бермоқда.

Дунёдаги халқларнинг кўзи олдида ўрмонлар, гуллаб турган боғлар, ноёб ҳайвонлар борган сари йўқолиб бормоқда, ботқоқликлар, кўллар қуримоқда, фойдали қазилмалар камайиб бормоқда. Табиий кўллар ўрнига сунъий сув омборлари барпо этилмоқда. Фақат моддий фойдани кўзлаб қурилган завод, фабрикалардан чиқаётган заҳарли газлар, тутунлар, чиқиндилар ҳавони, турроқни сувни, теварак-атрофни ифлослантирибгина қолмай, балки шу билан бирга одамларни, ҳайвонларни, ўсимликларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмоқда.

Ер юзидаги ўрмонлар бир йилда 11,5 млн. гектарга камаймоқда. Агар ҳозирги кундаги ўрмон кесиш шу суръатда давом этаверса, 2000 йилнинг охирига келиб, ер юзидаги ҳайвонлар ва қушлар 10 фоиздан 20 фоизгacha камайиб кетиш хавфи туғилмоқда.

Ер юзидаги одамларнинг сони тўхтовсиз кўпаймоқда. Ҳозирги кунда бутун ер шарининг аҳолиси 5 миллиарддан зиёддир. 2000 йилга бориб, бу рақам 6—7 миллиардга етади. Одамлар сонининг табиий ўсиб бориши асосий манба бўлган табиий ресурслар — саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни орттиради.

Агар инсоният табиатга таъсирини фақат моддий манфаат нуқтаи назаридан давом эттираверса, ер юзидаги жонзот, шу билан бирга инсоннинг ўзи ҳам бутунлай қирилиб кетиш хавфи бор.

Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унинг бойликларидан унумли фойдаланиш, теварак-атрофдаги

муҳитни яхшилаш түғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг бузилишига, ифлосланишига йўл қўймаслик табиатга нисбатан ахлоқий қимматли хатти-ҳаракатлар қилишга ўргатиш, шунингдек, табиий муҳитнинг шарт-шароитларини сақлайдиган амалий малака ва кўнгилмаларни таркиб топтириш иши кишининг бутун ҳаёти давомида идеология, сиёсат, санъат, адабиёт, илмий билимлар, ишлаб чиқариш практикаси, таълим-тарбия, ташвиқот, таркиб орқали амалга оширилиши мумкин. Аммо бу ишларнинг дастлабки формалари боғча ёшидан бошланиши зарур. Чунки бу даврда теварак-атрофдаги борлиққа нисбатан онгли муносабат таркиб топа бошлайди ва у она ўлка табиати орқали олиб борилсагина керакли натижаларга эришиш мумкин.

Табиий ресурслар

Табиий ресурслар ўзи нима? Ва унинг инсоният ҳаётида тутган ўрни қандай?

Табиий ресурслар — ўсимликлар, ҳайвонлар, сув, тупроқ, минераллар. Булар бутун жонзотга овқат, сув, кислород, кийим, туар жой, иссиқлик, саноат учун хом ашё ва шу кабиларни беради. Булар ер юзидағи жонзотларнинг, шу билан бирга одамнинг ҳаёт кечириши учун зарурдир. К. А. Тимирязев ўсимликлар ҳақида шундай деган: «Ҳамма органик моддалар, улар қанчалик ранг-бараңг бўлмасин, қаерда учрамасин, одамдами, ўсимликдами, ҳайвондами, ҳаммаси барглардан келиб чиққан, улар барглар ишлаб чиқарадиган моддалардан юзага келади».

Ўсимлик — бу ердаги ҳаёт учун аҳамияти катта бўлган тирик организмидир. Улар кислород чиқаради, карбонат ангидрид газини ютиб, атмосферани тозалайди.

Яшил ўсимликлар — синтез қила оладиган, яъни органик моддаларни яратадиган ягона организмидир. Қуёш энергияси орқали яратилиш жараёни фотосинтез деб аталади.

Фотосинтез жараёни натижасида мураккаб реакциялар юзага келиб, қуёш нури органик моддани юзага келтирувчи кимёвий энергияга айланади. Яъни ўсимлик тўқималарида қуёш таъсирида анорганик моддалардан (азот, фосфор, олтингугурт ва б.) органик моддалар (ўсимлик массаси, фотомасса) ҳосил бўлади.

Бундай жараён фақат ўсимликлар организмида

юзага келади. Улар ўзининг ҳаётий фаолияти жараёнида ер юзидағи органик моддаларни яратышда, кислород ишлаб чиқаришда узлуксиз ҳаракат қилувчи ягона манбадир.

Ер юзидағи бутун жонзотнинг ҳаёти учун кислороднинг қанчалик зарур эканлигини бир тасаввур қылсақ, бу кимёвий реакциянинг оламшумул аҳамиятини дарров тушуниб олиш қийин әмас.

Бундан ташқари, күн миқдордаги сув ўсимликнинг барғ оғизчаси орқали атмосферага буғланиб кетади. Бу ҳам қүёш нури таъсирида юзага келади. Ўсимликнинг барғи ер юзидағи барча тирик организмлар учун зарур бўлган органик моддаларни яратибгина қолмай, балки шу билан бирга унинг космик роли ҳам бениҳоядир.

Ўсимликда ҳосил бўлган ҳамма масса одамларнинг ва ҳайвонларнинг асосий озиғини ташкил этади, шунингдек, ҳамма ўтхўр ва йиртқич ҳайвонлар ҳам ўсимликларнинг илдизи, барғи, пўстлоғи, меваси билан озиқланади.

Ер юзидағи ҳамма ўтхўр ҳайвонларнинг сони ўша ерда ўсузви ўсимликларнинг миқдорига боғлиқ. Одам ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар билан овқатланади. Ўсимлик ва ҳайвонлар одамга кийим, бошпана вазифасини ҳам ўтайди. Ўсимликлардан қурилиш материаллари тайёрланади, улар шаҳарларга чирой беради.

Жумҳуриятимизда ўсадиган ўсимликларнинг баъзилари шифобахшdir,

Ўсимликлар дунёсига қўйидагилар киради:

Манзарали ва мевали дараҳтлар. Заранг, терак, эман, акас, тол, чинор, қайрағоч ва бошқалар манзарали дараҳтлардир. Олча, гилос, тоғолча, олма, нок, жийда, бодом, ёнғоқ, олхўри, ўрик, шафтоли, анор, анжир, беҳи кабилар эса мевали дараҳтлардир.

Бута ўсимликлар — настарин, ясмин, наъматак, атиргул, бўтағовлар.

Чирмашувчилар — чирмовиқгул, ҳмель, ва бошқалар.

Мевали буталар — қора қарағай, малина, криковник.

Қишлоқ хўжалиги экинлари — дала ўсимликлари — буғдой, пахта, жавдар, арпа, сули ва бошқалар.

Полиз ўсимликлари — сабзи, лавлаги, пиёз, поми-

дор, бодринг, картошка, қовун, тарвуз, қовоқ, карам каби ўсимликлар.

Мактабгача тарбия муассасаларида экин экиш учун ажратылған жойларга илдизи истеъмол қилинадиган экинлар (пиёз, лавлагы, картошка, редиска, сабзи), ер юзасидаги ҳосили истеъмол қилинадиган экинлар (пиёз, помидор, қалампир, болгар қалампир), полизда палак отиб ўсадиган экинлар (бодринг, қовун, тарвуз), техник ўсимликлар (нахта, каноп ва б.) экиш мумкин.

Дарё ва күлларда лемна, элодея, валлинерия каби сув ўсимликлари ўсади. Бу ўсимликлар сувдаги тирик организмлар учун озиқ бўлиб хизмат қилади ва аквариумларда ўстирилади.

Қоқингул, бинафша, капалак гул, лола, лолақизғалдоқ, бұтакұз кабилар дала гуллари ҳисобланади.

Бог гуллари бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик бўлни мумкин. Бир йиллик гуллар экилган йили очилади, икки ва кўп йилликлари эса иккинчи йили гуллайди. Боглар фақат гул билан эмас, балки дараҳтлар билан ҳам кўкаламлаштирилади.

Зараңг ва шумтол тез ўсадиган, сада, қайраоч, эман ва каштан секин ўсадиган дараҳтларга киради. Шунингдек, болалар боғчаларига экилгандан кейин иккинчи ва ҳатто биринчи йилидаёт қуюқ барг билан қонланадиган буталар ўтқазиш ҳам тавсия этилади.

Барча ҳайвонлар ёввойи, ярим ёввойи ва уй ҳайвонларига бўлинади.

Ёввойи ҳайвонлар одамлар истиқомат қиласиган ердан узоқда, ўз ҳолича яшайди. Айиқ, бўри, олмахон, типратикан, юмронқозиқ, тулки, қуён ва бошқалар шулар жумласидан бўлиб, улар қимматбаҳо мўйна, гўшт ва дори хом ашёси олиш мақсадида овлашади.

Кўпчилик ҳайвонлар дастлаб қараганда заарли ёки бефойда бўлиб кўринса-да, лекин аслида улар биогеноненознинг нормал ҳолда сақланиши учун зарурдир. Масалан, ҳар хил кемирувчилар дараҳтларнинг пўстложи, илдизи, куртаги билан озиқланади, аммо шу билан бирга улар жуда кўп заарли ҳашаротларни қиради, ўсимлик уруғларини ҳар томонга ташиб, уларнинг кўпайиншига ёрдам берадилар, ўзларига ин қазиш орқали тупроқни юмшатадилар ва ҳоказо.

Кўпчилик ҳайвонлар ҳашаротлар ва кемирувчилар билан онцатланиб генофонд манбай ҳисобланади. Масалан, кўринишалак, типратикан ва бошқалар заарли

ҳашаротлар билан овқатланади; тулки, оқсичқоң, сас-сиққұзан — қишлоқ хұжалиги әқинларига заарар келтирувчи ҳамда кишиларга ўлат касали ва бошқа касалликларни тарқатувчи заарарлы кеми्रувчиларни қиради.

Бўрилар чорвачиликка заарар келтиради, аммо ўзи учун озиқбоп ҳайвонларнинг сонини нормаллаштириб турувчи ўрмон санитари ҳисобланади.

Үй ҳайвонлари маҳсус ажратилган жойларда яшайди, кишилар уларни парвариш қиласидар. Бу ҳайвонлар инсонларга катта фойда келтиради. Үй ҳайвонлари бўлган қўй, эчки, от, туя, қуён, ит, мушук ва бошқалар ҳар хил ўт ва бошқа озиқлар билан овқатланади. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган тухум, гүшт, сут, ёғ; саноат учун хом ашё — тери, пар, жун ва бошқаларни етиштириш учун боқилади.

Ит уйимизни қўриқлайди, пода боқади, ўз эрасини ҳимоя қиласиди, чегарачиларга ёрдам беради, отилган ўлжани олиб келишда овчиларга ёрдам беради.

Сувда ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар: илон, қурбақа, калтакесак, бақа, типратикан, тошбақа ва ҳоказолар жуда кўп заарарли ҳашаротлар билан озиқланади, шу билан бирга заар ҳам келтиради. Ўрта Осиёда яшовчи тошбақалар униб чиқаётган қишлоқ хұжалик әқинларини ейди, суғориш иншоотларини бузади.

Илонлар чигиртка, сичқон ва бошқа ҳашаротлар билан озиқланади, унинг заҳаридан жуда кўп ажойиб дорилар тайёрланади.

Сув илонлари кўплаб балиқларни, сув қушлари тухумини еб қўяди. Катта сув илонлари, ҳатто ёш андаларни ҳам ейди.

Қушлар. Ўлкамизда кўплаб қўйидаги қушларни учратиш мумкин: какку, уй чумчуғи, заргалдоқ, булбул, оқ жибилажибон, кўк қарға, читтак, қора қарға, саъва, қоракаптар, мусича, бойқуш, зағизғон, майна, бедана, зағча, узун думли қарқуноқ, оқ лайлак, сассиқ-попишак, оқ қанотли қизилиштон, қишлоқ қалдирғочи, қора жарқалдирғоч, фуррак, қирғовул, илонхўр қуш, каклик, сўфитўргай, жаннатқуши, оқлайлак.

Үй паррандаларига товук, ўрдак, ғоз, курка ва бошқалар киради. Қушларнинг гўшти ва тухуми билан одамлар ибтидоий даврлардан бери овқатланиб келган.

Одамлар қушлардан овқат сифатидагина эмас, шу

билан биргэ уларнинг патидан безак сифатида ва ўйрۇзгорла, терисидан кийим-кечак тикишда фойдаланиб келтиилар. Янын зеландиялик қабилалар ўтган асрлардаң құшларнинг терисидан кийимлар тикиб кийишган.

Европада құшларнинг патидан аёллар бош кийимиши беннила фойдаланишган. Құшлар қишлоқ хұжалиги ва үрмөн зааркунаңдалари билан курашда жуда катта фойда келтиради. Масалан, пушти чуғурчук чигирткаларни ейди, қызылиштон дараҳт пўстлоғини ейдиган ҳашаротларни қиради ва ҳоказо.

Қарқуноқ ва жарқалдирғоч, қалдирғоч, шунингдек, оқ қызылиштон, сассиқпопишишак, читтак, оқ жибилажибон ва бошқа құшлар зааркунаңдалар билан овқатланиб, қишлоқ хұжалигига катта фойда келтиради.

Сор каби йиртқич құшлар экин зааркунаңдалари бўлған сичқон, каламуш, олахуржун каби кемирувчилар билан овқатланади.

Бойқуни шаҳар ва қишлоқларда, дарё водийларида яшаб, баҳор ва ёзда зааркунанда ҳашаротлар билан, қиндида эса кемирувчилар билан овқатланади.

Шу сабабли ҳар йили құшларнинг болалаб күпайини учун шароит яратиш мақсадида күплаб доиҳўраклар ва уялар ясаб берилади. Шу билан бирга айрим құшлар дараҳт мевалари билан ҳам овқатланади. Майна, чумчуқлар шафтоли, гилос, узум, олча, олма дараҳтларнинг пишган меваси билан овқатланади.

Ҳашаротлар — пашиалар, құнғизлар, асаларилар, арилар, чумолилар, ҳар хил құртлар (ипак құрти, дараҳт құрти, мева құрти ва ҳоказо) ернинг унумдорлигини оширади, ўсимликлар гулларининг чаңгланишида жуда катта роль ўйнайди. Шу билан улар зарар ҳам келтиради. Паشا, чивинлар безгак ва бошқа касалликларни тарқатса, чигирткалар жуда катта майдонданги ҳосилли қириб кетади. Чигирткаларнинг келтирган оғати туфайли аҳолиси оч қолган шаҳар ва қишлоқлар ҳам бўлған.

Айрим халқ хұжалигига ўта фойдали ҳашаротларни (ипак құрти, асалари, ўсимлик битини ейдиган құнғизлар, каналаклар) одамлар ўзлари маҳсус парвариш қилиб күнайтирадилар.

Сарыцары, тукли ари, калтакесак, илон қуйruk, асалари, ипак құрти, хон қизи, чумолилар одамлар ва ўсимликларга катта фойда келтиради.

Асалари ўзининг шифобахш асали билан, ипак қур-

ти ўзининг шоҳи ипаги билан дунёда машҳурдир. Сариқ ари билан тукли ари заарали ҳашаротларнинг тухуми ва қуртини йўқ қиласди. Хон қизи ва унинг қуртлари эса ўсимлик шираси билан овқатланади. Чумолилар қуртларни кўплаб қиради.

Чигирткалар, қўнғизлар, капалаклар, қуртлар ва бошқа ҳашаротлар, ўсимликлар баргини, мевасини ейди, илдизини қирқади ва бошқа турли заарлар келтиради.

Гўнг қўнғиз, ўсимликхўр пашша ва шу кабилар чириган дараҳтлар, ўлган сут эмизувчилар, ҳар хил қолдиқлар, заарли ўсимликлар ва бошқалар билан озиқланиб, ўрмон санитарлари вазифасини бажаради.

Балиқлар — лосос, белуга, осетра, судак, сазань, усач ва бошқалар дарё ва кўллар сувини тозалайди, одамлар, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар учун озиқовқат маҳсулоти ҳисобланади.

Сув ҳаёт манбаидир. Сув одамлар, ҳайвонлар, ўсимлик учун ҳаётий заруратдир. Сувсиз ер юзида ҳаёт ҳам бўлмайди. Сув деҳқончилик, энергетика, балиқчилик хўжалигини ривожлантиришнинг асосий манбаидир.

Планетамиздаги жуда кўп табиий ресурслар — нефть, кўмир, газ, рангли ҳамда қимматбаҳо металлар қайта тикланмайди. Сув ресурслари океан — атмосфера — ер системаси бўйича айланиб туриши жараёнида янгиланиш хусусиятига эга. Табиатда тоза сувни материядан океан ва денгизга, қайтариб қуруқликка ҳайдаб турувчи улкан «механизм» ишлайди. Бу механизми бундан миллион йил аввал қуёш энергияси «ишга» туширган.

Сув — планетамизнинг муҳим ҳаётий шартидир. Сув Ердаги қуёш энергиясини тақсимловчи, иқлимнинг бош ижодкоридир; иссиқлик аккумулятори, улкан ҳаракатлантирувчи, шу билан бирга саноатда, қишлоқ хўжалигида асосий компонент ҳисобланади.

Тупроқ унумдорликдек маҳсус хусусиятга эга. Тупроқнинг унумдорлиги уни ўсимликларнинг ҳаёти учун зарур моддаларга бўлган талабини таъминлашидир. Унумдорлик тупроқнинг кимёвий таркиби, физик хусусияти ва сув билан таъминланиш режимига боғлиқ. Ер юзида ўсуви ҳамма ўсимликлар сув ва озиқни тупроқдан олади. Тупроқ моддаларнинг табиатда айланишида жуда катта роль ўйнайди.

Одам ўзининг келиб чиқиши, моддий ва маънавий талаби билан жонли ҳамда жонсиз табиат билан узвий боғлиқ. Одамнинг биосферада тутган ўрни икки томонлама. У биологик объект бўлиб, муҳитнинг физик омилларига қарам, чунки атроф-муҳитдан нафас олади, овқатланади, модда алмашинади. Аммо, одам табиатдаги бошқа жонзорлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятлар билан ажralиб турадики, у ўз фаолияти билан табиатга таъсир этиб, янги маданий муҳитни яратади ва унинг меҳнат ҳамда маънавий тажрибаси авлоддан авлодга ўтиб боради.

Одам ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилади, уларнинг керакли ҳамда янги навлари ва зотларини кўпайтиради. Шунинг учун кўпчилик маданий ўсимликлар ва ўй ҳайвонлари одам парвариш қилгани сабабли ёввойиларига нисбатан яхши ривожланади, кўп ва чиройли, сифатли ҳосил беради.

Қизил китоб

Мамлакатимизда «Қизил китоб» биринчи марта 1978 йилда чоп этилди. Бу китобнинг ранги ҳам аслида қизил. Бу ранг бежиз танланмаган. Қизил ранг юз берадиган хавфдан дарак беради. Уни яратишдан кўзланган асосий мақсад одам фаолияти натижасида ер юзидан йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларнинг турларини сақлаб қолишидир. Бу китобга йўқолиб бораётган, жуда кам қолган ўсимлик ва ҳайвонларнинг номлари ёзиб борилади. «Қизил китоб»га киритилган ҳамма ўсимлик ва ҳайвонлар сабиқ СССР нинг ҳамма ҳудудларида, жумладан Ўзбекистон жумҳуриятида ҳам муҳофаза қилинади.

Бу қонунни камдан-кам ҳоллардагина қишлоқ хўжалиги Вазирлиги рухсати билангина бузиш мумкин. «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар агар бирон касалга чалиниб, қирилиб кета бошласа, маҳаллий ветеринар ташкилотлар дарҳол қишлоқ хўжалиги Вазирлигини ва давлат санитар назоратини, шунингдек, гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш Давлат Қўмитасини хабардор қилади.

«Қизил китоб», «Ҳайвонларни қўриқлаш ва улардан фойдаланиш» тўғрисидаги Қонунларнинг айrim турлари-

ни эмас, балки бутун ҳайвонот ва ўсимликлар олами-ни муҳофаза қиласи.

«Қизил китоб» давлат ҳужжати ҳисобланади, 1983 йилдан унга йўқолиб бораётган ўсимлик турлари ҳам киритила бошланди.

«Қизил китоб» ҳаракат қилишга чақиравчи спра-вочник — маълумотномадир.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, та-биатдаги ҳамма нарса бир-бирига узвий боғлиқ экан, улардан бирининг камайиши ёки кўпайиб кетиши та-биий мувозанатни бузади, бошқача қилиб айтганда ик-кинчисининг яшаси ва ривожланиши учун хавф туфи-лади.

Табиатда ўзаро тенглик, уйғунлик бўлиши зарур. Ер юзида яшовчи ҳайвонлар, унда ўсадиган ўсимликлар, микроорганизмлар ўзаро ва ундаги неорганик муҳит билан ҳар доим бир-бирининг таъсирида бўлиб туради. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва та-биат бойликларидан фойдаланиш ҳар бир кишининг ҳаётий заруратига айланмоғи лозим. Бунинг учун болаларни ёшлигидан бошлаб табиий манбалардан асрар-авайлаб фойдаланишга ўргатиш лозим.

ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ХИЛЛАРИ

Болалар боғчасида болаларни табиат билан таништиришнинг қуидаги усулларидан фойдаланилади: кўргазмали (кузатиш, расмларни кўриш, диафильм ва кинофильмларни намойиш қилиш), амалий (ўйин тарзида, меҳнат, оддий тажрибалар, вазиятлар яратиш), оғзаки (тарбиячининг ҳикояси, сўзлаб, тушунтириб бериши, бадиий асарларни ўқиб бериши, болалар билан суҳбатлашиши, шеърларни ўқиб бериши).

КЎРГАЗМАЛИ УСЛУБЛАР

Кузатиш — мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим беришнинг етакчи услубларидан бири ҳисобланади. Кузатиш, таълимий ва тарбиявий вазифаларни амалга ошириш мақсадида тарбиячи-педагог томонидан ташкил этилади ва болалар боғчасида кенг қўлланила-ди.

Кузатини — мураккаб билиш фаолияти бўлиб, унда идрок, тафаккур ва нутқ иштирок этади, барқарор диққат талаб этилади. Болаларни табиат билан таништиришидаги билиш вазифаларига кўра тарбиячи кузатишнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади. Таълимий ва тарбиявий вазифага кўра кузатиш узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши, табнатдаги мавсумий ўзгаришлар ҳақидаги билимларнинг жамғарилиши учун кузатишнинг анча мураккаброқ тури — узоқ муддатли кузатишлардан фойдаланилади, бунда болаларга объектнинг кузатилаётган ҳолатини илгаригиси билан қиёслашга тўғри келади.

Кузатиш предметнинг айрим белгисига кўра унинг ҳолатини аниқлаш (масалан, ўсимликнинг ташқи кўринишига қараб суфориш, озиқлантириш, иссиқлик, ёруғлик билан таъминлаш, тагини юмшатиш, аквариумдаги балиқларнинг хатти-ҳаракатига кўра сувни қисман алмаштириш зарурлигини аниқлаш ва ҳ. к.). Кузатишлар тарбиячи томонидан болаларни ўсимлик ва ҳайвонлар, об-ҳаво билан, катталарнинг табиатдаги меҳнати билан таништиришда ва шунга ўхшашларда ташкил этилади. Кузатишлар машғулот ва экскурсияларда, сайдарда, табиат бурчагида олиб борилади. Тарбиячининг кузатишга қанча болани жалб этиши кузатишнинг мазмуни ҳамда тарбиячи ўз олдига қўйган вазифага боғлиқ бўлади.

Кузатиш болаларнинг ақлий фаоллигида ўтиши, уларни фикр юритишга, қўйилган масалаларга жавоб топишга ундаши, уларни табиат ҳодисаларини билиб олишга бўлган қизиқишини ўстириши, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тарбиялаши, уни янада гўзаллаштириш табиат бойликларини кўпайтириш учун фаол ҳаракат қилишга иштиёқ уйғотиши лозим.

Кузатишни шундай ташкил этиш керакки, болалар табиатни билиб олишларига самарали таъсир кўрсатсин. Кузатишни болаларни ҳайвонлар ва ўсимликларни парвариш қилиш бўйича амалий фаолият (қушларга дои бериш, йўлкаларни қордан, ҳазондан тозалаш, дарахт ва буталар танаси атрофига қорларни тўплаш, ўсимликлар экиш, суфориш, бегона ўтлардан тозалаш) билан қўшиб олиб борилса, яхши натижага эришиш мумкин.

Одамларнинг ғамхўрлигига қушлар ўзининг сайра-

ши билан миннатдорчилек билдиради. Болалар қүшларни парвариш қилаётисиб, улар тұғрисида жуда күп нарасаларни билиб олишлари мүмкін. Қүшлар ўзининг фақат чиройли күриниши, ёқимли сайраши билан кишиларни мафтун этиб қолмай, шу билан бирга улар табиат санитарларидир. Улар жуда күп зааркунанда ҳашаротлар билан овқатланадилар. Құкраги сариқ читтаклар жуда ишонувчан ва вафодор қушча. Агар уларни қишишінде бүйір овқатлантириб турилса, улар одамга ўрганиб қолади ва баҳорда ҳам у ердан учеби кетишмайды.

Йилнинг ҳар бир фасли ўзгача таровотга эга. Баҳорда ва ёзда болалар дарахтлар, буталар ва бошқа ўсимликларнинг уруғларини сепадилар ҳамда күчатлар үтқазадилар, ўсимликнинг теварак-атрофини юмшатадилар, вақт-вақти билан сув қуйиб, бегона үтлардан тоғалайдилар, озиқлантириб борадилар. Шу йўсинда иш олиб бориб, улар ўсимликларнинг униб чиқишини, барг ёзишини, гуллашини, мева туғиши ва пишиб етилишини кузатиб борадилар. Кузатиш ва экскурсия пайтларида очилиб турган гулларни узишлари, ниначи ва ҳар хил қўнғизларни тутиб чўнтакларига ёки қутичаларга солиб олишлари мүмкін. Оқибатда гуллар сўлиб, ниначи ва қўнғизларнинг қанотлари узилиб, оёқлари синади. Болаларга бундай бемаъни ишлардан ўзларини тийиб туришга ўргатишимиш ва бу ёмон оқибатларга олиб келишини тушунтишимиз керак. Масалан, болаларга бундай дейиш мүмкін. Ниначилар чивинлар билан овқатланади, бу билан улар одамларни ҳар хил юқумли касалликлардан сақладайди. Чунки чивинлар одамларни чақиб, касаллик юқтиради. Қапалакларни ҳам тутиш керак эмаслигини, уларнинг табиат қучофида гулдан-гулга ўтиб, учеби юрганини, уларнинг ҳар хил ранглар билан товланадиган қанотларининг чиройлилигини кузатиб завқланиш кераклиги ҳақида, бундан ташқари уларнинг кўпчилиги гулларни чанглатиши ва натижада ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ортиши ҳақида тушунтириши лозим. Бунинг учун тарбиячи ўзи ўта кузатувчан бўлиши, ҳашаротлар дунёси биологиясини, қайси ҳашарот қаерда, қандай шароитда яшашини, нима билан овқатланишини, қандай фойдаси ва қандай зарари борлигини яхши билиши керак.

Болаларга чумолиларни ўлдириш, уясини бузиш керак эмаслиги, улар кўплаб заарли ҳашаротлар билан

овқатланиши ва тупроқни юмшатиши, шу билан улар ўсимликларнинг ўсиб чиқиши ва яхши ривожланиши учун шароит туғдириши ҳақида ҳам тарбиячи болаларга ҳикоя қилиб бериши лозим. Тарбиячи болалар билан чумолининг уясини кузатади. Уларни ҳамжиҳатлик билан уясини тозалаётганини, уясидаги донларни ташқарига олиб чиқиб офтобда қуритаётганини ёки уясига донларни, бошқа овқатларни ташиб кетаётганини биргалиқда кузатади. Кузатишни ташкил этишда қуйидагиларга риоя этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Кузатишдан кўзлаинган мақсад ва вазифа болалар учун аниқ бўлсени.

2. Кузатиш жараёни планиравишда, маълум изчилик билан амалга оширилиши керак. Масалан, тарбиячи болалар билан ҳайвонларни кузатаётганда, энг аввало уларниң эътиборини ҳайвоннинг хатти-ҳаракатига қаратади. Нима қиляпти? Нимани еяпти? Қандай сайди? Қейин ҳайвоннинг ташқи белгилари кўриб чиқилади: ташаси қандай, нима билан қопланган? Оёқлари қандай? Узуими ёки қисқами?

Ўсимликларни кузатиш уларниң энг ёрқин, кўзга ташланадиган белгиларини кўрсатишдан бошланади. Ўсимликиниң гули ёки барги шунга ўхшаш белгилардандир. Ана шундан сўнггина ўсимликнинг ташқи тузилишиндаги хусусиятлари аниқланади: катталиги, шакли, пояси (ёки танаси) кўриб чиқилади. Такрорий кузатишлар бевосита асосий вазифани ҳал қилишдан бошланади.

3. Кузатиш обьектини танлашда болаларнинг ёши, билим доираси эътиборга олиниши керак. Кузатадиган обьект катта бўлмаслиги ва маълум даражада аниқ бўлини зарур.

4. Кузатиш болаларнинг ақлий активлигини уйғотадиган, мустақиллигини таъминлайдиган қилиб ташкил этилиши шарт. Кузатишда хилма-хил усууллар (болаларниң ёшларини назарда тутиб): саволлар, топшириқлар, предметни синааб кўриш, қиёслаш, солиштириш, ўйни ва меҳнат ҳаракатларидан фойдаланилади.

5. Кузатишдан олаётган таассуротни тарбиячи аниқ сўзлар билан тушунтириш орқали тўлдириб боради. Бу кузатилаётган обьект тўғрисида тўлароқ тасаввурни шакллантиради, болаларнинг луфатини бойитади, актив пурқи ўсади.

Болаларда қизиқини, кузатишга нисбатан эмоционал

хис уйғотиши, предметларни эстетик идрок этилишнин таъминлаш мақсадида педагог кичкин тойлар билан олиб борадиган таълим-тарбиявий ишларда шеърлардан, фольклорнинг кичик формасидан, катта гуруҳ болалари билан эса машғулотлар якуннида бадиий асарларни ўқишидан ҳам фойдаланса бўлади.

Кузатиш жараёнида тарбиячи болаларга гулларни беҳуда юлмаслик кераклигини, чунки, гулдан мева туғиши, мевасидан яна шундай ўсимлик ўсиб чиқиши, акс ҳолда бундай ўсимликлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги тўғрисида, ҳатто кўпчиликка кераксиздек кўринган ёввойи ўт ўсимликларидан одамларнинг соғлиғи учун жуда зарур ва фойдали бўлган дорилар олинишини, уларнинг барги, меваси билан кўпчилик ҳашаротлар, ҳайвонлар, қушлар овқатланишини тушунтириб беради.

Уйда парвариш қилиш учун шароит бўлмаса, айрим ҳайвонларни уйга олиб келиш керак эмас (тошбақа, типратикон, жўжа, балиқчалар ва ҳ. к.) чунки шароитнинг йўқлиги натижасида болада ҳайвонга нисбатан бефарқлик юзага келади, бола уни ё ташлаб юборади ёки очидан ўлиб қолади. Баъзан болалар баъзи бир ҳайвонларни улардан қўрқанидан ўлдириб қўяди. Шунинг учун катталар болаларга она табиатнинг гўзаллигини кўрсата билишлари, ундан келадиган фойда табиатда ўз-ӯзидан мавжуд эмаслиги, табиатдаги мавжуд нарсаларнинг ҳаёти, ривожланиши бир-бирига бевосита боғлиқ эканлигини тушунтиришлари зарур. Ер юзидағи жонзорлар ичидаги одамлар ақлли, шу билан бирга, раҳмсиз бўлиши ҳам мумкинлигини, энг ваҳший ҳайвонлар ҳам одамдан қочиб қутилолмаслигини, ҳайвонлар ва ўсимликлар ўзини ўзи ҳимоя қилолмаслиги ҳақида, шунинг учун уларни асраб, авайлашимиз ва ҳимоя қилишимиз кераклиги ҳақида болаларга тушунтириб бериш лозим.

Жумҳуриятимизнинг иқлим шароити айрим иссиқсевар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим ахамиятга эга эканлигини билиб олишлари учун боғча майдончасидан жой ажратиб ерга ишлов бериш, пахта ўсимлигининг чигитини ўтқазиб, унинг ҳосили етилгунга қадар парвариш қилиш, ўсиши ва ривожланишини кузатиб бориши самарали натижага беради.

Боғча майдончасидаги гулзордан маълум жойни ажратиб, болалар билан гулларнинг ўсиши ва ривож-

ланишини ҳамда вақтга ва об-ҳавога қараб ўзгаришини кузатиш мумкин. Бундай кузатишлар болаларда катта қизиқиши уйғотади ва уларни асраб, авайлаш учун табий хоҳиш юзага келади. Улар бундай кузатишлар натижасида табиат қонуилари, табий ҳодисаларни бир-бiri билан боғлиқ эканлигини осонлик билан англаб оладилар.

Момоқаймоқ — ўтлоқ қүёші, қүёш катта қора булутлар ортига яшириниши билан бошини яшил рўмоли билан ёниб олади. Йола — ҳар гал ёмғир ёғишидан олдин гуллари юмилиб қолади. Ёмғир ёғишидан олдин карнай гулининг қалин баргида сув томчилари пайдо бўлади. Тугмачагул, бинафша, беда гулининг гуллари ёмғир ёғишидан олдин юмилиб қолади.

Қўп гуллар маълум вақтда очилиб юмилади. Уларнинг очилиш ва юмилаш вақти шунчалик аниқки, шунга қараб вақтни аниқлаш мумкин. Масалан: наъматак соат 5⁰⁰ да очилади, соат 20⁰⁰ да ёпилади. Қоқиўт соат 6⁰⁰ да очилади, соат 14—15⁰⁰ да ёпилади. Лола соат 9⁰⁰ да очилади, соат 17⁰⁰ да ёпилади. Печакгул соат 8⁰⁰ да очилади, соат 17⁰⁰ да ёпилади ва ҳоказо.

РАСМЛАРНИ ҚУРИШ, КИНОФИЛЬМЛАР ВА ДИАФИЛЬМЛАРНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ

Кўргазмали методлар гуруҳига болалар билан берга расмларни кўриш, диапозитив ва кинофильмларни намойиш қилиш ҳам киради.

Расмларни кўриш табиат ҳодисаларини батафсилроқ кўриш, диққатни узоқ муддат шуларга қаратиш имконини беради. Бунда айниқса, бевосита кузатиш имкони бўлмаган нарса ва ҳодисаларни масалан ёввойи ҳайвонлар, бошқа ўлкаларнинг табиати билан болаларни асосан расмлар орқали таништириш мумкин. Бунинг учун тарбиячи дидактик сюжетли, предметли ҳамда бадиий расмлардан фойдаланади.

Дидактик сюжетли ва предметли расмлар болаларга таълим беришда кўргазмали восита сифатида маҳсус яратилгандир. Чунончи, «Йилнинг тўрт фасли», «Үй ҳайвонлари», «Ёввойи ҳайвонлар», «Ўтсимон ўсимликлар» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Болалар боғчасида амалга ошириладиган таълимтарбиявий ишларда И. Левитанинг «Олтин куз», А. Саврасовнинг «Қора қарғалар учиб келди», А. Риловнинг «Яшил шовқин», М. Кончаловскийнинг «Лола-

қизғалдоқлар», А. Күнинининг «Қайнизор», Н. Шинкиннинг «Қиши» каби расмларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Болаларни табиат билан таништириш ниндида китоб графикасидан (Е. Чарушин, Е. Бианки, Ю. Васнецов, А. Кострова ва бошқаларнинг иллюстрацияларидан) ҳам фойдаланилади. Болалар эгаллашлари лозим бўлган билимларни яхши англаб, ўзлаштириб олишларидан мактабгача тарбия муассасаларида техник воситалардан фойдаланиш яхши самара беради.

Техник воситаларга аппаратура, маҳсус яратилган дидактик материаллар ва қўлланмалар — диафильмлар, диапозитивлар серияси, грампластинкалар, магнит ёзувлари, кинофильмлар, радио ва телевизорлар, яъни эркин-тovушли воситалар киради.

Техник воситалар кучли тарбиявий ва таълимий таъсирга эга, чунки воқеалар ранг-баранглиги, ривожланиши ва динамикаси билан намоён бўлади. Болаларнинг анализаторларига бирданига таъсир этади ва болада ҳар хил ҳисларни уйғотадики, болалар воқеа-ҳодисаларни солиштирадилар, анализ қиласидилар, таққослайдилар.

Экран-тovушли воситанинг болаларнинг бирданига кўпгина сезги органига таъсир этиши натижасида анализаторлар ўртасида вақтинча боғланиш юзага келади, бу ижодий эмоционал ҳисни уйғотади, иш қобилияти кўтарилади. Эркин-tovушли воситалар уч гуруҳга бўлинади: экранли (диафильмлар, диапозитивлар, овозсиз кинофильмлар); товушли (радиоэшиттириш, грампластинкалар, магнит ёзувли ленталар); экран товушли (товушли кинофильмлар, диапозитивлар).

Кўпчилик диафильмлар «Болалар боғчасида таълим-тарбия программаси» асосида ишлаб чиқилган. Диафильм ва диасериялар тарбиячига программа мазмунини маълум система асосида болаларга қизиқарли қилиб етказишга ёрдам беради.

Кичик группа болаларига эртак ўқиб берилаётганда, ҳикоя айтиб берилаётганда, шеър ёдлатилаётганда, сұхбатлар ўтказилаётганда ундаги воқеаларга қизиқиши ўстириш, фикрлаш фаолиятини активлаштириш, бадиий асарлар тўғрисида образли тасаввурга эга бўлиш учун диафильм ва диапозитивлардан фойдаланилади.

Болаларга ҳаётда кўрсатишнинг имкони бўлмаган

воқеа-ҳодисаларни (ўсимликнинг ўсиши, денгизнинг кўтарилиб пасайиши, тўлқинланиши, қушларни учиб кетиши ва келиши, вулқонларнинг отилиши, ҳайвонларнинг сакраши, қушларнинг сайраши, тепаликдан тушаётган сувнинг шариллаши ва шу кабилар) намойиш этишда телевидениенинг имкониятлари чексиздир. Намойиш этиладиган телекўрсатувлар орқали табиат обьектлари, воқеалари ва унда юз бераётган жараёнлар, ранги ҳамда ривожланш динамикасини товушларнинг жўрлигига кўриш мумкин, натижада ўсимлик ва ҳайвонот олами тўғрисида тўла тасавур ҳосил бўлади, табиатдаги ўзаро боғлиқликларни чуқурроқ англаб оладилар.

Радио орқали бериладиган «Эртаклар оламига саёҳат» ўйин эшилтириши орқали болалар у ёки бу ўлканнинг табиати, ундаги халқларнинг урф-одати билан таништирилади, ахлоқий сифатлари тарбияланади ва ҳоказо.

Аммо, шуни унутмаслик керакки, экран-товушли во-ситалар болалар билан олиб бориладиган анъанавий экспурсия, мақсадли сайр, кузатиш ва бошқалар ўрнини босолмайди ва аксинча, ўқув, ўйин ва амалий фоалиятларини тўлдириш учун қўлланилади.

АМАЛИЙ МЕТОДЛАР

Болаларни табиат, ундаги воқеа ва ҳодисалар, унда-ти ҳайвонлар ва ўсимликлар тўғрисидаги билимларини, тасаввур ва тушунчаларини кенгайтириш, аниқлаш, ҳамда эгаллаган билимларини ижодий ўзлаштириб олишлари ва мустаҳкамлаш ҳамда системага солишда болалар боғчасида турли-туман ўйинлардан фойдаланилади. Болалар боғчасидаги таълим-тарбиявий мақсадларда қўлланиладиган дидактик, ҳаракатли, ижодий ўйинлар шулар жумласидандир.

Болаларни табиат билан таништиришда табиий материаллар билан ўйналадиган дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мева ва сабзавотлар, дарахт ва буталарнинг новдаси, гули, барги, гуллаб турган ўт ўсимликлари ва хона ўсимликларидан фойдаланиш мумкин.

Табиат билан таништириш бўйича ўйналадиган дидактик ўйинларни табиий шароитда шунингдек, группа хонасида ўтказилиши ҳам мумкин. Боғда, далада, истироҳат боғида ўтказиладиган дидактик ўйинларни маҳ-

сус жиҳозлаш талаб этилмайди. Аммо, тарбиячи үйин үтказадиган жойни танлашда болаларни таништирумокчи бўлган ўсимлик бор жойни танлаши ва бу ўсимликлар болаларни таништириш учун қулай бўлиши керак.

Табиий шароитда үтказиладиган дидактик үйинларда болалар тез чалғыйди, шунинг учун тарбиячи ҳамма болаларнинг диққатини қўйилган вазифани бажаришга жалб қила оладиган үйин формаларидан фойдаланиши зарур.

Болаларни сабзавот ва мевалар билан таништириш бўйича қўйидаги дидактик үйинларни үтказини мумкин: «Кўрсатган нарсамни топ», «Нимани номини айтсан, шуни кўрсат», «Ажойиб халтача», «Нима тўғрисида сўзлаётганимни топ» ва ҳоказо.

Болаларни ўсимликлар билан таништирувчи үйинларга қўйидагилар киради: «Шундайини топ», «Ўсимликни номига қараб топ», «Айтган ўсимлигимни топинг», «Таърифлаган ўсимлигимни топ», «Нокни, олмани, олчани ким тезроқ топади», «Баргига қараб топ», «Мевасига қараб топ», «Танасига қараб топ», «Уруғига қараб топ» ва ҳоказолар.

«Зоология лотоси», «Ботаника лотоси», «Йилнинг тўрт фасли», «Мевалар» каби стол босма үйинлари ҳамда «Нима учади, сакрайди, югуради», «Сувда, ҳавода, ерда» каби оғзаки дидактик үйинлар ҳам болаларни у ёки бу ўсимликлар, ҳайвонлар, жонсиз табиат ҳодисалари тўғрисидаги билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш ва системалаштириш мақсадида үтказилади. Бу үйинлар диққатни, зеҳнлиликни, равон нутқни ҳам үстиради.

Ҳаракатли үйинлар. Табиатшунослик характеридаги бу үйинларда ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати, уларнинг ҳаёт тарзига тақлид қилиш билан боғлиқ бўлиб, баъзиларида жонсиз табиат акс эттирилади. «Она товуқ ва жўжалари», «Мушук ва сичқонлар», «Қуёш ва ёмғир», «Бўрилар ва қўйлар» үйинлари шулар жумласидандир.

Ижодий үйинлар. Үйинда болалар машғулот, экскурсия, мақсадли сайдир, кундалик ҳаёт жараёнида олинган таассуротларни акс эттирадилар.

Бундай үйинлар болаларни янги билим, малака ва кўникмаларга ўргатмаса-да, бунда тарбиячи болаларнинг үйинларини кузатиш орқали болалар қайси билимларни етарли эгалламаганликларини, қайсиларини

яна аниқлаш, кенгайтириш лозимлигини билиб олади ва ўзининг таълим-тарбиявий ишида болаларнинг билимларини бойитиб, тасаввурларини кенгайтириб боради. Табиатдаги меҳнат жараёнида болаларда табиатга нисбатан эҳтиёткорлик, ғамхўрлик муносабатлари шакллантирилади.

Болалар ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилар эканлар, унинг зарурлигига ишонч ҳосил қиласидилар. Табиатдаги меҳнат жараёнида тарбиячи болаларни сенсор ривожланишига эътибор бериб бориши керак.

Меҳнатнинг мақсад ва натижаларига эришиш предметларнинг сенсор белгиларини назарда тутишга ўргатади. Масалан, ўсимликнинг сувга муҳтожлигини аниқлаш учун унинг ҳолатини, барги ва поясининг эластиклигини, пишиқлигини ёки унинг сўлғинлиги, юмшоқлигини; тупроқнинг ҳолатини, унинг намлиги, зичлиги ва шу кабиларни ҳисобга олиш керак.

Меҳнат жараёнида болалар ўсимликларнинг ҳолати уларнинг ёруғликка, намлика, иссиқликка, яхши тупроққа бўлган эҳтиёжининг қондирилишига боғлиқ эканлигини билиб оладилар. Бундан ташқари табиатдаги меҳнат жараёнида болалар ўсимликларнинг хусусиятлари ва сифатлари, уларнинг тузилиши, эҳтиёжлари, ривожланишининг асосий босқичлари, уларни ўстириш усуслари, ҳаёт тарзлари ва мавсумий алмашиниш натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг ташқи тузилиши, ривожланишида юз берадиган ўзгаришлар тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Болалар ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиниш орқали улар тўғрисида кўпроқ билимга эга бўладилар, уларни парвариш қилиш бўйича меҳнат, малака ва кўникмаларни эгаллаб борадилар, булар ҳаммаси болаларда табиат сирларини кўпроқ билишга қизиқиш ва синчковликни, уларни асраб-авайлашни тарбиялайди.

Элементар тажрибалар табиат, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқа ҳамда боғлиқликларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Тажриба махсус ташкил этилган шароитда ўтказиладиган кузатишидир.

Тажриба узоқ муддатли қиёслаш ёки қисқа муддатли кузатиш тарзида ўтказилиши мумкин. Масалан, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши табиий омилларга ва киши парваришига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги тасаввур ҳамда тушунчани болаларда шакллантириш

мақсадида ҳар хил шароитда ўсган бир хил ўсимликин (пахта, мевали дараҳт, ёввойи ўт ва шунга ўхшашлар) қиёслаб кузатиш; бирон 1-2 йиллик ўсимликинг уруғини майдончада ва гуруҳ хонаси шароитида экиб то мева бергунча қиёслаб кузатиб бориш. Бир майдонни, яъни боф ёки ўтлоқни йилнинг ҳар хил фаслларида қиёслаб кузатиш ва ҳоказолар.

Оғзаки методлар. Болаларни табиат билан таништиришда, унга нисбатан фаол муносабатни тарбиялашда тарбиячининг тушунтириши, сўзлаб, ўқиб, ҳикоя қилиб бериши, шеърларни ифодали ўқиши, халқ мақол ва масалларидан ўринли фойдаланиши, суҳбат каби оғзаки методларнинг роли бекиёсdir.

Ҳайвонлар, ҳашаротлар ва қушлар ҳаёти одамни ҳайвонлар билан дўстлиги тўғрисида ёзилган ҳикоя ва эртакларни, шеърларни, топишмоқ, мақол ва шунга ўхшашлардан фойдаланиш, табиат тўғрисидаги кинофильм ва телекўрсатувларни болалар билан биргаликда томоша қилиш болаларда улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳиссини уйғотади.

Бадиий адабиётдан ҳар хил фойдаланиш мумкин: кузатишдан олдин ва кузатишдан кейин. Кузатиш жарёнида шеърни ифодали ўқиши болалар онгига ва болалар ҳиссига катта таъсир кўрсатади. Болалар табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни тарбиячининг тушунтириши, сўзлаб бериши, бадиий адабиётларни ўқиб бериши ва шунга ўхшашлар орқали билиб оладилар. Шу билан бирга оғзаки метод кўргазмали методлар билан қўшиб олиб борилганда болаларнинг тасаввур ва тушунчалари аниқроқ ва тўлароқ бўлади. Оғзаки методлар болаларни керакли билимлар билан қуроллантирибгина қолмай, бу методлар билан болаларнинг табиат ҳақидаги билимлари системалаштирилади ва умумлаштирилади, табиатшуносликка оид тушунчалари шакллантирилади.

МАҚТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ЙУЛЛАРИ

Болаларни табиат билан таништиришнинг хилмажил йўллари мавжуд. Машғулотлар ўтказиш, ўйинлар ўйнаш, экспурсия, меҳнат, кундалик ҳаёт шулар жумласидандир. Машғулотлар болаларга таълим ва тарбия беришининг асосий воситаси ҳисобланади. Дастурда белгиланган билим ва малакаларни тарбиячи таълим та-

мойиллари асосида болалар ўзлаштира оладиган қилиб ташкил этади.

Кундалик ҳаётда кузатиш, ўйин, меҳнат вақтида болаларнинг шахсий билимлари йиғилиб боради. Машғулотлар уларни аниқлаш ва системалаштириш имконини беради.

Машғулотларнинг айримларида бошланғич билимлар шакллантирилади. Бунинг учун тарбиячи кузатиш, расмларни кўриш, бадиий асарларни, ҳикояларни ўқиш, диафильм ва шунга ўхшашларни кўрсатишдан фойдаланади. Бошқа машғулотларда эса билимлар аниқланади, кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади. Машғулотнинг бу хилида суҳбатлар, дидактик ўйинлар, умумлаштирувчи сўзлардан, болаларнинг табиатдаги меҳнатидан фойдаланилади. Барча гуруҳларда машғулотларга қўшимча сифатида мақсадли сайдирлар ўтказилди.

Экскурсия. Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни табиат билан таништиришда таълим беришнинг ташкилий формаларидан бири экскурсиядир. Экскурсия жараёнида болалар она табиат тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Бу тасаввур табиатни кўриш, эшитиш, сезишиб орқали идрок этилади. Экскурсия жараёнида мактабгача ёшдаги болаларда табиат, ундаги боғлиқлик ва унинг қонуниятлари тўғрисида реалистик тасаввурлар ҳосил бўлади. Бу тушунчалар кейинчилик болалар эгаллайдиган илмий билимларнинг асосини ташкил этади, мактабда ўрганиладиган табиий фанларни ўзлаштириб олишни осонлаштиради. Табиат тўғрисидаги билимлардан бехабар бўлиш кўпинча ўсимлик ва ҳайвонотларга нисбатан нотўғри, баъзи ҳолларда эса бераҳм ва шафқатсиз муносабатда бўлишга олиб келади. Экскурсия болаларни табиатни ўзига хос ҳодиса ва воқеалари билан таништирибгина қолмай, балки шу билан бир қаторда инсонларни теварак-атрофдаги ўзгартирувчи фаолиятининг натижалари билан ҳам таништириб борилади. Бу эса кишиларнинг яратувчилик фаолиятига ҳурматни тарбиялайди ва унда қатнашиш хоҳишини уйғотади, ўз ўлка табиатидан, унда яшовчи меҳнат аҳлидан ғуурланиш ҳиссини мустаҳкамлайди.

Табиатга экскурсия болаларда ахлоқий ҳисларни шакллантиради. Табиатдаги биронта янги воқеа, ҳодисани кузатаётуб болада қувониш, завқланиш ҳисси

найдо бўлади. Бундай ҳислар болаларни бир-бирига яқин бўлишга ундаиди, жамоага бирлаштиради. Бонка фаолиятлардаги каби экспурсияда ўзининг хули қондаси борки, бу қоида болаларни ўзларини интизомли тутишларини талаб этади. Ҳар хил топшириқларни бажариш вақтида (қушларни боқиш учун ёвойи ўтларнинг уруғини йиғиш) топшириққа нисбатан жавобгарлик ҳиссини, эҳтиёткорликни, аниқ ҳаракат қилишини тарбиялайди.

Катта гурӯҳ болалари билан табиатга уюштирилган экспурсия пайтида болалар ўzlари яшаётган ўлка табиатини яхшироқ билиб оладилар. Тарбиячининг болалар диққатини аниқ нарсаларга жалб қилиш мақсадида берган саволлари, қисқа муддатли тушунтиришлари, болаларни қизиқтирган саволларига яхши ўйлаб берган жавоблари муҳим аҳамиятни касб этади.

Экспурсия пайтида болалар билан ҳайвонлар ва ҳашаротлар ҳаётини, фаолиятини, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини, уларда юз берадиган ўзгаришларни кузатиш мумкин. Экспурсия вақтида донхўраклар осиш мумкин, бехос ташланган гугуртдан ёна бошлигаган ўтлоқни ўчириш мумкин ва ҳоказо.

Катталар раҳбарлигига ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш ва ўстириш бўйича ташкил этилган болаларнинг амалий воситалари уларда теварак-атрофдаги табиатга нисбатан қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялашда, уларда ўсимлик ва ҳайвонларни асраб-авайлаш, уларни янада кўпайтириш истагини уйғотишда бебаҳо воситадир. Тўғри ташкил этилган *фаолият*, маҳсус ташкил этилган *вазиятлар* орқали болалар моддий дунёнинг ранг-баранглигини, ундаги ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётида ҳар доим юз бериб турадиган ўзгаришларни билиб оладилар. Бу ўз навбатида уларда табиат ва унинг аҳамиятини яхшироқ англаб олиш, уларга нисбатан эҳтиёткорлик муносабатини тарбиялайди.

Юқорида тилга олинган барча методлар ва усуллар болаларда табиатга нисбатан қизиқиш уйғотади, уларни янада синчковлик билан кузатишга, кузатаётган нарса устида чуқурроқ ўйлашга, фикр, билим доирасини кенгайтиришга, ҳар хил табиий воқеа, ҳодисаларни сўз билан чиройли қилиб тўғри ифодалаб беришга ўргатади.

ҚУНДАЛИК ҲАЁТДАГИ ИШЛАР

Тарбиячи болаларнинг кун давомидаги ҳаётини ҳар хил йўллар билан ташкил этиш билан бирга таълимий ишларни ҳам амалга ошириб боради. Болалар билан қорнинг эриши, куртакларнинг бўртиши, майсанинг пайдо бўлиши, ҳашаротлар, паррандалар, ҳайвонлар ҳаётида, хатти-ҳаракатида, хулқида, ташқи кўринишида юз берадиган ўзгаришлар кузатилади. Бундай кузатиш олдиндан пухта ўйланган бўлиши, тарбиячи уни болаларнинг ҳисси ва ақлига таъсир этадиган қилиб ташкил этиши лозим. Бундай кузатишлардан тарбия ёшидаги болаларнинг сезги тажрибаси ортади, улар табиат ҳодисаларини барча алоқа ва муносабатларни табиий шароитларда кўрадилар. Сайрлар болаларга катта қувонч, табиат қучоғида бўлиш эса лаззат баҳш этади. Сайрларда болалар диққатини мавсум ўзгариши билан ўсимликлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар ҳаётида, хатти-ҳаракатида, ташқи кўринишида юз берадиган ўзгаришларга жалб қилиш, солишириб аниқлаш, юз берган ўзгаришларни сўз билан ифодалашга ўргатиш болаларда билимга қизиқишини уйғотади, синчковликка ўргатади, кузатувчанликни ўстиради, болалар тафаккурини пешлайди.

Сайрлар вақтида болалар тарбиячи раҳбарлигида ўсимликларни суғориш, озиқлантириш, ерни юмшатиш каби ишларни бажарадилар, тарбиячи билан биргаликда эса экиш, ҳосилни йиғиш каби ишларни бажарадилар. Вақт-вақти билан тарбиячи болаларга улар ёқтирган бадиий асарларни ўқиб ёки ҳикоя қилиб берадилар.

Болаларни табиат тўғрисидаги билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ҳар хил дидактик ва ҳаракатли ўйинлардан ҳам фойдаланилади.

ТАБИАТ БУРЧАГИДАГИ ИШЛАР

Табиатга муҳаббат, унга эҳтиёткорлик муносабатини, ўсимлик ва ҳайвонларга ғамхўрликни тарбиялаш ва шулар орқали табиатга қизиқиши, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, табиатни сақловчи ва унинг бойликларини кўпайтирувчи, катталарнинг меҳнатига ҳурматни тарбиялаш каби вазифаларни амалга оширишда табиат бурчагининг аҳамияти каттадир.

Табиат бурчагининг муҳим томони яна шундаки, уни болалар ҳар куни кўрадилар. Тарбиячи раҳбарлигида

бодалар табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларин системали равищда кузатиб ва парвариш қилиб борадилар. Натижада ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг рағбаранглиги, уларнинг ўсиши ва ривожланиши, улар учун қандай шарт-шароитлар кераклиги тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни эгаллаб борадилар. Тарбиячи болаларни солиштирма анализга ўргатади, ҳайвон ва ўсимликларни бир-бири билан солиштириш орқали улар ўртасидаги умумийлик ва фарқларни, уларга хос белги ва хусусиятларни билиб оладилар. Тарбиячи болаларнинг диққатини ўсимликларнинг чиройли гуллашига, баргларининг шакли ва тусига, аквариумдаги баълиқларнинг чиройли кўриниши ва чаққон ҳаракатига жалб этади. Натижада болалар бу гўзалликларни қўзлари билан кўриб, қалблари билан ҳис этишга, гўзаликдан қувонишга ўрганадилар ҳамда уларнинг эстетик диди ўсади.

Болалар табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни тарбиячи раҳбарлигига системали равищда кузатиб, парвариш қилиб боришлиари натижасида маълум малақа ва кўникмаларни ҳам эгаллаб оладилар, уларга нисбатан барқарор қизиқиши ва ғамхўрлик ҳисси уйғонади.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништиришда педагог олдида қўйидаги вазифалар туради:

болаларда ижобий ҳис-туйғуни, ҳозиржавобликни тарбиялаш ва табиат гўзаллигини тушуна билиш, эстетик ҳисларни шакллантириш;

она табиатни билишга қизиқиши уйғотиш, ўз ўлкасининг табиатига хос нарсалар тўғрисида кўпроқ билишга интилишни ўстириш;

табиатга эҳтиёткорлик муносабатини шакллантириш, унинг бузилишидан сақлаш, имкони бўлса, унинг янада гуллаб яшнаши учун ўз ҳиссасини қўшиш, бундан ташқари қўлидан келган меҳнати билан бу жараёнда қатнашиш хоҳишини уйғотиш, яъни педагог ва катталар болаларни табиат билан таништираётуб, уларни у ёки бу объект тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини бойитибина қолмай, балки шу билан бир қаторда шу орқали ҳар бир бола қалбida инсонпарварларлик, раҳмдиллик, эстетик ҳисларнинг фаол намуналарини тарбияламоғи зарур.

Болаларда теварак-атрофдаги борлиққа нисбатан ижобий ҳис-туйғуни уйғотиш уларда барқарор ва чу-

құр қизиқиши тарбиялаши лозим. Бу болаларни кела-жакдаги яратувчилик фаолиятига тайёрлайди.

Табиат гүзаллиги, унда меңнат қилаётган кишилар фаолиятининг натижасидир. Шунинг учун болаларни табиатни асраб-авайлаб, унинг бойликларини күпайтираётган кишилар меңнати билан таништириш мақсадға мувофиқдир.

Болаларниң табиатта меҳр-муҳаббатини ўсимлиklärар ва ҳайвонларни парвариш қилиш, уларни асраб-авайлаш бўйича меңнат фаолиятларини ташкил этиш билан бирга қўшиб олиб бориш керак. Тарбиячи болаларни табиат билан таништириш ишини уларниң ёш хусусиятлари, педагогик, физиологик имкониятларини ёътиборга олган ҳолда ташкил этади.

ИЛҚ ЁШДАГИ БОЛАЛАР ГУРУХИ

Икки ёшга қадам қўйган болаларда ахлоқий ҳисларниң дастлабки куртаклари шакллана бошлайди. Катталарниң хулқи, уларниң болага, унинг хатти-ҳаракатларига бўлган муносабатлари бола учун хулқ программаси мезони бўлиб хизмат қиласди. Болани теварак-атрофдагилар билан муносабати катталарга тақлид тарзида шаклланади. Болани тенгдошлари билан мулоқотда бўлиш хоҳиши уларда муомала малакасини шакллантиришни тақозо этади. Болалар ўртасидаги ижобий муносабатларни шакллантираётib тарбиячи ҳар бир боланиң диққатини бошқа болаларга, уларниң хоҳиши ва истакларига жалб қиласди. «Лола, Нодир машинани ўйнамоқчи, унга олиб бориб бергин», «Дилноза, Азизаниң қўғирчоги тушиб кетди, унга кўтаришиб юборгин», «Раъно қарагин Зуҳра йиғлаяпти, бориб сўрайлик-чи, нимага йиғлаяпти экан» ва шунга үхашлар.

Болаларниң ижобий хатти-ҳаракатларини тарбиячи тез-тез рағбатлантириб, хатти-ҳаракатининг тўғри эканлигини тасдиқлаб туриши керак. Болаларда дастлабки инсонпарварлик, ҳозиржавоблик, ачиниш, хайриҳоҳлик каби ҳислар уларда ҳайвонлар ва ўсимликларга нисбатан муҳаббатни тарбиялади. Масалан, тарбиячи то-вуққа дон, кучукка, мушукка, қўйга — овқат берадешиб, гулларни парвариш қилатуриб, ўз хатти-ҳаракатини болаларга тушунтириб боради. Болаларда уларга нисбатан ёрдам бериш хсҳишини ўйғотиш учун ўйинчоқ ҳайвонлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, тарбиячи

Йиқилиб тушган ўйинчоқ айиқчани күтариб, силаб-сий-
палайди, болаларнинг ҳам раҳмлари келиб силаб-сий-
палаб, унга бирон яхши сўз айтишларини таклиф эта-
ди.

Болаларни теварак-атроф билан таништиришда сайр
энг самарали усул ҳисобланади. Болалар сайр вақтида
жонли ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротларни учратсалар
уларга қараб интиладилар. Тарбиячи болалардаги ҳай-
вонларга нисбатан хайриҳоҳлик муносабатларини қўл-
лаб-қувватлаши керак. Уларга овқат беради, қушларга
дон сочади, уларни эркалайди ва қисқа-қисқа шеълар-
ни ўқииди. Тарбиячи ерда юрган қушларга болаларнинг
диққатини жалб қиласди ва Ш. Саъдулланинг «Кичкина
қушча» номли шеърини ўқииди:

Ҳай, ҳай чумчуқ жажжи қуш,
Шоҳда турма, пастга туш!
Эрта-ю кеч тинмайсан,
Чарчоқ нима билмайсан.
Чирқиллайсан излаб дон,
Мана чумчуқ, сенга нон!

Қорнинг тўйса айтасан,
Сўнг уйингга қайтасан!

«Мана биз ҳозир қушларга дон сепамиз»— дея тар-
биячи бир неча болаларга ҳам нон ушоқлари ёки дон
беради, биргалашиб сочишади. «Энди четга чиқиб тура-
миз, бўлмаса улар биздан қўрқиб, нонларни, донларни
чўқилагани келмайди»— дейди.

— Қаранглар қушчалар учиб келишди, улар нон-
ларни, донларни чўқишаётди. Уларнинг тумшуғи бор.
Мана энди учиб кетишди, уларнинг қаноти бор.

1 ёшу 6 ойлик, 2 ёшли болалар билан қуённи, мушукни, товуқни ҳам кузатиш мумкин. Тарбиячи қўлида
қуённи ушлаб туриб, болаларга уни силашни таклиф
этади ва қуённинг қуёйидаги хусусиятларини гапиради:
қулоқлари узун, юнги юмшоқ, думи кичкина, калта. Болалар қуённи сабзи, карам ейишини кузатадилар ва
тарбиячи билан биргаликда унинг ҳаракатларини қайд
этишади: сакраяпти, сабзини ғажиб еяпти.

Бир ёшу олти ойлик болалар катталар билан бир-
галикда мушукни кузатишади, у юввош, қўлга ўрганган
бўлса, силашади, унга сут бериб, тили билан ялаб ичи-

шини, гўшт бериб, уни ейишини кузатадилар ва бу кузатишлар «мушуквой, сутни ич», «гўшти е» сўзлари билан қўшиб олиб борилади. Катталарнинг топшириғига биноан болалар мушукнинг қулоғини, оёқларини, бошини, думини, қорнини кўрсатишади ва сўз билан ифодалашади: қулоғи, думи, оёғи ва шунга ўхшашларни катталар тушунтиради: «Мушук ухлайди, ювинади, сут ичади». «Мушук нима қилар экан? Қани айтинглар-чи?» Болалар такрорлашади.

Бу ёшдаги болалар билан хўroz, товуқни кузатганда тарбиячи хўroz «қу-қу-қу-қу» деб қичқиради, товуқ эса унга «қу-қу-қу» деб жавоб беради. «Қани сизлар ҳам хўroz сингари қичқириб кўрингларчи» деб таклиф этади ва хўroz, товуқ тўғрисида қисқа шеърларни айтади:

Қу-қу, қу-қу хўrozим
Тожи тилла хўrozим.
Нега эрта турасан?
Болаларга уйқу бермайсан?

Ўйин хонаси шароитларида аквариумдаги балиқчаларни, қафасдаги қушчаларни кузатишади. Бу ёшдаги болаларни капалак, чигиртка, хон қизи, чумоли, ипак қурти, асалари каби ҳашаротлардан қўрқмасликка ўргатилади. Шу билан бирга катталар болалар иштироқида уларга ғамхўрлик қилишлари, уларни асраб-авайлашлари, асаларини гулга қўниб, шира шимишини ва шунга ўхшашларни кузатишлари лозим. Ипак қуртига барг солаётуб, болаларга ҳам барг солишини таклиф этиш мумкин. Хон қизини тарбиячи ўз қўли устида юргазиб қўради, кейин қўрқмайдиган болаларга ҳам қўли устида юргазиб қўришни тавсия этади. Болалар қўрқмаганлиги учун уларнинг хатти-ҳаракатларини мақтаб, рағбатлантиради, унинг чиройлилигини мақтаб, севинади.

Сайр вақтида болаларнинг эътибори дарахтлар, ўтлар, гулларга жалб қилинади. Болаларга тарбиячи биронта дарахтнинг танасини ушлаб кўришни буюради. Баҳорда эса дарахт шохини оҳиста эгиб ёзилаётган баргларни биргалашиб кузатади. Ўтлоқда пайдо бўлган яшил майсаларни ушлаб кўришни тавсия этади, болаларнинг диққатини биринчи очилган кўк-оқ қалдирмоқ, момақаймоқнинг гулларига жалб қиласиди. Уларни узиш, оёқ билан босиш керак эмаслигини, асррабайлаш зарурлигини тушунтиради.

Икки ёшгача бўлган болалар катталар илтимосига кўра тарбиячи кўрсатган рангдаги гулни гулзордан кўрсатишилари мумкин. Баҳорда, ёзда боғбоннииг, катта гуруҳ болаларининг дараҳтлар атрофини юмшатаётганига, дараҳт ва экинларга сув қуяётганига, гулзорнинг чиройлилигига болалар диққати жалб қилинади.

БИРИНЧИ ҚИЧИҚ ГУРУҲ

Бу ёшдаги болаларни табиат билан танишириш бўйича олиб бориладиган таълим-тарбия ишларида уларнинг табиат тўғрисида аввал эгаллаган билимлари кенгайтирилади. Табиатга муҳаббат ва унга бўлган қизиқишлари ўстирилади. Тарбиячи болаларни табиат билан танишириш бўйича системали равишда кузатиш ишини олиб боради. Қишида болаларнинг диққатини ерга тушаётган қорнинг оппоқлигига, юмшоқлигига қаратади, ҳар куни қишлиб қолган қушларга дон сепаётib, болаларнинг диққатини қушларнинг катта-кичиклигига, ташқи кўринишларига, уларнинг бир-биридан фарқ қилишига, патларининг рангига жалб қиласди. Масалан, ҳакканинг қанотларида оқ-қора доғлари бор, читтак бўлса олачипор, кичкина, тез-тез юрадиган қушча.

Кун исий бошлагандан тарбиячи болаларнинг диққатини сабза ураётган майсаларга, кўкариб чиқаётган ҳар хил ёввойи ўтларга, дараҳтларнинг барг ёзишига, фунчалашига ва гуллашига қаратади ҳамда болаларга: «Қандай чиройли, қандай гўзал» деган сўзларни айтиш орқали уларда ёқимли ҳис-ҳаяжон уйғотади, уларга ўсимликларни босиш, узиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Эрта очилган жўка, момақаймоқ, лола, бинафша каби ўсимликларнинг олдига борганда шу ўсимликлар гулларининг рангини айтиб, болалардан такрорлашларини сўрайди. Гуллаб турган олма, олча, гилос дараҳтлари олдига бориб, болаларнинг диққатини бу мевали дараҳтларнинг чиройли гуллашига жалб қиласди ва ҳис-ҳаяжон билан қуидаги сўзларни айтади: «Қаранглар, қандай чиройли, ҳаммаси оппоқ бўлиб гуллабди» ва болалардан «чиройли», «оппоқ» сўзларини такрорлашни сўрайди. Бу билан педагог болаларда табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатни, уни асраб-авайлаш лозимлигини тарбияялаб боради.

Машғулотларда эса бодринг, помидор, сабзи, олма, олча каби мевалар билан танишитиради, уларнинг таш-

ки кўринишига қараб таниб олишга, номини сўз билан айтишга ўргатади, бунда кўпроқ дидактик ўйинлар яхшироқ самара беради. Ўсимликлар тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини мустаҳкамлаш учун болаларга таниш бўлган ўсимликларнинг тасвири туширилган карточка, тарқатма материаллардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларни ҳайвонот олами билан таништириш, уларга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш, асраб-авайлаш хоҳишини тарбиялаш, бевосита кузатишлар, расмлар, ўйинчоқлар орқали амалга оширилади. Ҳайвонларни кузатаётib, кичик гуруҳдаги болалар ҳайвонларнинг тана қисмларини, хатти-ҳаракатларини сўз билан ифодалайдиган бўлиб қоладилар. Хўроzни кузатаётган болалар «Қаранглар, унинг патлари қандай чиройли — яшил, қизил, кўк!» деб хитоб қиласидилар. Тарбиячи болаларнинг гапларини тинглаб, тўлдириб боради ва у катта, мустаҳкам тумшуқлари билан донни чўкиб, хўроzчани овқатлантираётганига болалар диққатини жалб этади. Хўроz овқатни ўзи биринчи бўлиб емайди, у тоvuқларини чақиради, кейин ўзи ея бошлайди, дейди ва «Хўроzчам» ашуласини айта бошлайди, болалар тарбиячига қўшилиб айтишади. «Қу-қу-қу» деб болалар хўроzнинг овозига тақлид қилишади. Болаларнинг ҳайвонлар тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш учун «Ким қандай қичқиради?» ўйинини ўйнатиш мумкин. Тарбиячи болаларга ҳайвонлар тасвирланган: мушук, кучук, чумчуқ ўйинчоқларини кўrsатиб, ҳар бирининг қандай товуш чиқаришини сўрайди.

Тарбиячи болаларга учайдиган қушларни, гулга қўниб ўтирган капалакларни, асалариларни, учеб кетаётган пашшани, ўрмалаб кетаётган қўнғизни кўrsатади. Тарбиячи хон қизини қўлига қўйиб, унинг ўрмалашини болаларга кўrsатиши мумкин. «Қўнғиз ўрмалайди, пашша учади» деб солиширади болалар.

ИККИНЧИ КИЧИК ГУРУХ

Иккинчи кичик гурух болалари билан йилнинг ҳамма фаслларида табиат билан таништириш бўйича кузатиш ишлари олиб борилади. Бу ёшга келганда тарбиячи болаларга одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги дастлабки тушунчаларни ўргатади. Энг кўп учрайдиган ва ёрқин рангда гуллай-

диган ўсимликлар, теварак-атрофда тез-тез учраб туралар, диган қушлар, ҳайвонлар билан, уларнинг гашқи тузи-лиши, ҳаракати, чиқарадиган товушларининг хусусиятлари билан таништириш, теварак-атрофдаги табиат бурчаги ва майдончалардаги ўсимлик ва қушларни парвариш қилиш, асраб-авайлашда қўлидан келган меҳнати билан қатнаштириш орқали амалга оширилади. Тарбиячи болаларга дастлабки оддий меҳнат малакаларини ўргатади: болалар билан биргаликда ўсимликни сугоради, баргларини нам латта билан артади, табиат бурчагидаги балиқ, қушларни парвариш қиласди. Ана шу асосда болалар ўсимлик, ҳайвонлар, табиат тўғрисидаги билимларини оддийроқдан мураккабга қараб чуқурроқ эгаллаб борадилар, натижада болаларда уларга нисбатан қизиқиш барқарорлаша боради, билимлари чуқурлашади, уларни асраб-авайлаш, эҳтиёткорона муносабат таркиб топа боради, уларнинг чиройлилигидан қувониш каби эстетик ҳиссиётлар уйғонади.

Болаларнинг тасаввурини кенгайтириш, билимларини аниқлаштириш, шунингдек кузатувчанликни ўстиришда маълум мақсад билан ўtkазиладиган машғулот ва мақсадли сайдрлар, техник воситалар муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

КУЗ

Қуёш. Тарбиячи майдончага чиқсан болаларнинг диққатини қўйидаги сўзлар билан ҳавонинг илиқлиги-га қаратади: «Бугун қуёш яхшигина қиздираяпти — иссиқ». Болаларга қўлларини қуёшга тутишни таклиф этади, токи улар бу иссиқни сезсинлар, ўйинчоқларни майдончага олиб чиқиб, ювиш ва уларни қуёш иссиғидан қуришини кузатсинлар. Резина, темир, ёғочдан ясалган ўйинчоқларни ушлаб кўриб, офтоб нуридан қай бири қай даражада исиб қолганини болалар билан аниқланг.

Ҳаво булутли кунда тарбиячи болалардан «Қуёш қандай?», «У қаёққа яшириниб олди?» деб сўрайди ва болалар диққатини осмонда сузуб юрган булутларга қаратади. Яхшилаб қаранглар, улар жудаям чиройли, оппоқ, пахта сингари оппоқ, момиқ. Улар қуёшни тўсивиб қўйди, шунинг учун қуёш кўринмаяпти. Биз ҳаммамиз пальто, плаш, шапка кийиб олганимиз, оёқларимизда эса ботинка, резинка этик. Чунки, совуқ.

Ёмғир ёғиб турган кунларда тарбиячи кузатишни дераза орқасидан олиб боради ва болаларга ёмғир түғрисидаги шеърни айтиб беради. Ёмғирнинг деразага тақиллаб урилаётганини ва ҳовлида ҳосил бўлаётган кўлмакларга болалар эътиборини жалб қиласди. Ёмғирдан кейин кун илиқ бўлса, болаларга қумда ўйнашни таклиф этади. Тарбиячи болаларга қумнинг ёмғирдан кейин ёпишқоқ бўлиб қолганини, ундан ҳар хил шакллар ясаш мумкинлигини кўрсатади. Шу орқали болалар қумнинг хусусияти билан танишиб борадилар.

Кичкина гуруҳ болаларига шамол ҳақида оддий тажрибачалар орқали тушунтириш мумкин. Сайрга олдиндан тайёрлаб қўйилган пирпирак, байроқча ва лентачалар олиб чиқилади. Тарбиячи болаларнинг диққатини пирпиракнинг айланишига, лентачаларнинг ҳилпираб учишига қаратади. «Пирпирак нега айланмаяпти?», «Лентачалар нега қимирламаяпти?» деб болаларга савол берилади. Шамолнинг эсишини тўкилаётган барглар орқали ҳам кузатилади. Баргларнинг пир-пир айланиб, тепага қараб кўтарилиши, шамол пасайиши билан ерга туша бошлагани кузатилади ва бунинг сабаби болаларга тушунтирилади.

Болаларга кўрган нарсаларини айтиб бериш таклиф этилади. Ой чиққандан унинг ҳали катта, ҳали кичкина бўлишини, юлдузларни кузатинг. Тарбиячининг ўзи болаларнинг диққатини ойнинг битталигига, уни ярақламаслигига, юлдузлар жуда ҳам кўп бўлиб, чарақлаб туришига қаратади. Баъзи кунлари осмонда рангли чироқлар сурилиб бораётганини кўриш мумкин. Тарбиячи болаларга, самолёт учиб кетаяпти, ҳар хил рангли чироқлар эса самолётнинг чироқлари эканлигини тушунтиради.

ЎСИМЛИҚЛАР ДУНЁСИ

Кузда ўсимлик дунёсида кўзга кўринарли ўзгаришлар юз бера бошлайди. Дарахтларнинг барги сариқ, қизил, жигарранг тусга кириб учиб туша бошлайди, ердаги ўтлар сарғаяди. Болаларга дарахтни яхшилаб кузатишни ва унинг танаси, шохи ва барглари борлигини айтинг. Болалар эътиборини дарахтларнинг тагида тўкилиб ётган баргларга қаратинг.

Бунда болаларда баргларнинг ранги, катталиги, шаклини фарқлашларини машқ қилдириш имкони туғилади. Бунинг учун қўйидагича ўйинни ўтказиш мум-

кин: «Худди мана шундай баргни олиб кел» (қанақали-
ғи күрсатилади). «Менга қизил баргларни олиб кел». «Та катта ва 2 та кичкина барг олиб кел». «Құғир-
тоққа олманинг, олчанинг баргинىң күрсат». «Думалоқ
(чұлпинчоқ) баргни олиб кел» ва шунга үхашшлар. Барг-
ларни теріб скамейкага битта сариқ, битта қизил қи-
либ теріб чиқиши топширилади ва ундан чиройли ола-
чиор йұлқача ҳосил бұлганини айтилади.

Болаларнинг диққатини дараҳтларнинг барглари
камайиб қолаётганига жалб этилади.

Дараҳтларнинг тағидан тұқылған уруғларни болалар
білап биргаликда теріб, улар қушларни, ҳайвонларни
овқатлантириш учун кераклиги тушунтирилади.

Күзде боғча майдончасини, күнлар совиб қолганига
қарамай, қийғос очилиб ётган сап-сариқ, оппоқ рангда-
ғи хризантема, картошкагул, гултожихүрөз, құқонгуллар
безаб туради. Болалар билан гулларни томоша қилиб,
гүлзордаги гулларнинг чиройлилiği, уларнинг гуллари
ок, сариқ, қизил, бинафша рангда, аммо ҳаммасининг
барғи бир хил шаклда ва яшил рангда эканлығи күр-
сатиб тушунтирилади. Гулларни таниб, номини айтиш-
ни машқ қылдириш учун қуыидаги үйинни ұтказиш мүм-
кін.

Сайрлар дараҳтлар билан янада яхшироқ таништи-
риш учун фойдаланилади. Болаларга дараҳтларнинг
танаси, новдаси ва барглари күрсатилади. Дараҳтлар-
нинг танаси йүғон ва ингичка бўлиши мумкинлиги ай-
тилади. Болаларга ўрик, олма, чинор дараҳтини нав-
батма-навбат қучоқлаб кўриш, сўнгра 2-3 киши бўлиб
қучоқлаш мумкинлиги күрсатилади ва дараҳтлар ҳар
хил йўғонликда бўлиши тушунтирилади. Кичкінтойлар
дараҳт ва буталарни танасининг сонига қараб фарқ-
лашни ўрганиб олишлари зарур.

Табиат бурчагидаги ишлар. Иккінчи гуруҳ болала-
рининг гуруҳ хонасидаги табиат бурчагида чиройли, ёр-
қин гуллайдиган ўсимликлар, чиройли рангдаги тўрсиз
лейка бўлиши керак. Бу гуруҳда ўсимликларни тарбия-
чи парвариш қиласи: баргларини артади, сув қуяди,
гул тувакларининг тагликларини ювади, шу билан
бирга ўсимликларни парвариш қилишга хоҳиш бил-
дирган болаларнинг талабларини ҳам бажаради; улар-
га лейкани берив, гулга қандай сув қуийиш ке-
реклигини, лейкани баланд кўтармасдан, сувни оҳиста-
гина қуийиш лозимлигини айтади. Дастреб, тарбиячи

болаларнинг лейка ушлаган қўлини ўзи ушлаб туриб, сув қўйишни кўрсатади. Секин-аста бу ишга ҳамма болаларни жалб қилиб боради. Бу ишни ҳамма болаларни дарров уddyалай олмайдилар. Тарбиячининг вазифаси, болалардаги ўсимликни парвариш қилиш бўйича кичкинагина муваффақиятни ҳам кўра билиш ва уни қўллаб-қувватлашдир. Болаларни ўсимликлар билан таниширишда уларни табиатдаги ўсимликларни парвариш қилишга оид меҳнатгагина жалб қилмай, шу билан бирга уларни кузатишга ҳам ўргатиб боради. Болаларга бегония ва ёронгул ўсимлиги гулларининг чиройлилигини кўрсатиб, гапириб беради.

Бу ёшдаги болалар хона ўсимлигининг 2—3 тасини номини билишлари, унинг қисмлари: гули, барги, поясини сўз билан айта билишлари керак. Улар дараҳт ва ўт ўсимликларини фарқлашлари лозим.

Тарбиячи болаларда ўсимликларни асраб-авайлаш, уларни парвариш қилиш хоҳишини тарбиялаб боради. Бу ёшдаги болалар билан олиб бориладиган индивидуал ишлардан ташқари, кичкина гуруҳ болалари билан «Худди ўндинийни топ», «Қатталар ва кичиклар», «Биттами ёки кўп» ўйинлари ўтказилади. Булар орқали тарбиячи ўсимликларнинг номини, ўзига хос айрим белгиларини айтишни машқ қилдириб боради. Булар ҳам маси йилнинг ўрталарига келиб бутун гуруҳ болалари билан машғулот ўтказиш имкониятини яратади.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Тарбиячи кузда электр симларида қора мунчоқдек тизилиб ўтирган қалдирғочларга, галалашиб учеб кетаётган қушларга болаларнинг диққатини қаратади ва уларга куз бўлиб, салқин тушгани учун қушлар иссиқ ўлкаларга учеб кетаётганлигини тушунтириши керак. Майдончада учеб юрган чумчук, қарға, мусичага болаларнинг диққатини жалб қилиб, улар ҳеч қаёққа учеб кетмаслигини, шу ерда қишлиб қолишини, шунинг учун уларнинг донхўракларига дон сепиши кераклигини тушунтиради. Мусичани чумчуқдан фарқловчи белгиларига қараб фарқлашга ўргатади. Майдончага дон, увоқ сепиб, қушларнинг чўқиб еяётгани кузатилади.

Тарбиячи сайдаги кузатишдан кейин вақт-вақти билан болалар кузатган ўсимлик, ҳайвон тасвиirlанган расмни гуруҳ хонасига осиб қўяди, болаларни ёнига

тақириб: «Бугун сайдарда нимани күрдик» деган саволлар беради. Табиат бурчагидаги аквариумда карас, тилла балиқни кузатиб парвариш қилинади.

ҚИШ

Қишда тарбиячи болалар билан майдончада сайд қилиб, қүёшни фақат баъзи кунларда кўринаётганини, қиши келиб, кунлар совиганини, ҳамма пальто, телпак, қўлқоп, ботинка ва этиклар кийиб олганини кузатади. Болалар чаналарда учиб юришибди, қорбоболар ясашяпти. Болаларга қорни қанчалик кўп ёққанлиги кўрсатилади. Тарбиячи болалар билан йўлакларни тозалайди. Болаларнинг қўлларига кичкина ёғоч белкураклар берилиб, ёрдам беришлари сўралади. Қор болалар учун фақат кўнгил очиш учун эмас, балки у билан ўйнаш орқали қорнинг хусусиятини ва қор ёғиши об-ҳавога боғлиқлигини билиб оладилар.

Қорнинг пальтога, шапкага, пальтонинг енглариг тушишини кузатиш мумкин. Шу вақтда тарбиячи кун совуқ кунларда қорнинг ёпишмаслигини, сал илиқ кунларда қорнинг ёпишқоқ бўлиб қолгани ва ундан ҳар хил нарсалар ясаш мумкинлигини болаларга кўрсатиб тушунтиради. Болалар шаклли ўйинчоқлар билан қордан ҳар хил буюмлар ясашлари мумкин.

Бу ўшдаги болалар қор ейишни хуш кўришади. Сайдан битта тарелкага қор тўлдириб, гуруҳ хонасига олиб кириб қўйинг, эригандан кейин лойқа, ифлос сув қолганини болаларга кўрсатиб, мана, қор ифлос, ейиш мумкин эмас, деб тушунтиринг. Бундай кузатишлар бир неча марта такрорланади. Болалар сайд пайтларида музнинг хусусиятлари билан таниширилади, уларга ушлаб кўриш учун муз парчаси берилади. Катта болаларнинг қорда чана, яхмалак учишларини, қорбобо, қорқиз ясашларини кузатиш мумкин, бу кичкин тойларга завқ, шавқ бағишлийди. Яхмалак бўлиши учун у ерга сув сепилади, сув совуқда музлаб, яхмалакка айланади, деб тушунтиринг. Томларнинг қирғоғида осилиб турган сумалакларни кўрсатинг. Кун илий бошлаши билан сумалаклар эриб, улардан сув томчилай бошлайди, шунда тарбиячи челякни томчилаётган сумалак тагига қўйиб, ҳозир томчиларнинг тақиллашини эшитамиз, дейди ва болалар билан жим туриб, челякнинг орқасига жангиллаб тушаётган томчи товушини эшитишиади.

ДАРАХТЛАР

Қишида тарбиячи болалар диққатини баргларнинг тўкилиб, дараҳтлар яланғоч бўлиб қолганига қаратади. Ҳар бир дараҳтнинг танаси, шохи бор эканлигини кўрсатинг. Шохларда барглар йўқ, улар кузда тўкилиб кетган. Шундан кейин арча дараҳтининг кўм-кўклигига, унинг ҳам танаси ва шохлари борлигига, барглари ўрнида ям-яшил игначалар борлигига болаларнинг диққатини жалб қилади. Арча қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб туришини айтади.

Навбатдаги сайдага дараҳтлар паст, баланд бўлишини кўрсатиб, тушунтиринг. Дараҳтнинг шохини синдириш мумкин эмаслигини айтинг.

ҚУШЛАР

Сайдага чиқищдан олдин нон ушоқларидан олиб олинг ва қушларнинг донхўракларига сепиб, болалар билан мусича, читтак, чумчуқ ва бошқа қишилаб қолган қушларнинг нон увоқларини чўқиб ейиши кузатилади. Қушларнинг тумшуғи бор, донни, нонни тумшуғи билан чўқиб ейди, оёфи бор, юради, думи бор, қаноти бор, учади, деб, болаларни қушларнинг хатти-ҳаракатини кузатишга жалб этилади. Тарбиячи болалар билан «Чумчуқлар ва кабутар» ўйинини ўйнайди. Болалар учтуруҳга бўлинадилар: биринчиси — кабутарлар, иккинчиси — чумчуқлар, учинчиси — болалар. Болаларга тарбиячи шундай ҳикоя қилиб беради: «Қиши киргач, жуда совуқ бўлди, қушчаларнинг қорни очиб қолди. Болалар келиб қушларга дон ва нон ушоқларини сепиб қўйишиди ва уларни чўчитмаслик учун ўзлари чеккага чиқиб гуришиди, кабутарлар донни, нонни кўриб учиб келишиди. Кабутарлар секин учишади, қанотлари катта очилади, уларнинг орқасидан чумчуқлар келишади. Уларнинг қанотлари кичкина, тез-тез очилади. Учиб келишиди, донларни тез-тез еб, ўйнай бошлишади. Кабутарлар юради, бошини қимирлатади, чумчуқлар сакраб-сакраб юришади. Кабутарлар ғули-ғули дейишади, чумчуқлар чуғур-чуғур қилиб чуғурлашади. Қушлар донларни чўқиб, қорни тўйғандан хурсанд, хуллас ҳамма хурсанд».

Кичкина болалар билан катта болалар ўз майдончасида қушларга овқат берадиганини кузатинг. Шундан кейин ўзингиз донхўрак ясад, гуруҳдаги ойна олдига илиб қўйинглар, ҳар куни эрталаб донхўракка дон се-

пинни унутманглар. Болалар қушлариниг дои, ион ушоқларини чўзиётганини тарбиячи билап кузатнишади. Болаларга, агар қушларнинг қорни тўқ бўлса, ҳар қандай совуқ ҳам улар учун хавфли эмаслигини тушунтириング. Болаларга қушларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш учун «Донхўракка ким учиб келди» ўйинини ўйнатинг. Дастреб картон қоғоздан таниш бўлган қушларнинг шакли қирқиб олиниади. Стол устига оқ қоғоз ёзиб, болаларнинг ҳаммасини стол атрофида шундай ўтказингки, сизнинг ҳаракатингизни бемалол кузата олсинлар. Тарбиячи шундай дейди: «Мана донхўрак, мен унга дон сепаман, ҳозир қушлар учиб келади. Мана учиб келди... Болалар бу қайси қуш? (Кабутарларни кўрсатади, болалар жавоб берадилар.). Кабутар дон еб, чақиради... Кимни чақиради? (Болалар айтади.) Яна кабутар учиб келди. Энди бир бўлак ёғ қўяман. Ҳозир ким учиб келар экан? (Болалар қушнинг номини айтишади.) Ҳа, тўғри, читтак ёғни яхши кўради, мана у учиб келди. Читтақ ёғни чўқияпти» ва ҳоказо.

ҚИШИЛАР МЕХНАТИ

Болалар билан сайдга чиққанда, уларнинг диққатини катталарнинг белкураклар билан йўлакларни қордан тозалаётганига қаратиш керак.

Қишининг охирларига келганда тарбиячи болаларнинг диққатини ҳовлида сумалаклар ва қорларнинг йўқлигига жалб қиласди ва кунлар илий бошлаганини тушунтиради.

БАҲОР

Баҳорда кунлар исиб, қорлар эрий бошлайди. Даражатлар барг ёза бошлайди, ердан ҳар хил ўт ва гуллар ям-яшил бўлиб ўсиб чиқа бошлайди. Чумчуқлар чуғурлашади. Қорақарға ва қалдирғоч, бошқа қушлар учиб кела бошлайди. Ҳамма қалин кийимларини: пальто, телпак, этикларини ечиб, ўрнига енгилроқ кийимлар кияди. Ҳайвонлар болалайди. Қўчаларга дараҳт, бута қўчатларини, гулзорларга гуллар ўтказиша бошлайди. Тарбиячи майдончага чиқиб болалар билан биргаликда жўяклар тортади ва тайёрлаб қўйилган жўякларга сабзавот ва гулларнинг уруғини сепади, болалар қўлларидан келганча ёрдам берадилар.

ҰСИМЛИҚЛАРНИ ҚУЗАТИШ

Сайрга чиққанда әман, тол, шафтоли, олча шохчасини олиб келиб, сув қүйилган шиша идишга солиб қўйинг, унинг куртакларидан барг ёзиши ва гулларининг очилишини кузатинг. Сайрга чиққанда майдончадаги бундай дараҳтлар ҳали барг ҳам ёзмагани, гул ҳам очмаганига болалар диққатини жалб қилиш ва гуруҳ хонасидаги шохчалар барг ёзиб, гуллаганининг сабабини болаларга тушунтиринг. Гуруҳ хонасида ўтқазилган бош пиёздан яшил барра кўк пиёзлар ўса бошлаганини болалар билан биргаликда кузатиб, сабабини тушунтиринг.

Боғбоннинг дараҳтларнинг ортиқча шохларини кесаётганини болалар билан биргаликда кузатиб, сабабини тушунтиринг. Кейинги сайларда оппоқ бўлиб гуллаган олча, олма, гилос гулларини, пуштиранг шафтоли ва ўрик гулларини, гуллар устида учиб юрган асалариларни болалар билан кузатинг, унинг кўплигига, чиройлилигига, хушбўй ҳидига болаларнинг диққатини жалб қилинг ва дараҳт шохчаларини аста эгиб, болаларга ҳидлатинг. Қўғирчоқни олиб чиқиб, унга майдончада очилган бинафша, лола, момақаймоқларнинг гуллари кўрсатилади. Тарбиячи болаларга гулларни узиш мумкин эмаслигини тушунтиради.

Катта гуруҳ болаларини майдончани чопиб, у ерга ҳар хил уруғлар, кўчатларни экаётганини болалар билан биргаликда кузатинг.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ ҚУЗАТИШ

Болалар уй ҳайвонларини кузатишади. Сайр вақтида болалаган ҳайвонларнинг болаларини ўз оналарини эмаётганини ва оналари боласини тили билан ялаб турганини кузатинг ва юввошроқ ҳайвонлар болаларини силашга рухсат беринг. Болалар уларнинг юнглари, териси юмшоқ эканлигини сезадилар. Ҳайвонлар боласининг тана қисмларини болаларга гапириб беринг. Ҳайвонларни кузатгандан кейин «Бу уйда ким яшайди?» ўйинини ўйнатинг. Тарбиячи болаларни гуруҳларга бўлади: ҳар бир гуруҳни ҳайвонларнинг болалари билан тасвирлайди. Болалар тўртбурчак бўлиб туришади. Битта бола келади-да қўлидаги таёқчаси билан тақ-тақ қилиб сўрайди: «Бу уйда ким яшайди?», болалар ўзлари акс эттираётган ҳайвоннинг товушига тақлид қилиб,

овоз чиқаришади. Қурбақа сингари қуриллашади, гозга ўхшаб ға-ғалашади, тойча бўлиб кишинашади. Қейин болаларга уй ҳайвонлари тасвиrlenган карточкалар тарқатилади. Бу ҳайвонларнинг болалари тасвиrlenган карточкалар тарбиячининг ўзида қолади. Болалардан сўрайди: «Мушук болалари онасини йўқотиб қўйиб, йиғлаб юришибди, уларнинг онаси ким?» «Мушук»—дейди болалар. «Келинглар, уларга онасини топишга ёрдам берамиз». Қўлида мушукнинг расми бор бола мушук тасвиrlenган карточкани кўрсатади-да, мушук болалари тасвиrlenган карточкани олади. Ҳамма ҳайвонларнинг болалари «она»ларини топиб олмагунча ўйин давом этади.

Қишлоқ жойларда болалар билан отни тойчоғи билан, сигирни бузоги билан, товуқни жўжалари билан кузатилади.

ЕЗ

ЎСИМЛИҚЛАР ДУНЕСИ

Тарбиячи болаларни сабзи, бодринг, помидор, пиёз, олма, нок, олча, узум, беҳи, шафтоли, олхўри, қовун, тарвуз, анжирнинг номи, таъми, ранги, катта-кичиклиги ва шаклига кўра фарқланишини; уларнинг ўзига хос белгиларини айтишга ўргатади. Ўсимликларнинг барг, поя, гулларини фарқлаш ва номини айтишини ўргатади. Дараҳтларнинг тузилиши, танаси, барги, шохи, гуллари, меваси билан таништиради. Болалар билан ҳашаротлар, қушлар, уларнинг хатти-ҳаракатлари кузатилади. Боғдаги сабзавот ва меваларни, қишлоқ жойлардаги экинларни, ҳайвонларни парвариш қилиш бўйича катталарнинг меҳнати кузатилади ва уларнинг нима учун меҳнат қилаётгани болаларга тушунтирилади.

Майдончадан қийғос очилиб турган атиргуллар, уларнинг ранги, хушбўй ҳидлари, чиройлилиги тўғрисида болаларга сўзлаб берилади, болаларда улар орқали эстетик завқ уйғотилади.

ЖОНСИЗ ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИНИ КУЗ ТИШ

Ёзда болаларнинг кўнчилик вақти ҳавода, майдончада ўтади. Болалар қуёш нури бевосита тушмайдиган соя-салқин жойларда енгил кийинган ҳолда вақтларини ўтказадилар. Кун иссиқ. Шунинг учун болалар ҳар куни тушки овқатдан олдин чўмилишади. Ёзда иссиқдан қум

тез қуриб қолади. Қуруқ құмдан ҳеч нарса ясаб бўлмайди, унга сув сепиш керак. Қуёш қаттиқ қиздиргани сабабли, салқин бўлиши, чангимаслиги учун ҳам сув сепиб турилади.

Тарбиячи болалар билан иссиқдан ўсимликларнинг барглари сўлиб, гуллари пастга эгилиб қолганини кузатади ва унинг сабабини тушунтиради. Кечқурун тарбиячи болалар билан ўсимликларга сув қуяди. Эрталаб ҳаммалари биргаликда бориб, ўзлари сув қўйган гулларни кузатадилар. Ўсимликлар, гуллар ҳаммаси тетик бўлиб, гуллари ҳам чиройли бўлиб қолгани кузатилади. Болаларга ўсимликлар иссиқдан сувсираб қолгани учун сўлиб қолганини, сув қўйилгандан кейин эса улар тетик бўлиб қолганини, демак, ўсимликлар ҳам иссиқда болалар сингари тез-тез сув ичиши кераклигини тушунтиринг.

Гулзор. Болалар билан гулзорни кузатинг. У ердаги янги пайдо бўлган гулларни болаларга кўрсатиб, номини, рангини, катта-кичиклигини айтинг, болалар ҳамма гулларнинг номини билиб олишлари шарт эмас, энг муҳими болалар гулзордаги гулларнинг гўзаллигидан қувонишлари, уни асраб-авайлашга, босмасликка ўрганишлари шарт. Болалар билан гулни алоҳида кузатиш, ҳар бир гулнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳиди борлигини болалар билан аниқланг, кейин бир-бирига ўхшаш қандай гуллар борлигини кўрсатишларини сўранг. Кузатиш тугагандан кейин бир неча гулни қайчи билан оҳиста кесиб, гурӯҳ хонасидаги гулдонга солиб қўйиш мумкин.

Агар боғча майдончасида мевалар, сабзавот ўстирилса, улар пишганда болалар олдида ўзингиз ва болаларга ейишга берсангиз, болаларга жуда катта қувонч бахш этасиз. Ҳар бир мева тўғрисида шеър айтсангиз, болаларни кузатишдан олаётган таассуротлари янада жозибалироқ бўлади. Биронта ўйинчоқни олиб чиқиб боғча полизида нималар ўсганини, уларнинг номини, рангини, шаклини ўйинчоғига болалар гапириб беришсин, болаларнинг жуда кўп мева номларини билгандарига айиқвой, қўғирчоқ жудаям ажабланишади, айиқвой сабзини шолғом, бодрингни эса помидор деб айтади, болалар кулиб, унинг хатосини тузатишади.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ ҚУЗАТИШ

Ҳашаротлар. Болалар билан май қўнгизни, хон қизини, ўт ичида чирyllаётган чигирткани кузатинг. Қўнғиз, чигиртканинг ранги ўсимлик баргига ўхшаш яшиллигини, хонқизи эса дараҳт пўстлоғи каби жигарранг, қизил тусли эканини, улар ўсимлик ичида, дараҳт танасида юрганда уларни ажратиб олиш қийинлигини болаларга тушунтиринг. Қўнғизлар оёғи билан юради, чигиртка эса сакрайди, буни болаларга кўрсатиб, сўз билан фарқини тушунтиринг.

Гуруҳ хонасидаги ипак құртини пилла ўраётганини болалар билан кузатинг. Бу уларда бениҳоя қувонч ҳиссини ўйғотади. Болаларга ипак құртини яхши парвариш қилиб, вақтида овқатини бериб турганимиз учун пилла ўраётганини тушунтиринг.

Күшлар. Болалар диққатини қушлар донхўракларига қаратинг ва улар камдан-кам келадиган бўлиб қолганининг сабабини тушунтиринг. Ва уларга донхўракларда қушлар йўқлигини айтинг. Аммо, теварак-атрофда, дараҳтлар тепасида кўплаб ҳар хил қушлар учиб юрганини кўрсатинг. Кичик гуруҳлардаги болалар мушук болалари ва кучукчаларни кузатишни жуда ҳам яхши кўришади. Болалардан кучукчалар мушукчалардан нимаси билан фарқ қилишини сўранг. Ҳайвонларга бўлган муҳаббат болаларни меҳрлироқ, ҳозиржавоброқ ва меҳрибон қиласди.

Болаларга ҳайвон болалари билан ўйнашга рухсат этиш мумкин, аммо уларни қийнамасликни тушунтириш керак. Болалар олдида ҳайвонларнинг тагини тозалаб, уларга овқатлар бериб, улар билан эркаланиб гаплашинг ва шулар орқали ҳайвонларга нисбатан ғамхўрлик қилиш намунасини кўрсатинг. Яйловларда, қишлоқ шароитларида болалар билан ўтлаб юрган қўй, эчки, сигир, йилқиларни кузатиш мумкин. Болаларга узоқдан туриб сигирнинг маърашини, қўйнинг берашини, тойҷоқнинг кишнашини, эчкининг мелашини кўрсатинг. Сал яқинроқ бориб сигир билан бузоқни солиширинг: сигирлар катта, уларнинг боши, шохи, думи бор, думи билан пашибаларни ҳайдайди, улар секин юради, ўтларни ейди; бузоқчалари югуриб юришади.

Болалар билан отни тойҷоғи билан солишириб кўриб чиқинг: у катта, оёқ, қулоқлари узун, думи узун, елкасида ёллари бор. Эчки, қўйни кузатиб шундай со-

лиштиринг, болаларга уларнинг ўзига хос белгилари-ни, фарқини сўзлаб беришни таклиф этинг.

Кичик гуруҳ болаларини теварак-атроф табиати билан таништириш, уларга нисбатан муҳаббат, уларни асраб-авайлашни, уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қўлидан келган меҳнати билан қатнашиш хоҳишини тарбиялашга оид ўйинлар, машғулотларнинг намунавий режаси, конспектлари бўйича машғулотлар олиб боринг.

БАЛИҚ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Тарбиячи болаларни аквариум турган столнинг олдига олиб боради. Бу столнинг устида аквариумдан ташқари, илиқ сув солинган тогора, дараҳт пўстлоғи, балиқ тутиш учун тўрхалта, овқатдан ҳам тайёрлаб қўйилган бўлади.

— Болалар, қаранглар, қандай чиройли балиқ сузуб юрибди. Мен ҳозир балиқчани мана бу тўрхалта билан тутиб, тогорадаги сувга соламан, биз сизлар билан балиқчанинг сувда сузишини томоша қиласмиз. Балиқчани тутиб, тогорадаги сувга солишади.

Мана балиқча сузаяпти. Балиқча Гулчехра томонга сузуб кетди, энди Баҳодирнинг олдига борди, Орифнинг олдига борди. Балиқча нима қиласяпти?

— Балиқча сузаяпти.

— Балиқча кимнинг олдига сузуб борди? Думи билан нима қиласяпти? Балиқча сузганда думини қандай қилишини қўлингиз билан кўрсатинглар-чи? Энди балиқчани аквариумга солиб, унга овқат берамиз. Қаранглар, балиқчанинг оғзи бор. Ана у овқатни оғзи билан тутиб оляяпти. Балиқча овқатни еди. Яна сузаяпти. Яна овқат изляяпти. Ана у овқатни томон сузуб келди. У қандай чиройли. Қандай тез сузаяпти. Энди болалар, ўйнашга чиқамиз. Балиқчамизни эртага яна овқатлантирамиз.

Кузатишининг бориши. Аквариум устидаги парда олиниб, балиқ кўрсатилади. Болалар бироз муддат уни овоз чиқармай кузатадилар. Тарбиячи: «Мен сизларга нима олиб келибман», — деб сўрайди. Кичкин-тойлар жавоб беришади, тарбиячи жавобнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Сўнгра: «Бу нима», «Нимани кўраяпмиз?» каби саволларни бериб, бир неча болаларга жавоб беришни таклиф этади. Болалардан балиқ уларга ёқсан-ёқмаганлигини, нима учун ёқсанлигини сўрай-

ди. Тарбиячи хилма-хил усуллар билан болалар ўз фикрларини билдиришларига ундаиди. Шундан сўнг балиқнинг ранги қандайлиги, унинг катта-кичиклигини, нималар ёрдамида сузишини аниқлайди. Тарбиячи балиқнинг аквариумда яшашини, унга сув қўйилганини айтади. Шундан сўнг болаларнинг диққати балиқни овқатлантириш кераклигига қаратилади. Озиқни кўрсатади. Балиққа озиқни қандай бериш кераклигини тушуниради ва 1—2 боладан бу ишни бажаришни илтимос қиласди. Болалар эътиборини овқатлантириш вақтида балиқ ўзини қандай туваётганлигига жалб қиласди, машғулот «Балиқча» қўшиғи билан якунланади.

НАВРУЗГУЛ ВА ФИКУСНИ КУЗАТИШ

Дастурнинг мазмени. Болаларнинг ўсимликлар тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш: уларнинг номи, ташқи кўринишидаги фарқи ва иарвариш усуллари билан таништириш. Болаларда ўсимликларни таърифлашни, солиштиришни машқ қилдириш.

Машғулотга тайёрланиш. Тарбиячининг столи устида наврӯзгул ва фикус, сув солинган лейка, нам латта тайёрлаб қўйилади.

Машғулотнинг бориши. Болалар тарбиячининг кўрсатмаси бўйича ўсимликнинг ўзига хос хусусиятларини таърифлайдилар, бир-бирига солиштириб фарқини айтадилар. Шундан сўнг тарбиячи болалардан ўсимликларни иарвариш қилиш усулларини (сув қўйиб, баргини артиб кўрсатишларини) сўрайди. Машғулот охирида болаларнинг ўсимлик тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш учун «Нима ўзгарди» дидактик ўйинини ўtkазади.

ХОНА ЎСИМЛИКЛАРИ

Тарбиячи: мана бу ерда гуллар магазини бўлади. Магазинда турли хил хона ўсимликлари бор. Сизлардан биттангиз сотувчи бўласиз, қолганларингиз оловучи, харидор бўласизлар. Болалар қоидани ўзлаштириб олганларидан кейин, иккита болани сотувчи қилиб тайинлаш мумкин. Харидор магазинга келиб, хоҳлаган гулларини сотиб олиши мумкин. Аммо, ҳамма харидорлар қўйидаги қоидага риоя қилишлари лозим. Агар сизлардан кимда-ким гул сотиб олмоқчи бўлса, ўша сотиб олмоқчи бўлган ўсимлигинизни шундай таърифлангки,

ундан магазинчи сиз қайси ўсимликни сотиб олмоқчи бўлганингизни дарров билиб олсин. Ўсимлик номини айтиб, ўзини кўрсатиш керак эмас. Қайси ўсимликни сотиб олмоқчи бўлсангиз, унинг баргларини, шаклини, ранги, катта-кичиклиги, ҳиди қандайлигини гапириб беринг.

Аввал мен харидор бўламан. Қулоқ солиб туринглар. Менга катта узунчоқ баргли ўсимлик керак. Улар тўқ яшил рангда, уларнинг банди йўқ, бирданига ердан ўсиб чиқади. Бу ўсимликни ҳиди ҳам йўқ. Гули ҳам йўқ. Ким топса ўша сотувчи бўлади. Топган одамни сотувчи қилиб тайинланади. Қолганлари харидор. Уларнинг ҳар бири ўсимликни сотиб олишдан олдин, уни юқоридаидек қилиб таърифлайди.

«ҚАНДАЙ ГУЛ» УИНИ

Дастурнинг мазмуни: Болаларни гулларни топишга ўргатиш.

Кўрсатмали материаллар. Гул ва шу гулдан тайёрланган гулдаста тасвирланган расм.

Ўйиннинг бориши. Тарбиячи болаларга гул тасвири туширилган карточкаларни тарқатади. Болалар букетдаги гул ичидан қўлларида тасвирланган гулни топишлари ва номини айтишлари керак. Масалан: тирноқгул, момақаймоқ, лола ва шунга ўхшашлар.

«ШУНДАЙ ДАРАХТНИ ТОП» УИНИ

Дастурнинг мазмуни. Дараҳтларнинг баргларини фарқлашга ўргатиш.

Кўрсатмали материаллар. Болаларга таниш бўлган учта дараҳт ўсимлигининг барги.

Ўйиннинг бориши. Тарбиячи болаларга баргни кўрсатиб, булар қайси дараҳтдан тўкилган, деб сўрайди. Болалар билан биргаликда боғча ҳовлисидан номи айтилган дараҳт қидириб топилади.

Иккинчи варианти. Тарбиячи бирон дараҳтнинг баргини беради, болалар қўлидаги барг қайси дараҳтники бўлса, ўша дараҳтнинг олдига югуриб боришлари керак. Кейин эса тарбиячи биронта дараҳтнинг номини айтади ва бола ўша дараҳтнинг олдига бориши лозим.

ПИЁЗ ЭКИШ МАШФУЛОТИ

Машфулотдан мақсад. Болаларнинг бош пиёз ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, пиёз экиш ма-

лакаларини шакллантириш, ўсимликларни ўстиришта қизиқиш уйғотиш; пиёз хусусиятларини, унинг қисмларини, шунингдек пиёз экишга боғлиқ болаларнинг ҳаракатларини англатувчи сўзлар қўлланишини фаоллашибдириш.

Машғулотни ташкил этиш. Унган пиёзбош; юмшоқ тупроқли гултуваклар ва ҳар бир бола учун чуқурча; лейкаларда сув; пиёзбош (идишда ҳар бир болага биттадан). Болалар тарбиячининг қаршиисига бир қатор қилиб ўтказилади. Столлар қатор қилиб қўйилади. Тупроқли туvak ва пиёзбош алоҳида қилиб қўйилади.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи кўк барглари унган пиёзбошни кўрсатиб «Бу нима» деб сўрайди. Болалар жавоб берисади. Педагог тўғри жавобни тасдиқлади, агарда болалар қийналсалар, ўзи жавоб беради. Пиёзнинг кўк баргларини кўрсатиб, «Пиёз баргларининг ранги қандай?»— деб сўрайди. Ҳар бир болага биттадан пиёз беради. «Пиёз пўстининг ранги қандай?»— деб сўрайди. Сўнгра пиёзни бармоқлари билан ушлаб, унинг шаклини айтишни, стол устида юматлиб кўришни таклиф этади. Пиёзбошнинг нима учун яхши думалашини тушунтиради.

Шундан сўнг тарбиячи пиёзбошнинг тупроққа экилиши ва кўк пиёз униб чиқишини тушунтиради. Тарбиячи маслаҳатига кўра болалар пиёзбошни стол устига қўядилар. Тарбиячи ҳар бир бола олдига тупроқли туvak қўяди, болаларга ўз туvakлари олдига келишларини ва ундаги чуқурчани топишни айтади. Савол ва топшириқлар ёрдамида болаларни янги чуқурча сўзини талаффуз этишга ундейди. Сўнгра пиёзбошни олиб, болаларга ҳам пиёзбошни қўлларига олишларини таклиф этади. Пиёзнинг думи ва илдизи қаердалигини кўрсатади. Болалар ўз пиёзларига қараб, буларни тақрорлайдилар. Тарбиячи пиёзнинг дум томонини юқорига қилиб, туvakка қўяди, болалар ҳам унинг бу ҳаракатини тақрорлайдилар. Сўнгра топшириқнинг қандай бажарилишини текшириади. Тарбиячининг маслаҳатига кўра болалар пиёзбошни босадилар ва тарбиячини экилган пиёз атрофига тупроқни қандай solaётганини кузатадилар ва бу ҳаракатни ўзлари ҳам тақрорлайдилар. Шундан сўнг тарбиячи тупроқни бармоқлар билан яна босиб қўйиш кераклигини айтиб, болаларнинг ҳаракатини рағбатлантиради.

Иккинчи кичик гурухда пиёз яшикларга экилади. Бунда тарбиячи юмшоқ тунроқда чуқурчалар қилишни болаларнинг ўзларига ўргатади. Меҳнат операцияларининг изчиллиги ва болалар ишини бошқариш методикаси олдинги кичик гурух болалари билан бўлган ишдан фарқ қилмайди.

КАТТАЛАРНИНГ ЭКИНЗОРДАГИ МЕҲНАТИНИ ҚУЗАТИШ Мақсадли сайд

Сайдан мақсад. Баҳорда ерга уруғ сепилиши ҳақида билим бериш; меҳнатга ва унда иштирок этиш иштиёқини тарбиялаш.

Сайдинг бориши. Тарбиячи болаларни экинзорга олиб келади, уларни катталарнинг қилаётган ишлари ҳар бир болага яхши кўринадиган қилиб жойлаштиради. Уруғни кўрсатади, уларнинг диққатини унинг рангига, катта-кичиклигига жалб қиласиди. Қатталарнинг уруғларни юмшоқ ерга қандай экаётган (сепаётган) ликларини кузатишни таклиф этади. Болаларга лейкачаларни бериб, экилган уруғларга сув қуишида ёрдам беришни илтимос қиласиди.

ҚИШЛАБ ҚОЛУВЧИ ҚУШЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Тарбиячи қишлиаб қолувчи қушлар тасвири туширилган карточкаларни биттадан болаларга кўрсатади. Болалар тасвирдаги қушнинг номини айтишади. Тарбиячи:

— Болалар, ким айтади, бу қушлар иссиқ мамлакатларга учib кетишадими ёки бизда қишлиаб қолишадими? (Жавоблар.)

— Тўғри, бу қушлар ҳеч қаерга учib кетишмайди. Бизда қишлиаб қолишади. Бу қушларни қандай қушлар деб атаемиз? (Жавоблар).

— Қишлиаб қолувчи қушлар бизда қишлиаб қолади ёки бўлмаса бизларга совуқ мамлакатлардан учib келган қушлардир. Уларнинг айримлари дараҳт ва буталарнинг уруғи ва меваси билан озиқланади (тасвирдан кўрсатади), баъзи қушлар эса дараҳт пўстлоги тагидаги ҳашаротларнинг тухуми, қурти билан овқатланади (тасвирдан ҳашаротхўр қушларни кўрсатади). Улар ўрмонда, истироҳат боғларида, боғларда яшайди. Баъзи бир қушлар аёзли кунларда овқат тополмай қолгандарига уйларнинг олдига тез-тез учib келадилар. Улар ўзларига овқатни ахлат қўйимларидан ахтариб топа-

дилар ва боғ, истироҳат боғларидағи дараҳтларда тунашади. Қишда күчаларда чумчуқлар ҳам күпайшиб қолиншади. Улар ҳам овқат излаб одамларининг ўйлари олдига учиб келишади.

Қишлиб қолувчи қушлар совуқ кунларда патларини ҳурпайтириб ўтиришади, кун илиқлашганда қорда чўмилишади, чуғуралишиб бир-бiri билан ўйнашади. Қаттиқ совуқ кунлари майдага қушчалар овқат тополмай, кўпчилиги очликдан ўлиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун совуқ кунларда қушчаларга овқат бериб туриш керак. Тарбиячи тасвирдан боғ ва истироҳат боғларидаги қушчалар учун осиб қўйилган донхўракларни кўрсатади ва у ерга нон ушоқлари, дон, қуриган мевалар ва бошқа емишлар солиб қўйилганини айтади. Қишда биз ҳам сизлар билан биргаликда қушларга овқат бериб турамиз, деб машғулотни якунлади.

БАҲОР БОҒЧА МАЙДОНЧАСИДАГИ САЙР

Дастурниг мазмуни. Кунлар исий бошлади, қорлар эриди, ариқларда сувлар оқа бошлади, чумчуқлар қувнаб сайрай бошладилар. Майсалар ўса бошлади. Яқинда кунлар жуда исиб кетади.

Машғулотниг бориши. Болалар майдончага чиқадилар. Болалар ҳовли, кўчалар қандай яхши. Кунлар исиди, қорлар энди **йўқ**.

— Болалар, қорлар қани (**Жавоблар**).

— Тўғри, қор қуёшдан, иссиқдан қўрқади, эриб кетди, атрофда кўлмак сувлар, ариқчалар ҳосил бўлади.

— Нима у, қувноқ чирқиллаётган? (**Жавоблар**.)

— Чумчуқлар ҳам қуёшдан, иссиқдан хурсанд бўлишяпти. Улар қандай чирқиллаяптилар? (**Жавоб**.)

— Болалар, келинглар, яхшилаб қидириб кўрайликичи, кўк майса униб чиққанмикан. (Болалар майсаларни қидирадилар.) Майса ҳали ёш, ям-яшил, қуёшга қараб интиляпти. Мана баҳор ҳам келди. Яқинда кунлар жуда исиб кетади.

ОВҚАТЛНАЁТГАН ЧУМЧУҚНИ ҚУЗАТИШ

Дастурниг мазмуни. Чумчуқ кичкина, у учади, сакраб-сакраб юради, чирқ-чирқ қилиб сайрайди, дон чўқийди. Қушларга нисбатан меҳр тарбиялаш. Гапириш нутқини фаоллаштириш.

Машғулотниң бориши. Тарбиячи олдиндан құшларнинг келиб құниши ва овқатланиши учун дараҳт-га ёки ойна олдига осиб қўйилган тахтачага дон ёки нон ушоқларини сепиб қўяди.

— Болалар, қандай құшлар келиб құнишади? (Жавоблар.)

— Тўғри донхўрагимизга чумчуқлар учиб келишади.

— Улар нима қилишяпти? (Жавоблар.)

— Улар дон ейишяпти.

— Келинглар, уларнинг донни қандай чўқиб ейишларини кузатамиз.

— Менга ўшаб секин-аста гаплашинглар, чумчуқлар учиб кетишади. Чумчуқлар нима қилишяпти? Энди уларнинг қандай сайрашини эшитиб кўрамиз; чирқ-чирқ, чирқ-чирқ.

Болалар секин гаплашиб, уларни кузатадилар. Тарбиячи болаларга құшларнинг учиб кетишини, уларнинг қандай қанот қоқишлиарини гапириб беради. Сўнгра, тарбиячи «Қарға ва чумчуқлар» ўйинини ўйнашни таклиф этади.

— Мен қарға бўламан, сизлар чумчуқ бўласизлар. Сизлар донхўракка учиб келасизлар, қанотларингизни қоқасизлар, донни чўқиб ейсизлар. Қарға учиб келганда, чумчуқлар қўрқиб учиб кетади.

Тарбиячи болаларнинг ўйин ўйнашлари, чопишлиари учун имкон беради. Шундан кейин қарға қариллаб қанотларини қоқиб, дон ейиш учун чумчуқлар томонга учиб келади, чумчуқлар эса учиб кетадилар. Ўйин 2—3 марта тақрорланади.

«АЖОИЙБ ХАЛТАЧА» ДИДАКТИК ЎИНИ

Дастурниң мазмуни. Болаларга таниш бўлган меваларнинг номи, шакли тўғрисидаги билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш ҳақида меваларни ранги билан таништириш.

Керакли материаллар. Ҳар хил мевалар солинган (4 тадан кўп эмас) чиройли халтача.

Ўйиннинг бориши. Тарбиячи болаларни битта-биттадан стол олдига чақиради. Чақирилган бола халтачадан биронта мевали олади ва унинг номини, шаклини, рангини айтади. Худди шу ўйинни баҳорги, ёзги мевалар ва сабзавотлар билан ҳам ўтказиш мумкин. Болаларнинг сабзавот ва мевалар тўғрисидаги

тасаввур ва тушунчаларини аниқлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун «Буни татиб кўр» дидактик ўйинини ҳам ўтказиш мумкин.

Кичик ёшдаги болаларни ҳайвонот олами билан таништириш, уларга нисбатан меҳр-шафқат уйғотиш, шу орқали уларнинг ўсиб, улғайиши учун қўлидан келган меҳнати билан қатнашиш хоҳишини тарбиялаш учун машғулотлар, мақсадли сайдирлар ҳамда дидактик ўйинларни ўтказиш мумкин.

МУШУҚ БОЛАСИНИ КУЗАТИШ

Дастурнинг мазмунни. Болаларга мушук боласини катта мушукдан фарқланишини, ташқи кўринишни, айрим хусусиятларини ажратиб кўрсатиш, хатти-харакатининг хусусиятлари билан таништириш; мушук боласини гўшт, сут билан боқиш кераклигини айтиш; болалар луғатини момиқдек, юмшоқ юнгли, ялади, ўйнайди каби сўзлар билан бойитиш. Ҳайвонларни севиш ва уларни асраб-авайлашга ўргатиш.

Машғулотни ташкил этиш. Болалар яrim доира бўлиб ўтирадилар. Гўшт, сут, ипга боғланган қофоз бантик тайёрлаб қўйилади.

Кузатишнинг бориши. Мушук боласи олиб келинади. Уни қўлда ушлаган ҳолда болаларга қаратса, «Қаранглар, мен сизларга нима олиб келдим?»— деб сўралади. Ёки бўлмаса, мушук боласини болаларга кўрсатиб, «Бу нима?» деган савол билан болалар диққатини мушук боласига жалб қилинади. Болаларни мушук боласи эканлиги тўғрисидаги тушунчаларини аниқлаб, тасдиқлаб олгандан кейин мушук боласини болаларга яқинроқ олиб келиб: «Унинг ранги қандай?», «Қаттами ёки кичикми?»— дейди. Унинг юнги майинлигини сезишлиари учун ўзи бошидан думи томон оҳиста силайди ва болаларга силаб кўришни таклиф этади.

— Тўғри, юнглари юмшоқ, сип-силлиқ, мушук боласи силаганни яхши кўради, мана у мамнун бўлиб сизларга қарайти.

Шундан сўнг тарбиячи мушук билан бўладиган ўйинни ўюштиради: ипга боғланган бантикни олиб, мушук билан қандай ўйнаш кераклигини кўрсатади ва 1—2 болага мана шундай ўйнашни таклиф этади. Мушук боласининг панжаларида тирноқлари борлигини тушунтиради. Сўнгра, мушук боласини овқатлантириш-

ни таклиф этиб, унга нима бериш мумкинлигини сўрайди. Мушук боласига навбати билан гўшт, сут берадилар. «Мушук боласи сутни қандай ичяпти?», «Нимаси билан?», «Гўшти қандай еяпти?»— деб сўрайди. Машғулот сўнгига «Менинг малла мушугим» қўшиғини айтиш мумкин.

ЖЎЖАЛАРНИ ҚУЗАТИШ

Дастурниг мазмани. Болаларга жўжаларнинг ташқи кўринишига қараб ва хатти-ҳаракатларидан ташиб олишни, тана қисмларини фарқлашга ўргатиш; жўжалар бўтқа, тухум сарифи билан боқилиши, улар ҳам сув ичиши ҳақида билим бериш; эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш, жўжанинг ўзига хос белгилари, хатти-ҳаракатларини билдирувчи сўзларни актив қўллашга ўргатиш.

Машғулотниг ташкил этилиши. Болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Жўжалар учун озиқ тайёрланиб, полга кичкина тўсиқ қилинади. 2—3 куилик жўжалар солинган қути, илиқ сувли ликопча келтирилади.

Машғулотниг бориши. Тарбиячи жўжалар солинган қутини олиб келади ва болаларга чиқаётган товушларга қулоқ солиб, қутида нима борлигини топишини айтади. Жўжаларни қутидан олиб, тўсиқ ичига қўйиб юборилади ва болалар томоша қилишлари учун бир оз вақт берилади. Сўнгра, «Булар нима», «Улар нима қилишяпти?», «Қанотларини қандай қоқишлият?»— каби саволлар берилади.

Болаларга озиқ кўрсатилиб, уни жўжаларга бериш тавсия этилади. Жўжалар озиқни қандай чўқиётганини қўлларингиз билан кўрсатинг. Сўнгра, тарбиячи жўжаларнинг овозига қулоқ солишини таклиф этади. Болалардан уларниг овозига тақлид қилишини сўрайди: Тарбиячи: «Жўжалар нимага ўхшайди?», «Уларнинг ранги қандай?— деб сўрайди. Болаларга жўжанинг бошига секингина пуфлашни айтади (қандай пуфлашни ўзи кўрсатади). Жўжанинг патлари майнлигини тушуниради.

Шундан сўнг, болаларга жўжаларнинг кичикилигини, уларниг ҷарчаганини айтиб, қутига солиб қўяди. Тарбиячи болаларга жўжа тўғрисидаги ашулани айтиб беради.

ҚҮНФИЗ ВА КАПАЛАҚЛАРНИ ҚУЗАТИШ

Дастурниг мазмани. Болаларга капалакларни құнғизлардан фарқлаш, ҳашаротларниң үзига хос хусусиятларини күра билишни үргатиш; капалакларниң қанотлари чиройли, катта мүйловли, хартумчаси бор, капалак үрмалайди, учади. Құнғизнинг қанотлари қаттиқ, құнғизлар учади, ғұнғиллайди, хартумчаси чиройли, нозик учади сұзларини құлланишини фаолластириш; табиатга әхтиёткорона муносабатни, қузатиша қизықиши тарбиялаш.

Машғулотни ташкил этиш. Столлар суребақүйилади ва устига рангли қоғоз солиниб, атрофига болалар үтқазилади. Құнғиз ва капалаклар (2—3 тадан) дараҳт шохчалари, гулли үсімліклари бұлған 2 та банкага солинади.

Машғулотниң бориши. Тарбиячи дастлаб банкадан құнғизли шохчани олиб столга құяды, «Бу нима?»— деб сүрайди. Ҳашаротни бундан кейинги қузатиши унинг ҳаракат қилиши билан боғланади. Құнғиз үрмалаганда тарбиячи «Құнғиз нима қиляпти?», «Ким томонға үрмалаяпти?»— деб сүрайди. У қуйи қанотини чиқарғанда болаларга күрсатиб: «Бу нима?»— деб сүрайди. Қандай учайтганига қулоқ солишини таклиф қилаади. Шундан сұнг, яна бир құнғизни банкадан чиқариш лозим. Бунда «Құнғиз қанақа?», «Бундай құнғизни қаерда күргансизлар?»— деб сүрайди.

Банкадан капалак олинади. Тарбиячи болаларга капалакни ушлаб бұлмаслигини, унинг қаноти нозиклигипи, йиртилиб кетиши мүмкінлигини тушунтиради. Гүлни капалаги билан столга құяды. Сұнгра, «Бу нима?», «У нима қиляпти?», «Қанотининг ранги қанақа?», «Улар қандай?»— деб сүрайди. Капалак юрганда «У нима қиляпти?»— деб яна сүралади. У учганда «У қандай учяпти?»— деб сүралади. Қанотини қандай қоқиши күрсатиласы.

Яна құнғиз олинади ва «Бу нима?», «Құнғизми ёки капалакми?»— деб сүралади. Машғулотни үйин—болаларга құнғиз ёки капалак бўлиб учишни таклиф этиш билан тугатиш мумкин.

«БУ ҚАНДАЙ ҲАЙВОН» ДИДАКТИҚ ҮЙИНІ

Дастурниг мазмани. Үй ҳайвонларини товушига қараб танишга үргатиш.

Керакли материаллар. Уй ҳайвонлари тасвирланган расмлар.

Ўйиннинг бориши. Тарбиячи болаларга таниш бўлган уй ҳайвонлари тасвирланган (мушук, кучук, эчки, қўй, товуқ, от, сигир) расмларини тарқатиб чиқади. Шундан кейин, у биронта ҳайвоннинг овозига тақлид қилиб овоз чиқаради, болалар ўша расмни кўрсатади.

Ўйиннинг иккинчи вариантида тарбиячи қайси расми кўрсатса, болалар ўша ҳайвоннинг номини айтадилар ва товушига тақлид қиласидилар.

«БУ ҚАЧОН БҮЛАДИ» ДИДАКТИҚ ЎИНИ

Дастурнинг мазмуни. Йил фаслларининг ўзига хос белгилари тўғрисидаги тасаввурларни мустахкамлаш.

Керакли материаллар. Қоғоздан қирқилган думалоқ шакл тўртга бўлинади, ҳар бир қисмida йилнинг битта фасли акс эттирилган бўлади.

Ўйиннинг бориши. Чақирилган бола тарбиячининг илтимосига кўра расмга қараб фаслнинг тартибини, ўзига хос хусусиятларини сўзлаб беради.

ЎРТА ГУРУҲ БОЛАЛАРИ

Бола бу ёшга етганда идрок кўпроқ нарсаларни қамрай бошлайди. Болалар нарса ва буюмларни текшириб чиқиш, улардаги алоҳида қисмларни кетма-кет ажратиш ва улар ўртасидаги муносабатни аниқлаш кўникласини эгаллаб ола бошлайдилар. Бу ёшда болалар нарсаларнинг ташқи хусусиятларининг асосий намуналари билан танишиш асосида нарса-буюмларнинг ранги, ҳажми, бўшлиқдаги нисбатини тўғри баҳолай оладиган бўладилар.

Улар предметларнинг умумий белгиларини ажратади, предметларнинг ташқи хусусиятлари, материали ҳамда вазифасига кўра гуруҳларга ажратиб, ҳодисалар ўртасидаги оддий сабабли боғланишларни тушуна бошлайдилар, кўп саволларга болалар ўзлари жавоб топишга уринадилар. Улар жисмонан анча бақувват бўлиб қоладилар, бу улар билан ўтказиладиган кузатишларни боғчадан ташқарида ҳам амалга ошириш имконини беради.

Тарбиячи теварак-атрофидаги табиатни кузатиш учун боғча майдончасида ва боғчадан унча узоқ бўлмаган

жойларга тез-тез сайрлар ташкил этиб туради. Бундай сайрларда тарбиячи болаларнинг ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёти, уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароит тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиради. Сайр вақтида болаларни жонли ва жонсиз табиатни диққат билан кузатиб, ундаги ўзаро боғлиқликларнинг сабаб-натижаларини аниқлашга ўргатади. Болаларда табиатга муҳаббатни тарбиялайди, уни асраб-авайлаш хоҳишини ўйғотади. Катталарнинг табиатдаги меҳнатини қизиқиш билан кузатиб, ўзи ҳам қўлидан келган меҳнати билан ёрдам беришга интилишини тарбиялайди. Бу ёшдаги болаларни табиат, ундаги ўсимлик ва ҳайвонлар билан таниширишда бевосита кузатиш асосий усул ҳисобланади.

Кузатишлар объектнинг ўзига хос хусусияти ва кузатишдан кўзланган таълим-тарбиявий вазифасига қараб, қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ривожланиши бутун ёз давомида кузатилади, об-ҳаво, ҳайвон ва ҳашаротларнинг хатти-ҳаракатини кузатиш қисқа муддатли бўлиши, аммо тез-тез такрорланиб туриши керак. Қузги ҳавони бир неча марта кузатгандан кейин тарбиячи болаларга гурӯҳ хонасида табиат календари билан ишлашга ўргатади. Аввалига тарбиячи календардаги расмларни ўзи алмаштириб туради. Болалар расм чизиш техникасини эгаллаб олганларидан кейин тарбиячи бу ишга болаларни жалб этади. Ҳар фаслнинг охираиде расмлар болалар билан биргаликда кўриб чикилади ва ўтган фаслда об-ҳаво қандай бўлганлигини болалар эслашади.

КУЗ

ЖОНСИЗ ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИНИ ҚУЗАТИШ

Қуёш. Тарбиячи болалар билан қўёшнинг кўтарилиши ва ботишини кузатади. Тарбиячи болаларга, қўёш куннинг ўртасида эрталабки соатларга қараганда кучлироқ қиздиришини, кечки томонга бориб унинг ҳарорати яна пасайишини тушунтиради ва оддий тажрибаларда синаб кўришади. Ёмғирдан ёки ҳовлига сепилган сувдан йиғилиб қолган ҳалқоб сувнинг буғланиши эрталаб сезилмайди, тушки овқатда ундан чиқаётган буғни бемалол кузатиш мумкин, кечқурун яна пасаяди. Ўсимликларнинг гули, барги куннинг ўртасида сўлиб қолади.

Кузда шамол ёздагига нисбатан кучлироқ эсишига

болаларнинг эътибори жалб этилади. Сайрга пирпирак, пуфак, байроқча, лентачаларни олиб чиқиб, шамолнинг йўналиши ҳамда кучи белгиланади ва топишмоқлар айтиш мумкин. Масалан:

Қўлсиз-оёқсиз,
Эшик очади.

(Шамол)

Ҳаво очиқ ва булатли кунларда осмонда сузид юрувчи булатларни кузатинг, шаклини, рангини, баландпастлигини, фарқини, ҳаракатланиш тезлигини аниқланг. Шамолнинг кучига қараб булатларнинг ҳаракати ҳам ўзгаришига болалар диққатини жалб қилинг ва бунинг сабабини тушунтиринг.

Кузда ёмғир тез-тез ёғаётгани, кунлар совий бошлагани, куз ёмғирларидан кейин гуллар ўсмаслигини, яқинда қиши келишини болаларга айтинг.

Сайр вақтида болалар билан боғча ҳовлисида ёки яқинроқ жойда ҳовуз ёки ариқ бўлса, сувга қўлларини теккизисиб кўришларини таклиф қилинг. Сувнинг совуқ ёки илиқлигини болалардан сўранг. Болалар сувга ҳар хил нарсаларни ташлашни яхши кўрадилар. Болаларда оғир, енгил, чўқади, чўкмайди тушунчаларини машқ қилдиринг. Қайтишда озгина қум ва майда тощалардан олиб олинг ҳамда қушчаларга дон билан бирга қўшиб берилишини тушунтиринг.

Кунлар совиган сари тупроқ ҳам тўқ рангга кираётганига болалар диққатини қаратинг. Эрталаб ер юзи, ўтлар усти қиров билан қопланганини, бу совуқдан қировга айланган сув томчилари эканини тушунтиринг. Кун исиши билан қировлар эриб кетишини кузатинг. Ер ҳам совуқдан музлаб қолганини, уни энди чопиб бўлмаслигини кўрсатиб, тушунтиринг. Кечки сайр вақтларида осмоннинг қоронфилашганига, унда пайдо бўлган ой ва юлдузларни болалар билан кузатинг. Ой битталигини, юлдузлар эса жуда кўплигини, ой ёруғ бўлгани билан чарақламаслигини, юлдузлар эса кичкина бўлса-да, чарақлаб туришини тушунтиринг. Болаларни ой ва юлдузларнинг гўзаллигидан завқланишга ўргатинг.

ЎСИМЛИҚЛАР ДУНЁСИНИ КУЗАТИШ

Куз бизнинг серқуёш жумҳуриятимизда ҳамма фасллар ичида энг тароватлилиги билан ажралиб туради.

Ишкомларда пишган узумларнинг олтиндай товланиб туриши, боғларда олма, нок, беҳи, анор каби меваларнинг пишиб туриши; полизларда тарвуз, қовун, бодринг, помидор, карам, пиёз, сабзи, турп, шолғом каби сабзавотларнинг пишиб ётиши; далаларда пахта, буғдой, маккажӯхори ҳосилини етилиши ўлкамиз табиатига ажойиб бир жозибали гўзалликни бахш этади. Буларнинг ҳаммаси ўзининг гўзаллиги, ранг-баранглиги билан болаларда ажойиб завқ-шавқ ҳиссини уйғотади. Чунки бу ерда болалар кўриб, кузатиб турган нарсаларининг асосан ҳаммасидан тотиб кўрганлар. Шунинг учун ҳам бу кузатишнинг идроки ўзгача.

Тарбиячининг вазифаси бу гўзалликни ажойиб бир ҳис-ҳаяжон билан болаларга сингдириш. Кузатишда меваларнинг рангини, шаклини, ўсиш жойини, уларнинг бир-биридан фарқини, мевалар баланд дараҳтларнинг шоҳларида, боғларда ўсишини, уларнинг катта-кичиклиги, ранги, шаклининг бир-биридан фарқ қилишини; помидор, бақлажоннинг ҳосили унча баланд бўлмаган ўтсимон пояларида ўсишини; саримсоқ пиёз, пиёз, сабзи, турп, шолғомнинг меваси тупроқ тагида бўлишини; пахта, буғдой, маккажӯхорининг поялари дараҳтлардан паст, аммо ўтсимон ўсимликлардан баландроқ эканлигини, уларнинг меваси, поялари, барги бир-биридан шакли жиҳатидан фарқ қилишини, кимлар ўстиришини сўзлаб тушунириб беринг.

Куз бўлишига қарамай иқлимимиз иссиқ бўлгани сабабли, гулзорда қийғос очилиб турган алвон турли атиргуллар, хризантема ва бошқа гулларни болалар билан кузатинг, уларнинг номи, ранги, шакли, ҳиди бир-биридан фарқ қилишини аниқлаб, улар тўғрисидаги болалар тасаввурини мустаҳкамлашни машқ қилдиринг. Болалар билан «Дараҳтни топ» ўйинини ўйнанг. «Бир, икки, уч олмага (нокка, олчага, гилосга, тутга, теракка, толга, чинорга ва ҳ. к.) югур». Болалар дараҳтнинг олдига бориб тўхтайдилар, тарбиячи «Буни олма ёки бошқа дараҳт эканлигини қаердан биласан?»— деб сўрайди. Битта бола танаси йўғон, пўстлоғи силлиқ дейди, иккинчиси барги думалоқроқ, тукли дейди, ўйин шутариқа бир неча марта такрорланади. Болаларнинг таърифлашлари топган дараҳтни яхшироқ кузатишга ва эслаб қолишга ундейди.

«Қўлимдаги барг қайси дараҳтдан?» ўйинидан кўзланган мақсад ҳам юқоридагича. Дараҳтлар барги тў-

кила бошлаганда уюширилган сайдарда болаларга скамейкага ўтиришни таклиф этиб, кузнинг тароватидан завқланишни тавсия этинг. Болалар билан дараҳтлардан ҳар хил раңгли барглар тушаётганини кузатинг ва сабабини аниқланг.

Болаларга қўйидаги ўйинни таклиф этинг. Ҳамма болалар қўлларига кўпгина баргларни йиғиб оладилар. Тарбиячи шамол бўляяпти, дейди, ҳамма болалар барг ушлаган қўлларини баланд кўтариб, у ёққа-бу ёққа тебранадилар. «Барглар пилдираб айланаяпти»— дейди. Болалар ҳаммаси қўлларини баланд кўтариб айланишади. Кейин баргларни сочиб юбориб, ўтириб олишади. Тарбиячи куз тўғрисида, баргларнинг тўкилиши тўғрисида шеър ёки топишмоқ айтади.

Қизил, сариқ товланар,
Ерга тутдек ёғилар.

(Барг)

ёки А. Бартонинг қўйидаги шеърини ўқиш мумкин:

Барг тўкилиб, тўкилиб,
Тушар ғамгин шитирлаб.
Ерни безаб қоплаган,
Сариқ, яшил, қизил ранг.

Гулзорда очилиб турган гуллар камайиб қолганда болаларнинг диққатини гулларга жалб қилинг. «Тасвирланган гулни топ» ўйинини ўйнатинг. Болаларда гулларнинг номи, бир-биридан нимаси билан фарқ қилиши ҳақидаги тасаввур, тушунчаларини шакллантиринг. Ўрта гуруҳ болалари гулзордаги уруғларни териши малакасини эгаллаб олганлар. Уларга бу ишни эҳтиёткорлик билан бажаришни ўргатинг. Фақат намозшомгул ва тирноқгулнинг уруғини теришни топширинг, болалар ҳар бир гулнинг уруғини биттадан иккита қуттичага солишин.

Болалар билан шаҳар шароитида катталарнинг мевали дараҳтлар, манзарали дараҳтлар, атиргулларнинг ортиқча шохларини кесиб, гулларнинг устини ёпиб, қишига тайёрлаётгандарини кузатинг ва болаларга нима учун катталар бу ишларни бажараётгандикларини тушуниринг. Қишлоқ жойларда болалар билан катталарнинг паҳта теришини, чорвага ем-хашак ғамланиларини, чорваларни қишки жойларига кўчираётгандарини кузатинг.

Болалар билан бироз пахтани териб, унинг опиоқлиги, юмшоқлиги, ичида чигити — уруғи борлигини кўрсатинг, булар бизнинг ўлкамиз табиатининг саховати (ўлкамиз иқлими иссиқ бўлганлиги, сув мўллигидан) эканлигини тушунтиринг ва Қ. Муҳаммадийнинг қўйидаги шисърини ўқинг:

ҲАЙ-ҲАЙ ПАХТАЗОР ДАЛАМ

Ҳай-ҳай пахтазор далам,
Очилди дув чамандай.
Осмонда бор юлдузлар
Ерга тушиб қолгандай

Ё ёғдими лайлак қор,
Оқ кумушдек ер юзи
Ёки гўзал оймома
Ерга қўнди кундузи.

Ё далани оқ қушлар
Галаси қоплаб олди.
Ё олам бир бутун
Оқ чечакка ўралди.

Ё ер бўлди дошқозоч
Пахта сутдек кўпирав.
Оқ денгиздек пахтазор,
Чайқалиб тўлқин урап.

Болалар билан имкони бор жойларда катталарнинг кузги меваларни, сабзавотларни йиғишираётганларини кузатиб, уларнинг номини бирма-бир айтинг. Катталарнинг меҳнат натижалари тўғрисида болаларга сўзлаб беринг. Болалар билан мевалардан еб кўринг, улар ширинлигининг сабабини тушунтиринг. Болаларни мева ва сабзавотлар тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш учун «Магазин» дидактик ўйинини ўйнатинг. Аввалига тарбиячи сотувчи ролини бажаради. Биронта мева ёки сабзавотни сотиб олиш учун болалар ўша сабзавот ёки мевани таърифлашлари керак.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ ҚУЗАТИШ

Ёзда қўнғизлар, ниначилар, чигирткалар, капалаклар кўп эди. Энди улар кўринмаяпти. Болалардан нима учун кўринмайтгани сабабини сўранг. Болалар билан шохлардан-шохларга тортилган ўргимчак тўрини кузатинг. Ўргимчак бу тўрни нима учун тортгани, ва у фойдали ҳашарот эканлигини тушунтиринг. Навбатдаги сайдар қушларнинг камайиб қолгани, фақатгина мусича, чумчук, ҳакка, зағизғон, қарға учиб юргани, улар ҳам одамлар яшайдиган жойларда, уйларнинг олдида кўпроқ юрадиган бўлиб қолганига болалар диққатини жалб қилинг ва қўйидаги шеърни ўқинг:

Бечоралар изгишиб,
Дон ахтариб қолишиди.
Айвон, ўчоқ бошидан,
Нон ахтариб қолишиди.

Болалар уларнинг хатти-ҳаракатларини, овозларини бошқалари билан солиштиришади. Тарбиячи йилнинг совуқ фаслида қушлар озиқ топишга қийналишлари, уларга озиқ бериш зарурлигини тушунтиради. Аввалига қушларни ўргатиш учун уйга яқинроқ жойга, ерга дон сепиб қўйиш керак, кейинчалик ўша ерга донхўраклар осиб қўйинг ва болаларга уларни қандай овқатлантириш кераклигини тушунтиринг. Болалар билан сайдга чиққанда ҳар гал қушларга овқат олиб чиқишига ўргатинг. Қушларнинг донхўракларида дон чўқиётганини кузатганда болалар билан уларнинг ташки тузилиши, хатти-ҳаракатидаги фарқларини ажратишга ўргатинг.

Сайд вақтида майдончада кучук ва мушукни кузатиш имконияти пайдо бўлса, болалар диққатини ҳар икки уй ҳайвонининг ўзига хос хусусиятларини ажратишга ўргатинг. Мушук шарпасиз юради, унинг оёқлари учida тирноқлари бор, уларнинг ёрдамида дараҳтларга, деворларга, томларга бемалол чиқиб юраверади. Унинг кўзлари ўткир, сичқонларни тутиб еб, одамларга фойда келтиради. Кучук мушукдан кўра каттароқ, унга яхши қаралса, одамга жудаям содиқ бўлади, уйни пойлайди, овга бирга боради, чегарани қўриқлайди. Шу усул билан имкони бўлса, от сигир, қўй, эчки, қуён, хўроз, товуқларни ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг ўзига хос белгиларини, хатти-ҳаракатларини, одамларга келтирадиган фойдасини, одамлар уларни парвариш қилиш усулларини тушунтириш зарур.

КИШ ЖОНСИЗ ТАБИАТНИ КУЗАТИШ

Биринчи қор ёққанда болалар билан сайдга чиқингда, улар диққатини ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланганига қаратинг ва болалар иштирокида қордан турли нарсалар ясанг. Бундай ўйин орқали болалар қорнинг хусусиятларини: совуқлигини, юмшоқлигини, ундан ҳар хил шакллар ясаш мумкинлигини, иссиқдан эришини билиб оладилар.

Қор кам ёққанда тарбиячига болалар йўлкаларни қордан тозалашда ёрдам берадилар. Қаттиқ совуқ кунлари болалар билан деразалардаги совуқ солғаи расмларни кузатинг ва кун исиши билан уларнинг эриб кетиш сабабларини тушунтиринг.

Сайр вақтида болаларга сумалакларни ушлаб кўришни таклиф этинг; унинг силлиқлиги, совуқлиги, қаттиқлиги, оғирлигини ва кафтнинг иссиғидан эриб, сувга айланишини тушунтиринг. Болалар билан катта болаларнинг яхмалак учайдиганини, бу яхмалакнинг силлиқлигини, унга кечқурун сув сепиб қўйиб, болалар ўзлари тайёрлаганларини айтинг ва қор ёғган кунлари қор тўғрисида қўйидаги топишмоқни айтинг:

Элакдан ун эланди,
Супра унга беланди.

(Қор)

Қўли йўқ, оёғи йўқ
Расм чизади.

(Совуқ)

Қиши кунидаги сайрлардан бирида болалар билан қорга бурканган дараҳтларни кузатинг, уларнинг гўзалигидан болалар қувончи ҳис-ҳаяжонга тўлиб, завқланишга ўргансинлар. Барглари тўкилиб кетган яланғоч дараҳтлар ичидаги ёздагидек, ям-яшил кўкариб турган арча дараҳтига болалар диққатини жалб қилинг. Унинг яшил бўлиб туриш сабабларини тушунтиринг ва болаларга арча дараҳти тўғрисида топишмоқ айтинг ва унинг жавобини теварак-атрофдан қидиришни таклиф этинг:

Қишин, ёзин
Бир хил кийимда.

(Арча)

Табиатга уюстирилган сайрда болаларга дараҳт ва буталарни асраб-авайлаш, шохларини синдирмаслик айтилади. Барги йўқлигига қарамай, уларнинг тириклиги, баҳор келиши билан ҳаммаси барг ёзиб, гул чиқариб, чиройли бўлиб кетиши тушунтирилади. Биронга дараҳтнинг синиб ётган шохини гурӯҳ хонасига олиб кириб, сувли банкага солиб қўйинг ва уни хонадаги

иссиқда барг ёзганини кузатинг. Даражтларни совуқдан барг ёзмаётганлигини болаларга тажриба орқали тушунтиринг.


Катта кишиларнинг йўлакларни қордан супурги, белкурак билан тозалаётганликларини болалар билан кузатинг, улар йўлакдан юрадиган бошқа одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларини, болалар сирпаниб, йиқилиб тушмасликлари учун шундай қилаётганликларини айтинг. Сайр вақтида қишилаб қолувчи қушларчумчук, мусича, ҳакка, зағизғон, қорақарғага, уларнинг сайрамай жим-жит бўлиб қолганига болалар диққатини жалб этинг ва уларнинг донхўракларига дон, нон увфи, суяк майдалари, ҳар хил латталар ташлаб, болалар билан уларни кузатинг. Қайси қушлар донни чўқишиади, қайси бири нон ушоқларини, қай бири суяк майдаларини чўқишиади. Латта, пахта, парларни ўз инларига ташиб кетаётганини, энди уларнинг инлари иссиқ бўлишини тушунтиринг. Болалар қушларни ташқи кўринишидаги, хатти-ҳаракатидаги фарқини бир-биридан аниқлашсан. Ҳар бири тўғрисида топишмоқ, шеър айтинг, болалар топишсин.

Шу билан барча қушларга ҳар куни овқат бериб туриш зарурлигини, акс ҳолда улар оч қолиб, совуқда ҳалок бўлиши мумкинлигини тушунтириб беринг. Қушларга яшил кўкатлар ҳам зарур. Шунинг учун болалар билан гуруҳ хонасида, ёғоч қутида помидор уруғини сепиб ўстиринг ва улар билан қушларни овқатлантиринг.

ТАБИАТ БУРЧАГИДАГИ ИШЛАР

Қишида болалар билан табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш давом этади. Бу даврда ўсимликларга сув қўйиб, тагини юмшатиш, тупроқни озиқлантириш, баргларини гўнглардан тозалаш, ҳайвонларни парвариш қилиш: овқат, сув бериш, терраиумларнинг тагини тозалаш, аквариумнинг сувини катталар ёрдамида алмаштириш каби ишлар бажарилади, бундан ташқари болалар диққат-эътиборини ўсимлик ва ҳайвонларга юқорида айтиб ўтилган парваришдан ташқари ёруғлик ва иссиқлик кераклиги тушунтирилади ва ҳар доим ўсимлик ва ҳайвонларни болалар билан имкони борича ёруғ ва иссиқроқ жойга кўчириб турилади.

Қишининг охирларига келиб мевали ва манзарали



1- расм. Пахта ва ундан олинадиган маҳсулотлар



2-расм. Гулзор
ўсимликлари.

1—салвия, 2—атиргул,
3—хризантема, 4—хина
гул, 5—райхон



буғдойик



шўра

чирмовик

зарпечак

олабута

3-расм. Дала бегона ўтлари.





4- расм. Лола ва лолақизғалдок.



бэргүл



фicus



алоэ



тадесканция



бэргүл


5- расм. Хона үсүмликлари.



сигир



туя



от



эчки



күй

— расм. Уй ҳайвонлари.

7- расм. Карам кишили и унинг тухуми, гумбаги ва курти.



8- расм. Ипак қурти, унинг ғумбаги ва капалаги.



9- расм. Чүнда яшайдыган хайвонлар.


калгасек

илон




юоронқозик

тошбака




10- расм. Ҳашаротлар:

1— март күнгизи, 2— баргхүр күнгиз, 3— түйлам қурти ва унинг капалаги, 4— бойқизи ва унинг личинкаси, 5— бешктерватар.



11- расм. 1— ўргимчак, 2— газанда ўт капалаги, 3- асалари ва сарық ари,
4— чумоли, 5— типратикан.



12- расм. Чигиртка
ва унинг турлари.



13- расм. Лайлак.




14- расм. Қалдирғоч.



15- расм. Сассиқпопишак.



16- расм. 1— читтак, 2— қизилиштон, 3— загизон



17- расм. 1— заргалдок, 2— күршапалак



19- расм. 1— сана, 2— майна, 3— бойкун.

18- расм. Мусича.



20- pacm. 1—кобра капфа, 2— ола капфа, 3— кък капфа.

даражтларнинг (терак, тол) шохларидаи олиб келиб, гуруҳ хонасида сувли банкага солиб қўйинг ва уларнинг барг ёзиб гуллашини кузатинг, шу орқали болалар ўсимликларнинг иссиқдан тезроқ ривожланиши сабабини билиб оладилар.

БАҲОР ЖОНСИЗ ТАБИАТНИ КУЗАТИШ

Тарбиячи болалар диққатини кунларнинг узайиб қолганига қаратади, кунлар исиб, қорларнинг эриб кетгани, ёмғирли кунларнинг кўплиги, баҳор ёмғирининг майдалаб, узоқ ёғишига жалб этади.

Ёмғир кўп ёғса қир ва далаларда ўтлар яхши ўсиб, ўтлаб юрган ҳайвонлар (от, қўй, сигир, эчки ва шунга ўхшашлар)га мўл озуқа бўлишини, боғлар ва полизларда эса ёмғир ёғғандан кейин экинзорлар, боғлар, гулзорларга сув қўйиш зарурати қолмаслигини болаларга гапириб берилади ва Шукур Саъдулланинг қуидаги шеърини ўқиб бериш мумкин:

ЁМҒИР ЁҒАЛОҚ

Ёмғир ёғалоқ,
Ям-яшил ўтлоқ.
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ.

Тарновдан ошиб
Тушади шошиб.
Сўнг жилғалардан
Оқади шошиб.

Ариқлар тўлар,
Зўр анҳор бўлар,
Сув сероб экан,
Кўп пахта унар.

Ёмғирдан фойда
Майсага, донга.
Юрт сероб бўлар
Оқ буғдоӣ нонга.

Ёмғир ёғалоқ,
Томчи юмалоқ.
Ёмғир тингандা
Чиқар камалак.

Кейин болаларга шеърнинг мазмунни тушунтириб берилади.

Үсимликлар дунёсини кузатиш

Баҳор гулларининг ниш уриб чиқаётгани, ерлар кўмкўк ўт билан қопланаётгани, дараҳтларнинг куртаклари катталашиб қолгани кузатилади.

Эрта баҳорда биринчи гуллайдиган қалдирмоқ, бойчеклар, кейинги сайдларда эса лолақизғалдоқ, момақаймоқ, лола, нарғис, бинафша гулларининг очилгани кузатилади. Булар болаларда катта қизиқиш уйғотади. Тарбиячи болалар билан биргаликда дараҳтларнинг тагини юмшатади.

Дараҳтлар гуллаганда тарбиячи болалар билан боғча ҳовлисига бир неча марта сайдирди. Болалар гуллаб турган мевали дараҳтларнинг тагига бориб томоша қиласидар. Тарбиячи дараҳтларнинг пастроқдаги гуллаб турган шохини аста эгиб, ҳидлашни таклиф этади, кейин гулларнинг рангини, гулбаргларнинг шаклини, ҳар бир гулда нечтадан гулбарг борлигини аниқлашади. Бир дараҳтнинг гулинин иккинчиси билан таққослашади. Масалан: нок билан олмани, шафтоли билан ўрикни ва ҳоказо. Болаларни дараҳтлар ва бошқа үсимликларнинг номи, ҳар бирининг ўзига хос томонлари тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун қўйидаги дидактик ўйинларни ўйнатиш мумкин. Масалан, «Гулига қараб дараҳт ёки бирон таниш үсимликнинг номини айт», «Бу қайси дараҳтнинг гули» ва шунга ўхшашлар.

Кейинги сайдларда гуллардан гулларга ўтиб, ғувилашиб учиб юрган асалариларга болалар диққати жалб этилади, уларнинг нима учун гул устида учиб юргани, одамларга келтирадиган фойдаси тушунтирилади. Шундан сўнг, тарбиячи К. Муҳаммадийнинг аслари тўғрисидаги қўйидаги шеърини ўқииди:

БОЛАРИ

Ғув-ғув учар болари,
Дув-дув учар болари
Гулдан-гулга қўнишиб
Шарбат ичар болари.
Ғув-ғув нағманг болари
Боғчамиизда яирашиб,

Учиб ўйин сол, ари!
Сен қадрдон дўстимиз,
Асалинг еб, ўсдик биз.
Ясаб берай сенга қути
Боғчамизда қол ари!

Ёки бўлмаса қуйидаги топишмоқли шеърни айтиш керак.

Виз-виз, виз-виз,
Учамиз, қўнамиз.
Гулдан-гулга кўчамиз,
Гул шарбатин ичамиз.
Виз-виз, виз-виз
Қани топинг, ким биз?

Топишмоқнинг мазмуни болаларга тушунтирилади. Шундан кейин болаларга Н. Павлованинг «Топилма» ҳикояси ўқиб берилади (Иловага қаранг).

Катталар билан болаларнинг дараҳт ўтқазиш бўйича шанбаликлари ўтқазилади. Уларга катталар нима учун шундай иш қилаётганликларини тушунтириш кепрак. Имкони бўлса, болалар билан майдончага дараҳт ва гул кўчатларининг уруғи қадалиб, парвариш қилиб борилади. Бунда болалар қўлларидан келган меҳнатлари билан қатнашадилар.

Кейинги сайдарда настарин ва турли рангдаги атиргулларнинг чаман бўлиб очилиб туришини кузатадилар, уларнинг номи, ранги, ҳидини аниқлайдилар, таққослаб ўхаш томонлари ва бир-биридан фарқини сўз билан таърифлайдилар.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ КУЗАТИШ

Баҳор келиб кунлар исий бошлиши билан қурт-қумурсқалар ҳам пайдо бўла бошлайди. Пашша, капалаклар, қўнғизлар уча бошлайди, чумолилар ғимирлашиб қолишади. Болалар уларни кузатсинлар, уларнинг хатти-ҳаракатини, катта-кичклигини, рангини, шаклини, ўхаш томонлари ва бир-биридан фарқини аниқлашсан. Чумолининг ини ташқи томонидан кичкинагина тешикча, аммо ер тагида катта бўлишини, у ерда чумо-

лилар жуда кўплигини тушунтиринг. Чумолилар уяларига ҳар хил хашак, ўсимлик уруғларини ташиб кетаётганига болалар диққатини жалб этинг. Бир бўлак қанд, конфет ёки печенье ташлаб, унга тезда кўп чумолилар ёпишиб олиб ейишни, қолганини уясига судраб, ташиб кетаётганини болалар билан кузатинг.

Улар одам учун фойдали ҳашарот (санитарлар, ерни юмшатиб ўсимликнинг ўсиши учун ёрдам беради) эканини, шунинг учун уларни асраб-авайлаш, уясини бузмаслик кераклиги болаларга тушунтирилади. Кечки пайт «Қарим чумолининг тилини билар экан» номли халқ әртагини ўқиб беринг.

Болалар диққатини баҳор келиши билан иссиқ мамлакатлардан учиб келган қушларга: дала тўрғайи, қалдирғоч, булбул, какку, жиблажибон ва бошқа қушларга қаратинг. Болалар яқинроқ жойдаги қушлар уясидан чиқаётган чуғур-чуғурни эшлишилари, қушчалар шохча ва новдаларни қанчалик тиришқоқлик билан ташиб, уяларини тузатаётганикларини кузатсинглар. Қалдирғочларни кузатиш яна ҳам қизиқарли. Тарбиячи қалдирғочнинг уяси қандай кўринишга эга эканлигини тушунтиради ва уларнинг сайрашини эшлишини таклиф этади ва қуйидаги топишмоқни айтади:

Зув-зув боради,
Томдан қарайди,
Чўп-лой ташийди,
Сават тўқийди.

(Қалдирғоч)

Баҳорда болалар билан ҳамма уй ҳайвонларнинг болаларини, жумладан, мушук ва унинг болаларини кузатинг. Товуқни жўжалари билан, дала жойларда эса сигирни бузоги билан, отни тойчоги билан, қўйни қўзичоги билан ва ҳоказо кузатишлар болаларга завқ бағишлийди ва улар жуда кўп саволлар бера бошлайдилар.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай кузатиш, табиатдаги ўзаро боғлиқликларни болаларга тушунтириш билан боғлаб олиб бориши лозим: қўй, эчки одамларга юнг, гўшт беради; товуқ — тухум, пар, гўшт беради; сигир — сут, гўшт, тери беради ва ҳоказо. Шунинг учун уларни одамлар парвариш қилишади. Бақа, қурбақалар заарли ҳашаротлар билан овқатланади,

шунинг учун уларни ҳам асраш керак; кўпчилик ҳайвонлар үтлар билан овқатланади, үтларни ҳам беҳуда юлмаслик керак ва шунга ўхашлар.

ТАБИАТ БУРЧАГИДАГИ ИШЛАР

Тарбиячи болаларга табиатдаги гулларга сув қўйишни топшираётib, баҳор фаслида ўсимликлар қишдагига нисбатан кўпроқ сув ичишини айтади. Бурчакка мавсумий ўсимликлар жойлаштирилади. Хонада сувли банкага солиб қўйилган мевали дараҳтлар шоҳчаларидағи куртаклар барг ва гул ёзгани кузатилади ва улар майдончадаги дараҳт шоҳлари билан солиширилади, ҳаво иссиқ бўлган ўсимликлар тезроқ ривожланиши болаларга тушунтирилади. Хона бурчагидаги тайёрлаб қўйилган ёғоч қутиларга сули, пиёз, буғдой экиб, парвариш қилиш ва униб чиқишини кузатиш, ўсиб чиққан кўк пиёзни майдалаб тўғраб, хоҳлаган болаларнинг овқатига солиб бериш, қолган кўкатларни табиат бурчагидаги ҳайвонларга бериш керак.

Гуруҳ хонасида бирон печенье ёки конфет қутисида бироз ипак қуртини ўстириинг. Болаларга бу ипак қурти эканини ва уни яхшилаб парвариш қилинса, бир неча кундан кейин катта бўлиб пилла ўрашини, пилласидан ипак олиб, ҳар хил матолар тўқилишини сўзлаб беринг.

Ипак қуртини парвариш қилиш шарт-шароитлари билан болалар танишириб борилади ва болаларни бу ишга қўлидан келган меҳнати билан қатнашишга жалб этиб борилади.

Ипак қуртини парвариш қилаётганда тарбиячи болаларга К. Муҳаммадийнинг ипак қурти тўғрисидаги шеъридан қўйидаги парчани ўқиб бериши мумкин:

Оқ қурт, кўк қурт, ола қурт,
Бир-биридан сара қурт.
Тут баргидир емиши.
Гулдан тоза турмуши.

Виш-виш этиб аланглаб,
Баргни ейди яланглаб,
Кеча-кундуз хизматда
Шунинг учун иззатда.

Ёзда болаларнинг кўп вақтлари очиқ ҳавода ўтади. Сайрга чиққанда тарбиячи болалар диққатини осмоннинг кўм-кўклигига, қуёшнинг қаттиқ қиздираётганига, иссиқдан, ҳатто қушлар ҳам шохлар панасига беркиниб олганига, ҳовлига сепилган сувнинг тезда қуриб қолишига қаратади. Иссиқ бўлгани учун ўсимликларни тез-тез суфориб туриш кераклиги тушунтирилади. Болалар ёз давомида боғча майдончасидаги ўсимлик ва гулларни парвариш қилишда тарбиячи ва катталарга қўлларидан келган меҳнатлари билан ёрдам берадилар.

Парвариш қилиш жараёнида дарахтлар ва гулларда юз берган ўзгаришларни кузатиб, билиб оладилар. Резавор мевалар пишган пайтда сайр ташкил этилиб, унда пишган мевалар терилади. Бу болаларга катта қувонч бахш этади. Пишган меваларни хом мевадан фарқлашга, мевалар қаерда тезроқ пишишини: дарахт тагидами, соядами, яланглиқдами ёки офтобдами — ма-на шуларни аниқлашга ва унинг сабаби натижаларини билиб олишга ўргатилади.

Боққа уюштирилган мақсадли сайр болаларни мевали дарахтларнинг номлари билан таништириш, уларнинг меваси, ранги, шакли билан таништиришда яхши қўл келади. Далага уюштирилган сайдарда пахта даласининг бепоёнлиги, унинг яшил денгизга ўхшаб, мавжудланиб туришига, ҳар бир ғўзада оппоқ пахталар очилиб ётганига ва унинг пушти ранг гулларига болалар диққатини жалб қилинг. Болаларга пахта республикамизнинг фахри эканлиги, ундан кўплаб маҳсулотлар тайёрланиши айтилади. Шу билан бирга у иссиқ севувчан ўсимлик эканлиги, шунинг учун у серқуёш республика-мизда кўп ўстирилишига болалар диққати жалб этилади. Ва тарбиячи болаларга пахта тўғрисидаги топишмоқ ва шеърлар айтади:

Оппоққина дастурхон
Деҳқон ерин қоплаган.

(Пахта)

Шундан кейин Т. Қамчиевнинг пахта тўғрисидаги қуийдаги шеърини ўқиши мумкин:

Пахта, пахта, пахтажон,
Сен азизсан ҳар қачон.

Эгнимдаги күйлак ҳам
Деҳқон кийган яхтак ҳам,
Қўғирчоғим қалпоғи,
Ҳатто ошимиз ёғи,
Ҳаммаси зийнатингдир,
Ҳаммаси неъматингдир.

Пахтани ўстириш учун колхозчилар жуда кўп меҳнат — ерни чопиш, чигитни экиш, вақтида чопиқ қилиш, тагини юмшатиш, ўғитлар бериш, бегона ўтлардан тозалаб туриш каби ишларни бажаришлари, уларга машиналар (трактор, сеялка ва ш. ў.) ҳам ёрдам бериши тўғрисида болаларга гапириб берилади.

Навбатдаги сайдарда олтиндек тобланиб пишиб ётган буғдойзор, болалар кўз олдида дараҳтлардек баланд ўсиб ётган маккажўхориларнинг ўсиши, уларнинг дони, ранги, шакли кузатилади, пояларининг фарқи таққосланади.

Қишлоқ жойларда болалар билан полизда пишиб ётган қовун-тарвузларни, пишиб ётган помидор, болгар қалампири, бодрингларни кузатиш мумкин. Уларни ўстириш бўйича кишилар меҳнатини, уларнинг нима учун бу сабзавот, донларни етиштираётганларини тарбиячи болаларга сўзлаб беради ва қуйидаги топишмоқни айтади:

Хўппа семиз, бир туки йўқ.

(*Тарвуз*)

Дараҳтда эмас, ерда
битар қип-қизил олма.

(*Помидор*)

Бир бармоқча бўйи бор,
Қизил, яшил тўни бор.

(*Гармдори*)

Кичкина сапча
Кўм-кўк,
Хом бўлса-маза,
Сап-сариқ пишса бемаза.

(*Бодринг*)

Сув ҳавзасига уюштирилган сайдарда катта ва кички-

на ниначиларнинг ҳар хил рангдалиги, учиши, қурбақанинг ҳаракатланиши, чивинларни тили билан тутиб олишини кузатишади. Яйловларда ўтлаб юрган ҳайвонларнинг номи, уларнинг эгаси ким эканлиги, улар ўтлоқдан нимани еяётганлари, чўпон уларни ҳайдаб бораётгани, улар сувни қандай ичаётгани кузатилади. Кечқурун ҳайвоннинг уйга қайтиши, ўз уйини топиб кетишини кузатинг.

Боғга уюштирилган сайрда баҳорда дараҳтларнинг чаман бўлиб очилиб ётган гуллари ўрнида олма, ноклар пишиб, шохлари пастга эгилиб ётганини кузатинг. Болалардан ҳар бир меванинг гули қандай бўлганини сўранг. Булар ҳаммаси мева деб аталишини мустаҳкамланг.

БОҚҚА МАҚСАДЛИ ЭҚСҚУРСИЯ

Бу сайр олтин кузда боғнинг мевали ва манзарали дараҳтлар ўсадиган, очиқ, қуёшли куз белгилари сезилиб турадиган кунда ўтказилади.

Экскурсиядан мақсад. Болаларни кузнинг характерли белгилари билан танишириш. Болаларга мевали ва манзарали дараҳтлар тўғрисида тушунча бериш. Болаларга мевали ва манзарали дараҳтларнинг номини айтиш, мевали дараҳтларни манзарали дараҳтдан фарқ қилишга ўргатиш; ҳашаротлар ва қушлар ҳаёти ҳақидаги билимларини аниқлаш; болаларга кузнинг белгиларини билдирувчи сўзлардан фойдаланишни ўртатиш; кузатишларга қизиқиши, табиат гўзаллигидан завқланиш қобилиятини тарбиялаш.

Экскурсияга тайёрланиш. Болаларга бутун улар кузда боғ қандай бўлганини, у ерда қандай дараҳтлар ўсишини билиб олишлари, дараҳтларнинг мевалари ва баргларини теришлари айтилади. Барг ва уруғларни солиш учун қоғоз халтачалар тайёрлаб қўйилиади.

Экскурсиянинг бориши. Боққа кириш билан тарбиячи А. Бартонинг қуйидаги шеърини ўқийди:

Барг тўкилиб, тўкилиб,
Тушар ғамгин, шитирлаб.
Ерни безаб қоплаган,
Сариқ, яшил, қизил ранг.

Болалар диққатини мевали ва манзарали дараҳт-

лариинг кузги гўзал безагига жалб қилинади, улардан завқланиш лозим. Тарбиячи болаларга ўзларига таниши мевали дараҳтлар — олма, нок, беҳи, олча, гилос, олхўри, анжир, ўрик ва манзарали дараҳтлар — чинор, арча, терак, толни топишни таклиф этади. Болалар баргларни терадилар, уларни синчилаб кўрадилар, унинг ранги, шакли, катта-кичиклигини айтадилар. Сўнгра ҳаммалари нок дараҳтларининг олдига келадилар. Тарбиячи болаларни дараҳтни таниш, нок дараҳтининг ўзиға хос белгиларини айтади. Болалар олма баргларини топиб, уни шафтоли барги билан солиширадилар, уларнинг шакли ва рангини аниқлайдилар.

Тарбиячи болалардан боғда яна қандай мевали ва манзарали дараҳтлар борлигини сўрайди.

Болалар бироз тинч туриб, боғдаги товушларга қулоқ солишлирини таклиф этади: «Нима эшишилайти?», «Қушлар сайраяптими?». Учиб ўтаётган қушларнинг ноими айтилади. Барглар тагидан яшириниб олган қўнғизларни, капалакларни ахтариш мумкин.

Экскурсия охирида боғ гўзаллигидан яна бир завқланиб, куз ҳақидаги қўйидаги шеърдан парча ўқиши мумкин.

КУЗ

(Плещеев шеъри)

Кириб келди олтин куз,
Гуллар жилоси сўнди.
Яп-яланғоч буталар,
Фамгин боқади энди.

Болаларнинг ўсимликлар тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини дидактик ўйинлар орқали мустаҳкамлаш мумкин:

«ШУНДАЙ ДАРАХТНИ ТОП» ДИДАКТИК ЎИНИ

Ўйиннинг вазифаси. Дараҳтларнинг баргларни фарқлашга ўргатиш.

Керакли материаллар. Болаларга таниш бўлган учта мевали, учта манзарали дараҳтнинг барги берилади.

Ўйиннинг бориши. Тарбиячи болаларга таниш бўлган дараҳтнинг баргини кўрсатиб сўрайди, бу барг

қайси дарахтдан узилган. Болалар ўша дарахтнинг олдига бориб кўрсатишлари керак. Ўйин шу тариқа болалар ҳамма таниш дарахтларни кўрсатиб бўлгунларича давом этади, кейин тарбиячи баргни кўрсатмай бирон дарахтнинг номини оғзаки айтади, болалар ўша дарахтнинг олдига чопиб боришилари керак.

Худди шу ўйинни хонада қўйидагича вариантда ўтказиш мумкин. Тарбиячи ҳамма болаларга таниш дарахтларнинг расми, ўша дарахтларнинг меваси тасвириланган карточкаларни тарқатади. Тарбиячи қайси мевани кўрсатса, болалар олдиларидаги мева тасвири туширилган карточкани ўша дарахт шохига илиб қўйишилари керак.

Бундай дидактик ўйиннинг топишмоқли варианти болаларда яхши қизиқиши ўйфотади. Масалан, тарбиячи қўйидаги топишмоқни айтади:

Бодом каби япроғи,
Соллонади бутоғи,
Ўзи ширин, туклигина,
Мазаси тотлигина.

(Шафтоли)

Малла тўни сап-сариқ,
Муроббоси мазали.
Паловга босса бўлар,
Подволга осса бўлар.

(Беҳи)

Майдада, ёқутдай қизил,
Ширин, нордон, хилма-хил.
Қалин, тахир пўсти бор,
Ҳамма ерда дўсти бор.

(Анор)

Болалар мана шу ўсимликларнинг тасвирини ёки баргини кўрсатишлари керак ва ҳ. к. Худди шу ўйинни сабзавотлар билан ҳам ўтказиш мумкин. Масалан:

Пак-пакана бўйи бор,
Қават-қават тўни бор.

(Пиёз)

Қат-қат түнли,
Қарич бүйли.

(Карам)

Ер тагида олтин қозиқ,
У ҳаммага бўлар озиқ.

(Сабзи)

Бир бармоқча бўйи бор,
Қизил баҳмал тўни бор

(Гармдори)

Болаларнинг мевалар тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини мустаҳкамлаш учун сабзавот магазинига экскурсия уюштириш мумкин. Иккинчи галда экскурсия яқинроқда жойлашган бозорга уюштирилади.

Кўзланган мақсад. Болаларни куз фаслида ўлкамизда пишадиган мевалар, сабзавотлар билан таништириш. Саховатли она ўлкамизда турли-туман мевалар етилиши, уларнинг ўсиб-ривожланиб, мўл-ҳосил беришида меҳнаткаш дехқон, боболаримизнинг хизмати катталиги ҳақида билим бериш. Болаларда она ўлка табиатидан ғуурланиш ҳиссини уйғотиш, уни ўстирган бобон ва дехқонларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялаш. Машғулотлардан бирида сабзавотларни, иккинчисида, меваларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотдан мақсад. Меваларнинг ташқи кўриниши ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, мева тушунчасини аниқлаштириш; улар боғларда ўстирилишини, бобонлар ўстиришини айтиш. Болаларни текшириб кўришга машқ қилдириш; солишлириш кўнгикмасини та-комиллаштириш; меваларнинг номини, аниқ белгиларни болалар луғатига киритиши. Она табиатимиздан ғуурланиш ҳиссини уйғотиш. Ўстирган дехқонларга нисбатан ҳурмат, муҳаббатни тарбиялаш.

1- машғулотни ташкил этиш. Болалар столлар атрофида ўтирадилар. Мевалардан беҳи, олма, анор, нок катта лаган ёки саватчага солинган, таъмини билиш учун алоҳида тарелкада бўлакларга бўлиб қўйилган мевалар тайёрлаб қўйилади.

2- машғулотни ташкил этиш. Болалар билан биргаликда колхоз боғида, бозорда қандай мевалар

кўрилгани, уларни кимлар етиштиргани эслатилади. Тарбиячи болаларга навбати билан стол устидаги идишда турган мевалар номини айтишни таклиф этади. «Нокни қўлингизга олиб кўрсатинг», «Уни нима учун нок деб атадингиз?» Қаерда ўсади? Бошқа меваларни кўришда ҳам худди шу топшириқ тақрорланади. Сўнгра, иккита мевани бир-биридан фарқи, шакли, ранги, катта-кичиклиги, устки кўриниши аниқланади. Бу фарқларни аниқлашда болалар меваларни ушлаб, силаб, ҳидлаб, думалатиб, бир-бирини олдига яқинлаштириб кўриш каби усуllibардан фойдаланадилар. Шундан сўнг, меваларнинг фарқланиши ҳақидаги хулоса чиқарилади, тарбиячи болалардан улар бозорда ёки бошқа жойда яна қандай меваларни кўрганларини, уларнинг номини сўрайди. Уларни нима учун мева деб аталишини сўрайди. Машғулот охирида болалар мевалар билан меҳмон қилинади. Худди шундай машғулот бошқа мевалар ҳамда сабзавотлар билан ҳам ўтказилиши мумкин.

ПОЛИЗ ҲАҚИДА СУҲБАТ

(СУҲБАТ ЭКСКУРСИЯДАН ҚЕЙИН ОЛИБ БОРИЛАДИ)

Дастурнинг мазмуни. Полизда нималар ўсишини билиш. Қандай сабзавотлар палакларда, шохларда ўсади. Тупроқда қандай сабзавотлар ўсади. Сабзавотларнинг пояси, палагига қараб ажратса билиш (лавлаги, сабзи, помидор ва б.).

Машғулотнинг бориши.

— Болалар бизнинг полизда нималар ўсади,— деб гап бошлайди тарбиячи, сабзавотлар бизга нима учун керак? (Жавоб). Тўғри, сабзавотларни биз овқат учун ишлатамиз. Картошка, пиёз, сабзи, карам, болгар қалампир, лавлаги, шолғомлардан овқат қиласмиз. Сабзавотларнинг яхши ўсиши учун нима керак? (Жавоб). Тўғри, ўсимликларни парвариш қилиш, тагини юмшатиб туриш керак.

— Қандай сабзавотлар тупроқ тагида ўсади?

— Тупроқ остида картошка, сабзи, пиёз, саримсоқ пиёз, лавлаги, турп, шолғом ўсади.

— Пояларда қандай сабзавот экинлари ўсади?

— Помидор, бодринг, қалампир, болгар қалампир, бақлажон.

— Полизларда-чи?

— Қовоқ, қовун, тарвуз, бодринг, ҳапдалак ва шу кабилар,— деб жавоб беришади болалар.

— Тұғри, сизлар сабзавотларни, полиз әкниларини яхши билиб олдингиз. Үйин үйнашни хоҳлайсизларми? Мен сизларга сабзи, лавлаги, турп, шолғом, күкат, болгар қалампирининг поясини; қовоқ, тарвуз бодринг палагини (ёки тасвирини) бераман. Мен тупроқда үсадиган сабзавотлар деганимда, кимлар менинг олдымга келиши керак? Тұғри, кимнинг құлида палак пояда үсадиган сабзавот барглари ёки палаги бұлса, шу болалар келишади. Үйин бошланади. Шундан сүнг, «Сув ва дараҳт» ҳикоясини үқиб беріш мумкин.

МЕВАЗОРГА ЭКСКУРСИЯ

Бу экскурсия олтын кузда, мевалар ғарқ пишган вақтда олмазорга уюштирилади. Болаларга ҳар хил мевалардан, олмалар дараҳт тепасида қандай пишиб ётиши, уларнинг таъми, ташқи құрниниши, ранги, шакли, катта-кичикалиги, мазаси ҳам ҳар хил бўлиши тұғрисида билим берилади.

Экскурсияга тайёрланиш. Болаларга бунда боғ кузда қандай бўлишини, у ерда қандай мевалар пишиб ётганини, боғда одоб ва осойишталик сақлаш кераклиги тушунтирилади.

Экскурсиянинг бориши. Бокқа кириш биланоқ болалар диққати шохлари сершарбат меваларнинг мұллигидан әгилиб, ерга тегай-тегай деб турган олмаларга қаратилиши, уларнинг гүзәллигидан завқ-лантириш лозим. Тарбиячи болалар булар қандай мевалар эканлигини сўрайди. Ва олма мевасини териб, оҳисталик билан қутыларга жойлаётган теримчилар ишини бир дақиқа кузатиб туришни таклиф этади. Болалардан бу олмалар нима мақсадда қутыларга жойланётганини сўрайди ва тушунтиради.

Тарбиячи болалардан «Қутылардаги ҳамма олмалар бир хилми?», деб сўрайди. Тарбиячи болалар билан биргаликда олмаларнинг номини, рангини, катта-кичикалиги, шаклини аниқлаб олади. Кейин болалар билан яшикларда күрган олмаларини дараҳтлардан излашади. Болалар олма бир неча навли бўлишини, битта олма дараҳтида эса фақат бир хил навли олмалар бўлишини билиб оладилар.

Болалар тўкилган олмаларни териб, қутыларга со-

лишади, боғда ишлаётганлар болаларни олмалар билан меҳмон қилишади. Экскурсия охирида болалар олмазорнинг гўзаллигини яна бир бор томоша қилиб, завқланишади ва хайрлашиб кетишади. Экскурсиядан олинган таассуротларни «Рангига қараб топ», «Шаклига қараб топ», «Мазасига қараб топ» каби дидактик ўйинларда, тасвирий фаолият машғулотлари орқали мустаҳкамлаш зарур.

Ўрта гуруҳ болалари 4—5 та хона ўсимлигининг номини, органларини, баргларининг шаклини билишлари, сўз билан тўғри ифодалашлари керак. Тарбиячининг вазифаси болаларни ўсимликларни бир-бири билан таққослаш орқали, шаклини, катта-кичиклигини, барглари ва гулларининг рангини билиб олишга ўргатиш, ўсимликларга қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш, уларнинг ўсиши ва ривожланиши натижасида юз берадиган ўзгаришларни кўра билишга ўргатиш. Бу гуруҳдаги болаларни кичкина гуруҳда таништирилган ўсимликлар тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини мустаҳкамлайди ва янги — ёронгул, хинагул олиб кириб, болаларга таништирилади.

Бу ёшдаги болалар хона ўсимлигини парвариш қилиш бўйича қўйидаги ишларни бажаришлари керак. Гул артадиган латтани ўzlари ҳўллаб сиқишилари, гул баргини, тулагини, дераза токчасини артишлари лозим. Гулга сув қўйилган-қўйилмаганини мустақил аниқлашлари, сув қўйиб бўлгандан кейин, лейкаларга яна бошқа куни сув қўйиш учун сув тўлдириб қўйишлари зарур. Бу ёшда болаларни хона ўсимликлари билан таништиришда кўпроқ дидактик ўйинлардан фойдаланилади. Хона ўсимлиги билан таништириш бўйича ўtkазиладиган машғулотнинг намунавий констексти.

ХОНА ЎСИМЛИГИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Дастурнинг мазмани. Болаларни ўсимликларнинг ташқи белгиларини бошқа ўсимликлар билан таққослаш, сўз орқали таърифлаб беришга ўргатиш. Тарбиячи тавсия этган режа бўйича таърифлашга ўргатиш. Болаларни ўсимликларнинг номи тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш. Болаларни хона ўсимлигининг янги тури — хинагул (огонёк) билан таништириш. Болаларнинг ўсимлика бўлган қизиқишини, кузатувчалигини рағбатлантириб бориш.

Машғулотга тайёр гарлик. Болаларга тапшырмаларниң столи устига, иккинчисини, әдераза олдига күйіш қўйиш. Хинагул қўймай турилади.

Машғулотнинг бориши. Болалар ўз жойларида ўтирадилар. Тарбиячи болаларга қуидаги саволни беради. «Бу хона ўсимлигининг биринчи болаларининг номи нима?» «Қаттами?» «Қичикми?» Баргларининг шакли, катта-кичиклиги, ранги, баргининг тепа қисми қандай?» «Бу ўсимликларнинг гули борми, улар қандай?». Фикусни кўрсатиб уни қараб чиқишини айтади ва болалардан ҳажмини сўрайди. Болалар жавоб беришади: «У катта, дарахтга ўхшайди». Ва фикуснинг бошқа ҳамма ташқи белгиларини таърифлаб чиқишиади, унинг танаси тўғри, баланд, барглари катта, овалсимон, тўқ яшил рангда.

Шундан кейин хинагул кўриб чиқилади. Тарбиячи болаларга хинагулни кўрсатиб, шундай дейди: «Болалар бугун биз мана бу янги гул билан танишамиз. У хинагул деб аталади. Унинг гуллари жудаям кўп. Мана бу гулларга қараб, бошқа гуллар тўғрисида гапирганинглар сингари гапириб беринглар. Сизларга хинагул ёқди-ми, уни хонамиздаги бошқа гуллар қаторига қўшиб қўямиз. Фақат бу гул ёруғ ва қуёшлини яхши кўради ва яхши ўсади. Шунинг учун уни қуёшлинури тушиб турадиган ёруғ жойга қўямиз. У хонамиздаги гулларга ўртоқ бўлади. Қани айтинглар-чи, хинагул бошқа гулларга нимаси билан ўхшайди-ю, нимаси билан ўхшамайди?» Болалар таққослаб, ҳар бир гулни характерлаш орқали уларнинг ҳар бирига хос белгиларини билиб оладилар. Машғулот охирида дидактик ўйин ўтказилади. Биринчи вариантида «Нимани гапираман, топ» ўйинида чақирилган бола бирон тулни таърифлаб беради, иккинчиси топади, (ўйин гурӯҳ хонасидаги ҳамма гул таърифлаб тонилгунча давом этади).

Ўйиннинг иккинчи вариантида (Қайси гулнинг ўрни алмашди, топ) чақирилган бола кўзини юмиди ёки бошқа томонга ўгирилиб туради. Шунда тарбиячи тувакдаги гулнинг ўрни алмаштириб қўяди, бола қайси гулнинг ўрни алмашганлигини айтиб бериши керак. (Ўйин 4—5 марта такрорланади). Кейинги машғулотларда бундай ўйинларни гуллар тасвириланган карточкалар, открыткалар билан ҳам ўтказиш мумкун.

кин. Раcми тасвирланган карточка ёки открытии
ўша гулнинг олдига қўйиш, бир хил гулни топиш ва
ҳоказо.

Болаларда табиат бурчагидаги ўсимликларга нис-
батан қизиқиш уйготишида уларнинг кузатувчалигини
ўстиришда, гулларни асраб-авайлаш, парвариш қи-
лиш хоҳишини тарбиялашда тарбиячининг намунаси
муҳим роль ўйнайди. Тарбиячи ўзи ўсимликларни
мехр-муҳаббат билан парвариш қилиши, уларга эҳ-
тиёткорона муносабатда бўлиш, кузатувчан бўлиб,
ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида юз берадиган
ўзгаришларни ўз вақтида кўра билиш ва бу ўзгариш-
ларни зарур қизиқиш, ҳис-ҳаяжон билан болаларга
сўзлаб бериши керак. Ва вақт-вақти билан болалар-
ни ўсимлик олдига чақириб, унда юз берган ўзгариш
устида болалар билан гаплашиб олишади. Бу бола-
ларда ўсимликларга ғисбатан барқарор қизиқиши
уйғотади.

ПИЁЗ ЭКИШ

Дастурнинг мазмуни. Болаларга ўсимликларни
парвариш қилишни, ўтқазишни, суфоришни ўр-
гатиш. Болаларга пиёзни тўғри экиш усулларини машқ
қилдириш, пиёз ўстиришга қизиқиш уйғотиш.

Машғулотни ташкил этиш. Болалар ўз ўринларида П шаклида қўйилган стол атрофида ўти-
радилар. Стол устига пиёз қўйиб, устига салфетка ёзиб
қўйилади. Ҳар бир столда тупроқли қути ва сувли
лейка бўлади. Ликобчада болалар сонига етадиган
миқдорда пиёз бўлади.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи топишмоқ айтади:

Пак-пакана бўйи бор,
Малла рангли тўни бор.

(Пиёз)

Бу топишмоқ нима ҳақидалигини сўрайди. Пиёз-
ни қўлга олиб, пайпаслаб кўриши ва шаклини айтиши-
ни сўрайди. Болаларга нима учун топишмоқда «етти
қават тўн» тўғрисида гапирилишини топширади. Ана
шу тўнларни кўрсатади ва тушунтиради, пиёзбошни
силаб, унинг силлиқ ёки ғадир-будур эканлигини аниқ-
лашни таклиф этади. Пиёз бўлакларини тарқатиб, уни

йилаб ва таъмини таътиб кўришни таклиф этади.

Болалар бугун биз қўйидаги тупроққа ниёз ўтказмиз,— дейди тарбиячи. Ўндан ям-яшил ниёз барглари ўсиб чиқади. Қўлингиздаги пиёзбошининг илдизини топинг. Пиёзбош илдизи пастга қараб экиласди. Шундан сўнг, пиёзни қандай экиш лозимлигини тушунтиради ва кўрсатади; пиёз ердан озгина чиқиб турадиган қилиб чуқурча қилинади ва пиёзбош шу ерга тиқилиб, атрофдаги тупроқ бармоқлар билан босилади. 2—3 бола ҳаракатларни такрорлайди. Кейин қолган болалар ишга киришадилар.

Ҳамма болалар пиёзни тўғри экканлигига ишонч хосил қилгач, тарбиячи сўрайди: «Пиёз яхши ўсиши учун нима қилиш керак? Тўғри, сув қўйиш керак». Сувни қандай қўйишни кўрсатади ва ишни якунлашни болаларга топширади. Болалардан пиёзли қутини қаерга қўйилса, яхши бўлишини ўйлаб кўришларини сўрайди. Қутиларни дераза олдига жойлаштириб шунчалик кўп пиёз экканларини кўриб завқланадилар. Пиёзнинг яхши ўсиши учун яна нима қилиш керак? Тўғри, суфориб туриш керак. Сизлар ҳам ҳар куни навбат билан пиёзни суфориб турасизлар ва унинг ўсишини кузатиб борасизлар, деб болаларга тушунтиради. Пиёзли қутиларга таёқчаларни тиқиб, болаларга пиёзнинг барги шу таёқча билан тенглашганда уни овқат учун кесиб олишлари мумкинлигини айтади.

ТАРВУЗ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Дастурнинг мазмани. Болаларнинг тарвуз ҳақидаги тасаввурини аниқлаш, текшириб кўриш, тарвуз полиз экини эканлиги, уни деҳқонлар етиштириши ва етилиши учун жуда кўп меҳнат қилишлари тўғрисидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш. Меҳнат аҳлига меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, ўлкамиз табиатининг саҳоватидан ғуурланиш ҳиссини уйғотиши.

Машғулот учун жиҳозлар. Пишган катта тарвуз. «Жамоа хўжалик полизида» деган иллюстрация.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи тарвузларни кимлар қаерда етиштириши, уни етиштириши учун кўп меҳнат қилиш лозимлиги ҳақида ҳикоя қилиб беради. Болалар билан биргаликда «Колхоз полизида» деган иллюстрация кўриб чиқиласди. Ва тарбиячи болаларга қўйидаги савол билан мурожаат қилаади:

— Болалар, боғчамизга тарвузни қаердан олиб келдик? (Жавоблар.) Тұғри, тарвузни бозордан олиб келдик.

— У қаерда етиштирилади? (Жавоб.)

— Тарвуз полизларда ўсади.

— Уни кимлар етиштиради? (Жавоб.)

— Дәхқонлар полизларда етиштирадилар.

— Тарвузни етиштириш учун дәхқонлар ерни чопадилар, уругини экадилар, сүфорадилар, тагини юмшатиб бегона ұтлардан тозалайдилар. Тарвузлар катта бұлиб, пишиб етилгач, уларни узиб машиналарда бизнинг шаҳримиздеги магазинларга, бозорларга ва бошқа тарвуз етишмайдыган жумхуриятлардаги шаҳарларга юборадилар.

— Қаерларда тарвуз етишмайды? (Жавоб.)

— Тарвуз қуёш яхши қиздирмайдыган, совуқ жойларда етишмайды.

— Тарвузни етиштириш учун, кишилар парваришидан ташқари яна нима керак экан? (Жавоб.)

— Тұғри, тарвузни етиштириш учун күп иссиқлик керак. Шунинг учун тарвуз соя тушмайдыған, қуёш нури яхши тушадыған, очиқ, кенг полизларда ўстирилади.

— Бу тарвуз қаерда етиштирилған? (Жавоб.)

— Тарвуз бизнинг қуёшли республикамиз полизларида етиштирилған. Биздеги иссиқ, қуёшли күнларда тарвузлар яхши етишади.

— Нима учун дәхқонлар шунчалик күп тарвуз етиширадилар? (Жавоб.)

— Ҳамма есін деб.

Шундан сүңг, 5—6 болани чақириб стол устида турған тарвузнинг катта-кичиқлиги, шакли, ташқи күриниши, силлиқ, қаттиқлиги ҳақида сұзлашадилар. Ва болаларга қыйидеги топишмоқни айтади:

Хұппа семиз,
Бир туки йүқ.

(Тарвуз)

Полиздадир битар жойи,
Тұн кияди ола чипор.

Ширинликнинг асл кони,

Қизил қора уруғи бор.

Қоса қилиб, маза қилиб

Хатто сувин ичсанғ қулт-қулт,

Танинг роҳат қилиб кетар
Ўзи шарга ўхшаб кетар.

(*Тарвуз*)

Шундан кейин тарбиячи болаларга Одил Расулов-нинг тарвуз ҳақидаги қўйидаги шеърини ўқиб беради.

ҚҰЗИВОЙ ТАРВУЗ

Тарвузим бир қучоқ,
Чопони ола пўчоқ,
Бирига урсам пичноқ,
Таққа ёрилди шу чоқ.
Қизил гўшту, юпқа эт,
Каржи асал татиб кет

ва тарвузни кесиб болаларни меҳмон қиласи ва унинг ранги (қизил), мазаси (ширин), ичиди уруғи борлигига болалар диққатини қаратади.

Машғулотнинг охирида болалардан полизда яна нималар ўсиши сўралади.

ЕЗ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Максад. Болаларнинг ёз ҳақидаги билимларини кенгайтириш, ёзда қуёш қиздириши ва кун иссиқ бўлиши, ўт-ўланлар ва гуллар кўп, резавор мевалар пишиб етилиши, боғ, полиз, далаларда, яйловларда, ҳашаротлар, қушлар кўп бўлиши ҳақида болалар билимларини системалаштириш; уларда таниш бўлган ўсимлик ва ҳайвонларни ажратади билиш ва номларини аташ малакасини мустаҳкамлаш; ёзда, далада, боғда, полизда пишадиган мевалар ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш; болаларнинг ёз табиати ҳақидаги таас-суротларини жонлантириш.

Керакли материаллар. «Ёз» расми ҳақида ҳамда ўсимлик, мевалар ва ҳайвонлар тасвириланган расмлар.

Суҳбатнинг бориши. Расмга қараб рассом нима ҳақида расм чизганини айтиб бериш тавсия этилади. Тарбиячи болалар билан суҳбатлашар экан шундай саволлар беради: «Расмда иссиқ кун тасвириланганми ёки совуқ кун? Буни қандай билиб олдингиз? Болалар қандай кийинган? Нима учун бундай сингил

кийинганлар? Болалар нима қилаётирлар?» Болалар жавоб берадилар.

«Ёзда қаерларда бўлдингиз?», «Қандай гулларни, қандай ҳашаротларни, қушларни кўрдингиз?», «Қандай мева ва сабзавотларни едингиз?», «Сиз еган мева ва сабзавотлар қаерларда ўсади?», «Бу вақтда боғларда, полизларда, далаларда нималар пишиб етилади?», «Уларни кимлар етиштирган?».

Болалардан мева ва сабзавотлар тўғрисида билган топишмоқ ва шеърларидан айтиб беришлари сўралади.

Ёзда далада, боғда, полизда қандай ишлар бажарилиши сўралади. Кейин болалардан ёзни нима учун яхши кўришларининг сабаби сўралади. Суҳбатнинг охирида болаларга 90-бетдаги «Фойдали овчи» ҳикояси ўқиб берилади.

ҚУРБАҚАНИ ҚУЗАТИШ

Дастурниг мазмани. Болаларнинг қурбақанинг ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида сайдра кузатиш вақтида олган билимларини мустаҳкамлаш. Унинг раиги яшил, орқа оёқлари олдингисига нисбатан узунроқ, кўзлари бўртиб чиққан, ерда сакраб чивинларни тили билан тутиб ейди. Орқа оёқлари олдинги оёқларидан узунроқ бўлгани учун сакрайди. Болалар луғатини қурбақанинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги сўзлар билан бойитиш; қурбақа фойдали ҳайвон, шунинг учун уни асраш ва унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш.

Машғулотга тайёрланиш. Сув солинган тоғора; ичига қурбақа солинган оғзи ёпиқ сувли банка; тахтача, гугурт қутиси ичидаги пашша тайёрлаб қўйилган.

Машғулотниг бориши. Болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Тарбиячи банка ичидаги қурбақани болаларга кўрсатади, унинг номини, ташқи кўринишини, хатти-ҳаракатларини, нима билан овқатланиши тўғрисида болаларга саволлар бериб, уларнинг билимларини аниқлаб олади. «Ҳозир биз сизлар билан қурбақанинг сувда қандай ғузишини кузатамиз»— деб, қурбақани банкадан олиб тоғорадаги сувга қўйиб юборади.

— Қарапглар, қурбақа орқа оёғини чўзиб сузити, Олдинги оёғи билан қандай ҳаракат қиласанти? (Болалар кўрсатадилар.)

— Мен сувга кичкина тахтача ташлайман, қани кўрайликчи, унга қурбақа қандай тирмасиб чиқарсан. (Болалар кузатадилар.)

— Энди кўрайликчи, қурбақа қандай сакрар экан Тарбиячи қурбақани полга қўйиб юборади. Қурбақа сакрайди.

— Ана қурбақа оёғини чўзиб сакраб юриди,— дейди тарбиячи.

— Кўрдингизми, қурбақа сакраганда, оёғини чўзиб тортади. Энди қурбақани овқатлантирамиз (тарбиячи болалар билан бирга қурбақани пашша ва чувалчанг бериб овқатлантиради). Овқатлантириб бўлгач, шишма идишга солиб қўяди ва машғулот охирида Виталий Бианкининг «Тош қотган бақалар» эртагини ўқиб беради ва эртакнинг мазмунини болаларга тушунтириб беради.

ТОШБАҚАНИ КУЗАТИШ

Дастурнинг мазмуни. Тошбақанинг ташки кўриниши (танаси юқори томондан ва пастдан коса билан қопланган, у пастдан силлиқ, юқоридан бўртиб чиқкан, қалин-қаттиқ бўлиб, алоҳида қаватчаларга бўлинган; болаларга тошбақанинг айrim хатти-ҳаракатлари (аста силжиши, хавф сезилганда боши ва оёқларини косаси тагига яширишини айтиш; тошбақанинг яшаш тарзи, (қуруқликда, чўлда, ўт-ўланлар, қум, қуёш сероб бўлган ерларда яшashi, ўт-ўланлар, мевалар билан овқатланиши, қишида уйқуга кетиши) ҳақида ҳикоя қилиш; болаларда фактларни анализ қилиш ва шу асосда оддий хулосалар чиқариш малакасини ривожлантириш; тошбақага эҳтиётлик ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш, уни парвариш қилиш истагини тарбиялаш.

Машғулотни ташкил этиш. Болалар ярим айлана ҳосил қилиб ўтирадилар (тошбақа пол устидаги кузатилади), овқатлантириш учун ўт, тўғралган мева, сабзавотлар, чўл тасвиirlанган расм тайёрлаб қўйилади.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи болаларга тошбақани кўрсатади. Болалар уни диққат билан кузатадилар. Тарбиячи унинг номини айтишни сўрайди.

Болалар жавоб берадилар. Тошбақа 1—2 минут полга қўйиб юборилади. Тарбиячи болалардан:

— Тошбақанинг тепаси нима билан қопланган,— деб сўрайди. (Жавоблар.)

— Тошбақага косанинг нима кераги бор? (Жавоблар.)

Тарбиячи болалар жавоб бергандан сўнг, тошбақа ҳақида гапириб беради.

— Қаранглар, тошбақанинг усти ҳам, ости ҳам коса билан қопланган, агар у бирорта хавфни сезиб қолса ёки шарпани эшишиб қолса, дарров бошини, оёқларини, думини косаси ичига яшириб олади (тарбиячи таёқчани тошбақанинг косасига оҳистагина тегизади, тошбақанинг ҳимояланишини болалар ўз кўзлари билан кўрадилар).

— Тошбақа нима билан овқатланади?— деб сўрайди тарбиячи. (Жавоблар.)

— Тўғри, тошбақа ўт-ўланлар, ўсимлик барги ва меваси билан овқатланади. Қишида эса уйқуга кетади, баҳор келиб ўт-ўланлар ўсиб чиққандагина уйқудан уйғонади.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган дашт-чўл тасвирланган расм болаларга кўрсатилиб, эркинликда яшайдиган тошбақанинг яшаш тарзи ҳақида гапириб берилади. Шундан кейин болаларга тошбақа яхши ўсиши учун террариумда нималар қилиш кераклиги тушунирилади.

Машғулот охирида тарбиячи болалардан тошбақани қандай парвариш қилиш кераклигини айтиб беришларини сўрайди. Машғулот тошбақа тўғрисидаги шеърни айтиш билан тугайди.

ТИПРАТИКАН ҲАҚИДА СУЗЛАБ ЕРИШ

Дастурниг мазмуни. Расмга қараб типратиканинг номини айтиш, унинг ўрмонда, қирларда яшашини айтиш. Ҳайвонларнинг яшаш шароити билан таништириш, уларни асраб-авайлашга ўргатиш.

Машғулотниг бориши. Тарбиячи типратиканинг ёки унинг суратини кўрсатади. Болалар кўрадилар. Тарбиячи типратиканинг усти игначалар билан қопланганлигини, игна фақат унинг белида, қорнида, оёғида ва думида бўлмаслигини айтади.

— Болалар қайси бирингиз типратикани кўрган-сиз?— деб сўрайди тарбиячи.

Типратикан құрққанида нима қылады? У боп, оңжарини ичига тортиб, думалоқ бўлиб олади. Унишлаб бўлмайди, чунки игналари қўлга кириб оғритади.

— Типратикан қаерда яшайди? (Жавоб.)

— Тўғри, ўрмонда, қирларда яшайди. Типратикан ҳеч нарсадан қўрқмайди, чунки унинг ҳимоячиси — игнаси бор. Бирон хавф туғилса, у дум-думалоқ бўлиб олади, ҳеч ким унга тега олмайди.

— Типратикан нима билан овқатланади? (Жавоб.)

— Тўғри, типратикан ҳар хил зарарли ҳашаротлар, ўтлар ва мевалар билан, илон билан овқатланади. Болалар мен топишмоқ айтаман, эшигинлар:

Уста пўстин тикибди,
Игналарини олишни унутибди.

(*Типратикан*)

Ўзи юмалоқ тўп эмас,
Ўзи тишлару оғзи кўринмас.

(*Типратикан*)

Шундан сўнг, тарбиячи Г. Скребицкаянинг «Типратикан» номли ҳикоясини ўқиб беради (1-илова)

ЁВВОИИ ҲАЙВОНЛАР (ТИПРАТИКАН, ОЛМАХОН, ҚҮЕН, АЙИҚ) ҲАҚИДА СУҲБАТ

Мақсад. Болаларнинг типратикан, олмахон, қуён, айиқнинг яшаш тарзи ҳақидаги; типратикан, олмахон, қуёнларнинг болаларини душмандан ҳимоя қилиш усуллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш; болаларни «ўрмондаги ёввойи ҳайвонлар» тушунчаси заминидаги асосий туб белгиларни ажрата олишга ўргатиш. Ёввойи ҳайвонлар (типратикан, олмахон, қуён ва б.) ўрмонда яшайдилар, ўзлари овқат топадилар, инларини ўзлари қурадилар.

Суҳбатнинг биринчи қисмида болаларнинг типратикан, қуёнларнинг яшаш тарзи ҳақидаги тасаввурлари аниқланади. Буни олмахон ҳақида бирор топишмоқни айтиш, болалар бу топишмоқ, масалан, типратикан (ёки бошқа ёввойи ҳайвон) ҳақида эканлигини қандай топганларини аниқлашдан бошлаш мүмкин. Типратикан қаерда яшashi, у ўрмонда нималар ейиши,

овқатни қаердан топиши, у душмандан ўзини қандай ҳимоя қилиши, қишини қаерда ўтказиши, қишида нима учун уйқуга кетишини гапириб бериш сұралади.

Сүхбатнинг иккинчи қисмидә тарбиячи ёввойи ҳайвонлар — типратикан, олмахон, қүёй, айиқнинг қаерда яшашини ойдинлаштириб, болаларни умумий хулосалар чиқаришга олиб келади; бу ҳайвонларни кимлардир боқадими ёки улар ўзлари овқатни қидириб топадими, уларга ин ёки ғорларни ким қуради. Уларни нима учун ўрмондаги «ёввойи ҳайвонлар» дейиш мумкинлиги ҳақида тушунча беради. Охирида болаларнинг яна қандай ёввойи ҳайвонларни билишлари аниқланади ва 51—52 бетлардаги «Нега дұст бўлишолмайди?» халқ эртаги ўқиб берилади.

ҚУШЛАРНИНГ УЧИБ КЕТИШИ ҲАҚИДА СҮХБАТ

Дастурнинг мазмунни. Болаларнинг кузда қушларнинг (қалдирғоч, чуғурчук, қарға ва б.) кетиши тұғрисидаги тасаввурларини аниқлаш, уларни расмларга қараб таний олиш, уларнинг учеб кетиши сабабларини аниқлаш; қушларнинг егулик нарсаларнинг йўқлиги билан уларнинг учеб кетиши ўртасидаги боғлиқликни белгилаш. «Учиб келиб-кетадиган қушлар» тушунчасини шакллантириш, болаларнинг қушларни кузатишга қизиқишиларини қувватлаш. Сүхбатга тайёр гарлик. Болаларга яхши кўринадиган жойга учеб кетадиган қушларнинг рангли тасвири осиб қўйилади. Иложи бўлса, қушларнинг макетини ҳам қўйиш мумкин. Сүхбатнинг бориши. Тарбиячи болалардан улар ёзда қайси қушларни кўрганларини ва овозини эшитганларини сўрайди. Уларни расмларга қараб таниб, номларини айтиш, қуйидаги саволларга жавоб беришни сўрайди: «Бу қушлар қалдирғоч (сассиқпопишик, булбул, ва ҳ. к.) эканлигини қандай билиб олдинг?», «Бу қушлар кузда, сайр вақтида кўринганмиди?», «Нима учун кўринмаган эди?», «Бу қушлар нималар билан овқатланади?» (Ёзги кузатишлар эслатилади), «Ҳашаротлар қаерларга яшириниб олишди?», «Нима учун пашша, қўнғиз, чивин, капалаклар кўринмай қолди?», «Қушлар нима учун кетиб қолди экан?», «Бизда учеб кетадиган барча қушларни қандай аташ мумкин?», «Нима учун бу қушлар учеб келиб-кетувчи қушлар деб аталади?», «Улар кузда нима учун учеб кетадилар?». Машғулот қушларнинг учеб кетиши тұғ-

рисида ёки куз тұғрисида шеър үқиши билан якуплаиди.

Худди шундай суҳбатни қушларнинг учиб келини тұғрисида ҳам үтказиш мумкин.

«ЭЧКИ — УЙ ҲАЙВОНИ» МАВЗУСИДА СУҲБАТ

Дастурнинг мазмунни. Болаларнинг эчкі тұғрисидаги билимларини аниқлаш (ҳайвоннинг номи, ташқи күриниши, нима билан овқатланиши). Бу уй ҳайвонининг фойдаси тұғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Машғулотнинг бориши. Болалар эчки тасвирланған расмни күрадилар ва тарбиячининг қуийдеги саволларига жавоб берадилар:

«Бу ҳайвон нима деб аталади?», «У қандай?», «Қаерда яшайды?», «Нима билан овқатланади?», «Кимлар парвариши қиласы?», «кейин тарбиячи болаларга эчки юнгидан түқилған буюмларни күрсатади ва бу ҳайвоннинг фойдаси тұғрисида ҳикоя қилиб беради. Агар иложи бұлса, болалар эчки сути билан меҳмон қилинади. Ва машғулот охирида болаларга Г. Ганейзернинг «Күринмас чигиртка» ҳикоясы үқиб берилади (1- илова).

ЖҰЖАЛАРНИ ҚАЗАТИШ

Мақсад. Болаларни баҳорда товуқларнинг жұжа очиши билан таништириш; жұжа ҳақидаги тасаввурни (кичкина, момық, сап-сариқ, кучсиз, чийиллайди) шаклантириш; жұжаларни парвариши қилшыннинг үзина хос томонлари (иссиқ жойда сақлаш, бұтқа, майда тұғралған тухум билан боқиши) билан таништириш; жұжаларни парвариши қилишга қызықтириш.

Машғулотни ташкил этиш. Болалар ярим айдана бўлиб ўтирадилар. Паст столга жұжалар киритиладиган жой (катақ) ўрнатылган. Катақ ёнида овқат: бұтқа, тұғралған тухум, сув, «Она товуқ жұжалари билан» расми тайёрланған.

Машғулотнинг бориши. Болалар «Қозиқ» устида қор турмас» топишиғини топадилар. Болалар топишиғоңнинг жавобини топишлари билан 2 та жұжа столга қўйиб юборилади, бу топишиғоқ жұжа ҳақида әканлигини қандай билғанларни, жұжа қандай —

кичикми ёки катталиги, ранги қандайлиги ҳақида сүралади.

Тарбиячи болаларни жұжалар қандай чийиллашыни әшитишга таклиф этади. Бөқиша аввал уларға овқат, кейин сув берилиши кераклиги айтилади. Болалар жұжа қандай сув ичишини қизиқиб кузатадилар: у сувни түмшүқчасига олиб, кейин бошини күтаради ва сув унинг томоғига тушади. Кейин тарбиячи: «Жұжалар ёқдими? Уларнинг ранги қанақа? Улар кичикми ёки катта? Оёқлари калтами ёки узун?— деган саволлар беради. Сүнгра тарбиячи бир жұжани құлиға олиб, болаларға уни сал пулғашни тавсия қиласы да ва у нима билан қопланғанини (юмшоқ пар билан) сұрайди.

Жұжаларни кузатиш тарбиячининг товуқ жұжаларини қандай парвариш қилиш ҳақидағи ҳикояси билан тұлдирилади. У жұжаларини Ѽмғирдан ва юз берган хавфдан қанотлари остига олиб асрайди. Егулик тоғиб олса, қичкінтолайларни үз ёнига чақиради.

Шундан кейин жұжалар саватға солинади. Сүнг тарбиячи «Она товуқ жұжалари билан» расмини осиб құяды. Болалар тасвирни күриб чиқадилар.

ҰРТА ГУРУХ БОЛАЛАРИГА ҮҚИБ БЕРИШ УЧУН ҲИҚОЯЛАР

ФОЙДАЛИ ОВЧИ

Табиатда шундай құшлар, ҳайвонлар борки, улар сувда, муз устида яшаб, фақат балиқ тутиб еб ҳаёт кечиришади. Бундай құшларға ўрдак, ғоз каби паррандалар киради. Оқ айқ, морж, тюленъ ва ҳатто тулки ҳам сувдан балиқ тутиб ейди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган жонзор, худди моҳир тўқувчидай тўр тўқииди. Уста дарбозлардай ингичка тола бўйлаб ҳам юқорига, ҳам пастга туша олади, тез чопади.

У сувда балиқ овламайди, балки офтобда ов қилади. Унинг тўрига чивин, пашиша, қурт-қумурсқалар илинади. Ўлжа тушганлиги тўқилган тўрнинг қимирлашиб дарров билинади. Жонзортнинг ови қанча мўл бўлса, одамларга фойдаси шунча кўп бўлади.

Жонзор ўлжасининг қўл-оёғини боғлаб, обдон қимирлай олмайдиган қилгач, сүнгра ейишга киришади.

Бор жонзотин таидингизми? Топган бўлсангиз, қадиминчи, у нима?

КАРИМ ЧУМОЛИНИНГ ТИЛИНИ БИЛАР ЭКАН

Бир куни болаларни боғча опалари далага олиб чишишга, баҳор эмасми, ҳаммаёқ кўм-кўк либосга бурланыпга, кишининг баҳри-дили очилади. Атрофдаги чумома, гунафшаларни айтмайсизми. Дарров болаларни ўзига ром қилиб олди. Чуғурлашганларича гул ёрнишга тушиб кетишиди. Каримнинг эса қувончи бебиди. Чунки у табиатни жуда севади. Ким билсин, балки отасининг табиат ўқитувчиси бўлгани учундир. Балки у ҳам акаси сингари табиат сирларини ўрганувчи генолог бўлмоқчидир.

Ана, у бир тўп лолалар қаршисида туриб қолди. Бирдан чехрасидаги қувонч ўрнини ҳайрат эгаллади. Лолатигида ғуж-ғуж чумоли, улар тиним билмай югуришади. «Ажойиб-да, бу чумолилар. Доим шошганлари шониган, оғзиларида нималар бўлмайди: буғдой, чўп, нон ушоқ...». Карим чумолиларга узоқ тикилиб қолди. Кейин ўрнидан лип этиб турди-ю, нарироқда гулдаста қўйлаётган Нодирани чақирди.

— Нима дейсан?— деди Нодира истар-истамас.

— Биласанми, ҳозир ёмғир ёғади,— деди Карим.

Нодира осмонга қаради. Офтоб кўзини қамаштириди.

— Сени қара-ю, ваҳима қиласан-а! Офтобни қара, ҳаво иссиқ.

Карим:

— Мана кўрасан, ёмғир ёғади. Чумолилар ўз инларини беркитишаётган,— деди.

Карим тўғри айтган экан. Сал ўтмай осмонни қуюқ булат қоплади. Кейин роса жала қўйди. Болалар ўзларини панага олишар экан, Нодира секин Қаримга қараб: «Қизиқ, Карим чумолилар тилини билар эканда»,— деб қўйди.

СУВ ВА ДАРАХТ

Чўпчагим чўпчак
Олтин беланчак.

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир дараҳт ва булоқ бўлган экан. Улар ёнма-ён яшашаркан. Булоқ эндигина кўз олган, шўх-шўх қайнаб чиқаётган сувлари кич-

кинагина ариқча ҳосил қылган экан. Ниҳол эса нозиккина, сал шамол турса бутун танаси чайқалиб-чайқалиб кетаркан...

Орадан ойлар, йиллар ўтибди. Булоқ суви катта ариқни тұлдириб оқа бошлабди. Ниҳол ҳам күкка бүй чүзіб, сарвқомат дараҳтга айланибди. Бу ердан ўтган йұловчилар Дараҳтнинг соясида дам олиб, Булоқнинг тиниқ сувидан ичишаркан. Кетаётғанларида эса:

— Зап қоматдор дараҳт бўлибди,— деб мақтаб кетишаркан. Бу гаплардан Дараҳтнинг димоғи күтарила бошлабди. У, ҳатто Сувни менсимай қўйибди.

— Агар бу ерда мен гуркираб турмаганимда, ёнингда ким ҳам тўхтарди. На сояңг бор, на ҳуснинг — дебди Дараҳт Сувга.

Сув хафа бўлиб кетибди-ю лекин индолмапти. Кунлардан бир куни.

— Мен борманки, ҳаёт бор,— деб қолибди яна Дараҳт.

Сув ортиқ чидолмапти ва ўз оқимини ўзгартириб юборибди. Шундан сўнг Дараҳт илдизларига бир томчи ҳам сув келмай қўйибди. Дараҳт буни бир-икки ҳафта сезмай, мағрур тураверибди. Аммо кўп ўтмай танасида қандайдир ўзгариш бўлаётганини, азойи-бадани бўғилиб бораётганини сеза бошлабди. Қараса, Сув ўз оқимини ўзгартирган экан.

— Наҳотки, у менга қувват бериб турган бўлса?— ўйлабди Дараҳт. Унинг аҳволи тобора ёмонлашавериди, япроқлари қовжираб тўкила бошлабди. Охири Сувнинг зарурлигини, тирикликтининг кучи ҳамкорликда эканини тушунибди. Шундагина Сув яна эски йўналиши бўйлаб оқа бошлабди.

НЕГА ДУСТ БУЛИШОЛМАЙДИ?

Қалдирғоч айвон шипига уя қуриш учун лой олгапи ариқ лабига борибди. Қирғоқдаги ўт-ўланлар орасидан Илон ўрмалаб чиқиб қолибди-да, вишиллаб:

— Ассалому алайкум, қора қош, қора соч Қалдирғоч! Сув ичгани келдингми?— деб сўрабди.

— Йўқ. Уя қуярпман. Лой олгани келдим. Нима ишинг бор эди, нега сўраб қолдинг?— дебди Қалдирғоч вижирлаб.

— Кел, иккаламиз дўст бўламиз. Қаерга уя қураётганингни менга кўрсатсанг, сенга ёрдамлашиб юбораман,— дебди Илон яна вишиллаб.

— Йўқ, мен сен билан дўст бўла олмайман, чунки одатингни яхши биламан.

— Сен дўстлашишни истамасанг, менга ёрдам бер. Менин бирон танишинг билан дўстлашириб қўй. Бир ўзим ёлғиз зерикиб қолдим,— ялинибди Илон.

Қалдирғоч учиб кетибди-да, салдан кейин Типратиканин бошлаб келибди. Илон типратиканни кўриши билан қочиб, бир тешикка кириб кетибди. Қалдирғоч тешик ёнига келиб:

— Ҳой Илон, бу ёққа чиқ, сени дўстим Типратикан билан таништириб қўяман,— дебди вижирлаб.

Илон тешикдан бош чиқармай:

— Сен ҳеч маҳал Илоннинг Типратикан билан дўст бўлганини кўрганмисан?!— дебди.

— Бўлмаса нега Қалдирғочга дўст бўлишни таклиф қилдинг?— сўрабди Типратикан тешикдан мўралаб.

Илон жавоб беролмабди. Типратикан жаҳл билан:

— Шошмай тур, ҳали қўлимга тушсанг, адабингни бераман,— дебди.

Болалар сизлар нима учун Сичқон Мушук билан, Асалари Айиқ билан, Чумчук Чигиртка билан, Қуён Бўри билан, Товуқ Тулки билан дўст бўла олмаслигининг сабабини биласизми?

ҮРМОН ҚЎЗИҚОРИНЛАРИ

Улар эрта баҳорда, қалин ўрмонда, катта-кичик дараҳтлар тагидан ўсиб чиқади. Момақалдироқ бўлиб, шаррос ёмғир ёғса, ердан бош кўтариб туришади. Улар турли-туман, ориқ-семиз, бўйдор ва пакана бўлади. Улар момақалдироқ билан ёмғирнинг болалари ҳисобланади. Ўзлари ёмғирда туғилган бўлишса ҳам, дарҳол бошларига қалпоқча кийиб, мағрур тураверишади. Кўриб қолганларга эса, ҳатто қалпоқларини олиб, салом беришмайди ҳам. Одамлар уларнинг бу одатидан хафа бўлмай, балки ўзлари уларга қараб эгилишади.

Айтинг-чи, уларнинг оти нима?

ҚАТТА ГУРУҲ БОЛАЛАРИ

Бу ёшдаги болаларнинг жонли ва жонсиз табиат ҳодиса ҳамда воқеалари тўғрисидаги тасаввурлари аниқланади ва кенгайтирилади, табиатда юз берадиган воқеа, ҳодисаларни реалистик тушуниш шакллантирилади, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқ-

лашга ўргатилади. Тарбиячи болаларда мавсумий ўзгаришларни кузатиши ва уларга хос белгиларни ажратса билиш, ўхшаш белгиларини умумлаштириш ва эгаллаган тасаввур ва тушунчаларини сўз билан ифодалашга ҳамда ўзларининг мустақил амалий фаолиятларида қўллай билишга ўргатади. Болаларда табиатга муҳаббат, уни асраб-авайлаш истаги тарбиялаб борилади.

Болаларни табиат билан таништириш унга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, асраб-авайлаш хоҳишини тарбиялаш ишини маълум изчилик билан олиб борилади. Бунинг учун табиат тўғрисидаги шеър, ҳикоя, мақол, маталлардан фойдаланиш болаларни табиатдан оладиган тасаввур ва тушунчаларини таъсирчанроқ бўлишини таъминлайди.

КУЗ

Кузда ҳарорат аста-секин пасайиб боради, аммо Узбекистонда кузнинг сентябрь, октябрь ойларида ҳам ёз фаслидагидек иссиқ бўлади. Лекин шунга қарамай қуёш ёздагидек кучли қиздирмайди. Қунлар қисқариб, эртароқ қоронғу туша бошлайди. Буни болалар тарбиячи билан бирга об-ҳавони кузатиб бориш ва ёз ойларидаги ҳарорат билан солиштириш орқали ўзлари мустақил аниқлашлари мумкин.

Кузнинг охирги ойи— ноябрда гоҳ ёмғир, гоҳ қорёғади. Ҳароратнинг пасайиши натижасида булутли кун гоҳо илиқ, гоҳо совуқ бўлиб туради.

Болаларнинг диққатини одамлар ва болаларнинг кийинишига қаратинг. Бу вақтга келиб эртароқ қоронғу туша бошлайди. Кечки сайдарда болалар билан ой ва юлдузларни кузатиш мумкин. Болаларга ой ва юлдузлар осмонда туришини, фақат кундуз қунлари уларни кўриб бўлмаслигини тушунтиринг. Ҳаво очик қунлари ойнинг ёритишига, юлдузларнинг чараклаб туришига болалар диққатини жалб этинг ва улардан завқланиш ҳиссини ўйғотинг.

Кейинги сайдарда, ёмғир ёғиб турганда ойнадан қараб болалар билан кеч куз учун хос бўлган белгилар аниқланади, осмон тунда паст, уни бутунлай булутлар қоплаб олган, ёмғир ёғмоқда.

Эрталаб туман тушиши кузнинг ўзига хос белгиси ҳисобланади. Бу ҳодисани кузатиш керак. Болалар диққатини туман вақтида нарсаларнинг ёмон кўринини-

шундай жайлб этинг. Кузда эрта тонг чоғида ўт-ўланилар устини сув томчилари, кумушсимон оқ шудриинг қоплади. Кун исиши билан улар буғланиб кетади. Шудринг кузнинг илиқ кунларида тушади. Кейинроқ кунлар совий бошлагач, барча нарсалар устини шудринг ўриига оппоқ қирор қоплади. Кеч кузда кўлмак сувлар музлаб ва кундузи эриши ҳам кузатилади. Кунда ҳароратнинг аста-секин пасайиб бориши натижасида ўсимлик дунёсида ҳам сусайиш рўй беради.

Ўзбекистонда сентябрь, октябрь ойлари кун ёз фаслинигидек иссиқ бўлади. Ҳаво ҳарорати 20...25 дараја иссиқ бўлади. Бу вақтда Ўзбекистоннинг асосий бойлиги бўлган пахта барглари етилиб, ғўза чаноқлари пишиб, қийғос очилади ва пахта йифим-теримишинг авжи қизғин палласи бўлади.

Боғларда кечки олмалар, кечки узумлар, ёнғоқ, беҳи, анор пишиб етилади. Ўзбекистон иқлими учун хос бўлган мевалардан беҳи, анор, анжир, ёввойи дўлапа, олча, наъматак, жийда, ўрик, нок ва бошқа мевалар пишиб етилади. Кузнинг келиши, аввало, мевасиз дарахтларга (заранг, терак, тол, чинор, қайрағоч, қайнин) ларга таъсир этади. Бу дарахтларнинг барглари сарғая бошлайди. Бу ўзгаришларни болалар куз давомида кузатиб борадилар. Бу даврда ҳамма ўсимликлар бирданига ўзгармайди, албатта. Уларнинг бир қисми «Куз либоси»ни кия бошласа, бошқа бир қисми эса ўзининг ёзги ҳолатини тўла сақлайди. Ўсимликларнинг ёши ҳам маълум даражада таъсир қиласи; ўзгаришлар қари дарахтларда ёш дарахтларга нисбатан илгарироқ кўзга ташланади.

Заранг дарахтининг барги илгарироқ сарғая бошлайди.

Узум, ўрик нок ва кейинроқ эса қайрағоч, шафтоли ва бошқа дарахтларнинг барглари сарғайиб, қизғиши тусга киради. Октябрь ойида одатда, қуруқ ҳаво шароитида барглар рангининг ўзгариши тезлашади ва улар ўзига хос гўзаллик кашф этади, барглар яна ҳам равшанроқ тус олади. Тарбиячи болаларнинг диққат-эътиборини дарахтларнинг гўзаллигига жалб қиласи. Баргларнинг ранги ўзгариши билан аста-секин ҳазон бўла бошлайди ва ўсимликларнинг қишига тайёрланишига замин ҳозирлайди. Октябрь ойида барглар тўкила бошлайди. Аввало, заранг дарахтининг барглари, кейинчалик эса акация, қайрағоч, гледичия, эман,

ўндоқ, оқ терак, чинорларнинг барглари тўкила бошлайди. Эман, чинор ва бошқа дараҳтларнинг барлари айрим ҳолларда қаттиқроқ совуқ тушгунга қадар ҳам кўм-кўк бўлиб туради.

Тошкентда терак, гилос барглари совуқ тушгунчи кўм-кўк бўлиб туради, совуқ тушгач барча барглари тезда сарғайиб қизаради, кейин тўкилади. Болалар дараҳтлар баргларининг сарғайиши, қизариши, оқарниши ва тўкилишидаги бундай фарқларни бутун куз давомида маълум изчиллик билан бир неча маротаба кузатиш орқали куз фаслидаги ҳазонрезлик ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Барглар тўкилиши билан бир қаторда манзарали дараҳтларнинг мевалари ҳам тўкила бошлайди. Кузда тўкилган уруғлардан яна дараҳт ўсиб чиқаверади. Болалар уруғлардан дараҳтларнинг униб чиқишини тушуниб олиш билан бирга табиатдаги тараққиётнинг қонуниятларини билиб оладилар. Уларда ҳамма нарса ўсишда, ривожланишда деган диалектик тушунча шаклланади. Бунинг учун эман, заранг каби дараҳтларнинг уруғларини йиғиш ва буларни экиб ўстиришга болалар диққати жалб қилинади.

Шу билан бирга бу ёшдаги болалар билан кузатиш ишлари олиб борилганда, ҳазонрезлик ўсимлик ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш керак.

Ҳаво илиқ кунлари тарбиячи болалар билан боғча майдончаси бўйлаб мақсадли сайдар — ўсимликлардан кузнинг дастлабки белгиларини топиш сайри ўтказади. Бунда қайрағоч, қайнининг барглари сарғая бошлага ни, эман мевасининг пиша бошлаганини пайқаш мумкин. Шу билан бирга тарбиячи болаларни дараҳт ва резавор меванинг 1—2 турини олдиндан топиш, дараҳтларнинг баргини шакли ва катта-кичиклиги жиҳатидан бир-биридан фарқлашга ўргатади. Сайдардан кейин бир неча болага «Эрта кузда ўсимликларимиз мавзусида расм чизишни тавсия этиш мумкин.

Гулхоналарда гултоҷихўроздар, хризантемала гуллайди, бошқа гуллар эса сўлий бошлайди. Тарбиячи гулзорда уруғ йиғишни уюштиради, болаларни факат пишган, қуруқ, қаттиқ уруғларни топишга ўргатади. Уруғ йиғиш болаларнинг кичик-кичик гуруҳларига топширилади. Уруғ қуритиб, кейин ёрлиқли (расм ёки открытии), конвертларга солиб қўйилади. Энг

шундай хибон, истироҳат боғида гулзорнинг қишига таффорлаб қўйинлини кузатиш мумкин. Катталар таффодус (илонгул), картошкагулларни ковлаб олалар, атиргулларни кўмадилар, гулпушталарни, дарахтлар тагини юмшатадилар.

Ҳашаротлар. Ҳароратнинг пасайиши билан ҳашаротлар ҳам аста-секин кўзга кўринмай қолади. Уларнинг баъзилари ўлади, баъзилари (сассиқ қўнгич, чивиш, пашшалар) дарахтларнинг иморатларнинг қанакларига кириб олади.

Болалардан ёзда қандай капалак ва қўнғизларни курганини, ҳозир нима сабабдан кўринмаётганини уйлаб кўриш айтилади. Сайдра тарбиячи капалак ва қўнғизлар нима учун кўринмаётгани, улар қаерга кириб кетганлигини сўрайди. Болалар кунлар совий бошлаганини, тупроқлар совиб, қўкатлар қовжираб қолганини айтадилар. Ҳашаротларнинг кўпчилиги уйқуга кетишини айтадилар. Болалар боғча ҳовлисига сайрга чиққанларида тўқилган барглар тагига яширинган ҳашаротларни қидириб топиб, кузатишлари мумкин. Лекин улар гуруҳ хонасиға олиб кирилиши билан жонлапиб ҳаракатлана бошлайди. Олтин куз давомида учиб юрган ўргимчак уяси кўзга ташланади. Унинг кумушсимон узун тўқимасида кичкина ўргимчак уялари, кўчманчи қўнғизлар бўлади.

Қушлар. Куз бошланиши билан қушлар тўдалашиб учиб кета бошлайдилар. Юртимизга энг охирида учиб келган қушлар энг биринчи бўлиб иссиқ мамлакатларга учиб кетадилар, булар қалдирғоч, ҳашаротхўр, жиблажибон, зарғалдоқ, қўкқарғалардир. Кузнинг бошида ғозлар, ўрдаклар, турналар тўда-тўда бўлиб учиб кета бошлайдилар. Болаларга турналарни осмонда чиройли шакл ясад учиб кетишлини кўрсатиб, биргаликда кузатиш керак. Кузда осмон тиниқ, кўпинча мусафро бўлади. Учиб кетаётган қушларни бемалол кузатиш мумкин.

Кўршапалаклар совуқ тушиши билан ташландиқ уйларнинг шипларига келиб, осилиб олган ҳолда яшайдилар. Улар ёз мобайнинда тўплаган озиқ запасларини қишида жуда кам сарфлайдилар. Бошқа қушлар эса алоҳида бўлиб учиб кетадилар. Қушларнинг учиб кетишига сабаб, биринчидан, куннинг совиши бўлса, иккинчидан, ҳашаротларнинг (капалак, ниначи, қўнғиз) секин-аста йўқола боришидир. Чунки ҳаша-

ротлар қушларнинг озиғи бўлиб ҳисобланади. Кузнинг дастлабки — сентябрь, октябрь ойларида ўлкамизда гўнгўрға, қорақарғалар учидан келишади. Улар бизга тоғликлардан учидан келади (бу қушлар баҳор ва ёз фаслларида тоғларда яшайдилар). Гўнгўрғалар кундуз кунлари далаларга учидан кетади ва ҳосили йиғиб олинган экин майдонларида қолган доиларни ҳамда турли ўтларнинг уруғларини териб ейди.

Кейинчалик қизилтўш (ўрмон сайроқиқуши), саъвалар учидан кела бошлайди. Саъвалар қариқиз, отқулоқ уруғларини еб кун кечирди. Ноябрь ойининг охирларига келиб гўнгўрғалар, олақарғалар, дала чумчуқлари, сўфитўрғайлар кўплаб учидан келади. Боғларда кўк чумчуқлар, қораялоқлар ва читтаклар пайдо бўлади. Болаларга қишлош учун учидан келган қушлар бизнинг ёрдамишимизга муҳтоҷ эканликларини тушунтиришимиз керак. Уларни овқатлантириш учун ўтларни уруғларидан маҳсус қути ёки халтачаларга йиғиб қўйиш зарурлиги тушунтирилади ва бу ишлар болалар билан биргаликда қилинади.

Боғча ҳовлисининг ҳар ер, ҳар ерига қушлар учун донхўраклар осиб қўйилади. Донхўраклар ўтган йили олинган жойга ўрнатилиши керак. Қушларни ҳар куни эрталаб бир вақтда овқатлантириш кераклиги болаларга тушунтирилади. Қушларга бериладиган овқатни кечқурун тайёрлаб қўйган маъқул. Жумҳуриятимиз иқлими иссиқ бўлганлиги сабабли, кўпинча куз ойларида ҳам нок, олма, узум, олча дарахтлари иккинчи марта гуллаб мева тугади. Гунафша, дасторгул ва бошқалар ҳам иккинчи марта гуллайди. Ҳайвонлар дунёсида ҳам баҳорги ҳодисаларнинг такрорланишини кузатиш мумкин. Фурраклар фуриллай бошлайдилар, қурбақалар қуриллайди, баъзи ҳашаротларда эса кузги учиш бошланади. Товуқлар туллай бошлайди. Уларнинг барча патлари тўкилиб, янгидан чиқа бошлайди. Кўпчилик ўй ҳайвонлари ва ёзвойи ҳайвонларда қишиш шароитига монанд келадиган туклар ўса бошлайди. Судралувчи ҳайвонлар донг қотиб ухлаш даврига киради. Совуқ тушиши билан қурбақалар ҳовуз таги балчиқлари ичига кириб кетади. Чўл қурбақалари эса ўй атрофидаги кавакларга кириб, уйқуға кетади. Типратиканлар ҳам қишлош учун яширилади. Қишида уларнинг уйқуси тўрт ойдан ортиқ вақт-

га чузилади ва шу вақт ичида ўз оғирликларининг учтари бир қсенини йўқотадилар.

Үй ва ёввойи ҳайвонлар. Болалар сайдар ва тақсуреня найтида мушук, кучук, от, эшак, қўй, сигир, оғизи каби уй ҳайвонларини учратишлари мумкин. Болалар дикқатини бу ҳайвонлардан кўпчилигининг юнги галироқ бўлиб қолганига қаратинг. Болалар билан ўзи, олмахон каби ёввойи ҳайвонлар юнгларининг ранги мутлақо бошқача бўлиб, яъни очикроқ рангда бўлиб қолганлигини тарбиячи болаларга зўр ҳис-ҳаялан билан сўзлаб бериши лозим.

Лўнглар қишига келиб семриб қолганини, улар ҳар сиз мевали дараҳтларнинг мевасини, асаларилар асанни, сули уруғларини еб олиб қишига озиқ ғамлашиши, кейин ухлаш учун дараҳтларнинг шох-шаббалари, барглар ва сомонлар тагига кириб олишини тарбиячи болаларга гапириб беради. Бўри ва тулки қишида ухламайди, шунинг учун улар қишига овқат ҳам ғамлашмайди.

ҚИШ

Ўзбекистоннинг иқлим шароити бошқа жумҳуриятлардан кескин фарқ қиласиди. Жумҳуриятимизда қишининг биринчи декабрь ойи ҳам анча илиқ ва қуруқ келади. Баъзи-баъзида қисқа муддатли қор ёғади, аммо қор қатламлари тез эриб кетади. Қор, асосан январь, февраль ойларида кўпроқ ёғади, март ойида ҳам баъзи-баъзида ёғиб туриши мумкин. Қишдаги сайдлар қизиқарли ва мазмунли ўтиши учун уни тўғри ташкил эта билиш керак.

Қўғирчоқларга қишики кийимларни кийинтириш лолим. Қушлар учун ясаб, осиб қўйилган донхўракларни текшириб қўйиш керак. Агар улар қимиirlab турадиган бўлса, бундай донхўракларни қушлар ёқтирамайди. Шунинг учун ҳамма донхўракларни қимиirlамайдиган қилиб, маҳкамлаб қўйиш зарур Экин экиладиган ерларни, гулзорни босмаслик керак. Дараҳтларнинг шохларини синдиримаслик лозим, чунки улар қишида ёздағидам ҳам мўртроқ бўлади.

Қуёш. Болалар дикқатини қўёшнинг кечроқ чиқиб, эртароқ ботишига, иситса-да, аммо ёздагидек иситмаслигига жалб қилинг. Шунинг учун кунлар совиб, ҳамма иссиқ кийим кийиб юрганлиги тўғрисида болалар ўзлари мустақил хулоса чиқаришларига унданг. Ташқарида совуқ, қор бўлишига қарамай хонадаги ўсим-

ликларни, қутидаги пиёз, буғдойларни гуркираб ўсаётганини, ташқаридаги дараҳтларнинг қип-ялангоч бўлиб ухлаб ётгани билан солиштириб, болаларнинг ўзлари мустақил равишида унинг сабаб-натижаларини аниқлашларига унданг, тўғри жавоб беришга йўлловчи жумбоқли саволлар беринг. Қор ёқсан кунлари болалар диққатини ҳаммаёқ оппоқ бўлиб қолганига, дараҳтлар ҳам ялангоч бўлмай оқ кийим кийгандек бўлиб қолганига жалб қилинг ва қуидаги топишмоқни айтинг:

Туси оппоқ пахта эмас,
Фирчиллайди тахта эмас.

Кетидан Э. Александрованинг қор тўғрисидаги қуидаги шеърини ўқиши мумкин:

Паға-паға учиб ёғар қор,
Кўча-кўйлар оппоқ ҳаммаси,
Изгириндан чўчиб кўлмаклар,
Ёпиб олди совуқ ойнасин.

Қорни пилдираб, айланиб учиб тушиши ва ерга қўнишига болалар диққатини жалб қилинг. Ҳарорат илиқроқ кунларда болаларни йўлакчаларни, майдончадаги скамейкаларни қордан тозалашга жалб этинг. Имкони бўлса, лупа орқали болаларга ҳар бир қор заррасини кўрсатинг. Ва болаларга қуидаги топишмоқли шеърни ўқиб бериш мумкин:

Турсам саҳар, кўқдан шакар
Ёғар шитоб, олсам кафтга
Эриб тафтга, йўқолди, топ!

Қишининг қаттиқ совуқ кунларида қор босилганда фирчиллайди. Болаларга ғирчиллаётган товуш қорчаларнинг синишидан ҳосил бўлаётганини тушунтиринг. Қор қалин ёқсан кунларда ҳаммаёқ оппоқ қалин қор билан қопланганини болалар билан кузатиб, унинг гўзаллигидан қувонишга ўргатинг, одамларнинг, транспортларнинг ҳаракатини осонлаштириш учун тез-тез ишлаётган кўча тозаловчиларнинг ҳаракатига болалар диққатини жалб этиб, сабаб-натижаларини аниқланг. Қаттиқ совуқ кунларда эса деразалардаги чиройли нақшларга болалар диққатини қаратинг ва қуидаги топишмоқни айтинг:

Қўли йўқ, оёғи йўқ
Расм чизади.

(Совуқ)

ҮСИМЛИКЛАР ДУИЕСИНИ КУЗАТИШ

Дарахтлар. Қишда дарахтлар қип-яланғоч ҳолда бұлади. Уларнинг тузилишини ўрганиш осон: дарахтнинг умумий күриниши, танаси, шохларининг жой-шыныши. Болаларга дарахтнинг кишиларга келтирағын фойдасини сұзлаб беринг. Дарахт қишда ўсма-стиндең туюлса-да, аммо унинг илдизларининг ер остидаги ҳаёт фаолияти давом этаётганини, у ўз илдизлари орқали озиқ запасларини тұплаётганини тушунтириңг. Дарахтлар қишда ўз намлигини ўқотиб боради. Дарахтлар намлигининг катта миқдорда ўқолнишига қишки шамоллар ҳам сабаб бұлади. Шунинг учун кеч күнде дарахтлар қишда нобуд бұлмаслиги учун боғларни яхшилаб суғориш, қишда эса дарахтлар күпроқ нам сақлашлари учун улар атрофига қорларни тұдалаб қўйиш кераклигини тушунтириш ва имкони бор жойларда бундай иниларга болаларни ҳам жалб қилиш фойдадан холи бұлмайди.

Болаларни дарахтни буталардан фарқлашга ўргатиш керак. Дарахтда битта йўғон тана бўлади, буталарда эса бир неча ингичка таначалар мавжуд. Терак, олма, чинор ва шунга ўхшаш дарахтларни кўрсатиб, уларнинг танаси битта йўғон ва бўйи баландлигини, настарин гулининг таначалари бир нечта ва ингичка бўлиши ҳамда дарахтлардан анча паст ва кичик эканлигини болалар билан аниқланг.

Үт ўсимликлари. Икки йиллик ўсимликларнинг ер юзасидаги қисми қуриб, илдизпоя, пиёзбош ва тугунаклари қолади, булар ўсимликларнинг қайтадан ўсиб чиқиши учун озиқ моддалар заҳирасини тўплайди. Илдизлар ер тагида қор тагида совуқдан сақланиб туради. Болаларга ўсимликлар ҳам дам олиши кераклигини, шунинг учун хона ўсимликларига қиши кунларида камроқ сув қўйиш кераклигини тушунтириңг. Қиши вақтида ўсимликларнинг уйқуга кетиши муносабати билан болаларнинг диққатини қушларнинг ҳаёти ва ҳолатига жалб этиш мумкин. Шунинг учун болалар боғчаси майдончасида қушларни озиқлантириш мақсадида ҳар турли уячалар ясаб, уларни дарахтларга, уйларнинг деворларига, дераза токчаларага ўрнатиласы. Уячаларда доимо озиқ бўлиши керак. Бу даврда табиий озиқлар қолмаслиги сабабли,

озиқ излаб аҳоли яшайдиган пунктларда чумчуклар, қарғалар, зағчалар ва бошқа қишилайдиган паррандалар йиғилади. Овқатланиб бўлишгач боғ ва хиёбларга учиб кетадилар. Даражтларнинг шохларида дам оладилар. Қоронғу тушиши билан тўда-тўда бўлиб даражтлар шохларига ва бошқа жойларга қўниб тунайдилар.

Қиши ойида кўкраклари оқ-қора рангли катта читтаклар, сўфитурғайлар, загизғонлар ва бошқа қушлар учиб келишади. Қишида майдончага осиб қўйилган донхўракларга учиб келадиган қушларни кузатиб, таниш бўлган қушларнинг яшаш тарзи тўғрисида болаларга тушунча берилади. Қаттиқ совуқда чумчуклар қанотларини тушириб, ҳаракатсиз, хурпайиб ўтиради. Ҳаво исиши билан чирқиллай бошлайди, тез учади, катта читтак дала қуши эканлиги, дараҳтдан-дараҳтга учиб, дараҳтнинг ич-ичига кириб кетиб овқат қидириши кўрсатилиди. Болаларга қишида овқат камлиги, шунинг учун уларга мунтазам қўшимча овқат бериб бориш кераклиги тушунтирилadi.

Читтак билан снегирнинг овқатланиш усулини солишириш қизиқарли: читтак овқатни тешиб ейди, снегиръ эса уруғини чақади. Болаларни қарғани зағчадан патларининг ранги, катта-кичиклигига қараб фарқлашга ўргатиш керак. Чумчук, қарғанинг янги ёқсан қор устидаги изини фарқлай билиш яна ҳам яхши. Қишининг охирги ойида қушлар уя қуриш учун шаҳардан четдаги жойларга учиб кетадилар. Читтаклар баҳор олди қўшиқларини куйлайдилар. Бу вақтга келиб кўпгина фурраклар тухум очиб, сут эмизувчилар сингари қушчаларини боқищ учун ўзларидан озиқ моддаси шимиб чиқарадилар, она қуш оғзини очади, қушчалар эса озиқни уни оғзидан чўқиб оладилар. Булутли кунларда қоронғи туша бошлаши билан майда кўршапалакларни кўриш мумкин. Улар йил бўйи биноларнинг бурчакларида яшайди, қоронғи тушиши билан овоз чиқармасдан уча бошлайди, чивин, пашша ва бошқа ҳашаротларни тутиб ейди.

Уй паррандаларидан — товуқларда катта жонланиш пайдо бўлади ва кўплаб тухум қилишга киришади. Болаларга уй ҳайвонларидан мушук, кучук ва бошқа ҳайвонлар тўғрисида ҳам гапириб беринг. Масалан, мушук иссиқни яхши кўради. У тирноқларини

Төсирлаб олиш учун дарахтлар танасини, ёғоч буюмдарни тириналди. У қаердан бўлса ҳам ўзининг уйини генинг кела олади. У жуда озода ҳайвон, овқат егандан енни ҳамма ерини яхшилаб тозалайди ва ҳоказо.

ТАБИАТ БУРЧАГИДАГИ ИШЛАР

Қишида катта гуруҳ болаларининг табиат бурчаги доимий, шунингдек, вақтинча яшовчилар билан тўлади. Қанарайка ва бошқа қушлар киритилади. Қиши давомида болалар қушларни парвариш қиласидилар, навбатчилар уйларини ҳар куни бир вақтда белгиланган мўлжалда боқадилар, қутичаларда яшил ўсимликлар (озиқ) ўстириб қўядилар, сувдонларни, донхўракларни ювиб, қофозларни алмаштирадилар, қум сепалилар, суримла тагликни артиб қўядилар. Бу билан болалар қушлар қайси овқатни кўпроқ ёқтиришлариши, қандай вақтда сайдашларини билиб оладилар. Навбатчи болалар ҳар куни эрталаб балиқларга озиқ берадилар. Овқатлантириш орқали болалар балиқларнима билан овқатланишини, уларнинг бир-биридан фарқини, тана қисмларининг тузилишини, хатти-ҳарачатларини билиб оладилар.

Балиқчаларни кузатиш билан бирга уларни яхши ёшитиш-эшитмаслиги, кўриш-кўрмаслигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган тажрибаларни қўшиб олиб бориши лозим. Қиши охирида дераза токчасига қўйиладиган қути ёки тувакчаларга пиёз экиш, юза товоқчаларга помидор уруғи сепиш, тезда яшил барглар чиқарадиган петрушкалар экиш мумкин. Болаларни уларни парвариш қилишга жалб этилади. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун парвариш ҳамда табиий омиллар зарур эканлигига қаратилади. Бундан ташқари болаларнинг ёруғлик ўсимликларга барглари орқали бориши, сув ва минерал тузларини илдизлар орқали тупроқдан олиши ҳақидаги тасаввурини шакллантириш лозим. Буни тажриба орқали кўрсатиш ҳам мумкин.

Шунга ўхшаш тажрибани бошқа ёруғсевар ўсимликни кузатиб ўтказиш лозим. Натижада болаларда ўсимликнинг озиқланишида барг ҳам иштирок этиши ҳақида умумий тасаввур шаклланади.

БАҲОР

ЖОНСИЗ ТАБИАТНИ ҚУЗАТИШ

Баҳор ойи биринчи мартдан бошланади. Лекин бизнинг шароитимизда турли йилларда турлича бўлади. Тошкентда баҳор эрта бошланади, одатда, февраль ойидаёқ кунлар илий бошлайди. Баҳорда қаттиқ ёғингарчилик бўлади. Кунлар узаяди, ҳарорат 25—29 дара жагача кўтарилади. Момақалдироқ бўлади. Баҳордаги ёмғир ўз хусусиятларига кўра турли хил бўлади: кучли, қисқа муддатли, майдалаб ёғади, узоқ вақт ёғади.

Ўсимликларни қузатиш. Баҳор бошланиши билан дарахт куртаклари бўртади, мевали дарахтлар гуллай бошлайди. Аммо баъзи йиллари ҳаво ўзгариб қаттиқ совуқ бўлиши, дарахт куртак ва гулларини совуқ уриб кетиши қузатилган. Натижада ўша йили ўрик, узум, олча ва бошқа мевали дарахтлар ҳосил бермаган.

Бундай ноқулай об-ҳаво апрель ойларида ҳам бўлиб туради. Қор ёғиб совуқ тушади, дўл ёғади, натижада дарахтлар ва жуда катта майдондаги экинларга катта зарар етади. Март ойида далалар кўклам либосини кияди. Бойчечак, чучмома, совринжон, гунафшалар очила бошлайди. Лолалар, наргислар барг чиқара бошлайди. Қир-адирлар лолалар, тоғ гуллари билан қопланади. Сув бўйларида гулсапсарлар барқ уриб ўса бошлайди, гуллар, кўм-кўк ўтлар, қиёқ, бўғдоийқ каби гуллар билан қопланади.

Боғ ва хиёбонларда капалакгул, оқ ва қизил дасторгул каби кўп йиллик ўсимликлар гуллай бошлайди. Қўзиқоринлар пайдо бўлади. Апрель ойига келиб настарин, жасмин сингари бута ўсимликлари гуллайди. Апрель ойида деярли ҳамма дарахтлар гуллай бошлайди. Ёнғоқ, дуб, тол сингари дарахтлар гул тўда чиқара бошлайдилар.

Апрель ойининг бошида данакли ўсимликлардан шафтоли, олча, тоғолча, олхўри, гирос гуллайди, апрель ойининг ярмига келиб олма, нок, беҳи гуллайди.

Ўрик, шафтолилар аввал гуллаб, кейин барг чиқарди. Олча, тоғолча, олма, нок, олхўри, беҳи сингари дарахтлар эса аввал барг чиқариди, кейин гуллайди.

Саҳроларда лолақизғалдоқ, лола чаман бўлиб очи-

ләди. Апрель ойининг бошида жийда дарахти кумуш-сипон барглар билан қопланади. Унинг гуллари сарық рангда бўлиб, кучли хушбуў ҳид таратади. Узум ким гуллайди.

Болалар билан яшаш жойига қараб қир-адирларди, мевали боққа ҳар хил ўсимликлар, уларнинг номи, гулларнинг ранги, тузилиши, ҳиди, гулбаргларининг сочи билан таништириш мақсадида сайр ва экспедициялар ўтказилади. Улар ўт ўсимлиги ва дарахтларнинг, буталарнинг гули, баргининг рангига қараб танишга ва бир-биридан фарқлашга ўрганадилар ва ёдларида сақлаб қоладилар.

Экспедициялар биринчи гуллар пайдо бўлган вақтда, кейин ўтлар, буталар, дарахтлар тўла гуллаб бўлганда, сўнгра мева тукканда, пишганда ўтказилади. Болаларда қоқигулнинг ривожланишини узоқ муддат кузатиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Момақаймоқнинг ривожланиш цикли — баҳорда барглари, фунчалари пайдо бўлиши, гуллаши, уруғларининг пишиши ва уларнинг тарқалиши кузатилади. Болаларга ялпиз, отқулоқ, печак ва шунга ўхшаш ўт ўсимликларини кўрсатиш керак. Кечқурун ва ёмғир ёғиши олдидан момақаймоқнинг гулбарглари юмилиб қолишини кузатиш қизиқарлидир. Болаларни ўтлоқдаги ўсимликларнинг тури-туманлиги билан таништириш учун ўтлоқка мақсадли 3—4 марта сайр уюштирилади.

Ўтлоққа қилинган мақсадли сайдан кейин Г. Ганейзернинг «Ўтлоққа» шеъри ўқиб берилади. Баҳор ойи давомида тарбиячи болаларни гулзор ва экинзордаги ўсимликларни парвариш қилишга жалб қилиб, парвариш усуулларини ўргатиб боради, парваришнинг қанчалик зарурлигини тушунтириб беради. Парварим қилиш жараёнида гулзор ва экинзордаги айрим ўсимликлар устида узоқ вақт кузатиш олиб борилади (шароитга қараб), бундай кузатишлар иложи боричатабий ҳолатда ўтказилгани маъқул ёки даладан олиб келинган бойчечакни кузатиш тавсия этилади ва тарбиячи болаларга Илёс Муслимнинг «Бойчечак» деган қўйидаги шеърини ўқиб беради:

Хали эримасдан қор,
Дала, қирда гулбаҳор.
Чиқди митти гулчечак
Май элчиси бойчечак.

Аскар каби турар тик,
Барглари яшил, тетик.
Унинг ранги сариқ, оқ
Бошида кумуш қалпоқ.

Еки бўлмаса болалар билан ҳаммаёқ ям-яшил бўлиб, ўтлоқларда ёввойи гуллар очилган пайтда болалар билан яқинроқда жойлашган ўтлоққа мақсадли экспкурсия уюстирилиб, болалар диққатини баҳордаги ўтлоқнинг гўзаллигига, баҳор ҳавосининг хушбўйлигига, осмоннинг мусаффолигига, ўтлар орасидаги ёввойи гулларнинг чиройлилигига жалб этилади. Болалар билан тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олинг ва уларга Қудрат Ҳикматнинг қуидидаги топишмоқли шеърини ўқиб беринг:

Яшнар кўк майса,
Эҳ, қандай мазза!
Кўкда кун кулар
Уриклар гуллар.
Колхозчи деҳқон
Экар чигит, дон.
Қувнай-қувнай юрт
Боқар ипак қурт
Қуш учар пир-пир
Гоҳ қуяр ёмғир,
Билсанг айт Саид,
Бу қайси фасл?

Болалар билан очилиб ётган момақаймоқ, лолақиз-ғалдоқ, чучомомаларни томоша қилинг. Болалар диққатини гулдан-гулга учиб юрган асалариларга қаратинг ва унинг сабаб-натижаларини сўранг. Бу мақсадда қуидидаги саволларни бериш мумкин. «Гуллар устида нималар учиб юрибди?», «Асаларилар яна қандай гулларга қўнади?» «Асалари тўғрисида ким нима дея олади?»

Бундай ўтлоқ ва боғларга болалар билан тез-тез келиб туриш, ҳар гал ўсимликлар ташки кўринишида юз берган ўзгаришларни сўз билан гапиришга ўргатиш, ўзгаришнинг сабаб-натижаларини аниқлаб беришга ўргатиш лозим.

Паррандаларни кузатиш. Баҳор бошланиши билан қушлар учиб кела бошлайди. Қушлар, одатда озиқ-овқат пайдо бўлиши билан учиб келади. Ҳашаротхўр қуш-

пар кейнироқ ҳашаротлар күпайған пайтда учиб келади. Март ойнда турналар, гоз ва ўрдакларнинг тұда-тұда бұлғын учиб келаётганини болалар билан кузатинг. Жиблажибон, чуғурчук, зағчалар ва бошқа қушлар да учиб кела бошлайды. Апрель ойнда зарғалдоқ, бул-бул, мойқарт, күршапалак, лайлак, каккулар учиб келди ва уя қура бошлайды.

Күкқарға, гүнгәрға, саъвалар учиб кетади. Май ойнда қызил зағчалар кела бошлайды. Каккуларнинг сайрашлари әшитилади, лайлаклар, сассиқпопишаклар, қалдирғочлар тухум құя бошлайды. Чумчуқлар қаттық чирқіллай бошлайды. Болаларга қушлар түмшүқлари-да шимани олиб кетаётганини кузатиш тавсия этилади.

Әътибор билан кузатиш натижасыда болалар үз түмшүқларыда пар, пахта бұлакчаси олиб кетаётганини кузатадилар ва улар бунарсаларни уя қуриш, тухум қүйиш ва үндандық қушчалар очиши учун зарурлигини билиб оладилар.

Болаларга қушларнинг донхұракларига фақат озиқ әмас, балки юмшоқ материал бұлакчалари жун, ип, пахта бұллаги құйышлари мүмкінлиги айтилади. Чумчуқлар булаңнинг ҳаммасини ташиб кетадилар, болалар эса чумчуқларга иссиқ бўлишидан хурсанд бўлишади. Ҳамма қушлар ҳам уялар ясаб қушчалар очиши ҳақида умумлашган хулоса чиқаринг. Барча қушлар ҳар хил товуш чиқарып сайрашига болалар диққатини қаратинг. Бир-иккита қушнинг сайрашини билиб олсинлар.

Баҳорда уй ҳайвонлари ҳам болалайды. Уй ҳайвонлари болаларининг хатти-ҳаракатлари, катта ҳайвонларнинг болаларига нисбатан хатти-ҳаракати кузатилади, уларнинг қандай овқатланиши, ўйнаши қайд этилади; болаларда ҳайвонларга нисбатан әхтиёткорона муносабатда бўлишни тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Болаларга К. Д. Ушинскийнинг ҳайвонлар тұғрисидеги қуйидаги ҳикояларини ўқиб беринг: «Хұroz үз оиласи билан», «Васька», «Товуқ ва ўрдаклар», «Сигир», «Тойчоқ» вав шунга ўхшаш Ў. Усмоновнинг «Чумчуқ бола» ҳикоясини ўқиб беринг. Иловага қаранг.

Март ойнда құрбақалар, чүлбақалар сингари сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар сайрай бошлайдилар. Құрбақалар сув ҳавзалари, ариқлар ва анқорларда яшайды. Чүлбақалари деворларнинг кавакларыда, ариқлардаги күприклар остида, боғларда,

Экинзорларда ва далаларда яшайди. Чүл қурбақасининг ранги яшил, териси ғадир-будур бўлади. Бир оз намхун бўлиб, оқ-қизил сўгалли бўлиши ҳам мумкин. У душманнинг ҳужумидан ҳимоя қилувчи суюқликка эга.

Чүл бақасининг териси таранг бўлиб, думи, бўйни бўлмайди. Кўзлари катта ва серҳаракат, шишинқираган бўлади. Қурбақа тилини чиқариб қанотли ҳашаротларни тутиб олади, ушланган ҳашарот бутунлигича ютилади. Қурбақа сузган вақтда кўзи заарламаслиги учун кўз қорачиғини кўз косаси ичига тортиб олади. Қурбақа сизаётган пайтда унинг олдинги оёқлари ишламайди. У кўпинча қирғоққа чиқиб олиб, қуёшда исиниб ётади (I-расм).

Қурбақа сувда яшовчи жониворлар — сувузчи ўргимчак боласи, сувсевар қўнғиз, ниначи тухумлари, шунингдек, сув ўсимликлари билан овқатланади. Чүл бақалари учмайдиган ҳашаротларни овлайдилар, шунингдек, пашиша, чивин тухумлари, қўнғизлар ва уларнинг тухумлари, дараҳт илдизини кемирадиган қуртлар, карам барглари, помидорларнинг баргларини кемирувчи ва ғўза чаноқларини заарловчи қуртлар, ёмғир чувалчангларини ейди. Улар қишлоқ хўжалигига зарар келтирувчи турли хил ҳашаротларнинг катта қисмини қириб ташлаб, фойда келтиради. Тарбиячи бу каби маълумотлардан болалар билан кузатиш ва суҳбатлар ўтказиш вақтида кенг фойдаланади ва болаларни қурбақа ва чўл бақаларни ҳимоя қилиш ва асрашга ўргатиб боради. Сув ҳавзаларига боргандা сувда қурбақаларнинг уруғини — тухумини кўрсатинг. Қурбақалар икрасини — тухумини кўлмак сувларнинг тубига қўяди, унинг теварак-атрофи ялтироқ ҳолда бўлади. Икralар қора юмалоқ тошга ўхшаш нарсаларга ёпишган бўлади. Чўл бақаларининг икраси ипсимон тузилишга эга бўлиб, сув ости ўсимликларига ёпишган бўлади. Икра қора рангда бўлади, баҳорнинг илиқ нурлари унга яхши таъсир қиласи.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин икрадан қурбақаларга ўхшамайдиган қурбақачалар — итбалиқлар чиқади. Уларнинг танасида иккита сўргич бўлиб, шу сўргич орқали сув ўсимликларига ёпишадилар. Кейинчалик уларнинг думи йўқола боради ва ҳақиқий бақа ва қурбақаларга айланишади. Болалар боғчасининг жонли бурчагида кўлмак сувлардан бақаларнинг икralарини олиб келиб аквариумга солиб, уларнинг ривожла-

ишинин кузатиш мумкин. Аквариумдаги ҳарорат 20—25 таражка бўлиши шарт.

Болаларга Л. Шарапованинг бақа тўғрисидаги қуйиндаги шеърини ўқиб беринг.

Семизлиги ёстиқдақа
Сакраб-сакраб ўйнар бақа
«Вақ-вақ, вақ-вақ
Қур-қур, қур-қур
Маза сувда сусзак нуқул»

Апрель ойида ҳаво яхши исигандада типратиканлар уйқудан уйғонади. Типратиканлар ҳавзаларда, толли районларда ва боғларда яшайди. Улар қоронғу түшгандан тонггача далалар, боғлар, дараҳтлар тагида дайдиб юради. Улар ҳашаротлар, илонлар ва сичқонлар, чигирткалар, чўл сичқонлари билан озқатланади. Гоҳоғоҳо ўсимликларни ҳам ейди. Типратиканлар суза олади. Уларни террариумда сақлаш мумкин. Бундай шароитга тезда кўникади. Болалар террариумга барглар соладилар, типратикан бу баргларга юмалаб, уларни ўзигналарига санчиб олади ва юраверади. Унинг бу ҳаракати болаларда қизиқиш уйғотади.

Баҳорнинг дастлабки ойидан бошлаб тошбақа, калтакесак, илонлар сингари судралиб юрувчалар уйғонади. Ўзбекистонда тошбақа кўп учрайди. Тошбақа косасининг ранги сарғиши ёхуд қўнғир туслади. Бармоқлари орасида парда бор. Думи қисқагина бўлиб, учлари ўткир бўлади.

Тошбақалар сувга муҳтоҷ бўлмайди, чунки улар учун ейдиган ўсимликларидаги сувнинг ўзи ҳам етарлидир. Тунлари ўз уяларига кириб кетади, улар ўз уяларини шоҳ-шаббаларнинг тагига, шунингдек, ўнқирчўнғир ерларда ковлайди. Тошбақалар эрта тонгда ёки кеч кириши олдидан ўтлайдилар. Тошбақалар ялпиз, кўй ўт ва бошқа ўсимликлар билан озқатланади. Тошбақаларни гуруҳ хонасида сақлаш мумкин. Болалар уни ўт билан боқиб, хатти-ҳаракатини кузатадилар. Бу болаларга завқ бағишлайди.

Март, апрель ойларида тошбақалар тухум қўяди ва қўум орасига яшириб қўяди. Ёш тошбақалар тухумдан юз кунда очиб чиқадилар.

Илонга ўхшаган, оёқсиз, сариқ қоринли калтакесаклар ҳам бизнинг жумҳуриятимизда тез-тез учраб туради.

Сариқ қоринли калтакесак қўнғир ёки қизғиши тусди бўлади. Ёш калтакесаклар эса оч кулранг бўладилар. Калтакесаклар кўпинча дарёлар, водийларда, қирларда, қалин ўтлар ўсадиган жойларда яшайди. Шунингдек, боғларда, сугориладиган жойларда ҳам учрайди. У сувга иштиёқ билан боради ва сувда узоқ вақт қолиши ҳам мумкин.

Сариқ қоринли калтакесак кемирувчиларнинг уясинда, шунингдек тошлар тагида ва бутазорлар орасига яширинаиди. Сайр вақтида чопиб кетаётган илонқуйруқларни ҳам учратиш мумкин. Улар пашша, қўнғиз, капалак-қурт, канга ва ўргимчакларни ейди. Калтакесакларни, илонқуйруқларни террариумда сақлаш мумкин. Илонқуйруқлар заарсиз, тишламайди, одамга жуда осон ўрганади. Уларни қўнғизчалар, шилиққуртлар, ёмғир чувалчанглари, сувараклар билан боқиши мумкин. Болалар калтакесакларнинг ҳаракатларини, овқатлашиларини кузатадилар. Калтакесаклар ҳашаротлар ташланиши биланоқ уларни тутиб олади ва ютиб юборади, шунингдек, хом гўшт, қотирилган қазини ҳам ейди.

Калтакесаклар қишлоқ хўжалиги учун фойдалидир, улар қишлоқ хўжалиги зааркунандаларининг катта қисмини қириб ташлайди. Март ойининг охирида девор ёриқларидан кичкина, кулранг калтакесаклар чиқади. Улар кун бўйи девор ковакларида ётади, қуёшли кунларда исинадилар.

Ҳашаротлар. Баҳорнинг дастлабки ойидан бошлаб кўпгина ҳашаротлар кўзга ташланиб қолади. Болалар эътиборини ҳашаротларнинг кўплигига жалб қилинг. Ёрда ялтироқ қурт, қарсылдоқ қўнғиз ва бошқалар пайдо бўлади. Улар ўсимликларнинг илдизларини кемириб, катта зарар келтиради. Натижада кўпгина ўсимликлар нобуд бўлади. Айниқса шу каби ҳашаротлар тут дараҳтларининг илдизларига зарар етказади.

Апрель ойида тиллақ қўнғизлар, мева қўнғизи пайдо бўлади. Май ойида ҳар хил рангдаги капалаклар: лимон ўсимлиги капалаги, қичитқи ўт капалаклари пайдо бўлади Экин майдонларида сассик қўнғиз, гўрков қўнғиз, хон қизи пайдо бўлади. Сакровчи чивинлар учиб чиқади, уларнинг личинкалари эса сувларда ўсади. Бу личинкалар балиқлар учун яхши озиқ бўлади. Хон қизи ўсимликларни ўсимлик битидан — зараркунандалардан тозалайди. Хон қизи қизил рангда

Оғылб, танасида қора нүқталар бор. У ўзидан сарық суюқлик чиқаради. Болалар билан ўтлоққа мақсадлы спирт үюнтирганда у ерда жуда күплаб хон қизини учратиш мумкин. Болалар уларни зўр иштиёқ билан гурурт қутичаларига йиға бошлайдилар. Шунда тарбиячи бу хон қизини болалар боғчасига олиб боришиларини тақлиф этади. Табиат бурчагидаги, боғча майдончалидаги ўсимликларга бит тушган бўлса, тарбиячи қўнғизларини ўсимликларга ўтказади ва қўнғизлар ўсимлик бинтиларини тезда қириб ташлади.

Май ойининг охирида гуллар яхши очилган вақтда дарахтларнинг гуллари устида кўплаб асаларилар учча бошлайди. Болалар билан асалариларни гулдан-гулга, қўниб, улардан нектар йиғаётганини кузатиш мумкин ва болаларга К. Мұҳаммадийнинг «Болари» номли қўнидаги шеърини ўқиб беради.

Фув-фув учар болари,
Дув-дув учар болари.
Гулдан-гулга қўнишиб
Шарбат ичар болари.
Болари, ҳой болари,
Фув-фув нағманг чал ари!
Боғчамизда яйрашиб,
Учиб, ўйин сол ари.
Сен қадрдон дўстимиз,
Асалинг еб ўсдик биз,
Ясаб берай ин-қути,
Боғчамизда қол, ари!

Навбатдаги сайрни ўтлоққа ёки имкони бўлса, гуллаб турган пахтазорга, бедазорга уюнтирганда пахта, беда гуллари устида учиб юрган асалариларга болалар диққатини жалб қиласди.

Шунда тарбиячи болаларга асаларилар ҳамма ўсимлик гулларидан нектар олишини тушунтириши керак.

Болаларга ипак қурти жуда фойдали ҳашарот эканлиги тушунтириб берилади.

Апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида ипак қурти уруғи ичидаги тола билан қопланган қора қўнғир рангли кичкина қуртчалар чиқади. Кунлар ўтган сари улар таналарининг ранги борган сари оқарабиб, толалари йўқола боради. Ипак қурти бутун ҳаётини давомида бешта яшаш босқичини ўтказади. Уларнинг емиши фақат тут баргидир. Биринчи ёшда (би-

ринчи ёш 40 соат давом этади) қуртчалар кесилган барг ейдилар. Қуртларга ҳар 3 соатда янги барг бериш лозим. Барглар ҳамма қуртларга етадиган қилиб бир меъёрда солинади. Қуртларни барг билан қалин қилиб кўмиб ташлаб бўлмайди. Ипак қуртига иккинchi ёши (42 соат давом этади) да барглар кесилмасдан берилади. Ана шу вақтда биринчи марта қуртларнинг тагидаги босилиб қолган барг қолдиқлари, ахлатлар тозалаб ташланади. Бунинг учун ипак қуртининг устига барг солинади. Ипак қуртлари янги озиқ устига ўрмалаб чиқишгач, улар янги жойга кўчирилади.

Ипак қуртининг учинчи ёши 59 соат давом этади. Тўртинчи ёши 74 соат давом этиб, бунда уларга барглар майда шохчалари билан узунасига ва кўндалангига ташланади. Ипак қурти бешинчи (158 соатдан кейин ёки 7 ичи ҳафтасида) ёшининг 7—8 куни овқатланишдан тўхтайди, у пилла ўраш учун жой қидира бошлияди. Шунда барг солиш тўхтатилади, қуртлар устига пилла ўрайдиган қуритилган маҳсус ғана ўтлар солинади. Қуртлар ана шу ғана ичига кириб қулай жой танлайди ва пилла ўрайди. Пилла териб олиниб пилла заводларига юборилади, у ерда ипак олинади.

Гуруҳ хонасида печенье ёки конфет қутисида бир нечта қуртни болалар тарбиячи раҳбарлигида, боқишлиари мумкин. Ипак қуртининг ўзига хос томонлари (улар ниҳоятда ҳимоясиз эканлиги, ҳар хил ҳашаротлар: ари, чумоли еб қўйиши мумкинлиги, қушлар чўқиб кетиши мумкинлиги, хонадаги ҳарорат 25—30°C бўлиши кераклиги), парвариш қилиш, овқатлантириш қоидалари болаларга тушунтирилади. Ипак қуртини парвариш қилаётib, унинг ўсиши ва ривожланиши кузатиб борилади. Шунда тарбиячи болаларга К. Мұхаммадийнинг «Ипак қурти» деган шеърини ўқиб бериши мумкин:

Оқ қурт, кўк қурт, ола қурт,
Бир-биридан сара қурт.
Тут баргидир емиши,
Гулдан тоза турмуши.
Виш-виш этиб, аланглаб,
Баргни ейди яланглаб.
Кечакундуз хизматда
Шунинг учун иззатда,

Боқамиз биз ардоқлаб,
Үйда, сүрида сақлаб...

Баҳорда ҳовуз, күл, ботқоқликларнинг ёнида, ариқлар устида турли ранги: зангори-қорамтири, кулранг, күк иниачилар уча бошлайди. Ўларнинг учишини кузатиш болаларга завқ бағишлияди. Болалар эксперсияга чиққан вақтларида уларнинг учиди юрганигини кузатишлари мумкин. Май ойининг ўрталарида тут қўнғизлари уча бошлайдилар. Бу узунчоқ қўнғиз кулранг бўлади. У кечки пайт тут дараҳтларининг шохлари ва ёруғ жойларига ўрмалаб чиқиб тухум қўяди. У заарли ҳашарот.

Катталар меҳнати билан танишириш учун полизга, далага хиёбонга мақсадли сайдир ўюштирилади. Тарбиячи болаларга боғбонлар, колхозчилар, полизчилар кузда нима ишлар қилганликларини эслаб кўришни айтади. Қейинги сайдирда болалар билан, имкони бўлса, деҳқонларнинг помидор, карам, бақлажон, болгар қалампири кўчатларини экишларини, тарвуз, қовун, қовоқ сингари экинларнинг уруғларини ерга қадашларини кузатадилар.

Болалар олдида боғбон ва колхозчилар меҳнатининг моҳияти тушунтирилади. Дала ва боғча ёнидаги ер майдончаларига ўюштирилган сайдирларда полиз ва сабзвот экинлари етиштиришдаги айrim баҳорги меҳнат турларини кузатиш лозим.

Табиат бурчагида ишлаш. Баҳорда ўсимликларни намлика бўлган эҳтиёжи ўзгаради. Бу пайтда навбатчилар суфоришини талаб этадиган ўсимликларни ҳар куни аниқлаб чиқиши ишини ҳам бажарадилар. Болалар ўсимликларни суфориши зарурлигини фақат тупроқни текширибгина эмас, балки уларнинг ҳолатидан ҳам аниқлашни ўрганадилар. Улар аввал тарбиячи билан, кейин мустақил равишда ўсимликларни кўриб чиқадилар, баргларини, поясини ушлаб кўрпб, эгилувчанлигига қараб суфориши зарур-нозарурлигини аниқлайдилар.

Парваришга қараб ўсимликлардаги ўзгариш кузатиб, белгилаб борилади. Ўсимликларнинг ёруғликка эҳтиёжини аниқлаш учун бир хил навли ўсимликтининг бири дераза олдига, иккинчиси қоронфироқ жойга қўйилади. Бу тажриба ўсимликларга ёруғлик зарурлиги ҳақидаги тасаввурни аниқлаштиради. Болаларда ўсим-

ликларни қўшимча озиқлантиришнинг зарурлигига ишонч ҳосил қилдириш учун қўйидаги амалий тажрибани ўтказиш мумкин.

Баҳорда баъзи бир хона ўсимликлари қайта эклиди. Иссикроқ куни тарбиячи саралаб олинган ўсимликларни қайта экади. Бу иш боғча майдончасиди уюштирилса яна ҳам яхши. Болалар ўсимликларни олиб чиқиш, уларнинг ўлчамига қараб туваклар ташлаш, тувакларга тупроқ, қум, минерал ўғит аралашмаси солиша ёрдамлашадилар. Эрта баҳорда болалар тувакчаларга лола ва наргиснинг пиёзини экадилар. Баҳор давомида аввал барглар, сўнгра фунчалар, гулларнинг пайдо бўлишини кузатадилар.

Ез

Жонсиз табиатни кузатиш. Июнь ойида, одатда об-ҳаво яхши бўлади. Эрта тонгда қуёш заррин нурларини тарқатиб кўтарилади. Туман тушади ва тезда тарқалади, пашибалар барвақт уйғонади, тонг энди ёришиши билан асаларилар, қалдирғочлар уяларидан учиб чиқадилар ва ҳавода баланд парвоз қиласидилар, чивинлар ғинғиллаб, қўнғизлар ғўнғиллаб учиб юради. Қуёш булутлар орасига яширинмай, балки ботиш олдидан тўқ қизил ёки олтин рангга киради, чараклаб Ой чиқади, юлдузлар мовий рангда чараклайди.

Тарбиячи болалар билан табиат ҳодисаларини кузатиши ташкил қилиб, ўсимликларнинг мавж уриб ўсиши, гуллаши ва ҳосил бериши, кўплаб ҳашарот ва қушлар пайдо бўлиши об-ҳавонинг исий бошлиши, ёруғлик ва намликнинг кўпайиши билан боғлиқлигини гапириб беради. Июль ойида ҳарорат кўтарилади. Аҳён-аҳёнда ёмғир ёғади. Август ойининг иккинчи ярмида ҳарорат бир оз пасаяди ва 20—25 даражага тушади. Ҳавода булут бўлмайди. Баъзан ойнинг охирларида ёмғир ёғади. Сайрларда болалар об-ҳавонинг кун давомида қандайлигини кузатиб борадилар, ёзда кун иссиқ, жазира маънада бўлади. Эрталаб ва кечқурун қуёш пастга тушади, шунинг учун унчалик иссиқ бўлмайди. Иссиқ кунда асфальтга сепилган сув, ҳўлланган қум тез қуриб қолишини кузатиб болаларни бу ҳодисаларнинг сабаби ҳақида хулоса чиқаришга олиб келинади.

Ҳисимликлар дунёсини кузатиш. Ёзининг иштабки ойида боғларда шафтоли, ўрик, олча, эрта ишиш олма ва ноклар пишиб етилади. Июнь ойида илонгул, аждарофиз, чинни гуллар, картошкагул, канапар, хүнбўй тамаки, мойчечаклар, флокслар, семизутлар ва бошқа боғ гуллари гуллай бошлайди. Чирмашувчи гуллар, чирмовуқлар тўқ қизил рангда гуллайди. Июннинг учинчи ўн кунларида ғўза гуллай бошлайди. Июль ойида боғларда эртанги олмалар, шафтолилар, олча, гилос, ўриклар пишиб етилади. Полизларда помидор, бақлажон, бодринг, болгар қалампири, ҳандалак кабилар етилади. Уларни йиғиб-теришиш ишлари бошланади.

Гулзорларда қўқонгул, тизимгул, настурция, зафаргул, картошкагул ва бошқа гуллар очилади. Ғўзалар ёнпасига гуллайди ва қўсак туга бошлайди. Маккажўхорилар думбул бўлади. Август ойи — сабзавот ва меваларнинг ғарқ пишган ойидир. Бу ойда узум, анжир, шафтоли, олхўри, олма ва бошқа мевалар кўплаб пишиб етилади, полизларда помидор, бақлажон ва бодринг, болгар қалампири йиғиб-терилади. Далаларда ғўзалар, маккажўхори, кечки картошкани парвариш қилиш ишлари давом этади.

Сайр вақтида болалар дарахтларнинг хилма-хил бўлиши ва ҳар бирининг ўз номи борлиги, уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда парвариш қилиш усуллари билан таништирилади. Бу кузатишлилар ҳар куни олиб борилади. Кузатишлилар жараёнида катта болаларни нима учун ҳамма мевалар ғарқ пишиб етилганлиги, нима учун полиз экинлари, гулзорларни ўтоқ қилиб туриш зарурлиги ҳақидаги саволларга мустақил жавоб топишга йўналтириб, билимга қизиқишилари ўстириб борилади. Тарбиячи болалар билан экинзор ва гулзордаги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишидаги ўзгаришларни изчиллик билан кузатиб боради. Болалар пайқаган ҳар бир аниқ ўзгариш кундалик ёки табиат календарига қайд этилиб борилади.

Ёзда болаларнинг билимлари гулзор, узумзор, олмазор, анорзор, ёнғоқзор, ўтлоқ, дала ўсимликларининг айрим турлари ҳақидаги маълумотлар билан бойитиласди. Болалар ўсимликларни осон ғарқлай олишлари учун «Баргига қараб ўсимликни топ», «Мевасига қараб ўсимликни топ», «Гулига қараб топ», «Нима, қаерда

ўсади?», «Боғда нималар ўсади?», «Далада нималар ўсади?», «Полизда-чи?», «Ўтлоқда-чи?», «Гуллар магазини», «Нималар янги?», «Кеча нималар йўқ эди?» каби ўйин машқлари ўтказилади.

Ез давомида тарбиячи болалар билан ўтлоқча, пахтазорга, полизга, далага бир неча марта мақсадли сайрлар уюштиради. Улардан бири сабзавот ва мева кўчатларини ўтқазиш, уруғларни экиш ва сепиш вақтида, қолганлари гуллагандан, мева тукканда, пишгандан, ҳосилни йиғишираётганда уюштирилади. Мева ва сабзавотлар пишган вақтда болаларга қуёш яхши тушиб турган новдадаги мева ва сабзавотдан, кейин қуёш яхши тушмайдиган новдадаги мева ва сабзавотдан еб кўриш тавсия этилади ҳамда уларнинг мазаси нима учун фарқ қилиши тушунтирилади. Бизлардаги ширин-шарбат мевалар Серқуёш Ўзбекистонимизнинг саҳовати эканлиги ҳақида гапирилади.

Ҳайвонларни кузатиш. Ёзниг ўастлабки ойи — июнда қушларнинг овозлари жаранглайди. Бул-буллар кўп сайрайди. Сайроқи қушларнинг тухумларидан мадорсиз қушчалар чиқадилар. Уларни оналари боқади. Бу вақтда уясидан тушиб кетган қалдирғоч ва чумчук болалари полапонларини тез-тез учратиш мумкин. Уларни уяларига қўйиб қўйиш керак. Қуш болаларини табиат бурчагига олиб келиб бўлмайди. Улар жуда серовқат бўлади. Очликдан тезда нобуд бўлиши мумкин. Тарбиячи болалар диққат-эътиборини қушларнинг сайрашига қаратади, уларнинг овозини диққат билан тинглашади ва овозининг нақадар ёқимли, жозибали эканлигидан завқланишга ўргатади. Қалбida бундай ҳиссиёт уйғонган бола меҳршафқатли бўлади ва ҳеч қачон ҳайвонлар, қушлар ва ҳатто ҳашаротларга ҳам зарар келтирмайди. Тарбиячи қушнинг тушиб кетган полапонини болалар кўз олдида авайлаб ўз уясига қўяди ва асраб-авайламаслик оқибатида бундай қушлар қирилиб кетиши, ўзининг хушовоз сайраши билан бизнинг кўнглимизни хушломаслиги, зааркунанда ҳашаротларни қириб боғларимиздаги, экинзорлардаги ўсимликларимизни асрай олмаслиги ҳақида болаларга тушунтирилади.

Болалар билан қушларни кузатаётганда тарбиячи уларнинг диққат-эътиборини қалдирғоч ва читтакларнинг ҳашаротларни тутиб тез учиб кетишига жалб этади. Қалдирғочлар уясини кўрсатиб, улар болалари-

Га қашчалик тез-тез овқат олиб келишини кузатиб болиб оладилар. Тарбиячи болаларга қушлар ёзда шашаротлар күи пайтда боқиб катта қилиб олишларини айтади. Имкони бўлса какку қушнинг сайрашини болалар билан тингланг. Бу қуш ёз бўйи секин-аста майда-майда тухум қўяди. У бу тухумларининг ҳаммасини ўзи босиб чиқаролмайди. Тухумини тумшуги билан ушлаб бошқа қушлар уясига элтиб қўяди. Бегона қушлар фарқига бормай ўз тухумларига қушиб босиб чиқаради. Какку жуда чиройли қуш, у бошқа қушлар емайдиган ўсимликлар учун заарли бўлган тукли қурт билан овқатланади. Ҳамма қушлар ҳар хил жойга, турли шаклда уя ясади. Баъзилари қизилиштон, сассиқпопишак, бойқуш ўз уясини дараҳглар кавагига қўяди. Загизғон, ҳакка ўзига новдалардан шарсимон шаклда уя ясади.

Июнь ойида туялар ҳам туғади. Ёш бўталоқ одатда нимжон бўлади. Махаллий аҳоли уни дастлаб ўз ўтовларида сақлайдилар, кигизларга ўраб, қўёшдан паналайдилар. Бўталоқ бироз ўсгандан кейин, соя-салқин ерга бойлаб боқилади ва жуда эҳтиёт қилинади. Уни фақат тунлари арқондан бўшатиб, онасининг ёнида қолдириш мумкин. Она туялар ўз болаларига жуда фамхўр ва меҳрибон бўладилар, ҳатто болаларни эмишиш учун атайин яйловлардан ўтовга келиб турадилар.

Ёзнинг бу ойида қўнғизлар, пашшалар, асаларилар тез-тез, гулдан-гулга қўниб учиб туради. Улар гуллардан нектар ва чанг йиғадилар. Қапалаклар ҳам гулдан-гулга қўниб юради. Баргларнинг қуий қимслирида ҳашаротларнинг игналари изини кўриш мумкин, улар баргларнинг шарбатини сўриб овқатланади. Буни болалар билан кузатиб аниқлаш ва ўсимлик қапалакларининг заарли ҳашарот эканлиги тўғрисида болаларни мустақил хулоса чиқаришга ундаш мумкин. Салқин тунларда гулларда майда ҳашаротларни учратиш мумкин. Улар тунда гуллар ичиди исиб ётади. Баъзи вақтда эса, гуллар ичига тухум қўяди. Жумладан, чиннигулларнинг гулкосаларида тунги қапалакларнинг тухумларини учратиш мумкин. Гулларни асраб-авайлаш учун қапалак тухумларини гуллар ичидан қидириб топиш ва уларни йўқотиш кераклиги болаларга тушунтирилади ҳамда бу ишлар болалар билан бирга бажарилади.

Июнь ойида сув ҳавзаларидаги итбалиқлар ёш қурбақачага ва чүл бақаларига айланадилар. Қурбақалар сув ҳавзаларининг үзида яшайверади. Чүл бақалари эса қирғоққа чиқиб, экин майдонлари ва болаларга тарқалади. Бақа ва құрбақаларни болалар зўр иштиёқ билан кузатадилар. Бу даврда сув ҳашаротларидан сузуви қўнғиз, сув қўнғизи, ниначилар (бешиктерватар, кўк ниначи)ни катта-кичиллигига, рангига, үзига хос белгиларига, учишига қараб билиб оладилар.

Тарбиячи ҳашаротларни маҳорат билан тутиб, сувли банкага солиб қўяди, бу болаларнинг ҳашаротларни яқиндан кўриб олишларига имкон беради. Бундан кейин ҳашаротлар сув ҳавзасига қўйиб юборилади. Ўтлоққа сайр вақтида болаларга жимгина ўтириб, товушларга қулоқ солиш ва эшитганларини айтиб бериш тавсия қилинади. Ёз вақтида болаларни чумолилар ҳаёти билан таништирилади. Чумолилар каттакатта оила бўлиб яшайди, хас-чўплар, нина барглар, қуш патлари ва бошқа материаллардан уя қуради. Улар уяларига хас-чўплар, пайраҳача, ейиш учун эса ҳашаротлар, ўсимликлар уруғларини иноқлик билан тапиб келтирадилар. Тарбиячи чумолилар ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан овқатланиши орқали ўсимликлар зааркунандаларини қириши, тупроқни юмшатиш орқали ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига фойда келтириши ҳақида гапириб беради. Болаларда бу ҳашаротларни кузатиш ва уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга қизиқиш ўйғотиш муҳимдир.

Июнь ойида боғларда олма дараҳтларини заарлантирадиган қурт капалаклар пайдо бўлади. Улар олманинг ичига жойлашиб олиб уни кемира бошлайди. Куртлаган олма ерга тўкилади, унинг ичидан қуртчалар ўрмалаб чиқиб, яна дараҳт танасига ўрмалаб чиқади ва янги олмани пўстлоғини кемириб, ичига жойлашиб олади. Шунинг учун тўкилган олмаларни тезда териб олиш керак, акс ҳолда қуртчалар яна дараҳт устига ўрмалаб чиқиб янги олмаларни заарлай бошлайди. Бундай зааркунанда қуртлар тўғрисида болаларда тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва мевали дараҳтларни асраб-авайлаш хоҳишини ўйғотиш ва тарбиялаш зарур. Тарбиячи тўкилган олмани ердан олиб қурт тешган кавакчани болаларга кўрсатиш ва шу ол-

мани бўлиб ичидаги қуртни осонлик билан кузатиш мумкин.

Нюнь ойининг охири ва июль ойининг бошларида қопалакларпинг иккинчи авлоди пайдо бўлади, улар умур ургулари билан овқатланади. Қуртчалар меваларпинг ўстида очиқ ҳолда, мевани чуқурча қилиб еянилайди. Шу тарзда бир мевадан иккинчисига ва уччинчисига ўтиб еяверади. Қаттиқ зааралнган мевалар ерга тўкилади. Бундай зааркундаларни йўқотиш учун узумларни хомток қилиб туриш керак.

Июль ойида қушлар туллай бошлайди. Айниқса, гозлар ва ўрдакларда туллаш қизғин тус олади. Уларнинг барча йўғон қанотидаги катта патлар тўкилиб, учини қобилиятини йўқотади. Қушларнинг сайраши ҳам камайиб қолади. Қуш болалари эса мустақил ҳаёт кечира бошлайдилар. Тарбиячи болалар билан қушлардаги бу ҳолатларни кузатиб уларни қишига тайёргарлик кўраётганликларини тушунтириши керак.

Бу даврда кўпгина капалак ва чигирткалар пайдо бўлади. Чигирткалар ҳимоя ранглари (яшил ранглари) билан деярли кўзга ташланмайди. Уларни ўтлар, шох-шаббалар ва дараҳтларнинг ўстида учратиш мумкин. Уларнинг икки жуфт қаноти ва узун мўйлови бор. Улар орқа оёқлари ёрдамида сакрайди. Уларнинг бундай сакрашлари ва сакраганда чиқарадиган товушларини болалар диққат билан кузатадилар. Кузатиш пайтида тарбиячи бу ҳашаротлар ўсимликлар кушандаси эканлигини тушунтириши керак..

Кечки пайларда уйларнинг деворларида қалтакесакларни учратиш мумкин. Улар қушларнинг сайраши каби товуш чиқаради. У ўз ёнига капалак, чивин ва майда чивинларнинг учуб келишини пойлаб ётади. Болаларга юқоридаги тушунчаларни бергандан кейин «Болалар қалтакесак заарлими ёки фойдалими?» деган савол берилади.

Август ойида кўкқарға, жарқалдирғочлар, кўршапалаклар каби баъзи қушлар учуб кела бошлайди. Август ойига келиб типратикаилар 5—7 тадан бола туғади. Улар туғилганда кўзлари кўр, танаси майда қисқа ниначалар билан қопланган бўлади. Типратиканлар улғайиши билан уларнинг ниналари ўсиб, қаттиқлаша боради ва тўқ қўнғир тусга киради. Типратиканлар уккилар, тулкилар, ёввойи қушларга емиш бўлади.

Яйловга сайдар. Эрта тонгда болалар билан ўтлоқقا сайдар қилиш жуда ҳам мароқли бўлади. Ўтларнинг устини шудринг босган. Улар қуёш нурида билурдай товланади. Узоқда эса ҳайвонлар подаси ўтлаб юрибди. Сигирлар ўтни тили билан ушлаб, кейин бошини силкитиб тортиб узиб олади. Сигирнинг танаси узун, оёқлари калта, думи супургига ўхшайди. Удуми билан пашшаларни ҳайдайди. Унинг бошида ҳид билиш нервлари яхши ривожланган. Мана шу нервлар орқали ейдиган ва емайдиган ўтларни фарқлай олади. Болалардан сигирни одамларга келтирадиган фойдасини сўранг. Ўша ерда эчкилар ҳам ўз билалари билан ўтлаб юрган бўлишлари мумкин. Уларнинг танаси узун, қалин юнг билан қопланган. Улар жуда чаққон бўлади, тез югуради, сакрайди, улар тепаликларга, тоғлар тепасига ҳам бемалол чиқиб кетаверади. Эчкининг оёқларига болалар диққатини жалб этинг. Унинг оёқлари узун-узун, туёқлари бор. Эчкининг бош қисмида қулоғи, ўткир шохлари, соқоли бор. Болалардан эчкининг фойдасини сўранг.

Болалар қўйни жуда яхши кўрадилар. Улар секин ўтлаб юришади, хавф туғилиб қолгудай бўлса тез югуришади. Уларнинг оёқларида ҳам эчкиниги каби туёқлари бор, аммо оёқлари эчкиниги нисбатан калтароқ, лекин бақувват. Қўйларнинг жуни жуда қалин бўлади. Қўзичоқларнинг жуни ипак каби юмшоқ, жингалак бўлади. Қўй ва эчкиларнинг жунлари қирқиб олинади ва улардан ҳар хил жунли кийимлар: қўлқоп, пўстинлар, пайпоқлар ва ҳоказо тўқилади. Болалардан ҳайвонлар тўғрисида топишмоқ айтишларини сўранг.

Полиз ва гулзорда ишлаш. Навбатчи болалар гулзор ва экинзордаги ўсимликларни парварини қилишда ёрдам берадилар, Улар катталар раҳбарлигига гулзор ва жўяклардаги ўсимликларни суфорадилар, қуруқ ҳавода ёрилиб кетган тупроқни юмшатадилар. Экинларни ёввойи ўтлардан тозалашда ёрдам берадилар. Шу тариқа болалар бегона ўтларни маданий ўсимликлардан фарқлашга ўргатиб борилади. Ўсимликларни ўтоқ қилиш нима учун зарурлиги кичкина тажриба орқали болаларга англатилади. Бунинг учун кичкина майдончадаги экин ўтоқ қилинмай ва чилпимай қолдирилади.

Экинзорга пахта экиб унинг гуллари кун ботгун-

и күёшга ўгирилиб туришини, қуёш ботини билан борлар юмилиб қолишини кузатиб бориш мақсадга нуюфиқдир. Ўсимликлар гуллаш ва мева тугиши вақтida қўшимча озиқлантирилади. Болалар парварини килишининг бу усули зарурлигини англаб олинилари учун тажриба ўюнтириш мумкин. Мана шундай меҳнат турларида ва тажрибаларида фаол иштирок этибни уларни кузатиб бориш натижасида болалар ўсимликларининг ташқи кўринишига қараб сурориш, чилниш, утниш зарур зарур эмаслигини мустақил аниқлашга урганиадилар. Шароитга қараб ўсимликларни ҳар хил олатда бўлишини билиб оладилар ва саволлар бериб болалар билими аниқлаб, мустаҳкамлаб борилади.

Табиат бурчагида ишлаш. Ёзда табиат бурчагида яшовчи ҳайвонларнинг кўпи боғча майдончасига кўчирилади. Қуёнлар катакларда сақланади, товуқ ва жўжалар учун жой ажратилади. Навбатчилар уларни шу билан бирга табиат бурчагидаги тошибақалар, ҳашаротлар, калтакесак, қурбақаларни ҳам парвариш қилиб борадилар. Парвариш давомида ҳайвонларнинг белгилари, хатти-ҳаракатлари, ўсиши ва ривожланиши натижасида юз берадиган ўзгаришларни ҳам кузатиб борадилар.

МЕВАЗОР БОҚҚА ЁКИ ИСТИРОҲАТ БОҒИГА ЭКСКУРСИЯ

Экскурсиядан мақсад. Болаларнинг кузнинг дастлабки белгилари: олча, олма, шафтоли, гилос, тол, терак, қайрағоч сингари айрим дараҳтларда сариқ ва қизғишиш барглар пайдо бўлиши, ўт-ўланларнинг сарғая бошлиши, ҳашаротлар тобора камая бориши, аммо ёнроқлар, кузги олмалар, беҳилар фарқ пишиб олтиндай тобланиб тургани ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш; болаларни мевали (ёки манзарали) дараҳтларнинг баргини шакли, катта-кичиклигига қараб бир-бираидан (олма баргини шафтолиникидан, тол баргини теракникидан) фарқлашга ўргатиш, кириб келаётган кузнинг гўзаллигини, она табиатимизнинг саховатини кўра олиш малакаларини ва ундан фахрланиш ҳисларини ривожлантириш.

Экскурсияга тайёр гарлик. Экскурсияга боришдан олдин «Ўзбекистон» кинофрагментини томоша қилиш. Тарбиячи болалар эътиборини она ўл-

камизнинг табиати нақадар бой эканлигига қаратади.
Шундан сўнг қуйидаги шеърни ўқийди:

СОЗ БҮЛДИ...

Куз келгани соз бўлди,
Омборлар донга тўлди,
Пишди ширин мевалар,
Татиб кўнгил чоғ бўлди.
Бободеҳқон меҳнати,
Она-Ернинг ҳиммати
Чаноқдаги пахталар
Осмон қадар тоғ бўлди.

Вали Аҳмаджон.

Тарбиячи:

— Болалар, шеър нима тўғрисида экан?
Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи:

— Тўғри болалар, шеър куз фаслидаги пишиқчилик тўғрисида. Энди сизлар билан кузда пишиқчиликни кўриш учун мевазор боққа экскурсияга (истироҳат боғига) пахта даласига, полизга борамиз. Экскурсиядан олдин болалардан қайси фасл кириб келганлигини ва унинг натижасида она ўлкамиздаги ўсимликлар ҳаётida (мевали ва манзарали дараҳтлар) юз берадиган ўзгаришлар сўралади.

Куз бошланганини кўриш учун узумзорга, мевали боққа ёки хиёбонга, пахта даласига бориши мумкин.

Экскурсиянинг бориши. Тарбиячи болаларга кузнинг дастлабки белгиларига эътибор бериб аниқлашни топширади. Шундай саволлар беради: «Ёзда дараҳтларнинг барглари қандай рангда эди? (Мевали-чи?)», «Ҳозир қайси дараҳтларда сариқ рангли барглар пайдо бўлибди? (Мевали қандай рангга кирибди?)». Узум, олма, беҳилардан еб кўриб уларнинг нақадар ширин бўлиб қолгани қайд этилади. Болалар шафтоли ва гилоснинг (тол ва қайрағочнинг) биттадан баргини топиб, уларни солиштирадилар, ни маси билан фарқ қилишини аниқлайдилар, кейин баргига қараб дараҳтни топадилар.

Тарбиячи болалардан ёзда ўтнинг қанақа бўлганлигини сўрайди, ҳозир ҳамма ўт-ўланлар ям-яшил эмаслигига уларнинг диққатини қаратади, сарғайган ўтни қидириб топишни айтади. Гулпушта олдига келиб маълум шаклли ўсимликлар қидириб топилади.

Тарбиячи 1—2 хил янги гул номларини (құқонгүл, сироқтүрк) айтади. Гулпуштада құқонгүлни қандай биш олиш мүмкінлігини сүрайди, бошқа гулпуштаардан шу гулларни топишиң буюради.

Шу экскурсиянинг үзіда ниначи, капалак, каби широтларнинг камайиб қолғанлығы ҳам айтилади.

КУЗДА ҮТЛОҚҚА ЭКСКУРСИЯ ҚИЛИШ

Мақсад. Болаларнинг мавсумий ҳодисалар ҳақидаги күргазмали тасаввурларига ёрдам беріш.

Машғулоттың бориши. Тарбиячи болаларнинг бутун гурухини үтлоққа олиб чиқади, улар әтиборини үтлоқнинг ташқи күринишига жалб этади. Еввойи үт үсімліклари ҳаётида юз берган үзгаришларнинг сабаблари ҳақидаги билимларини аниқлаشتывчы саволлар беради (мазкур үтлоқда баҳорда, әзда, болалар билан бир неча марта бўлишган).

Тарбиячи болалар әтиборини үтлоққа жалб этиб) сүрайди:

— Бу үтлоқда қандай үзгаришлар содир бўлган? (Болаларнинг жавоблари).

— Ҳамма үтлар ва гуллар сарғайиб, қуриб қолибди, нима учун? (Болаларнинг жавоблари).

— Тўғри, үсімліклар ўсиб, гуллар мева туғиб бўлди, чунки булар бир йиллик үсімліклар. Унда нима учун мана бу үсімліклар (дарахтлар, буталарга ишора қиласди) қуримаган, улар ҳам кўкариб, гуллаб, мева туғиб бўлди-ку? (Болаларнинг жавоблари).

— Тўғри, булар кўп йиллик үсімліклар. Улар ҳар иили баҳорда барг ёzádi, гуллайди ва мева тугади. Шу тариқа жуда кўп йил яшайди. Яна қандай бир йиллик ва кўп йиллик үсімлікларни биласизлар? (Болаларнинг жавоблари).

— Биз энди бу ерга сизлар билан қиши фаслида келамиз ҳамда үт ва дараҳтларнинг қандай бўлиб қолганини кўрамиз.

«ҚАЕРДА НИМА ҰСАДИ?» ДИДАКТИҚ ҮЙИН

Дастурнинг мазмунни. Болаларнинг боғ, поплиз, дала үсімліклари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Үйиннинг бориши. Тарбиячи учта болани танлаб олади ва уларга боғда нима ўсишини айтиб

беришни таклиф этади. Масалан, биттаси «олча» деса, иккинчиси «олма», учинчиси «анор» дейди. Тарбиячи узоқ ўйлаш мумкин эмаслигини огоҳлантиради, ўйин қоидасини бузган бола жойига ўтиради, унинг ўрнига бошқа бола танланади. Янги учлик бошқа топшириқ олади, масалан: полизда, далада нима ўсимишини айтиб чиқиш ва ҳоказо.

«МЕВАСИГА ҚАРАБ ЎСИМЛИКНИНГ НОМИНИ ТОПИН » ДИДАКТИК ЎЙНИИ

Ўйиндан мақсад. Болаларни мевалари бўйича ўсимликни топишга ўргатиш.

Машғулотга керакли материаллар. Мевали дарахтларнинг расмлари ва ўша дарахтларнинг мевалари.

Ўйиннинг бориши. Тарбиячи болаларга мевалар расмини тарқатади. Болалар бу мева қайси ўсимликни меваси эканлигини айтишлари ва ҳар қайси ўсимлик расмига унинг мевасини қўйишлари керак.

Масалан, ўрик дарахтининг расмига ўрик меваси, олчага олча дарахтининг меваси, анорга анор дарахтининг меваси (ва ҳоказолар) қўйиб чиқиласди.

Тарбиячи ана шу саволлар системасида теварак-атрофдаги ҳар қандай ўсимлик билан машғулот ўтказиш мумкин. Саволларнинг бу системаси болаларга айрим конкрет ўсимликлар ҳақидаги тушунчаларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

ХОНА ЎСИМЛИКЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Дастурнинг мазмани. Болаларни хона ўсимликлари тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини аниқлаш ва системага солиш. Болаларни ўсимликларнинг ташқи белгилари бўйича тўлароқ таърифлашга ўргатиш. Болалар луғатини ўсимликларнинг ташқи органларидаги айрим белгилари тўғрисидаги сўзлар билан бойитиш: танаси чирмовуқсимон, барглари силлиқ, баргининг чеккалари тишсимон ва шунга ўхшаш. Болаларни «келин» номли қўнғироқ гул билан, унинг ташқи белгилари билан таништириш. Болаларни гулларни кузатишга қизиқишлиарини ва уларни парвариш қилишга хоҳишлиарини тарбиялаш.

Машғулотга тайёр гарлик. Тарбиячининг

Стол устида кактус, фикус, бегония, ёроигул, традесканция, алое гуллари турибди. Құнғироқ гул құймай очилади.

Машғулотниң бориши. Болаларнинг жағым-маси үз үрінларидан үтиришади.

Болалар бугун сизлар билан баъзи бир хона үсімліктерині күриб чиқамиз ва улар тұғрисида билігімизни гапириб берамиз. Стол устида турган гулларнинг номини ким айтиб беради? Болаларнинг жавоблари:

— Келинглар аввал ёронгулни күриб чиқамиз.

Болаларга енгил бұлсın учун тарбиячи уларга қындағы йұналтирувчи саволларни беріб боради. «Ёронгул кіттами ёки кичик?», «У дарахтга үхшайдими, бутагами ёки үтгами?», «Унинг пояси тұғрими, йүқми?» (Унинг пояси тикка, юқорига қараб үсгән). «Тұғри, ёронгулнинг барглари қандай? Тоҳир, сен, айтиб берчи» (Катта, оч яшил рангда, юпқа, думалоқ шаклда, баргининг қирғоқлари текис). Баргини силаб боқ. У қандай?» (Силлиқ). «Ёронгул гуллайдими?» (Ха, унинг гуллари күп, түп-түп бўлиб очилади).

Тарбиячи бошқа болани чақириб фикус гули тұғрисида худди шу тартибда сұзлаб беришни сұрайди.

Шундан кейин кактус, бегония, традесканция, алоэ гуллари тұғрисида ҳам болалар сұзлаб берадилар. Қыйналған болаларга тарбиячи савол билан ёрдам беради ёки бошқа боладан давом эттиришни сұрайди.

Кейин педагог болаларга стол устидаги хона үсімліктеридан иккитасини (кактус билан ёронгулни) бир-бири билан солишириб үхашаш ва фарқини сұз билан ифодалаб беришни таклиф этади.

Тарбиячи: «Болалар сизлар кактус билан ёронгулни диққат билан кузатынг ва улар нимаси билан бир-бирига үхшамаганligини айтиб беринг». (Ёронгулнинг танаси узуң, сершох, шохларida күпгина думалоқ шаклли яшил барглари ва пушти рангли түп гуллари бор. Кактуснинг шохи йұқ, коптокка үхшайды, барги ҳам йўқ, барглар ўрнига тиканлар бор. У жуда кам гуллайды, бир неча йилда 1 марта очилади, аммо гули қип-қизил ва жуда чиройли бўлади). «Яна диққат билан қаранг, уларнинг бир-бирига үхашаш томони борми?».

Болаларнинг жавоблари: «Ёронгул ҳам, кактус ҳам хона үсімлігі, ёронгул ҳам, кактус ҳам янил

ди. «Ҳаммамиз секин-секин гаплашамиз, бўлмаса чум чуқлар учиб кетишади. Энди уларни сайрашини эши тиб кўрамиз»,— дейди.

Болалар секин гаплашиб уларни кузатадилар. Тарбиячи болаларга қушларнинг учиб келишини, баъзи ларининг учиб кетишини ҳамда уларнинг қанот қоқини ларини гапириб беради. Сўнгра тарбиячи «қарға ва чумчуқлар» деган ўйинни ўйнашни таклиф этади.

— Мен қарға бўламан, сизлар чумчуқ бўласиз лар,— дейди у.

— Сизлар емакхонага учиб келасизлар, қанотла рингизни қоқасизлар, чирқ-чирқ, чирқ-чирқ деб сайрайсизлар, донни чўқиб ейсизлар. Қарға учиб келганда, чумчуқлар қўрқиб, учиб кетадилар. Шундан кейин қарға қар, қар, қар деб қанотларини қоқиб, дон ейиш учун чумчуқлар томонига учиб келади, чумчуқлар эса учиб кетадилар. Ўйин 2—3 марта тақрорланади.

МЕН ҚУШЛАРГА ДОН БЕРДИМ

Дастурнинг мазмани. Болаларга ўлкамизда қишилаб қоладиган қушларнинг ва уларнинг яаш шароитлари ҳақида тушунча бериш.

Машғулотга тайёр гарлик. Қишилаб қоладиган қушлар — қарға, зағча, зағизон, чумчуқ, мусичаларнинг расми, қушларнинг дон еб турганини кўрсатувчи расм ёки донхўракларнинг расми.

Машғулотниң бориши. Машғулотни бошлидан олдин болалар билан расмда нималар тасвирланганини, қушларнинг ҳар бирининг номи, улар нима билан овқатланиши эсга туширилади. Кейин тарбиячи болалар билан ҳозир қандай фасл эканлигини эслайди ва болаларга қўйидаги савол билан муружаат қиласиди:

— Қишида қушлар қаердан овқат топиб ейди? (Жавоблар).

— Тўғри, қишида ерни қалин қор қоплаганда, ҳашаротлар яшириниб олади, ҳамма экинларнинг ҳосилини ҳам одамлар йиғишитириб олган бўлади. Бундай пайтда қушлар дон топиб ея олмай ўлиб кетишлари мумкин. Шунинг учун донхўраклар ясад, уларга дон бериб турилса, қушларни ўлимдан сақлаб қолиш мумкин.

Шундан сўнг шоир Ўйғуннинг «Мен қушларга дон

Берилади шеъри ифодали ўқиб берилади. Совуқда қушларининг қандай аҳволга тушганини тасвирловчи мисълоҳида изоҳлаб ўқилади.

Бечоралар изғишиб,
Дон ахтариб қолишиди,
Айвон, ўчоқ бошидан,
Нон ахтариб қолишиди.

Шундан сўнг тарбиячи қушлар ва уларни парвариниң қилиш бўйича тасаввур ва тушунчаларини мустаҳкамлаш учун болаларга қўйидаги саволларни беради:

1. Қишининг қушлар учун қандай хавфли томони бор экан?

2. Бизда қандай қушлар қишлиб қолади?

3. Қиша қушларга қандай ёрдам бериш керак?

Шундан сўнг. У. Үсмоновнинг «Чумчуқ бола» ҳикояси ўқиб берилади. (Иловага қаранг.)

БАҲОР ЎТЛОҚҚА ЭКСҚУРСИЯ

Дастурнинг мазмуни: Баҳорда болалар билан ёввойи ўсимликларни кузатиш. Болаларнинг шу ўсимликларнинг ҳаёт шароитига мослашишга ёрдам берувчи табиий омиллар ҳақидаги билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Болаларнинг эстетик завқини ўйғотиш уларда атроф-табиатнинг гўзаллигидан завқланиш, севиш ва табиатни асраш ҳамда муҳофаза қилиш сингари маънавий сифатларни тарбиялашга ёрдам бериш.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи ҳамма болаларни ўтлоққа олиб келади. Бу ерда баҳорги қуёшли кунлар ва тез-тез ёғиб турадиган ёмғирлардан кейин ўсимликлар барқ уриб ривожланган. Лолақизғалдоқлар, қоқиўт, бўтакўз, ўтлоқ себаргаси каби кўпгина бошқа ўсимликлар гуллаб ётибди.

Дастлаб тарбиячи болаларга бу ердаги манзара га эътибор бериб қарашни, ўтлоқнинг гўзаллигидан завқланишни ва ёввойи гулларнинг номини айтишни таклиф этади. Болалар жавоб берадилар.

Тарбиячи болаларнинг жавобларини тўлдиради, умумлаштиради.

— Тўғри, майсазор жуда гўзал ва ранг-баранг. У

турли рангдаги ўсимликлардан иборат. Мана, сарың қоқиўт, манави эса қизил лолақизғалдоқ, чакамниң үтлоқ себаргаси ва кўпгина бошқа ўсимликлар — янил үтлар қанчадан-қанча. Улар бу ерда шундай яхши ўсади ва гуллайдики, гўё уларни бирор үтқазган ва жуда яхши парвариш қилгандек. Қани ким менга айтади, бу ўсимликларнинг ҳаммаси маданий ўсимликми ёки ёввойи ўсимликми? Агар ёввойи ўсимлик бўлса, улар нима сабабдан бундай яхши ўсган ва ривожланган? Болаларнинг жавоблари.

Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради, тўлдиради, умумлаштиради.

— Бу ердаги ҳамма ўсимликлар ёввойи ҳолда ўсуви ўсимлик, уларни ҳеч ким үтказмаган ва уларни ҳеч ким парвариш ҳам қилмаган. Бу ерни қуёш ёритгани ва ер юмшоқ бўлганлиги учун ўсимликлар яхши ўсиб, яхши ривожланган. Ушлаб кўринг (болалар тупроқни ушлаб кўрадилар ва унинг ғовак эканлигига ишонч ҳосил қиласидилар).

— Ким менга айтади, бу ернинг тупроғи нима сабабдан ғовак? (Болаларнинг жавоблари)

Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради, тўлдиради, умумлаштиради.

— Тўғри, майсаларни ҳеч ким суғормайди. Тез-тез ёғаётган ёмғир туфайли ер ғовак. Шунинг учун бу ерда ёввойи ўсимликлар яхши ўсади, гуллайди ва уруғ беради. Бу ерда ўсимликтарнинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун ҳамма омил: қуёш нури, намлик, ҳаво етарли. Мазкур ўсимликлар мана шундай шароитда, аммо ер кучли қизимагандагина яхши ривожланади. Йилнинг қайси фаслида ер ғовак бўлиб, қуёш кучли қизирмайди? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, баҳорда биз кўриб турган ўсимликлар ва бошқа ёввойи ўсимликлар яхши ўсади ва ривожланади. Энди сиз яхши билиб олдингиз, одамларнинг парваришисиз ҳам ўсимликлар яхши ўсиб ривожланар экан. Сайрдан қайтгандан кейин Н. Павлованинг «Бута тагида» хикоясини ўқиб бериш мумкин. (Иловага қаранг.)

ИПАҚ ҚУРТИНИ ҚУЗАТИШ

Дастурнинг мазмуни. Болаларни ипак қурти билан таништириш. Уларга нисбатан ғамхўрликни тарбиялаш.

Машғулотининг бориши. Болаларни стол итрофига ўтқазиб, тарбиячи олдиндан тайёрлаб қўйилған қутичадаги ипак қуртини стол устига қўяди (ҳанум улар жуда кичкина) ва болалардан «Бу нима?» деб сўрайди. Болалар жавоб берадилар. Тарбиячи:

Бу тут ипак қурти, у пилла беради,— деб болаларга унинг ташқи белгиларини аниқлаштирувчи ва ифодаловчи саволлар билан мурожаат қиласди. Болаларнинг жавобларини аниқлаштиради. Ипак қурти ҳозир қорамтири яшил ранѓда, танасининг шакли чўзиқ, кичик оғизчаси бор, бошчаси яқинида иккита оёқчаси бўлиб, улар ёрдамида еяётган тут баргини ушлаб туради. Қалта оёқчалари ҳам бор, улар ёрдамида ҳаракатлиниади. У кундан-кунга ўсади ва катталлашиб, туси оқариб боради, тепасида ҳолга ўхшаш доғчалар пайдо бўлади. Энди айтингчи қутичада яна нима бор? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, қутичада барглар бор, бу барглар қайси ўсимликники? (Жавоблар.)

— Тўғри, тут дараҳтининг барги. Лекин нима учун барглар бу ерга қўйилган? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри ипак қурти ана шу барглар билан озиқланади.

— Ипак қурти иссиқни ёқтиради, аммо қуртхона ҳаддан ташқари иситиб юборилса, улар ҳалок бўлиши мумкин. Уларни тик тушадиган қуёш ёруғлигидан ҳам сақлаш керак. Кейин улар мутлақо ҳимояланишни билишмайди. Ипак қуртини қушлар, арилар, ҳатто чумолилар ҳам еб қўйиши мумкин. Шунинг учун биз уларни жуда эътибор бериб кузатишмиз ва шу хилдаги зараркунандалардан сақлашимиз керак. Шундан кейин болаларга ипак қуртини парвариш қилиш бўйича билимларини мустаҳкамлашга оид саволлар беради.

ИПАК ҚУРТИ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Дастурнинг мазмуни. Болаларни ипак қуртини боқищ, парвариш қилиш тартиби ҳамда унинг одамларга келтирадиган фойдаси, уни нима учун асрар, авайлаш зарур эканлиги, табиатдаги ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги тасаввурини мустаҳкамлаш.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи суҳбатни Қ. Муҳаммадийнинг «Ипак қурти» шеърини ўқиб беришдан бошлайди:

Оқ қурт, күк қурт, ола қурт,
Бир-биридан сара қурт.
Тут баргидир емиши,
Гулдан тоза турмуши.
Виш-виш этиб аланглаб,
Баргни ейди яланглаб.
Кеча-кундуз хизматда
Шунинг учун иззатда.
Боқамиз биз ардоқлаб,
Үйда, сўрида сақлаб...

— Ҳозир ўқиган шеърим нима тўғрисида? (Жавоблар.)

— Тўғри, шеър болалар парвариш қилган ипак қурти тўғрисида. Сиз ипак қуртини қандай парвариш қилдингиз? (Болаларнинг жавоблари.)

— Ипак қуртини парвариш қилмаса, улар яшай оладими? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради, тўлдиради ва умумлаштиради.

— Бизлар ипак қуртини нима билан боқдик? (Болаларнинг жавоблари.)

Ипак қуртини нимадан сақлаш керак? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради, тўлдиради, умумлаштиради.

— Сиз уларни қандай боқдингиз? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради, тўлдиради ва умумлаштиради.

— Дастлаб, ҳали улар кичкина бўлганда, баргларни майдалаб тўғраб берилади, улар бироз ката бўлгач, барглар бутунлигича солинади. Маълум ёшга этиб катталашгач, ҳатто баргли шохчаларни ҳам қўйиш мумкин.

— Шундан кейин ипак қуртлари нима қиласди? (Болаларнинг жавоблари.)

— Улар тут баргларини керагича еб тўйгач, маълум вақтдан кейин пилла ўрай бошлидилар. Шундан кейин нимани кузатдинглар? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, ипак қуртлари ўзлари ўраган пиллаларининг ичидаги ғумбакка айланади. 10—12 кун тўйгач, бу ғумбакчалар чиройли капалакка айланади ва

нилдани тешиб учиб чиқади. Қим айтади, бу капалактар нима учун пилладан учиб чиқади? (Болаларнинг жавоблари.)

Тўри, ғумбаклар капалакка айланиб, тухум ўбииш учун учиб чиқди. Қим айтади, бу қурт уруғлар нима учуп керак? (Болаларнинг жавоблари.)

Тўри. Агар ипак қурти капалаги қурт уруғини қўймаганда, бошқа ипак қурти бўлмас эди, бошқа ипак пилласи ҳам бўлмас эди, бизда бошқа ипакли митолар ҳам бўлмас эди. Кейин тарбиячи қўйидаги саномлар билан машғулотни якунлайди:

1. Ипак қуртининг ўсиши ва ривожланиши учун унга пималар керак экан?

2. Одамлар нима учун тут дарахтини ва ипак қургини эҳтиётлаб, парвариш қилишлари, уларни асраб, авайлашлари зарур экан.

3. Сизлар одамлар парвариш қиласидиган яна қандай ҳайвонларни биласиз?

4. Сизлар, одамга фойда келтирадиган қандай ҳайвонларни биласиз ва улар қандай фойда келтиради?

ТИПРАТИКАННИ ҚУЗАТИШ

(катта гурӯҳ)

Дастурнинг мазмуни. Болаларни ёввойи ҳайвон — типратикан билан таништириш (қаерда яшайди, нима билан овқатланади, ташқи тузилишининг ўзига хос белгилари: кичкина ҳайвон, танаси узунчоқроқ, тумшуғи чўзинчоқ, қулоқлари диккайиб туради, кўзлари кичкина, қоп-қора, ялтироқ, бурни, оғзи қора; тумшуғи олдидағи юнги кулранг; танасининг тепаси ва ёнлари кулранг ўткир ниначалар билан қопланган, қорнидаги юнги юмшоқ кулранг; оёқчалари бир хилда калта-калта, панжаларидан тирноқлари бор, бармоқларининг кафти қаттиқ, калта, туксиз думчаси бор; типратикан югурниб юради, оёқчалари билан тақиллатади, пихиллади; хавф туғилса думалоқ нинали коптокка ўхшаб олади; овқатни чайнайди, сутни ялаб ичади). Ҳайвонларга нисбатан қизиқиш ва ғамхўрликни тарбиялаш.

Машғулотга тайёрланиш. Бир неча стол бирлаштирилиб, устига клёнка солинади, стуллар стол атрофига қўйилади, типратикан учун хом гўшт, сут

тайёрлаб қўйилади (машғулотдан олдин типратиканга овқат берилмайди).

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи машигу лотни типратикан тўғрисидаги қуйидаги топишмоқли шеърни айтиш билан бошлайди ёки Г. Скребицкий нинг «Типратикан» ҳикоясини ўқиб бериши мумкин. (Иловага қаранг.)

Дум-думалоқ жонивор,
Тиканак чопони бор.
Кечаси овга чиқар,
Илонни тутиб қирқар.
Ҳеч нарсадан қўрқмайди,
Сувга тушса — чўкмайди.
Олма, узум емиши,
Олмосдек ўткир тиши,
Одамни кўрса копток
Ўзи ҳайвон, ўйлаб топ!

— Мен нима тўғрисида топишмоқли шеър айтдим? (Жавоблар.)

— Тўғри, бу типратикан тўғрисида. Мен ҳозир уни олиб қеламан. Сизлар эса жимгина ўтиринглар, бўлмаса у қўрқиб кетади.

Тарбиячи стол устига типратиканни қўяди. Болалар яхшилаб қўриб олишлари учун вақт беради ва болаларга типратикан тўғрисида билганларини гапириб беришни таклиф этади ва қийналган болаларга ёрдамлашиб учун қуйидаги саволларни беради: «Типратиканнинг тумшуғи қандай шаклда, у нима билан қопланган?», «Қўзлари қандай рангда, шакли қандай, катта-кичиклигичи?», «Типратиканнинг териси нима билан қопланган?», «Ниначалар қандай рангда?», «Ниначалар типратиканнинг ҳамма ерида бир хилда тиканлими?», «Типратикан ниначаларини қандай тулади?» (Ниначаларини кўтариб кўз олдига йиғади ва думалоқ бўлиб олади), «Ҳамма танаси ниначалар билан қопланганми?» (Болалар типратиканнинг қорнини кўришлари учун, тарбиячи типратиканнинг қорнини тепага қилиб кўтаради, болалар типратиканнинг қорнида ниначалар йўқлигини кўрадилар.) «Типратиканнинг олдинги ва кейинги оёқлари бир хилдами, нима билан қопланган?», «Қўрингларчи, типратикан тез юрадими ёки секин?», (Тез югуради.) «У қандай товуш чиқаради?» (Пихиллайди, тақиллатади.)

Келинглар, типратиканимизга овқат берамиз. Узом гүшт, пишган гүшт, балиқ ейди, сут ичади. (Болалар унинг олдига овқат қўйиб, жимгина кузатиб туришади.)

У қандай еяити? Тўғри, гүштни чайнайди, сутни билан шалап-шалап қилиб ичади. Типратикан иши, хонамиздаги қафасда яшайди. Сизлар уни парвариш қилиб турасизлар. У бизнинг хонамизда яхши яшаш учун нима қилишимиз керак? Бунинг учун қафасини тозалаб, овқат бериб туришимиз керак. Қафаснинг ичига сомон ёки қипиқ солиш лозим. Қафаснинг ичиши павбатчилар ҳар куни тозалашлари зарур. Мен павбатчилар қафасни тозалашлари учун бу ерга куракча ва чўтка қўйман. Қатакнинг ичини тозалаб, сувдои ва овқат идишини тозалагандан кейин, сув ёки сут ва овқат идишига овқат солиб қўйилади. Типратиканинг қўрқитманглар, уларга эҳтиёткорлик билан қараш керак. Сизлар унга яхши қарасанглар, у сизларга жуда ўрганиб қолади. Уни баъзан ўйнаши учун қафасдан чиқариш мумкин. Сизлар дикқат билан кузатиб боринглар: у қачои ухлайди, қачон овқат ейди. Бу ҳайвонча тўғрисида кўрганларингизни кейин болаларга сўзлаб берасизлар.

ИИЛ ФАСЛЛАРИ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Дастурнинг мазмуни. Болаларни йилнинг ҳар бир фаслига хос бўлган ўзига хос белгилари тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини аниқлаш, мустаҳкамлаш. Болаларда ўз она ўлкаси табиатининг бойлигидан қувониш, фурурланиш ҳиссини уйғотиш, уларни она табиат бойликларини асраб-авайлашга, уни янада гуллаб яшнаши учун қўлидан келган меҳнати билан қатнашиш хоҳишини тарбиялаш.

Машғулотнинг бориши. Машғулот болаларга «Ўзбекистон» кинофрагментини кўрсатиш билан бошланади. Шундан сўнг тарбиячи болаларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қиласиди.

— Болалар, бизлар ҳозир сизлар билан нима тўғрисида кинофрагмент кўрдик? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, биз сизлар билан ўзимиз яшаётган жонажон ўлкамиз — сарқуёш Ўзбекистонимиз тўғрисидаги кинофрагментни кўрдик.

— Ким кинофрагментда кўрганлари тўғрисида сўз-

лаб беради? 3—4 болалар сўзлаб беришади, шундан кейин тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлашириб тўлдиради ва умумлаштиради. Кейин болаларга «Тўрт фасл» деган диапозитив кўрсатилади.

Диапозитив устида ҳам юқоридаги сұхбат ўтказишлади. Шундан сўнг болалар 4 гуруҳга бўлинади: күн, қишлоғ, баҳор, ёз. Ҳар бир гуруҳдаги болалар ўзлари тўғрисида билганларини сўзлаб беришади. Сўзлаб берётаётган болалар билганларича шеър, топишмоқ, мақол, маталларни ҳам айтадилар. Сұхбат гуруҳлар ўргасидаги ўзаро мулоқот тарзида ўтади.

Машғулотни Қудрат Ҳикматнинг «Менинг юрагим» китобидаги «Бу қайси фасл?» шеърий саволларини айтиш билан якунлаш мумкин.

МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУХИ

Болалар маълум изчиллик билан режа асосида табиат билан таништириб борилса олти ёшида уларда табиатдаги турли-туман нарса ва ҳодисалар, табиатдаги ўзгаришлар ҳақида тасаввур ва тушунчалар тўплана боради.

Мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларнинг табиат ҳақида тасаввурлари янада аниқлаштирилади ва бойитилади. Бунда болалар бадиий асарлар, расмлар, диафильм, кинофильм ва воситалар орқали янги обьект билан таништириб борилади. Шулар ёрдамида улар бевосита тажрибалардан четга олиб чиқилади.

Болалар айрим табиат ҳодисалари (айрим ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши), табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ва бошқаларнинг кетма-кетлиги ҳақида билим олишлари керак.

Мактабга тайёрлов гуруҳида олиб бориладиган ишлар олинган билимларни системалаштириш ва умумлаштириш, табиат обьектлари ва ҳодисалари ҳақида оддий тушунча ва мулоҳазаларни шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Болалар томонидан эгалланган билимларни системалаштириш ва умумлаштириш табиат ҳодисаларининг белгилари ва хусусиятлари, структураси ҳақида тасаввурларини янада кенгайтириш, шунингдек. хилма-хил алоқа ва унинг сабабларини ўзлаштиришларини талаб этади; шу асосда болаларда табиатга онгли (билган ҳолда) муносабат пайдо бўлади.

Бу ёшдаги болаларда жонажон ўлка табиатига мұнайсабаттың, унга әхтиёткорлик ва ғамхұрлық билан мұнайсабатта бўлишни тарбиялаш лозим.

Итти ёнили болалар табиат бурчагидаги ва боғча майдончасидаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг ривожлаштириши катталарнинг ва болаларнинг қай даражада шириарин қилишларига боғлиқ эканлигини тушуниб қоладилар; агар таълим-тарбия изчиллик билан түғри омадига опириб борилган бўлса, бу ёшга келиб болалардаги меҳнат кўникма ва малакалари такомиллашиб қолади.

Бу ёшдаги болаларни табиат билан таниширишда жонли ва жонсиз табиатдаги ўзгаришларни, воқеа, ҳодисаларни кузатишда бевосита кузатиш услубиятидан фойдаланилади. Болаларнинг фикрлашини, тағаккурини фаоллаштириш тарбиячининг берган саволларига ҳозиржавоблик билан жавоб қайтариш, солиштириш, таққослаш, хулосалар чиқаришга ўргатиб борилади.

ҚУЗ

Ўзбекистон ўзининг иқлим шароити ва заҳматкаш халқининг меҳнати туфайли йилнинг ҳар бир фаслида ҳам ажойиб тароват кашф этади.

Аммо, куз фасли ўзининг тўкинчилиги билан бошқа фасллардан бутунлай фарқ қиласиди.

Шаҳар майдончаларида, кўчаларда атиргуллар, гултоҗихўроздар, хризантемалар ва бошқа хушбўй ҳамда чиройли гуллар; боғларда беҳи, анор, шафтоли, нок, анжир, олма ва бошқа мевалар; полизларда қовун, тарвузлар, бодринг, помидор ва бошқа сабзаботлар; далаларда оппоқ қор қоплагандай пахтазорлар; олтиндай сарғайиб пишиб ётган буғдойзорлар; узумзорларда, ҳовлиларда олтиндай товланиб пишиб ётган турли навли узумлар ажиб бир манзарани кашф этади.

Сентябрь-октябрь ойларида бизга гўнгўрарға қорақарғалар учиди келишади. Қизилтўш, читтак, қораялоқ, зағча, зарғалдоқ, қалдирғоч, булбуллар, чивинхўр қушлар; мойқуш, жиблажибон; кўкқарға ва бошига шунга ўхшаш қушлар жанубдан иссиқ мамлакатларга учиди келадилар.

Бу вақтга келиб капалак, ниначи, құнғизлар секин-аста күрінмай қолади. Худди шу вақтда лайлак, ғоз, ўрдак ва турналар үз инларига йиғилиб учиб кета бошлидилар.

Үй ҳайвонларида ҳам қишига монанд туклар үса бошлайды. Товуқлар туллай бошлайды.

Қурбақаларнинг вақирлаши камроқ әшитилади. Төр этаклари ва чүлли районлarda қушлар тоғлар орасида, саксовулзорларда ва дарёларнинг қирғоқларидаги түқайларда яшай бошлайды.

Далаларда, полизларда, боғларда йиғим-терим ишлари бошланади. Гулзорларда құқонгүл, хүшбүй нұхат, аждарофиз, настурция (настурция — лотин чечаги), самбитеттіл, тирноқгүл, флокс ва бошқа гулларнинг уруғини териш мүмкін.

Айрим мева ва манзарали дараҳтлар баргларининг раңғы үзгариб түкила бошлайды.

Болаларнинг табиатдан олган таассурот ва тасаввурларини мустаҳкамлаш мақсадида тарбиячи бадиий сүз, топишмоқ, мақол, маталлардан фойдаланади, болаларга ҳар куни табиат календарини түлдириб боришиңи таклиф этади.

Мактабга тайёрлов гуруҳида болаларни табиат билан таниширишни уюштиришда оддий сұзлашиш фаолиятидан кенг фойдаланиш лозим: бу болаларнинг табиатдаги боғлиқлик ва муносабатни онгли тушунив олишларига имкон яратади, шунингдек турли хил тажрибалар ҳам үтказилади.

ЖОНСИЗ ТАБИАТНИ КУЗАТИШ

Қүёш. Қүёшнинг баландлиги ва туриш ҳолати бир вақтда аниқланади (масалан, энг мақбул вақт соат 12⁰⁰ да). Белги сифатида бирон уйнинг тепаси, дараҳт, минора ва ҳоказодан фойдаланилади (2- расм).

Кузатиш жараённанда болалар, аввал кузатилғанда қүёш қаерда турғанлигини эслайдилар, масалан: «Томдан бир қарич бүйли юқори эди, ҳозир эса фақат уч бармоқ сиғади». Қүёшнинг турли ҳолати ойига 2—3 марта кузатилади (үлчаш учун бирон ёғочдан фойдаланилади).

Қүёшнинг ҳарорати кундан кунга пасайиб бораётгани, кунларнинг қисқарыб бораётгани (эрта қоронғу түшиб, кеч тонг отаётгани), тез-тез ҳавони булут қоп-

аб, ёмғирли кунларнинг кўпайиб бораётгани баъзан туман тушиши каби ўзгаришларни болалар билан аниқлаб, унинг сабаб натижаларини болаларнинг ўзлари айтишларига ундаш керак.

Ҳаво. Осмондаги булутлар, ой, қуёш, юлдузларни, ҳатто учётган самолёт, қушларни болалар кўпинча қизиқиб кузатадилар. Болаларнинг қизиқишини кунватлаш учун: «Осмонда ҳаво бор, у бизнинг еришини ўраб туради. Одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар мана шу ҳаводан нафас олади»,— деб гапириб берини керак. Ҳаво кўзга кўринмайди, қўл билан ушлаб бўлмайди. Болаларда ҳавонинг борлигига ишонч қилиш учун бирон шарни, целофан пакетни пуфлаб, ичини ҳаво билан тўлдириб кўрсатиш мумкин. Яқнироқда сув бўлса, сувга майда тошчалар отиб тош тушган сув атрофида кичкина ҳаво пуфакчаларининг пайдо бўлганини кўрсатиш мумкин. Ҳавонинг товушчиқаришини пуллаган шарнинг оғзиға қўлни қўйиб турниб сезиш мумкин. Болаларга ҳаво ҳар доим айланниб туришини, ҳавонинг айланиси бу шамол эканлигини, қуёш ҳавони қиздиришини тушунтириб бориш керак. Натижада кунларнинг исиб кетиши ёки совишини қўёшнинг ҳавони қандай қиздиришига боғлиқ эканлиги тўғрисида тўғри хулосалар чиқаришга эришиб борадилар.

Ёғинлар. Жумҳуриятимизда ёғинлар, асосан, ноябрь ойларидан бошланади. Бу ойда об-ҳаво жуда ўзгарувчан бўлади: гоҳ ёмғир, гоҳ қор ёғади, кун гоҳо илиқ, гоҳо совуқ бўлиб туради.

ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИНИ ҚУЗАТИШ

(гуруҳ хонасида)

Бу ёшга келганда болалар тўпланган билимлар асосида хона ўсимликларини кузатиш ва парвариш қилиш бўйича анчагина билим ва тажрибага эга бўлиб улардаги табиат бурчагидаги ўсимликлар ва ҳайвонларга нисбатан қизиқишлиари анча барқарорлашган бўлади. Буни эътиборга олган тарбиячи болаларга ўсимликларни парвариш қилиш бўйича бир неча кунга мўлжалланган топшириқлар беради. Тарбиячи болаларни ўсимликни парвариш қилишга қизиқишиларини сўндирамаслик мақсадида уларга тез ўсадиган, куртаклари, новдачалари тез пайдо бўладиган хона ўсимликларини парвариш қилишни топширади.

Болалар ўзлари парвариш қилаётган ўсимликда янги шохча ёки куртак, ғунча пайдо бўлса жуда қувониб кетадилар.

Тайёрлов гуруҳидаги болаларга ҳар бир ўсимлик алоҳида парваришни (бирига сув кўпроқ керак, бошқасига камроқ, бири қуёшини севади, бошқаси соянни) талаб қилишини онгли ҳолда тушуниб парвариш қилишларига ўргатиб боради.

Шунингдек баргини чанглардан артиб турадиган ёки сувни пуркагич билан сепиб барглари тозаланадиган гулларни ҳам парвариш қилишини ва юқоридаги усуллар билан тозалаш малакасини эгаллаб олишлари керак.

Бу ёшдаги болалар 10—12 хона ўсимлигининг номини (бинафша, печак гул, кактус, ёронгул ва б.), уларнинг тупроқ усти ва тупроқ ости қисмларини, ҳар бирининг яшаш жойи ва жараёнини, парвариш қилишнинг ўзига хос томонларини, ўсимликларни кўпайтириш усулларини (шохидан, уруғидан ўсиб чиққан болачасидан), ҳар бирини яшаш шароитига қараб жойини ўзгартириб туриш кераклигини (кўпроқ ёруғлик севувчини ёруғроқ жойга кўчириш ва ҳ. к.) билишлари керак.

Педагог бу ёшдаги болаларда ўсимликларга нисбатан қизиқишиш ва муҳаббатни, ўсимликларни узоқ вақт кузатиб бориш ва парвариш қилиш, ўсимликни янада яхши ривожланиши учун зарур шароитни яратиш хоҳишини тарбиялаши керак.

Бу ёшдаги болалар ўсимликларни парвариш қилиш бўйича қўйидаги меҳнат турларини бажаришлари лозим.

Суғориш, тагини юмшатиш, сув пуркаш зарурлигини мустақил аниқлашлари ва бажаришлари лозим. Қайси гулларни бошқа тувакка кўчириб ўтқазиш зарур эканини тарбиячига айтадилар ва шу гул учун керакли катталиқдаги тувакни танлайдилар ва кўчириб ўтқазишга ёрдам берадилар. Тарбиячи тайёрлаб қўйган ўғитни ўсимликка соладилар. (Масалан, ўсимликларни парвариш қилиб кузатиб юрган болалар баъзи-бир ўсимликларнинг илдизи тувакнинг сув тушадиган тешигидан чиқиб кетганини кўрадилар ва тарбиячига бу гул учун тувак кичик бўлиб қолганини, уни бошқа каттароқ тувакка ўтқазиш кераклигини ай-

тадилар ва тарбиячи ёрдамида бу иш бажарилади.)

Бу ёшдаги болалар ўсимликларниң ташқи тузиши, япаш шароитини жуда яхши таърифлайдиган булиб қоладилар. Болалар ўсимликни таърифлаш макасини яхши эгаллаб олганларидан кейин тарбиячи болаларни ўсимликларнинг ўзига хос белгилариши аниқловчи топишмоқни айтишга ўргатади. Битта болаларни ўсимлик түғрисида топишмоқ айтади, бошқаси тошади. Ёки бўлмаса ўйин «Ҳа», «Йўқ», савол-жавоб тарниқасида ўтади. Масалан: «Бу ўсимлик дарахтга ўшайдими?». (Йўқ). «Ўтгачи». (Ҳа). «Унинг танаси кўриниб турибдими?» (Йўқ). «Унинг барглари силлиқми?» (Ҳа). «Думалоқми?» (Йўқ). «Узунми?» (Ҳа). «Гули борми?». (Ҳа). «Улар каттами?» (Ҳа). «Қизилми?» (Йўқ) ва шунга ўхшашлар. Бундай саволга болалар дарров түғри жавоб беришга қийналадилар. Шунинг учун аввалги 2—3 саволга тарбиячи ўзи жавоб беради. Кейин болаларга таклиф этилади ва тарбиячи ёрдамида бу иш бажарилади.

Бундай машғулотнинг иккинчи қисмida тарбиячи болаларга ўсимликлар түғрисида бирон қизқарли нарса ҳикоя қилиб бериши ёки ўқиб бериши мүмкин. Масалан, бирон ўсимликнинг ватани, ундан нима мақсадда фойдаланишгани ва ҳаказолар. Бундай ҳикоялар болаларда ўсимликка нисбатан катта қизиқиш ўйғотади.

Шунингдек, мактабгача тайёрлов гуруҳида болаларни хона ўсимликлари билан танишириш бўйича машғулотлар ўтказилади. Болаларнинг ўсимликлар түғрисидаги билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш түғрисида билганини сўзлаб беришга ўргатиш мақсадида дидактик ўйинлар ҳам ўтказиб борилади. Масалан, тарбиячи биронта ўсимликни таърифлаб беради, болалар топишади. Кейин болалар ўзлари таърифлашади ва бошқа болалар топишади.

Бу ерда тарбиячи асосий эътиборни болалар томонидан ўсимликнинг ҳамма белгиларини түғри таърифлашга қаратиш керак.

Бундан ташқари тарбиячи болалар диққатини ҳар бир мавсумда ўсимликларни намлилка, озуқага талабини ўзгаришига қаратади. Масалан, кун совий бошлиши билан ўсимликларнинг ўсиши секинлашади, шунинг учун озуқани кам талаб қиласди, сув ҳам кам қуйилади. Баъзи бир ўсимликлар аксинча қишида ях-

ши ўсади ва гуллайди. Шунинг учун уларни қипда яхшироқ парвариш қилиш керак бўлади.

ЎСИМЛИКНИ ҚАЛАМЧАДАН ҚУПАЙТИРИШ

Машғулотнинг намунавий режа конспекти

Дастурнинг мазмани. Болаларни ўсимликлар нимадан ўсиб чиқиши тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш. Ўсимлик қаламчадан ҳам ўсиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида тушунча бериш. Қаламчани туроққа тўғри ўтказишга ўргатиш. «Қаламча», «Қаламчалаш» тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Машғулотга тайёр гардик. 6—8 та бола стол атрофига ўтказилади. Стол устига олдиндан тувақ, қум, тупроқ, чўмич, кўракча, таёқча, стаканда сув, ўсимликнинг қаламчаси, шиша банка тайёрлаб қўйилади.

Машғулотнинг бориши. Аввал тарбиячи болаларга саволлар бериш орқали суҳбат ўтказади. «Ўсимликни нимадан ўстириш мумкин?». (Уруғидан, данагидан, мевасидан, шохидан, болачасидан ва ҳ. к.) «Ўсимликни ўстиришнинг яна қандай усуллари бор?» «Мана бу мени олдимда турган нима?» (Қаламча.) «Қайси ўсимликнинг қаламчаси?» (Болалар номини айтишади.) «Ҳозир йилнинг қайси фасли?» (Баҳор.) «Ўсимликларда қандай ўзгаришлар юз беради?» (Ўсимликлар ўса бошлайди, шунинг учун уларни қўпайтириш мумкин.)

— Болалар, бугун биз сизлар билан қаламчалар ўтказамиш ва уларни парвариш қилиб борамиз. Сизлар менга диққат билан қараб туринглар. Мен сизларга қаламчани ўтказишни ўргатаман (тарбиячи болаларга тушунтиради ва кўрсатади).

— Энди сизлар олдингизда турган тувакларга қаламчаларингизни мен кўрсатгандек қилиб ўтказинг. Кейин ҳамма болалар ўз тувакларини ойнак олдига олдиндан тайёрлаб қўйилган шиша тагликка жойлаштирадилар. Тарбиячи уларни ҳар куни кузатиб парвариш қилиб бориш кераклигини тушунтиради ва қаламчаларда янги барг пайдо бўлгандагина қаламчалар илдиз чиқара бошлишини тушунтиради.

Кейинги кунларда унга сув қўйиб парвариш қилиб борадилар. Қаламчалар янги барг чиқаргандан кейин, янги қаламчаларни ўтказиш мумкин.

Навбатдаги машғулотда тарбиячи ҳамма нарасарни тайёрлаб беради, аммо ўтқазиш қонун қондасиги болаларга күрсатиб, тушунтирмайди, аммо саподилар орқали иш жараёнини ва тартибини аниқлаб боради.

Куз фаслида болалар билан боғча ҳовлисидағы айрым гулларни (қоқигул, петуњя ва б.) гуруҳ хонасига олиб кириб тувакларга ўтқазиб қўядилар, бу гуллар иссиқ хонада парвариш қилингандага гуллашни давом эттираверади.

Бундан ташқари сайр ва экскурсияга чиққанларни да ҳар хил дараҳтларнинг тўкилган баргларидан териб келадилар ва улардан гулдасталар ясад гуруҳ хонасига қўйиб қўядилар. Барглар чиройли бўлиб туриши учун уларни тарбиячи илиқ дазмол билан дазмоллаб қўяди.

Бу барглардан дараҳтларнинг номлари тўғрисидағи тасаввур ва тушунчаларини мустаҳкамлаш учун дидактик ўйинлар ўтқазишда фойдаланиш мумкин.

Кузда болалар билан гуллаб, очилиб бўлган дараҳтлар, буталар, гуллар, ўт ўсимликларининг уруғларини териш мумкин. Бунинг учун аввалдан тайёрлаб ўсимликларни номлари ёзиб қўйилган конвертчалар болаларнинг қўлларига берилади. Бу териб келинган уруғлар, данаклар, ўсимлик меваларидан ҳар хил мақсадларда фойдаланиш мумкин. Айримлари жонли бурчакдаги қушлар ва бошқа ҳайвонларга берилади. Айримлари ҳовлига қушлар учун осиб қўйилган донгхўракларга сепиб турилади. Қолганлари кейинги йил баҳоргача экиш учун сақлаб қўйилади. Айримларини гул тувакларига болалар билан бирга ўтқазиб қўйиш мумкин.

Бундай ишлар маълум тартиб, иштиёқ билан бажариб борилса, болаларда теварак-атрофдаги ҳамма нараса маълум бир аҳамиятни касаб этиши тўғрисида тушунча шаклланиб боради ва болалар теварак-атрофни қизиқиши ҳамда синчковлик билан кузатадиган, уларни асраб-авайлайдиган, ўсиши ва ривожланишида ўз меҳнатлари билан фаол иштирок этадиган бўлиб борадилар. Сентябрь ойида болалар билан бирга полизга, буғдойзорга, маккажўхори экилган далага, пахта даласига, колхоз боғига, узумзорга экскурсия уюнтириш мумкин.

Бундай экскурсиялар она табиатимизнинг нақа-

дар бойлиги, унда сабзавот, мевалар, пахта ва дои экинларининг хилма-хиллиги ва гўзаллигидан қуво надилар. Уларда она табиат иқлим шароитининг аф залликлари, уни севиш ва ундан ғурурланиш, заҳматкаш халқимизнинг боғ, дала, полиздаги экинларни ўстириш бўйича тинмай меҳнат қилаётганликлари тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни шаклалантириши, уларга қўлидан келган меҳнати билан ёрдам берини хоҳишини уйғотиш учун ҳар хил машғулот, ҳикоя, шеър, мақол, матал, дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

ГУЛЗОРГА ЭКСКУРСИЯ

Дастурни нг мазмунни. Боғча майдончасидаги 4—5 та гулнинг номини билиш, уларнинг ҳиди, ранги, шаклига қараб ажратса олиш ҳамда уларнинг танаси, барглари, гулбаргларини фарқлай билиш. Табиат гўзаллигидан завқлана олиш, болаларда уларни асраб-авайлаш хоҳишини тарбиялаш.

Машғулотни нг бориши. Тарбиячи болаларни боғча ҳовлисидаги гулзор олдига олиб боради. Болаларга бир дам диққат билан гулзорни томоша қилишни ва у ерда қандай гуллар ўсаётганини айтиб беришни таклиф этади. Кейин болаларга шундай саволлар билан мурожаат қиласди:

— Болалар ҳозир йилнинг қайси фасли? (Болаларни жавоблари.)

— Тўғри. Ҳозир бизнинг ўлкамизда куз фасли. Обҳаво қандай? (Болаларни жавоблари.)

— Тўғри, куз фасли бўлишига қармай бизда ҳали иссиқ, қуёш чарақлаб турибди, шунинг учун гулзоримизда хилма-хил гуллар очилиб ётибди. Айтингларчи, гулзоримизда қандай гуллар очилиб турибди. (Болаларни жавоблари.)

— Балли болалар. Гулзоримизда атиргул, чиннигул, картошкагул, саллагуллар очилиб турибди. Аммо, улар бир хилдами? (Болаларни жавоблари.)

Тарбиячи болаларни жавобларини тўлдиради, кейин эса атиргулни кўрсатиб, унинг номини сўрайди ва атиргул ҳақидаги суҳбатини бошлайди.

— Болалар мана бу атиргулнинг танаси, у жуда тикили. Мана бу нима? (Барги.) Атиргуллар қандай рангда бўлади?

Тұри, атиргуллар қызил, сариқ, пушти, оч сариқ
жәнди бұлади. Қаранглар, атиргулнинг гулбарглари
күнтай әкаи? (Тұқилған гулбаргларини териб болаларга
беради.)

Тарбиячи 2—3 дона атиргулни кесиб, гулнинг ҳиди
қандайлигини билиш учун болаларга ҳидлашга беради.
Көнин тарбиячи болаларнинг диққатини картошкагулга
қаратаади. Болалар уни күрадилар ва атиргул билан тақ-
қослайдилар: танаси, барги, гули, гулбарги, рангидаги
фирқаларни сұз билан ифодалаб, гапириб берадилар.

Тарбиячи болаларнинг гапларини аниқлаштириб,
түлдиради.

Шунга үхашаш яна 1—2 гулнинг турини күриб чиқади-
дар.

— Энди болалар, гулларни ҳидига қараб аниқлаб
күрамиз. (Бирор боланинг күзини юмдириб, унга бирор-
та гулни ҳидлатади ва ундан ҳидлаган гулининг номи-
ни сұрайді.)

Машғұлот охирида гулдаста тайёрлаш, шунингдек,
гуллар ҳақида топишмоқлар айтиб, машғұлотни туга-
тиш мүмкін.

ПАХТА ДАЛАСИГА ЭКСҚУРСИЯ

Дастурнинг мазмунни. Болаларда кенг пахта-
зорда оппоқ бұлып очилған пахтазор манзарасидан эс-
тетик завқ үйғотиши. Она табиатимиз иқлимининг сахо-
ватидан иссиқсевар үсімлик — пахтанинг гуркираб үсіб
күп ҳосил бергани, бундан одамлар учун зарур бұлған
жуда күп нарсалар тайёрлаш мүмкінлиги түғрисидаги
тушунчаларини кенгайтириш. Болаларда теварак-ат-
рофдаги табиатта меҳр-муҳабbat үйғотиши ва уни етиш-
тириш учун қизықиши тарбиялаш.

Машғұлотнинг бориши. Тарбиячи болалар
билан пахта даласига келиб болаларнинг диққатини
пахтазорга қаратади ва қүйидаги топишмоқни айтади:

Оппоқ, оппоқ, оппоғим,
Тивитдан ҳам юмшоғим.
Ичи тұла оқ ёғим
Тұн, күйләгим, белбоғ

— Болалар мен сизларға нима түғрис
айтдым? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тұри болалар, бу топишмоқ ху.

16
тар

мавжланиб турган мана шу пахтазордаги пахта түғри сида.

Болалар пахта даласининг кенглигини, эгатларниң бир текисда, түғри олинганинги кўрадилар. Тарбиячи пахта тупини кўрсатиб ғўза ўсимлигининг танаси, шоҳи, барглари, гули ҳамда яшил кўсаги ва очилган кўсагини кўрсатади; болалар билан уларнинг ҳар бирининг номи, шакли, ранги, катта-кичиклиги, хусусиятлари (силиқ, юмшоқ, қаттиқ) ҳақида гапириб чиқилади.

— Мана бу ғўзанинг гули, унинг гул япроқлари учта пушти рангда, қаранглар ҳамма гуллари қайси томонга қараб турибди? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри болалар, ҳамма ғўзаларнинг гули қуёш томонга қараб очилиб турибди, улар эрта тонгдан кечгача қуёш қайси томонда бўлса, ўша томонга бурилади ва кечқурун қуёш ботганда юмилади. Улар фақат бир кун очилиб туради.

— Нима учун ғўзанинг гуллари қуёш қаёқда бўлса, ўша томонга қараб туради? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради ва тўлдиради.

— Сиз пахта етишириладиган яна қандай жумҳуриятларни биласиз? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради, тўлдиради.

— Пахта бизнинг жумҳуриятимиздан ташқари яна Туркистонда, Тожикистонда, Қорақалпоқ автоном республикасида, Озарбайжонда етиширилади, чунки бу республикаларда ҳам иссиқ, ёғинли кунлар бўлади.

Болаларга пишмаган кўсакларни кўрсатиб:

— Бу нима? — деб сўрайди. (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, бу ҳали пишмаган хом, яшил кўсак. Мана булари эса (очилганини кўрсатиб) пишиб очилган кўсак, ичida нималарни кўряпсизлар? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, булар очилган кўсаклар, ичидан оппоқ момиқдай пахталар кўриниб турибди. Аммо бу момиқ пахталарнинг ичida ҳам нимадир бор, қани ушлаб кўринглар-чи! (Ушлаб кўришга беради.)

— Ичida нима бор экан? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, болалар пахтанинг ичida чигит уруғлари бўлади. Булар нима учун керак? (Болаларнинг жавоблари.)

Гарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштиради юртадиради.

Тўғри болалар, чигит янаги йилга яна пахта олиши учун ерга экилади ва яна шундай жуда кўп пахталар синтирилади. Бу пахталарни кимлар, қандай териб оладилар? (Болаларнинг жавоблари.)

Бу пахталарни пахтакорлар қўллари билан, пахта териш машиналари ёрдамида териб оладилар.

Болалар, пахтани кимлар ўстиради?

— Тўғри, пахтани пахтакорлар ўстирадилар. Улар баҳорда ерни чопиб, эгат тортиб, чигитларни экадилар, эни билан уни парвариш қиласидилар (ерни чопадилар, эгат оладилар, ерни юмшатадилар, суфорадилар, ўғит соладилар, бегона ўтлардан тозалаб турадилар). Пахтакорларнинг ҳамма ишларида машина ёрдам беради. Ер трактор ёрдамида ҳайдалади, чигит сеялка билан қиласиди, культиватор воситасида пахтага ишлов берилади.

Ҳаво иссиқ ва сув кўп бўлса, пахта жуда яхши ўсади. Кузда — пахта очилгандан кейин у териб олинади ва аввал пахта тозалаш заводига юборилади. У ерда пахта толаси чигитидан ажратиб олинади. Пахта толаси эса ўз навбатида фабрикаларга топширилади. Тўқимачилик фабрикаларида машиналар ёрдамида пахта толасидан ип йигирилади, ипдан эса пишиқ, чиройли газламалар тўқилади. Чигитлар ёф заводига юборилади. Ёф заводида чигитдан ёф олинади. Ёф олингандан сўнг чигитдан чулук ва кунжара олинади. Кунжара ва чулук корхоналар учун хом ашё, қўйлар учун эса тўйимли озуқа ҳисобланади.

Машғулот охирида тарбиячи Қуддус Муҳаммадийнинг «Қумрийнинг кўйлаги» шеърини ўқиб беради.

Катта ва тайёрлов гуруҳи болалари билан боғча майдончасида 1—2 та эгат тортиб пахта чигитини экиш ва ҳосили етилгунча парвариш қилиб, ўсиб ривожланишини кузатиб бориш мақсадга мувофиқdir.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ ҚУЗАТИШ

Ҳашаротлар. Ҳароратнинг пасайиши билан ҳашаротларнинг фаолиятида ҳам сусайиш юз бера бошлияди. Чивинлар тўқилган баргларнинг остига яширинади. Баъзи ҳашаротлар тухумларини қўйиб қишида ўзи ҳалок бўлади (ўсимлик бити, капалак), тиллақўнғизлар эса личинка ҳолатида ерда қишлиайди.

Куз давомида учиб бораётган ўргимчак уяларини кўриш мумкин. Болаларга ўргимчаклар ҳар хил заарали ҳашаротларни ўз тўрлари билан тутиб ейишларини, яъни улар фойдали ҳашарот эканликларини, шунинг учун уларни ўлдириш, уяларини бузиш мумкин эмаслигини болаларга тушунтириш керак. Лупа (катталашибирчиши шиша ойна) ёрдамида болалар билан ўргимчакнинг ип чўзаётганлигини ва ипларини ҳар жойга илинтираётганини, ўзи эса тўрга бирон нарса илинишини кўриш учун бир чеккага кетаётганини кузатиш мумкин.

Қовоғарини кўриб қолсангиз, болаларга қовоғарилар тўғрисида қўйидагиларни сўзлаб бериш мумкин.

Қовоғариларнинг катталари оиласи билан кузда ўлиб кетади. Болалари эса тирик қолади. Қовоғариларнинг уялари ерда бўлади. Тирик қолган ёш қовоғарилар баҳорда яна ерга уя ясайдилар.

Чумолилар ҳам қишлиқ овқатларини ўз уяларига ғамлаб олиб, иссиққина уяларининг оғзини қишириши билан беркитиб оладилар. Совуқ тушиши билан ҳеч қандайда чумолилар кўринмай қолганига болалар диққатини жалб қилинг ва уларга чумолилар тўғрисида Н. Романованинг «Ёз охирлаганда» номли чумолилар тўғрисидаги ҳикоясини ўқиб бериш мумкин. (1-илова-га қаранг.)

Заараркунанда ҳашаротлар кейинги йилга яна кўпайиб, экинларга зарар етказмасликлари учун ноябрь ойида дараҳтларнинг кераксиз шохлари буталади. Даражатларнинг тагидаги ва гулхоналардаги хазон ҳамда ҳашаклар йиғишириб ташқарига чиқариб ташланади ёки ёқиб юборилади.

Асаларилар ҳам қишига тайёргарлик кўради. Улар ўзларининг асал заҳираларини уяларининг бир томонига олиб ўтадилар, уяларини иситадилар, совуқ кирмаслиги учун кераксиз тешик ва ёриқларни беркитадилар, ўз уяларидан ўргимчакларни ҳайдаб чиқарадилар, чунки ўргимчаклар қишида асал заҳираларини еб қўйишлари мумкин.

Ёз, куз ойларида ишкомларда ва полизларда бешиктервратарни кўп учратиш мумкин. Ўсимлик баргидек яшил бўлиб (уни ҳимояланиш ранги деса ҳам бўлади), уни ўсимлик баргининг орасида ажратиш қийин. Аммо болалар унинг ҳаракатларини қизиқиб кузатадилар. Бу ҳашаротнинг фойдаси ҳақидаги тушунчани болаларга

Болтажон Содиқовнинг «Бешиктерватар» шеърни оркали етказиши мумкин.

БЕШИКТЕРВАТАР

Тегмаганга тегмагин,
Ёмон одатингдан кеч.
Озор берма, Меливой,
Бешиктерватарга ҳеч.
Қўй, тебратсин бешигин,
Бузма ину эшигин.
Қанча заарали пашша
Унга бўлади емиш.
Қарам капалаклари
Уни кушандам демиш,
Қўй, тебратсин бешигин,
Бузма ину эшигин.
Меливой, билсанг агар,
Тебратарбой соқчилар.
Экинни ҳашаротдан
Энг ҳушёр сақловчири,
Қўй, тебратсин бешигин,
Бузма ину эшигин.

Тарбиячи шеърни ўқиб бўлгандан кейин болаларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қиласди:

1. Бешиктерватар қандай ҳашарот экан, фойдалими, заарарлими?
2. У қандай фойда келтирас экан?
3. Шунинг учун биз бу ҳашаротни нима қилишимиз керак экан?

Н. РОМАНОВАНИНГ ЧУМОЛИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ «ЁЗ ОХИРЛАГАНДА» ҲИКОЯСИНИ ЎҚИБ БЕРИШ ВА ШУ ҲИКОЯ БЎЙИЧА СУҲБАТЛАШИШ

Дастурнинг мазмуни. Болаларни чумолилар тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш, уларда шундай ҳашаротлар ҳаётига қизиқиш уйротиш. Ҳашаротларни асраб-авайлашга ўргатиш. Саволларга тўғри жавоб беришга ўргатиш.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи болаларга ҳикояни ифодали қилиб ўқиб беради ва ўқилган ҳикоя бўйича болаларга қўйидаги саволларни беради:

1. Ҳикояда нима тўғрисида ёзилибди?

2. Чумолилар мураббони қаерда турганини қандай билиб олишибди?

3. Чумоли мураббо түғрисида ўз шерикларига қандай қилиб хабар берди?

Сұхбатдан сұнг болалар чумоли ини ва чумолилар тасвирланған расмни томоша қиласылар. Тарбиячи болаларга бу ҳайвон түғрисида топишмоқ түқиши тавсия этади.

ХАШАРОТЛАРДАГИ СЕХРЛИ ҰЗГАРИШ ҲАҚИДА СУХБАТ

Дастурнинг мазмуні. Болаларда ҳашаротларнинг ривожланиши түғрисидаги тасаввурларини шакллантириш. Ҳашаротларга нисбатан қизиқишиң ва әхтиёткорлик муносабатини тарбиялаш.

Машғулоттинг бориши. Тарбиячи болаларга ҳашаротлар түғрисида қўйидагича ҳикоя қилиб беради:

Ниначи, капалак, пашша, қўнғизлар ҳеч қачон болача бўлишмайди. Бу ҳашаротлар жуда кўп тухумчалар қўйишади. Тухумчаларнинг бир қисмини қушлар, бир қисмини чумолилар, қўнғизлар, пашшалар еб қўйишади. Қолган қисми сақланиб қолади. Мана шу тухумчалардан қуртчалар чиқади. Маълум вақт ўтгач бу қуртчалар ғумбакка айланади. Ғумбаклар эса капалакка айланади.

— Болалар, ҳашаротлар тухуми капалакка айлангунча неча маротаба ұзгарар экан? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, капалакка айлангунча тўрт хил бўлар экан. Яъни, тухумчалар, қуртчалар, ғумбак ва ниҳоят ҳақиқий ҳашарот ҳолати.

— Кейин нима бўлади? — деб сўрашади болалар.

— Кейин худди шу босқичлар яна такрорланади. Худди шундай ҳодисани биз сизлар билан қачон, қаерда кузатдик? Бир эслаб кўринглар-чи? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, ипак қурти ҳам худди шундай йўл билан кўпаяди. Ипак қуртининг қандай қилиб яна кичкина қуртчага айланниб қолишини ким менга айтиб беради? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, болалар. Ипак қурти ҳам тут баргларини еб катта бўлганидан кейин пилла ўрайди, унинг ичидаги ғумбакка айланади, 10—12 кун ўтгандан кейин ғумбакдан чиройли, қора қошли капалак учиб чиқади, улар жуда кўп тухумчалар — уруғлар қўяди. Улардан яна пил-

аң күртлари чиқади. Фақат ипак қуртининг уруғлариниң өзгөндай ҳашарот еб кетолмайди, чунки бу уруғларни оламлар асрайди.

Болаларни ҳашаротлар тұғрисидаги тасаввурлариниң өзгейтириш, уларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлишни тарбиялаш, ҳайвонларни қўриқлашга ўргатишда бевоғита кузатиш услубиятидан фойдаланиш ҳам яхши сандар беради. Бундай кузатиш қўйидагича ўтиши мумкин.

Масалан, тарбиячи болаларга иккита ҳашаротни курсантиб, уларнинг иомини сўрайди. «Бу қўнғиз, бу эса он қизи деб»— жавоб беришади болалар. Тарбиячининг «Хон қизини ҳам қўнғиз деб айтиш мумкинми?»— деб берган саволига болаларнинг баъзилари «Йўқ» деб ногутгри жавоб беришади. «Унинг қанотлари бошқа рангла», «Хон қизининг қанотларида қора нуқтачалари бор». Болалар ҳар бир ҳашаротнинг ўзига хос томонларини тўғри таърифлашади. Аммо уларни бир-бирига ўхшаш томонларини айтишда қийналишади.

Юзага келган вазият тарбиячидан бошқа услубиятдан фойдаланишни тақозо этади. Тарбиячи болаларни солиширишлари учун бир-бирига ўхшамаган учинчи ҳашарот — капалакни танлайди ва «Тилла қўнғиз капалакка кўпроқ ўхшайдими ёки қўнғиз билан хон қизи бир-бирига кўпроқ ўхшайдими?»— деб сўрайди. Болаларда ҳаяжонланиш юзага келади. Қўнғиз хон қизига жудаям ўхшайди, капалак ўхшамайди, унинг қанотлари бутунлай бошқача, юпқа, юмшоқ, катта. Болалар солишириётган ҳашаротларнинг бошқа сифат ва белгиларини ҳам кўра бошлайдилар. Қўнғизлар учадиам, ерда ҳам юра олади, капалаклар эса фақат уча олади, юра олмайди.

КУЗ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Дастурнинг мазмуни. Болаларни ҳайвонот, ўсимлик, жонсиз табиат оламида қўзга ташланадиган куз аломатлари (кунларнинг аста-секин қисқариб совий бошлиши; баъзи-баъзида ёмғир ёғиши; ўсимликларнинг ўсишдан тўхташи; ўт-ўланларнинг қовжирай бошлагани; пайкал, полизлар, боғларда дон, сабзавот, меваларнинг пишиб этилиши; колхозчилар, боғбонлар ҳосилни йиғиб олишлари; боғларда, хиёбонларда қиш олдидан ўсимликларни буташ, кўмиш каби ишларни амалга оши-

рилиши; ҳашаротларнинг кўринмай қолиши; учиб келиб кетадиган қушларнинг учиб кетиши; кўпгина қинсли қолувчи қушларнинг одамлар яшайдиган жойлари яқинлашиши тўғрисидаги тасаввурларини аниқлантириш, тўлдириш ва мустаҳкамлаш, умумлаштириш системалаштириш, об-ҳавонинг ҳолати, куннинг узун қисқалиги билан ўсимликлар ҳолатини, ҳайвонларни ҳаёти билан кишилар меҳнати ўртасидаги боғлиқликин белгилашга ўргатиш; она табиат саҳоватидан ғуурла ниш, шукроналик ҳиссини шакллантириш, кузда табиат ҳодисаларини кузатишдан ҳосил бўладиган эстетик та саввурни жонлантириш.

Суҳбатни уюштириш И. Левитаннинг «Олтин куз» расми репродукцияси, об-ҳаво ва табиат календари, куз неъматлари билан тўла лаганлар (битта лаганда меваалар, биттасида сабзавотлар), қовун, тарвуз, пахта, буғдой ва бошқалар, куз баргларидан тайёрланган гербарийлар билан амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Суҳбатнинг дастури. Об-ҳаво календарини унинг ойлик якунлари бўйича қараб чиқиш. Об-ҳаво қанчалик ўзгариб борганини, куннинг қисқарганини аниқлаш айтилади.

Табиат календари кўриб чиқилиб, ҳодисаларнинг кетма-кетлиги: дараҳт ва буталар барглари қандай қилиб аста-секин рангизлана бошлаганлиги кўриб чиқилади. Болаларга гербарий баргларини аста-секин рангизланишига, баргларнинг тўкилишига қараб, фланеграфга қўйиб чиқиш айтилади.

Суҳбат давомида болаларга «Ҳашаротлар нима учун кўринмаяпти?», «Уларни қаерлардан қидириб топиш мумкин?» деган саволлар билан мурожаат қилиш мумкин.

Болаларга кузда қушлар ҳаётида қандай ўзгариш бўлгани, боғларда, ҳовлиларда, кўчаларда, далаларда қандай қушларни кўрганликлари, қайси қушлар кўринмай қолгани, учиб келиб-кетувчи қушлар нима учун учиб кетгани, айрим қушлар (ҳакка, мусича, чумчуқ, читтак, майна ва шунга ўхшаш) совуқ вақтда одамлар яшайдиган жойларга яқин келиб олиши, улар қаердан ва қандай овқат топиши, одамлар улар ҳақида қанчалик ғамхўрлик қилиши ҳақида гапириб берилади. Тарбиячи болалардан боғча майдончаларида, гулзорда, полизларда, далада, фермада нима ишлар қилганликларини,

богалар куз фаслида далада, хиёбонларда, иолизда, қоюда қандай ишларни бажарғанларды, кимлар учун үйнештілік мәхнат қилиб гулларни, дараҳтларни парварып қылғанларды, бунчалик күп пахта, дон, сабзавот, болалар стиширишлари нима учун кераклиги, болалар да кетталар кузни нима учун яхши күришлари ҳақида ғапириб беришларини сұрайди.

Шундан сүңг тарбиячи куз неъматлари солинган лағаптарнинг устини очади ва болалардан улар тұғрисида бирма-бир билғанларини сұзлаб беришларини таклиф ғади. Болалар сұзлаётганларидан тарбиячи болаларға күнроқ болаларнинг билим ва тушунчаларини умумлаштырыш ва системалаштиришга ҳамда она Ватанимиз ижлими шароити шарофатини эзтироф этишга ундовчи символлар беріб туради. Масалан: «Шундай мева ёки пахта бошқа жумхуриятларда ҳам пишадими?», «Нима учун?» ва шунга үхаш.

Сұхбат якунида И. Левитаннинг «Олтин куз» расмий күриб чиқыб, рассом куз табиатидан қандай гүзәл парсаларни күргани, нимани тасвирлаганини үйлаш ва ғапириб бериш топширилади.

Құшлар: Сентябрь — октябрь ойларыда бизга гүнгі қарға, қора қарғалар учеб келишади. Улар кундуз күнләри далаларға учеб бориб ҳосили йиғиб олинган экин майдонларидан қолған донларни ва турли бегона үтлар уруғларини териб ейдилар.

Октябрь ойида дастлабки союқ тушиши билан оқ турналар ва ғозлар жануб томонға гала-гала бўлиб учеб кетишади. Сайрга чиққанда оналари билан учеб кетаётган қушларнинг ҳар хил шакллар ҳосил қилиб учеб кетишларини кузатиш, айниқса мароқлидир. Турналар одатда, үткір бурчак ҳосил қилиб, ғозлар эса узун қийшиқ қатор, баъзида эса бурчак ҳосил қилиб, учадилар. Ёввойи қушлар ва каккуларгина алоҳида-алоҳида учеб кетадилар. Қушлар учеб кетишини болалар билан кузатаётіб тарбиячи уларға қуйидаги шеърни ўқиб бериши мумкин:

Одил Абдураҳмон

ҚАЛДИРҒОЧ

Симёғочда
Қалдирғочлар,
«Важир-вужир»
Сұхбат бошлар.

— Ҳаво совиб
Нам оляпти.
Қурт-құмурсқа
Кам қоляпти.
Гар қолмаса
Ерда емак.
Одамга ҳам
Қийин демак.
Шунга «важ-вуж»
Этмоқдамиз.
Жануб томон
Кетмоқдамиз.

Шундан сүнг, тарбиячи құшларнинг учиб кетиш саббларини аниқлаш бүйича болаларга қуидаги саволлар билан мурожаат қилиши мүмкін:

1. Нима учун күпгина құшлар жануб томонга учиб кетепти?

2. Улар нима билан овқатланишар экан?

Савол-жавобдан сүнг Ў. Үсмоновнинг «Чумчук бола» ҳикоясини ўқиб беради (1-иловага қаранг).

Октябрь ойининг охири, ноябрь ойида шаҳарлар ва водийларда саъвалар пайдо бўлади. Улар қариқиз, отқулоқ уруғларини еб кун кечирадилар.

Саъваларни табиат бурчагида сақлаб, парвариш қилиш мүмкін. Уларга тоза сув, сўк, арпа, писта донларини майдалаб бериш мүмкін. Шунингдек, улар қирилган сабзини, табиат бурчагида ўстирилган кўк сулини, заранг ва шумтолнинг уруғларини ҳам зўр иштаха билан истеъмол қиласидилар.

Ноябрь ойида, зағчалар, дала чумчуқлари, қора ялоқлар, сўфитўрғайлар, читтаклар, кўк чумчуқлар пайдо бўлади.

Бу құшларни қишлоқ жойларда ҳам, шаҳарда саир вақтида ҳам бемалол кузатиш мүмкін. Кузатишдан сүнг құшлар тўғрисида суҳбат уюштириш ва ҳар бир суҳбатдан сүнг Виталий Бианкининг «Читтакнинг йилномаси» (Тошкент, «Ёш гвардия» нашириёти, 1987 йил. Русчадан Мақсада Содиқова таржимаси) китобчасидан йилнинг ҳар бир ойида құшлар ҳаётида юз берган ўзгаришлар тўғрисида ўқиб берилса, болаларнинг құшлар тўғрисидаги таассуротлари кенгайиб, тўлдирилиб борилади ҳамда болаларда құшлар ҳаётига нисбатан

шундай уйғонади, уларни асраб-авайлаш хоҳиши тар-
биятланади.

Мында ёввойи ҳайвонлар. Ҳар бир сайдар
болалар билан ёввойи ҳайвонлардан кучук, мушук; уй-
қыннанlardan от, эшакни кузатиш мумкин. Дала жой-
ларда бўлса, қўй, эчки, сигирларни ҳам bemalol кузат-
ти булади. Кузатиш жараёнида тарбиячи болаларга у-
ни бу ҳайвоннинг хатти-ҳаракатлари, ташқи тузи-
шин, нима билан овқатланиши, уларни қандай парва-
риш қилиш ва уларнинг одамларга келтирадиган фой-
даси тўғрисида гапириб бериши мумкин.

Масалан, мушук шарпасиз юради, деворларга, да-
рахтларга, томларга жуда чаққонлик билан чиқиб ола-
ди, чиқаётгандан тирноқлари билан дараҳтга тирмаша-
ди. Юнглари юмшоқ, силлиқ, узун мўйловлари овқат-
ларни фарқлашга ёрдам беради. Қўзлари жуда яхши
кўради, у ҳатто қоронғида ҳам ўз ўлжасини bemalol
кўраверади. У эркалаганни яхши кўради. У парвариш
қилиб турилса, уй эгаларига содиқ бўлиб қолади. Му-
шук фойдали ҳайвон, у сичқонларни тутиб ейди.

Сигир уй ҳайвони. У гўшт, сут беради. Унинг тери-
сидан оёқ кийимлари тикилади. У асосан ҳар хил ўт-
лар, кунжара, кепак, сабзавот ва мева пӯчоқлари билан
овқатланади. У яхши парвариш қилинса, тез катта бў-
лади ва кўп сут беради. Узун думи уни ҳар хил ҳаша-
ротлардан ҳимоя қиласди.

Худди шу тартибда қўй, кучук, от, тую ва бошқа
ҳайвонлар тўғрисида ҳам сўзлаб беришлари мумкин.

Қуйида ҳайвонлар тўғрисидаги суҳбатнинг намуна-
вий режа конспектини келтирамиз.

ЭЧКИ УЙ ҲАЙВОНИ

Дастурнинг мазмени. Болаларнинг эчки тўғ-
рисидаги билимларини аниқлаш (номи, унинг уй ҳай-
вони эканлиги, ташқи кўриниши, нима билан овқатла-
ниши). Эчкининг одамларга келтирадиган фойдаси тўғ-
рисидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Машғулотнинг бориши. Болалар эчки тас-
вириланган расмни кўрадилар ва тарбиячининг қуйидаги
саволларига жавоб берадилар:

1. Бу ҳайвоннинг номи нима?
2. У нима ейди?
3. Бу ҳайвон қаерда яшайди?

4. У ёввойими ёки уй ҳайвоними?
5. Нима учун одамлар уни уйларида боқадилар?
6. У одамларга қандай фойда келтиради?

Кейин тарбиячи болаларга эчки юнгидан түқилган буюмларни кўрсатади ва бу ҳайвоннинг фойдаси тўғрисида батафсил сўзлаб беради. Агар иложи бўлса, болаларни эчки сути билан меҳмон қиласди.

Машғулотнинг охирида болаларга қўйидаги саволларни беради:

1. Биз бугун қайси уй ҳайвони билан танишдик?
2. Сизлар яна қандай уй ҳайвонларини биласиз?
3. Улар қандай парвариш қилинади ва нима учун?

ҚИШ

Қиши жумҳуриятимизда ҳар йили ҳар хил келади. Кўпинча қиши ойларида ҳам кун худди баҳор ҳавосидек илиқ, ёғинсиз, қуруқ кунлар кўп бўлади, натижада ерда кўм-кўк ўтлар ўсиб чиқиб, дараҳтлар куртаги катталаша бошлайди. Бундай кунларда ҳарорат 20—25 даражага кўтарилади. Қор декабрь ойида ёға бошлайди, аммо кун илиқ бўлғанлиги сабабли тезда эриб кетади. Январь, февраль ойларида кўпроқ қор ёғади, тез-тез ёмғир ҳам ёғиб туради. Февраль ойларида кўпроқ қор ёғади, баъзи йиллари март, апрель ойларида ҳам қор ёғади, аммо тез эриб кетади.

ЖОНСИЗ ТАБИАТНИ ҚУЗАТИШ

Қуёш. Декабрь ои куннинг энг қисқарган вақти. Болалар билан ҳар кунги об-ҳавони кечагиси билан солишириб борилса, ҳавода бўладиган ўзгаришларга нисбатан болаларда қизиқиш уйғонади, улар ҳатто кичкинагина ўзгариш ва фарқни ҳам тез ажратиб оладиган, синчков ва изланувчан бўлиб қоладилар.

Болалар билан қорнинг оппоқ бўлиб шарпасиз ерга тушишини, ёмғир эса шарпа билан ёғиши, ерга у тушганда, тарновлардан тушганда товуш чиқариш сабабини болалар билан аниқлаш (қор енгил, шунинг учун шарпасиз, ёмғир суви қорга нисбатан бир неча марта оғир). Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тажкриба ўтказиш мумкин. Болалар ёғаётган қор ва ёмғирга қўлларини тутиб турсалар унинг фарқини осонгина билиб оладилар. Қорнинг қўлга тушганини унинг фақат муздак-

нидан ёки эриб сувга айланганидан билиб олиш мумкин:

Емгир қўлга анча қаттиқина урилади. Қорни ёға-
танини болалар билан кузатаётуб уларга қуйидаги
топишмоқларни айтиш мумкин:

Ранги оппоқ,
Пардек юмшоқ.
Қуёш кўрса,
Эрир шу чоқ.

(*Kor*)

Туси оппоқ, пахта эмас,
Фирчиллайди тахта эмас.

(*Kor*)

Турсам саҳар,
Қўқдан шакар
Ёғар шитоб
Олсам кафтга
Эриб тафтга
Йўқолди, топ!

(*Kor*)

ёки Қутби Носированинг «Қор» шеъридан қуйидаги
парчани ўқиб бериш мумкин:

ҚОР

Қор ёғар элак-элак,
Гўё гала капалак.
Тутқич бермай кафтигма,
Эриб кетар тафтигма.
Қувноқ қор,
Қочқоқ қор.
Қорни йиғиб олайлик.
Бир шаклга солайлик.

Қор қалин ёғиб кун совиб турганда болалар билан
белкуракчалар, челякчалар, замбильчалар олиб қордан
йўлакчаларни тозалаш, тўпланган қорлардан ҳар хил
шакллар, қорбобо, қорқиз ясаш мумкин. Шундай пайт-
ларда тарбиячи болаларнинг қорнинг енгиллиги, юм-

шоқлиги, иссиқдан эришлиги, ёпишқоқлиги тұғрисидаги тушунчаларини аниқлаб мустаҳкамлайды.

Болаларга қорнинг қандайлиги ҳақида саволлар беринг. Улар жавоб бера бошлайдилар: қор юмшоқ, ғовак, қүёшда ярқиллады, ҳар хил рангда товланади. Имкони бұлса, лупа олиб совуқ кунларда қорнинг ҳар хил шаклда бўлишини кузатинг.

ЎСИМЛИҚЛАР ДУНЕСИНИ ҚУЗАТИШ

Қишида дарахтлар яланғоч бўлади. Қишида дарахтларни совуқ урмаслиги учун ва кўпроқ нам сақлаш учун улар атрофига қор тұдалаб қўйилади, аммо дарахт тагидаги қорни қаттиқ босиб қўйиш керак эмас, ғовак қор орасида ҳаво сақланади, ўсимлик эса ҳавосиз яшай олмаслигини болаларга тушунтиринг. Бу ишни тарбиячилар болалар билан бажариши мумкин.

Баъзи йилларда иқлинимизнинг иссиқлиги туфайли декабрь, ҳатто январь ойларida ҳам ўсимликлар куртак чиқаради, бўтакўз, маргариткалар очилади. Болаларнинг диққатини бу ўсимликларга қаратинг ва буни сабаб-натижаларини болалар билан биргаликда аниқланг.

Иссиқлик ва парвариш етарли бўлса, кўпчилик ўсимликлар йилнинг ҳар бир фаслида, ҳатто қишида ҳам ўсиб ривожланиши, гуллаши, мева бериши тұғрисида болалар тасаввур ва тушунчаларини бойитиши мақсадида қиши фаслида, имкони бўлса, иссиқхонага мақсадли экскурсия уюштиринг.

ИССИҚХОНАГА ЭКСКУРСИЯ

Дастурнинг мазмунни. Болаларга кўпчилик ўсимликларнинг ўсиши учун ёруғлик, иссиқлик, яхши тупроқ бўлса, қиши фаслида ҳам чиройли гуллар, ҳар хил мевалар, сабзавотлар ўсиб мева бериши мумкинлигини кўрсатиш. Тарбиячи ўсимликлар яхши ўшиллари учун одамлар кўп меҳнат қилишларини таъкидлайди.

Экскурсияга тайёр гарлик. Экскурсияни айрим ўсимликлар гуллаб, айримлари мева берган (туккан) вақтда, иссиқхонанинг мутасадди кишилари билан олдиндан вақтини, суҳбат мазмунини ва маршрутини келишиб олиб ўтказиш мумкин.

Экскурсиянинг бориши. Иссиқхонада болалар диққати пишиб ётган лимонлар, помидор ва бод-

ришлар, ям-яшил күкатларнинг сероблигига қаратилади. Болалар иссиқхонадаги ўсимликнинг ҳолати билан болалар боғчасидаги (боғ, майдон, хиёбон) ўсимликлар кўриннишини солиштириб, фарқини тушунтирадилар. Тарбиячи болалар эътиборини иссиқхонадаги ҳаво ҳароратига жалб этиб, термометрга қарашни таклиф этади. Ҳозир кўчада об-ҳаво қандай, иссиқми ёки совуқми?». Болаларнинг жавобларини тўлдиради.

Шундан кейин иссиқхонанинг 2—3 павильони айланаб, доимий ўстириладиган ўсимликларни кўриб чиқилади. Иссиқхона хизматчиларидан бири бирор ўсимлик ҳақида — табиатда қандай ўсиши, уларнинг иссиқхонада ўсиши учун қандай парвариш зарурлиги ҳақида сўзлаб беради.

Экскурсия маршрутига гуллар ва манзарали ўсимликлар етиштириладиган павильонларни киритиш ҳам мумкин. Болаларга ўzlари ўстираётган ўсимликларнинг номини айтиш, улар ўстирилаётган тупроқнинг қандай эканлигини (юмшоқ ўғитланган), сугорилишини (сунъий ёмғир билан) кузатиш тавсия этилади. Иссиқхона хизматчиси гул ва сабзавотларни кимлар учун, манзарали дараҳтларни нима учун етиштираётганликлари ҳақида сўзлаб беради.

Болаларнинг қиши ҳақидаги билимлари қиши ҳақидаги суҳбатда системалаштирилади.

ҚИШ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Мақсад. Болаларнинг қишики типик ҳодисалар: қишида кун қисқа, тун узун бўлади, қўёш пастда кўринади, кам иситади, ҳаво совуқ, қор ёғиб туради. Дараҳт ва буталар баргсиз, фақат арча билан қарағайнинг яшил ниначалари тўкилмаган. Ҳашаротлар учмайди, улар дараҳт ва бута пўстлоқларининг ораларига, барглар тагига, тупроқ тагига яшириниб уйқуга кетган. Қушлар кам, уларнинг кўпчилиги қишида одамларнинг турар жойлари яқинида яшайди. Ёввойи ҳайвонлар (қуён, типратикан, тошбақа, юмронқозиқ, дала сичқони ва б.) қишини ҳар хил ўтказади. Болаларнинг уй ҳайвонлари (одамлар уларга ғамхўрлик қиласди, улар иссиқ жойларда қишлиайди) ҳақидаги билимларини мустахкамлаш, қишида табиатда бўладиган ўзгаришларнинг баъзи изчилликларини аниқлаш (қиши охирида кун узая бошлайди, иссиқ кунлар кўпаяди, қушлар жонланаб қолади), қишики типик ҳодисалар ўртасидаги мутаноп-

сиблик ҳақидаги оддий тушунчаларни шакллантириши (ёруғлик кам, совуқ бұлғаны учун ўт-ұланлар ўсмайды, дараҳт ва буталар яланғоч, ҳашаротлар совуқдан яши риниб уйқуга кетган, ҳашаротлар йўқлиги туфайли күн қушлар учиб кетган, қолған қушлар учун овқат кам, уларни қўшимча овқатлантириш керак). Болаларниң эстетик ҳиссиётини қўзғатиш, уларда гўзал қишиндан завқланиш туйғусини чуқурлаштириш, нутқини фаоллаштириш, боғланишли нутқни, луғатдан тўғри фойдаланишини машқ қилдириш.

Суҳбатни ташкил этиш. Суҳбатга болалар қиши давомида юритган об-ҳаво ва табиат календарлари, уларни намойиш этиш учун таглик тайёрлаб қўйилиди.

Суҳбатни иғ бориши. Тарбиячи болалардан қиши нимаси билан яхшилигини айтиб беришни, сайдлар вақтида қандай қизиқарли нарсаларни кузатганликларини эслашни сўрайди. Болалар табиат календарини намойиш этиб сўзлаб берадилар. Кейин педагог бу вақтда табиат бурчагида нималар юз берганини айтиб беришни сўрайди, сўнг қўйидаги саволлар билан мурожаат этади. «Қишида ҳовлимиз қандай тусни олди?», «Об-ҳаво қандай?», «Ўсимликлар қандай кўринишга эга эди?», «Биз ҳашаротларни нима учун учратмадик?», «Қандай қушлар кўринмай қолди?», «Қандай қушлар бизда қишлиб қолди?», «Одамлар уларга қандай ғамхўрлик қиласидилар?», «Нима учун?», «Уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар қандай қишлияди?». Охирида болаларга ёқтирган шеърларидан ўқиб беришларини тавсия этади.

БАҲОР

Баҳор мавсуми Ўзбекистон шароитида ўзига хос хусусиятга эга. У турли йилларда турлича бўлади. Жумҳуриятимизда баҳор эрта бошланади, у кўпинча февраль ойидаёқ кириб кела бошлайди, дараҳт куртаклари бўртади, мевали дараҳтлар гуллайди (ёнғоқ, бодом, шафтоли, гилос, ўрик, токлар барг чиқара бошлайди), аммо шундан кейин қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўлиши ҳам мумкин, натижада дараҳтларнинг куртак ва гулларини совуқ уриб кетади ва ҳосил бермайди.

Март ойида қуёш яхшигина исита бошлайди. Ҳарорат 25—29 даражага кўтарилади. Болалар диққати куннинг узая боришига қаратилади. Март ойининг охи-

юнга об-ҳаво календарини кўриб тарбиячи болалар галиборини бу ойда қуёш чиққан кунлар сони кўилиги таъжалб этади.

ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИНИ КУЗАТИШ

Баъзи йиллари март ойида ҳам қор ёғиб туради, аммо дарров эриб кетади. Аммо бу ойда ёмғир жуда күп ёғади. Баъзан тинимсиз ёққан ёмғир туфайли мевалининг гуллари ҳосил туга олмай чириб кетади. Натижада эрта гуллаган мевали дараҳтлар (олча, гилос, шафтоли, бодом, ўрик ва б.) мева бермайди.

Болалар билан гуллаган мевали дараҳтларни кузаттида уларнинг гулига, баргининг тузилишига, танасига қараб номини айтишга ўргатиш керак. Ҳар бир мевали дараҳт гул япроқларининг сони ва рангини мустақил аниқлаш ва умумлаштиришга (шафтоли, олча, беҳи бодом, ўрик, гилоснинг ҳар бир гулида бештадан гул япроғи бўлади, олма, нок тўп гуллидир) ўргатиш лозим.

Қўпинча март ойи илиқ бўлади, далалар кўклам либосини кияди. Бойчечак, чучмома, гунафша, қоқиўт, оқ қалдирғоч, япалоқ гул, бўтакўз, совринжон, гунафшалар очила бошлайди. Ёввойи илдизли ўсимликлар, лолаларнинг кўпгина турлари, гиацентлар, турли хил нарғислар барг чиқара бошлайди.

Адиrlар, тоғ бағирлари, тепаликлари эрта очиладиган гулсафсалар, лолалар, нозик нилуфар каби гуллар билан қопланади. Ёзда эса, уларнинг таналари қурийди, ер остида илдизлари сақланиб қолади.

Чўл баҳорги ёмғирлардан кейин кўм-кўк ўтлар ва қиёқ, буғдоийқ каби ўтлар билан қопланади. Улар тез ўсади, гуллар тез ҳосилга киради, кунлар исий бошлаши билан сарғая бошлайди. Уларнинг уруғлари эса келгуси баҳоргача сақланиб қолади.

Шаҳардаги ҳовли ва хиёбонларда капалакгул, оқ ва қизил дастаргул каби кўп йиллик ўсимликлар гуллай бошлайди.

Дараҳтларнинг куртаги бўртади ва барг ёзади. Мажнунтоллар, қора толлар, тераклар ҳам сочпопук ёзади.

Март ойида қўзиқоринлар ҳам пайдо бўлади.

ЎТЛОҚҚА ЭКСҚУРСИЯ

Экскурсиядан мақсад. Болаларнинг ўтлоқда ўтларнинг ўсиши учун ёруғликни ва намни кўп та-

лаб этадиган ўсимликлар ўсиши ҳақидаги тасавурларини аниқлаш, улардан айримларини (бойчечак, чучмома, лола, оқ қалдирмоқ, қоқиұт, капалакгүл ва ш. ў.) фарқлаб номини айтиш ҳамда бир-бирига ўхшаш томонлари ва фарқини аниқлаш; болаларни ўт-ўланларнинг қийғос очилишидан юзага келган ажойиб тароват манзарадан қувониш, уларнинг ёқимли иси билан түлгап үтлоқлар гүзаллиги ва кенглигини ҳис қила билишга ўргатиб бориш.

Экскурсиянинг бориши. Тарбиячи болалар билан үтлоққа келиб жойни кузатади, ундаги ҳар хил анвойи рангли гулларнинг номи, ўтлоқнинг хушбүйлиги, унинг кенглигини аниқлади. Имкони бўлса, ўтлоқни яқин жойда ўсаётган дараҳтлар (мевали ёки манзарави) билан қиёслаб, ўтлоқда унча баланд бўлмаган ўсимликлар ўсишини қайд этади. Болалар билан бирга ўтлоқни томоша қилиб завқланишади ва Ислом Ослановнинг қуидаги шеърини ифодали ўқийди:

БАҲОР

Баҳор келиб ўлкамизга,
Хушбүй ҳидлар тарапади.
Гул-лолалар очилиб,
Кунлар исиб боради.
Одатим туриб ҳар тонг,
Кузатаман атрофни.
Завқланаман мен кўриб,
Чиқаётган офтобни

Ҳар бир боланинг гуллаб турган ўсимликни (энг чиройлисини) топишга рухсат этади, бироқ уни юлиш мумкин эмаслигини огоҳлантиради ва шу топган гули тўғрисида шеър ёки топишмоқ айтишни таклиф этади. Агар болалар қийналсалар, болалар топган гулига қараб ўзи қуйидагича шеърни айтиши мумкин. Масалан, бойчечакни топган болага:

Илёрс Муслим

БОЙЧЕЧАҚ

Ҳали эримасдан қор
Дала, қирда гулбаҳор.
Чиқди митти гул-чечак,
Май элчиси бойчечак.
Аскар каби турар тик,

Барглари яшил, тетик.
Унинг ранги сариқ, оқ,
Бошида кумуш қалпоқ.

Момақаймоқ топган болага Қуддус Мұхаммадийшың
қүйидаги шеърини айтади:

МОМАҚАЙМОҚ

Эрта күклам әлчи гули.
Момақаймоқ қоқи ұтжон.
Кенг күчамиз чеккасини
Безатди тилла маржон.
Гули садаф тұгмача,
Жажжи олтин саватча.
Кулар ёруғ юлдузча
Құрсанг құзинг қувнайди
Құклам ҳұсни гул парча.
Меваси ундан қизик,
Момиқ уқпар учар шар.
Чақалоқ қалпоғидек.
Ер ҳұснига ҳұсн құшар,
Шамолда учар, үйнар
Болалар чопар, құвлар
Құлинг теккан ҳамоно
Сочилиб, тұзғиб кетар.
Она ерга беркинар,
Болажонлар үқинар.
— Момақаймоқ қоқи ұтжон,
Күришамиз әнди қачон
— Яна күклам келганды,
Ерда майса кулганды.

Болалар навбат билан ҳар бир үсимликтин күзатиб, номини айтадилар (қиыйналған болаларға тарбиячи ёрдам беради), пояси, барги, гулларининг хусусияттарини қайд этадилар, үхашаш ва фарқини айтадилар.

Тарбиячи үтган баҳордаги шундай сайдарларда қандай гулларни топғанликларини эслашға ундаиди. Болалар эътибори үтлоқ (яйлов) үсимликларининг турли тұманлығы ва чиройлилігі ҳақида мұлоҳаза юритишиңде қаратылади.

Кейин шаҳар хиёбонларыда, ҳовлиларда, боғча майдончаларыда учрайдиган 3—4 үсимликтин танлаб олиб (масалан, чинни гул, лола, қоқиұт, бүтакүз, капалакгүл

ва ш. ў.) болаларга саволлар билан мурожаат қилинади. «Сиз бу ўсимликларни яна қаерда кўргансиз?» ёки аниқроғи «Бу ўсимликларни ҳовлингизда, боғчангизда, гулзорда, кўчадаги хиёбонларда кўрганмисиз», «Бу гулларни қандай жойда кўргансиз: серқуёш ялангликдами ёки салқиндами?». Шундан кейин нима учун бу ўсимликларни ўтлоқнинг ҳамма ерида ёруғ, қуёш тушиб турадиган ялангликда кўриш мумкинлигини ййлаб кўришни айтади. Шу ва щунга ўхшаш саволлар билан тарбиячи болаларни ўтлоқда (яйловда) ёруғликни ва қуёш нурини кўп талаб қиласидиган ўсимликлар ўсади деган холосага олиб келади.

ҚАТТАЛАР МЕҲНАТИ

Март ойида далаларда дон экинлари ва беда экиш давом этади. Кartoшка ва эртанги карам экилади, редиска, кашнич, петрушка ва укроп уруғлари сепилади.

Кўчатлар ўтқазиш ва дараҳтларни бир ердан иккичи ерга кўчириш ишлари давом этади. Дараҳт кўчатларини ўтқазиш ишлари тупроқ юмшаси билан куртакларнинг бўрта бошлаганига қадар давом этади.

Ўзбекистонда тут дараҳти кенг тарқалган бўлиб, у энг қимматли дараҳтлардан ҳисобланади. Тут дараҳт шаклида ҳам, бута шаклида ҳам ўсади. Тут дараҳтидан ипак қуртлари учун озиқ сифатида фойдаланилади. Шунингдек, тут дараҳтининг меваси севиб истеъмол қилинади. Меваси жуда ширин ва фойдалидир.

Боғларга турли хилдаги мевали дараҳт кўчатлари ўтқазилади. Ўтқазилгач, дараҳтнинг учи ва новдалари қирқилади, чунки дараҳт кўчатининг тараққий қилган учи (тожиси) ҳали тупроқда яхши ўрнашмаган илдизлардан кўп сувни буғлантириб юборади. Катталарнинг бу хилдаги фаолиятларини кузатиш жараёнида, катталар меҳнатидаги бу иш турига, албатта болалар диққатини жалб қилиш ва унинг сабаб, натижасини болаларга тушунтириш зарур.

Тарбиячи болаларга К. Ушинскийнинг «Бир олматарихи» ҳикоясини ўқиб беради, бу ҳикоя юзасидан сұхбат ўтқазиш мумкин (1- иловага қаранг).

Шу ойда дараҳт ва буталарнинг таги чопиб юмшатилади. Дараҳтлардаги ортиқча заарарланган шохлар кесиб ташланади. Март ойида анор, анжир, ток каби (кузда кўмиб қўйилган) ўсимликларнинг усти очилади.

Токлар куртак чиқаргунча, сўриларга тараб қўйилади. Лкс ҳолда бўртган куртаклар тўкилиб кетини мумкин. Ток куртаклари ва ёш шўралар бир-икки даража совуқдаёқ осонликча заарланади. Шунинг учун ток ҳаво ҳароратига қараб ҳар йили ҳар хил вақтда очилади.

Болалар боғчанинг майдончасида катта кишилар нинг ишларини кузатадилар ва катталарга қўлларидан келган меҳнатлари билан ёрдам берадилар, улар кўчатларни ташиб келишда кўмаклашишади, кўчатларни ўтказаётган пайтда ушлаб турадилар, тупроқни ковланган жойга ташлайдилар, ёш кўчатларни суғорадилар.

Одамларнинг нима учун ҳамма ўсимликларни бунчалик парвариш қилаётганлари, парвариш қилишда ишлатиладиган асбобларининг номини (кетмон, арра, белкурак, қашлагич, (гулқайчи ва б.) тўғри айтиши шакллантирилади, меҳнат турлари (ўтқазиш, тагини юмшатиш, ўғит солиш, сув қўйиш, кераксиз, заарланган шохларини кесиб ташлаш, пайвандлаш ва ш. ў.) билан болалар бирма-бир таниширилади, ўсимликларнинг кишиларга фойдаси тўғрисидаги тасаввурларини мустаҳкамлаб бориш зарур.

ҚУШЛАР

Март ойида қушлар учеб кела бошлайди. Қушлар, одатда улар учеб емиш пайдо бўлиши билан учеб келадилар. Ҳашаротхўр қушларнинг учеб келиши ҳашаротларнинг кўпайиш даврига тўғри келади. Бундай қушларга жиблажибоң, қалдирғоч, жарқалдирғоч, сассиқопишак, чуғурчуқлар киради. Улар бўғотларга, дараҳт ковакларига уя қурадилар.

Болалар билан имкони бўлса, қалдирғочларнинг уй ва айвонларнинг тепаларига, шипларига уя ясаётгандарини кузатиш керак ва болаларга қўйидаги топишмоқни айтиш мумкин:

Зув-зув боради,
Томдан қарайди.
Чўп-лой чўқийди,
Сават тўқийди.

(Қалдирғоч)

Қалдирғочларнинг ҳавода учеб юрадиган ҳар хил ҳашаротлар билан овқатланишини болаларга айтиб

беринг. Ҳаво булутли кунларда қалдирғочлар пастлаб учишини, ҳаво очиқ (булутсиз) кунларда баландлаб учишига болалар эътиборини жалб этиб кузатиш ва унинг сабабини тушунтириш керак.

Чуғурчуқлар тайёр уяларга зўр иштиёқ билан жойлашадилар. Шунинг учун болалар боғчаси майдончасига эрта баҳорда дараҳтларга «құш уячалари» осиб қўйиш керак.

Зағчалари ўз парлари билан ҳар йили ўзларининг эски уяларига жойлашадилар. Улар жойлашишдан олдин эски уяларини тозалайдилар, тузатадилар. Улар тумшуқларида пат ва хашаклар ташиб келтирадилар. Зағчаларнинг чуғурлашиб жанжаллашишини кўп кузатиш мумкин, улар шох талашадилар, бир-бирларидан шоҳларни тортиб оладилар. Бундай манзарани кузатиш болаларга зўр завқ, шавқ бағишлийди, уларда қушлар ҳаётига нисбатан қизиқиш уйғонади.

Уя қуриш вақтида қушларнинг сайрашлари, хуштак чалишлари ва қийқиришлари, ажойиб парвозлари кишини ўзига жалб қиласиди.

Уя қуриш вақтида ота қушларнинг патлари тўкилади, она қушларники эса жуда кам тўкилади. Фурраклар ғуруллашади, читтаклар овози янада ўткирлашади, аҳён-аҳёнда саъваларнинг ҳам овози эшитилиб туради.

Қушларнинг уя ясашларини кузатгандан кейин Л. Н. Толстойнинг «Сигир ва Зофча» ҳикоясини ўқиб бериш мумкин.

Кузатиш вақтида тарбиячи Неъмат Тошпўлатовнинг қўйидаги шеърини болаларга ўқиб беради:

Дув-дув учиб келди қушчалар,
Дарак бериб гўзал баҳордан.
Уя қурдик — қўниб яирашиб —
«Чоғ-чоғ»лашар — сайрап наҳордан.
Балки бизга саломидир бу,
Раҳмат, деган каломидир бу.

Қушлар билан таништириш бўйича машғулотнинг намунавий режа конспекти.

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ

Дастурнинг мазмуни. Болаларни ўлкамизнинг фойдали қушлари билан таништириш. Уларда қушларга нисбатан меҳрибон, ғамхўр бўлиш ҳиссини тарбиялаш.

Машғулотни жиҳозлаш. Үлкамизда яшовчи фойдали қушларнинг расми, иложи бўлса, қушларнинг қотирилган намуналари тайёрлаб қўйилади.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи болаларга қўйидаги савонни беради:

Болалар, ҳозир йилнинг қайси фасли? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, ҳозир баҳор фасли. Баҳор фаслида табиатда қандай ўзгаришлар юз беради? (Тарбиячи болаларнинг жавобини аниқлаштиради, тўлдиради.)

— Сиз бизда қишлоғ қоладиган ва баҳорда учиб келадиган қандай қушларни биласиз? (Болаларнинг жавоблари.) Сўнг тарбиячи Зафар Диёрнинг «Қанотли дўстлар» шеърини ифодали қилиб ўқиб беради.

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАР

Баҳор чоғи . . .

боғчамда

Турли гуллар кулганди,
Атроф унинг ёқимли
Ҳидларига тўлганди.
Боларини кўрганда
Жовдиради кўзларим,
Учар эди тепамда
Бир қанча қуш
дўстларим,
Чумчуқалар тез кунда
Тухум ёриб чиқиши.
Чурқ-чурқ қилиб
бизларни

Жуда хурсанд этиши.
Ота-она уларни
Беш-олти кун боқдилар.
Ўтиб «темир қанот»дан
Сўнгра қанот қоқдилар.
Қараб турсам дараҳтдан
Ерга тез-тез тушишар,
Таълим олиб онадан
Сакрак-сакраб учишар,
Сувда булбул,

майналар,

Учиб недир излайди,
Чақчақлашиб сайрашиб

Ин қуришни кўзлади.

Она чумчуқ ўрикда,
У ҳам тинчиди ётарди,
Тухумлари бағрида,
Шу ҳолда тонг отарди...

Улар энди учирма,
Боғ устида — ўйинда,
Баъзан кўриб қоламан
Боғчамда—сув бўйида!..
Тумшуқларин атрофи
Сариқкина, томоша.
Якка қолсам шулар-ла
Бўлажакман ҳамиша.

Мен уларга ҳар куни
Уч маҳал дон сепаман,
Чурқ-чурқ қилиб
чиқарган

Товушларин севаман!..
Қанотларин силкитиб
Донлашларин

кўрсангиз,
Иноқ бўлиб,
Не дея
Сайрашларин
сўрсангиз!
Менга яқин дўст эрур

Бу қанотли ўртоқлар,
Шулар ила жонланур

Бизнинг чаман
гулбоғлар.

Кейинги шеърнинг мазмунини қисқача суҳбат тарзида сўзлаб беради. Болалар бизга баҳорда иссиқ ўлкалардан булбул, жарқалдирғоч, лайлак, жибилажибон, сассиқпопишак каби қушлар учиб келиб дараҳтларнинг шохларига уялар қурадилар ва бола очадилар.

Бу қушлар ҳашаротларни еб бизга ёрдам беради. Қушлар баҳорда тинмай ҳаракат қилиб, ўзларига ин ясайдилар. Биз уларнинг инини сақлашимиз, ўзимиз ин ясад, дараҳтларга илиб қўйишимиз, қушларнинг туҳумларига тегмаслигимиз керак,— деб болаларга яна алоҳида уқтирилади.

Болаларга қўшимча қўйидаги топишмоқни айтиш мумкин:

Зув-зув боради,
Томдан қарайди.
Чўп-лой чўқийди,
Сават тўқийди.

(Қалдирғоч)

Машғулот охирида болаларга қўйидаги саволлар берилади:

1. Баҳорда қайси қушлар учиб келади?
2. Қушларнинг бизга қандай фойдаси бор?
3. Биз қушларга қандай ёрдам берамиз?

Ҳашаротлар. Март ойида кўпгина ҳашаротлар пайдо бўлади. Ерда ялтироқ қурт, қарсилдоқ қўнғиз ва бошқалар пайдо бўлади. Улар ўсимликларнинг асосий илдизларини кемириб, уларга катта зарап келтирадилар. Бу каби ҳашаротлар айниқса тут дараҳтларининг илдизларига зарап етказади.

Март ойининг бошларида, кунлар исий бошлаши биланоқ асаларилар ўз уяларидан учиб чиқадилар.

Асаларилар катта-катта оила бўлиб яшайди.

Баҳор кунларида ўсимликлар ва дараҳтлар ёппасига гуллаётганда асаларилар оиласи тез ривожланади, улар гулларга қўниб нектар йигади ва шу билан бир қаторда кўп асал йигилади. Болаларга Н. Павлованинг «Топилма» ҳикоясини ўқиб бериш мумкин. (1- иловага қаранг.)

Асалариларнинг ўсимликларни чанглатишда аҳамияти катта.

Болалар билан мевали боғларга, гуркираб кўкариб, туллари очилиб ётган яйловга (ўтлоқقا) эккурсияга чиқилганда кўплаб асалариларнинг ўрик, шафтоли, олчи, гилос ва бошқа ўсимликлар гулидан гулига қўниб юрганлигини кузатиш мумкин. Болалар асалариларнинг ғувиллашини эшитадилар. Шунда тарбиячи болаларга Қуддус Муҳаммадийнинг қўйидаги шеърини ўқиб бериши мумкин:

Ғув-ғув учар болари,
Дув-дув учар болари.
Гулдан-гулга қўнишиб
Шарбат ичар болари.
Болари, ҳой болари,
Ғув-ғув нағманг чал, ари!
Боғчамиизда яирашиб,
Учиб ўйин сол, ари!
Сен қадрдои дўстимиз,
Асални еб ўсдик биз.
Ясаб берай сенга қути,
Боғчамиизда қол ари!

Шундан кейин болаларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қиласди:

1. Мен нима тўғрисида шеър ўқидим?
2. Нима учун боларилар гулдан-гулга қўниб юрар экан?
3. Асалари бизга қандай фойда келтиради?
4. Улар қаерда яшайди?
5. Уларга қутиларни кимлар ясаб беради?
6. Сизлар яна қандай фойдали ҳашаротларни биласиз?

Кейин тарбиячи асалари тўғрисида топишмоқ айтади:

Виз-виз, виз-виз,
Учамиз, қўнамиз.
Гулдан-гулга қўчамиз,
Гул шарбатин ичамиз.
Қани, тонинг, ким биз?

Март ойларида ҳовузлар тагидан сузғич қўнғизлар, сувсевар қўнғизлар сув юзига чиқадилар. Сузғич қўнғизнинг танаси барг ранг қора тусда ва танаси атрофида сарик ҳошия бор. Уни ушлаш керак эмас, қўлни тишлиб олади. У хом гўшт ва чувалчанг ейди.

Сувсевар құнғизнинг ранги қора ёки құнғир бүлади. Үсимликлар билан овқатланади. Уларни кузатиш учун сұзғыч ёрдамида тутиб келиб аквариумга солиши мүмкін.

Болалар билан аквариумдаги құнғизни, балиқчаларни кузатиб, уларнинг үхаш томонини топиш ва фарқлашга ўргатиши мүмкін. Масалан, балиқ ҳам, құнғиз ҳам сувда яшайды, балиқ танаси тангачалар билан қолланған, құнғизларда эса қанот бор. Балиқ сұзғыч қанотлари ёрдамида, құнғиз эса орқа оёқлари ёрдамида сұздади. Бундай түшүнтиришли кузатиш болаларда сув ҳайвонларига нисбатан катта қызықиши уйғотади. Уларда синчковлик, кузатувчанлик каби хислаттар шаклланади.

Кечқурунлари катта, жигар ранг март құнғизларини күриш мүмкін. Бу құнғизлар бизнинг бөгөн да дараҳтларнинг ёш баргларини еб құяды. Кечқурунлари яна ҳавода учеб юрган күршапалакларни кузатиш мүмкін. У қоронғида ҳам жуда яхши күради ва күплаб құнғиз, капалак, чивинларни тутиб ейди. Қундузи ухлайды. Бу фойдалы ҳайвонни асраш керак. Шундан сұнг А. Кликовнинг «Қимдан фойда, кимдан зиён» ҳикоясини үқиб беринг. (1- иловага қаранг.)

Март ойда құрбақалар, чүлбақалар сингари сувда ва қуруқлиқда яшовчи ҳайвонлар сайрай бошлайды. Құрбақалар сув ҳавзалари, анқорлар, ариқ ва ҳовузларда яшайды. Чүлбақалар деворларнинг ковакларыда, ариқлардаги күпrikлар остида, боғларда, әқинзорларда ва далаларда яшайды.

Құрбақа сувда яшовчи жониворлар билан: сузувчи ўргимчак боласи, сувсевар құнғиз, нинахи тухумлари, шунингдек сув үсимликлари билан овқатланади.

Чүлбақалари учмайдиган ҳашаротларни овлайды, шунингдек, паشا, чивин тухумлари, құнғизлар ва уларнинг тухумларини, үсимликларнинг илдизини кемирадиган құртларни, карам баргларини, помидор баргларини кемириувчи ва фұза чаноқларини заарловчи құртлар, ёмғир чувалчангларини ейди.

Тарбиячи болалар билан құрбақа ва чүлбақалар устидаги кузатиш ва сұхбатлар олиб боргандар бу маълумотлардан болаларни хабардор қиласы да болаларни уларни асраб-авайлашга қақиради.

Март ойда тошбақалар, калтакесаклар, илонлар сингари судралиб юрувчилар ҳам уйғонади.

Тошбақанинг ранги косасининг ранги каби: сарғишиң құнғир тусда бұлади, бармоқлари орасида парда бор. Думи қисқагина бұлиб, учлари үткір.

Тошбақалар сувга мұхто ж бұлмайды, чунки улар учун ейдиган үсімликларидаги сувнинг үзи етарли. Тунлари үз уяларига кириб кетади, улар үз уяларини новдаларнинг тагига шунингдек, үнқир-чүнқир ерлардан көвлайди. Тошбақалар эрта сақарда ёки кеч кириши олдидан үтлайди. Тошбақалар ялпиз, күк үт ва бошқа үсімликлар билан овқатланади.

Тошбақаларни терраиумларга жойлаштириб, болалар билан уларни парвариш қилиш — үт олиб келиб бөкіш ва уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш мүмкін.

ТОШБАҚА БИЛАН ҚУРБАҚАНИ СОЛИШТИРИШ

Дастурнинг мазмуні. Болаларни тошбақа ва қурбақанинг ташқи хусусияти, белгилари, шунингдек, қаерда яшаши, нима билан овқатланиши, инсонға келтирадиган фойдаси, үзини душмандан ҳимоя қилишиб тұғрисидаги тасаввурларини аниқлаштириш, мустахкамлаш ва кенгайтириш, ҳайвонларни асраб-авайлаш ҳиссини тарбиялаш.

Машғулотта тайёр гарлик. Шиша банкага солинган қурбақани ва қутидан тошбақани ҳамма болаларга яхши күринадиган қилиб стол устига қўйилади. Ва ҳар бири учун ейдиган овқатидан (қурбақага чивин, қўнғизчалар, тошбақага кўк үтлар, ялпиз) тайёрлаб қўйиш.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи болаларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қиласади.

1. Стол устида қандай ҳайвонларни кўряпсизлар?
2. Кўриниши қанақа?
3. Қаерда яшайди?
4. Нима билан овқатланади?
5. Душманларидан үзини қандай ҳимоя қиласади?
6. Тошбақа тұғрисида ким билганини айтиб беради? (Болаларнинг жавобларини тарбиячи аниқлаштириб, тўлдиради.)
7. Қурбақа тұғрисида нималарни айтиб бера оласизлар? (Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқлаштириб тўлдиради.)

Энди қурбақа ва тошбақани диққат билан кузатиб бир-бирига солиширинглар. Улар нималари билан бир-бирига ўхшайди ва нимаси билан фарқ қиласади?

Тарбиячи 2—3 болани чақиради. Улар ўхшаш ва фарқини гапириб беради. Болалар эътиборидан четда қолган томонларини тарбиячи ўзи тўлдиради. Шундан кейин болаларнинг жавобларини якунлайди.

Худди шундай машғулотларни тошбақа ва типрати-кан, балиқ ва қурбақа, ипак қурти ва карам қурти, қўй ва эчки, от ҳамда сигир ва ш. ў. билан ҳам ўтиш мум-кин.

Болалар билан ҳовлиларда, кўчаларда юрганда тез чопиб кетаётган илон қуйруқларни учратиш мумкин. Улар пашша, қўнғиз, капалак, кана ва ўргимчакларни ейди.

Тошбақа, сариқ калтакесак ва бошқа ҳайвонлар каби илонқуйруқларни ҳам табиат бурчагидаги терра-риумларга жойлаштириб парвариш қилиш ва кузатиб бориш мумкин. Улар заарсиз (тишламайди), кишига осонгина ўрганади. Илонқуйруқлар қўнғизчалар, шил-лиқ қуртлар, ёмғир чувалчанглари, сувараклар билан овқатланадилар.

Калтакесаклар қишлоқ хўжалиги учун ҳам фойда-лиdir, улар қишлоқ хўжалиги заараркунандаларининг катта қисмини қириб ташлайди.

Март ойининг охирида девор ёриқларидан кичкина кулранг калтакесак чиқади. Улар кун бўйи девор ко-вакларида ётади, қуёшли кунларда исинади. Қечки соатда болаларга Г. Ганейзернинг «Қандай ҳайвон ўз уйини елкасида кўтариб юради?» ҳикоясини ўқиб бе-ринг (1-иловага қаранг).

Апрель ойида ҳарорат гоҳ кўтарилиб, гоҳ бирда-нига пасайиб кунлар совиб кетиши мумкин. Айрим ҳол-ларда совуқ тушиб, қор ҳам ёғади.

ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИНИ ҚУЗАТИШ

Апрель ойида деярли барча дараҳтлар барг чиқара-ди. Дуб ва шумтол ҳамма дараҳтлардан кейин кўкара-ди. Ёнғоқ, дуб, тол сингари дараҳтлар гултуда чиқара бошлайди, заранг дараҳтининг гуллари кулранг ва кўк-сариқ тусда бўлади, шумтол дараҳтида эса майда гул косалари бўлади; акацияда — чўп шаклидаги оқ, хуш-бўй гуллар очилади; гледичия дараҳтида эса кўримсиз, майда, сариқ гулчалар очилади.

Данакли ўсимликлардан шафтоли, олча, тоғолча, ол-хўри биринчи бўлиб (апрелнинг биринчи ярмида) гул-лайди; кейинчалик мевасининг ичида уруғи бўлган да-

рахтлардан: олма, нок, беҳи (апрелнинг иккинчи ярмидан) гуллайди.

Апрель ойида сирень-настарин, жасмин, бульонеж сингари бута ўсимликлари гуллайди. Даражтларнинг ўйғониши об-ҳавога боғлиқ. Даражтаб ўрик, шафтоли сингари дараҳтлар гуллайди, кейин барг чиқаради. Олча, тоғолча, олма, нок, олхўри, беҳи кабилар аввал барг чиқарип кейин гуллайди.

Бундай вақтда болалар билан гуллаб турган боқقا, гулзорга экспурсия уюштириш болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Болалар ўрик, шафтоли, олча дараҳтларининг гулларининг ҳажмига, гулбаргларининг сони ва рангига қараб тезда ажратадилар ва эсларида узоқ вақтгача сақланиб қолади. Бу дараҳтлар нима учун гуллагани, гулларидан мевалар ҳосил бўлиши, шунинг учун гулларни узмаслик, шохларини синдириласлик тушунтирилади. Уларнинг меваларини кишилар қай ҳолда истеъмол қилиши тўғрисида болалар билан суҳбат тариқасида гаплашиб олишлари керак.

Бу пайтда саҳроларда, тоғ бағирларида лолақиз-ғалдоқ ва лолалар чамандек очилади. Биронта лоланинг пиёзини ковлаб олиб, унинг ўтган ўйл тупроқ тагида қолган мана шу пиёздан униб чиққани, агар шу пиёзи қолмагандан, бошқа лола чиқмаслиги, шунинг учун очилиб турган ёзвойи гулларни ҳам беҳуда юлмаслик лозимлиги болаларга тушунтирилади.

Апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида жийда дараҳти кумушсимон барглар билан қопланади. У кучли хушбуй ҳид таратувчи сариқ гуллар чиқаради.

Ҳашаротлар. Апрель ойида турли қўнғизлар: тиллақўнғиз (яшил рангли кичкина қўнғизча), тутхўр қўнғизлар (кatta ёшдагиларда ҳаво ранг ва кичик ёшлирида сарғиши доғлари бўлган кичкина қўнғизча), мева қўнғиз (яшил белгили, қанот осталарида олтинсимон чуқурчаси бўлган қўнғиз) лар пайдо бўлади.

Бу даврда жуда кўп ўсимликлар гуллагани сабабли гуллар устида кўплаб асалариларни, ҳовуз четларида, ариқ қирғоқларида учиб юрган кўплаб ниначиларни учратиш мумкин.

Қушлар. Апрель ойида зарғалдоқ, булбуллар, мойқутлар, кўршапалаклар, лайлаклар, кўк қарғалар, чивинхўрлар, каккулар учиб келади. Ўлар ҳаммаси уя қуриб тухум босади.

Уй паррандалари. Товуқлар, ўрдаклар, фозлар ҳам бу пайтда тухум босади. Улардан жўжачалар чиқади.

Баҳор қуёши кўлмак сувларини илитиши биланоқ чўлбақалари ва қурбақалар қора рангдаги тухумларини (икра) қўяди. Улар ипсимон бўлиб, сувости ўсимликларига ёпишган бўлади.

Бир неча кундан кейин уруғлардан катта қурбақаларга ўхшамаган қурбақачалар (итбалиқлар) чиқади. Секин-аста уларнинг думчалари қисқара бориб қурбақага айланади ва думи батамом йўқолади. Бақаларнинг икраларидан олиб келиб, болалар боғчасининг бурчагидаги аквариумга солиб, унинг ичидаги ҳароратни 20—25 даражагача кўтариб, қурбақанинг ривожланишини болалар билан кузатиш мумкин. Болалар бу каби ҳодисаларни зўр қизиқиш билан кузатадилар.

Апрель ойида ҳаво яхши келганда типратиконлар уйқудан уйғонади. Типратиканлар ҳавзаларда, тоғли районларда ва боғларда яшайди. Улар қоронғи тушгандан тонг отгунча далалар, боғлар, соябон дарахтлар тагида дайдиб юради. Улар ҳашаротлар, калтакесаклар, илонлар ва сичқонларни, чигирткаларни тутиб ейди. Гоҳо-гоҳо ўсимликларни ҳам ейди. Типратиканлар сузишни билади. Типратиканларни террариумларда сақлаш мумкин. Уларни ҳар хил ҳатто қолган овқатлар билан ҳам боқиши мумкин. Типратиканлар сичқонлар, суваракларни қириб ташлайди.

Бу даврга келиб уй ҳайвонлари — сигир, эчки, қўй ва бошқа ҳайвонлар ҳам болалайди.

Кишилар меҳнати. Апрель ойида колхоз ва совхоз далаларида чигит экинш бошланади. Чигит асосан чопиб, тайёрлаб қўйилган ерларга чигит экиш машиналарида экиласди.

Шунингдек, далаларга маккажўхори, оқжўхори ва кунгабоқар экиласди, ҳайвонлар учун ембор ўтларнинг уруғи ҳам сепилади. Ймкони бўлса катталарнинг бу хилдаги меҳнатлари кузатилиб, катталарнинг меҳнати, улар нима учун бундай меҳнат қилишаётгани устида сұхбат ўтказилади.

Хиёбонларга, боғча майдончасига жонли деворлар экиласди. Қашқаргул, хина, чиннигул, жасмин ва бошқа ҳамда гулзор гулларининг уруғлари сепилади ҳамда катта (қўқонгул ва б.) гулларнинг кўчватлари ўтказилади. Картошкагул, лола ва бошқа гулларнинг ўтган йил олиб қолинган пиёzlари ўтказилади.

Бундай ишларни бажаришда болалар ҳам қатнаштирилади.

Май. Май ойида ҳам Ўзбекистонда об-ҳаво күпинча беқарор бўлади. Баъзи кунлари ҳарорат 25 дара-жагача кўтарилади. Баъзан момақалдироқ бўлиб, кучли ёмғир ва дўл ёғади. Натижада полиз ва дала ўсимликларига жуда катта талафот етказади.

Ўсимликлар ҳаётидаги ўзгаришлар. Май ойида бульдонеж гуллайди. Гулсафсарлар очила бошлайди. Узум, жийда гуллайди, олча, гилос, эртапишар ўрик пишади.

Ҳашаротлар. Май ойида ҳар хил рангдаги капалаклар; лимон капалаги, карам капалаги, қичитқи ўт капалаклари ва бошқалар пайдо бўлади. Матрап ёрдамида капалак, ниначиларни тутиб, уларни яхши кўриб олиш учун шиша банкаларга (қисқа вақтга) солиб қўйиш мумкин. Улар кузатиб бўлингач, чиқариб юборилади. Ёз кунлари сув олдида болалар билан учиб юрган ниначиларни кузатиш жуда мароқли. Болаларга уларнинг фойдаси тўғрисида гапириб беринг. Улар чивинларни ва бошқа майда ҳашаротларни тутиб еб фойда келтиради. Болалардан, учиб юриб ҳашаротларни тутиб ейдиган яна қандай ҳайвонларни биласиз деб сўранг (қалдирғоч, узун қанот). Капалакни кузатаётib тарбиячи болаларга қўйидаги топишмоқли шеърни айтиш мумкин:

Гулзорда бир гул кўрдим,
Япроқлари ялтироқ.
Узмоқчи бўлган эдим,
Учиб кетди у шу чоқ.

(Капалак)

Кейин тарбиячи К. Ушинскийнинг «Карам капалаги» ҳикоясини ўқиб беради (1-иловага қаранг). Экин майдонларида сассиқ қўнғиз, гўрков қўнғиз, хон қизи пайдо бўлади. Сакровчи чивинлар учиб чиқади. Хон қизи ўсимликларнинг зааркунанда шираси, ўсимлик бити билан овқатланиб катта фойда келтиради. У ўзидан сариқ суюқлик чиқаради. Бу суюқлик уни душманлардан сақлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Агар табиат бурчагидаги ўсимликларга бит-ўсимлик шираси тушган бўлса, хон қизидан қутичаларга териб келиб ўсимликларга ўтказилса, қўнғизлар ўсимлик битларини жуда тез еб ўсимлик баргларини тозалаб қўяди.

Май ойида зааркунанда ҳашаротлар пайдо бўлади: гунафша тусли қалқондор ўрик ҳамда олча филчаси, нок, шира бити, олма канаси, қон бити, қалқондор қуртлар. Имкони бор жойларда буларни кузатиб, келтираётган зарарини болаларга кўрсатиш ва ўсимликларни улардан ҳимоя қилиш воситалари тўғрисида сўзлаб бериш керак. Кейин Ганейзердиннинг «Қўринмас чигиртка» ҳикояси ўқиб берилади (Иловага қаранг).

Ҳашаротлар келтирадиган зарарни май қўнғизини кузатиб бориб кўрсатиш мумкин. Қўнғизларнинг дарахт барглари орасидан топиш осон. Қўнғизлар кўрилаётганда улар еб битирган баргларга эътибор жалб этилади, тупроқда бўладиган қўнғиз личинкасини келтириб унинг зарари тўғрисида сўзлаб берилади.

Ҳашаротларнинг зарари ва ривожланиши кузатилади. Махсус тайёрланган ёки тайёр жойга капалак қурти, карам қурти личинкалари жойлаштирилади. Уларга ҳар куни қичитқи ўт, карамнинг янги барглари ташлаб турилади, капалак қурти уларни еб, баргларни юпқалаштириб қўяди, барглар қовжираб хашакка айланади. Капалак қурти қўғирчоққа айланиб, улардан капалаклар пайдо бўлади. Улар барглар орқасига яна ўз тухумлари — личинкаларини қўяди.

Тарбиячи ҳар бир сезиларли ўзгаришдан кейин болаларга кузатишни таклиф этади ва юз берган ўзгаришни сўз билан ифодалашга ўргатади.

Ўзбекистонда пиллачилик кенг ривожланган даромад манбаи бўлиб, бу тўғрисида болаларга маълумот берib бориш ва катта гуруҳдан бошлаб бу ишда қўлидан келган меҳнати билан қатнашишга жалб қилиб борилади.

Ипак қуртлари апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида жонлана бошлайди. Ипак қурти бешта яшаш босқичини ўтайди. Уруғлардан янги чиққан қуртчалар биринчи ёшда кесилган барг ейдилар (тут баргини қайчи билан майдароқ қилиб қирқиб, қуртчалар устига бир хилда юпқа қилиб солинади). Кесилган ортиқча барглар иккинчи марта берилмайди, чунки суви қочиб тезда бузилиб қолади. Агар барг ортиб қолса, унинг устини тоза ҳўл латта билан ёпиб қўйиш лозим. Бу ёш 42 соат давом этади. Иккинчи ёшга ўтганда қуртчаларнинг сўридаги тўпланиб қолган ахлатлари тозаланади. Бунинг учун ишак қуртларининг устига барг солинади ва ҳамма қуртчалар янги барг устига

ўрмалаб чиқишгач, уларга ўша барглар билан янги жойга кўчирилади.

Ипак қурти учинчи ёшга (59 соат давом этади.) ўтганда тут барги майдаланмай солинади.

Ипак қурти тўртинчи ёшга ўтганда (74 соат давом этади) тут дараҳтининг барглари майда шохчалари билан солинади. Бу шохчалар навбатма-навбат қуртлар устига узунасига ва кўндалангига жойлаштириб қўйилади.

Ипак қуртлари бешинчи (1 ҳафта) ёшнинг 5—7-кунлари овқатланишдан тўхтайди ва пилла ўраш учун жой қидира бошлайди. Шунда улар устига пилла ўрашлари учун маҳсус қуритилган ғана ўт солинади ёки майнин шохчалар ташланади.

Пилла ўраб бўлгач, қуртлар пилла ичидаги ғумбакка айланади. Кейинчалик бу ғумбаклардан капалакнинг тана аъзолари пайдо бўлади. Капалак 10—14 кундан кейин пиллани тешиб учиб чиқади. У овқатланмайди ва ўсмайди. Унинг асосий вазифаси тухум — уруғ қўйиш. Она капалак тухум қўйгач (500—600 тагача), ўзи ўлади.

Катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болалари тарбиячи раҳбарлигида гуруҳ хонасининг табиат бурчагида ипак қуртини бирон бир кичкина (печенье ёки конфет) қутида дастлабки ёшидан бошлаб то тухум қўйгунча парвариш қилиб кузатишлари мумкин.

Бу болаларга ақлий, ахлоқий меҳнат тарбияси бериш вазифасини амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласиди.

Май ойининг ўрталарида (тут қўнғизлари) узунчоқ, кулранг қўнғизлар уча бошлайди. У заарли бўлиб, тут дараҳтининг зааркунандаси ҳисобланади. Улар ўсимлик илдизини қирқади. У кечки пайт тут дараҳтларининг шохлари ва ёриқ жойларига ўрмалаб чиқиб тухум қўяди.

Кишилар меҳнати. Экин майдонларида помидор ва бошқа сабзавотларни эшик ишлари давом этади. Тарвуз, қовун, қовоқ сингари полиз экинлари экилади. Ўзага ишлов берила бошланади, беда ўриб олиниди, бошқа экинлар суғорилади, ишлов берилади. Токларни касалликдан сақлаш (узумга кул тушиб, ёрилиб, чириб кетмаслиги) учун олтингугурт чанглатиб сепилади. Хомток қилиб турилади.

Токзорни ана шундай парвариш қилиб турилса,

узумдан мұл ҳосил олинади. Бундай ишларга болалар нинг эътибори жалб қилиниб, катталарнинг меҳнати болаларга тушунтириб берилиши зарур.

Мевали боғларда ҳам зааркундаларга қаршы кураш олиб борилади. Бу ишларни ҳам иложи бор жойларда кузатиш ва тарбиячи болаларга тушунтириб бориши керак.

Боғча майдончасида болалар тарбиячи раҳбарлигиде ерни қайта чопади, әгат ва пушталар очилади, сабзавот ва манзарали ўсимликларнинг уруғи сепилади ва экилади. Пушталарга райхон, жамбил, шойи ўт, дұхобагул, құқонгул, чиннигул, итоғиз ва бошқа гуллар экилади.

Әгат ва пушталарга қараб туриш (суғориши, тупроқни юмшатиши, ўтоқ қилиши) учун болалар гуруҳчаларга (ұар бир гуруҳда 2—3 нафар бола) бўлинади ва ұар бир гуруҳ ўсимликни парвариши қилиш бўйича аниқ вазифа олади. Парвариш қилиш жараёнида ўсимликларни кузатиб уларнинг ўсиши ва ривожланиши натижасида юз берадиган ўзгаришлар (браглари сонининг ортиб бориши, поясининг ўсиши, новдалари сонининг кўпайиши, фунча, гул, мева тузиши) пайдо бўлишига алоҳида эътибор борилади, кейин бу ҳодисалар кундалик дафтарга ёзиб борилади.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳаво ҳароратига, ернинг намлигига, уларни парвариш қилишга боғлиқ эканлигига болаларнинг диққат-эътибори жалб этилади.

Ҳар ойнинг охирида болалар билан бирга об-ҳаво календари кўриб чиқилади, очиқ, қуёшли кунлар, куннинг узайиб бориши аниқлаб борилади.

Қушлар (2- илова.) Май ойида қизил зағчалар учиб кела бошлайди. Қаккуларнинг сайрашлари эшитилади, қизилиштонлар, лайлаклар, сассиқпопишаклар, кўккарғалар, қалдирғочлар тухум қўя бошлайди.

Қалдирғочларни уйларнинг шипларига уя ясаётганини кузатинг ва қуйидаги топишмоқли шеърни ўқиб беринг:

Уйнинг шифтида ини,
кўйлаб берар ҳар куни
Баҳорда кутиб олиб
кузатамиз биз уни.

Қакку ўз тухумини бошқа қушларнинг уясига құя-
ди. Қакку уяга тухум құйилғандан аввал уя әгасининг
біттә тухумини олиб ташлаб кейин ўзининг тухумини
құяды. Шундай қилиб уядаги тухумларнинг сони ўзгар-
май қола беради. Шу билан қаккунинг ўз насли ҳақи-
даги ғамхұрлығы тугайды.

Имкони бұлса қаккунинг тукли яшил құртни чүқиб
кетаётганини кузатинг, бу заарали ҳашшарот эканлиги,
у эса қаккунинг емиши эканлигини ҳам тушунтириңг.

Қаккулар бошқа қушларға нисбатан бир сутка ил-
гари тухумларни очиб чиқадилар, тухум пүстлөгіни уя-
дан чиқариб ташлаб ўzlари қоладилар. Улар уядаги
бошқа қушчаларға мутлақо ўшамайды, бироқ она
қушлар ўз болалари сингари уларни ҳам муҳаббат
билан парвариш қиласверади.

Май ойининг ўрталарида қушчалар тухум очиб чиқа
бошлайды.

Болалар боғчасидаги ёки боғчага яқын ерга жойла-
шиб қолған қушларни мунтазам кузатиб бориш мум-
кин. Қушлар бола очиш даврида тез-тез ва узоқ сай-
райди. Ёш чумчуқлар, зағчаларнинг болалари чийил-
лайды, жарқалдирғочлар овоз чиқариб учиди юради.

Болалар уларнинг овозига қулоқ соладилар ва қуш-
чаларни күрсатиши илтимос қиладилар. Болаларни
3—4 қүшнинг сайрашини фарқлашға ўргатиш мүмкін.
Улар әътибор билан тинглаганларida катта читтак,
чуғурчук, қызилтүш, қалдирғочнинг вижирлашиб сай-
рашини фарқлай оладилар.

Қушлар полапонларни боқиши учун 15—30 минут
ичида (вақтни тарбиячи белгилайди ва ҳисоблайди)
уларга неча марта овқат ташиб келишини кузатинг.

Тарбиячи болалар билан қушларни кузатаётгандан
улар диққатини қушларнинг чиройли сайраб одамлар
дилини хүшнуд қилиши, уларнинг ёқимли овози қувонч
ва ҳузур бағишлишини қайд этиш билан бирга ўсимлик-
лар учун жуда фойдалы эканлигини ҳам болаларға га-
пириб беради.

Шароит бұлса товуққа жұжа очириш учун тухум
бостириш мүмкін. Болалар учун кичкінші момиқ жұ-
жалар пайдо бўлишини кузатишдан ортиқ қувонч йўқ.
Бу болаларнинг она товуқни, ундан кейин эса уннинг
жұжаларини узоқ ва чидам билан парваришлишга қи-
зиқишини уйғотади.

БОҒЧА ҲОВЛИСИГА ОБЗОР ЭКСКУРСИЯ

Экскурсиядан мақсад. Болаларни баҳорнинг белгилари (осмоннинг тиниқлиги, ҳавонинг илиқлиги, қуёшнинг баландлашганлиги, ўтларнинг ям-яшил бўлиб ўсиб ётгани, мевали ва манзарали дараҳтларнинг чамандай гуллаб, ҳар томонга ҳушбўй ҳидларни тара-таётгани, уруғлардан ўсимликлар униб чиқа бошлагани; ҳашаротлар — қўнғиз, капалакларнинг жонлангани; қушлар — какку, сассиқпопишак, булбул, қорақарға, чуғурчуқ, жиблажибон ва бошқа қушларнинг учиб келиб инлар ясаб, тухум қўяётгани, айримларидан болалари тухумни ёриб чиққанлиги тўғрисидаги билимларни текшириш ва системага солиш; ҳароратнинг кўтарилиши, куннинг узайиши, ўсимликлар ўсиши билан ҳашаротларнинг пайдо бўлиши, қушларнинг учиб келиши ва бошқалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ўргатиш; болаларда эстетик ҳис этишни — баҳор ҳавосининг мусаффолиги, ёрқин баҳор қуёши, ям-яшил ўт-ўланларни идрок этиш билан боғлиқ бўлган қувонч ҳиссини орттириш.

Экскурсияга тайёр гарлик. Экскурсия олдидан тарбиячи болаларга қўйидаги топишмоқли шеърни ўқиуди.

Яшнар кўк майса
Эҳ, қандай маза!
Кўкда кун кулар
Ўриклар гуллар.
Колхозчи дечқон
Экар, чигит, дон,
Қувнай-қувнай юрт,
Боқар ипак қурт.
Қуш, учар пир-пир,
Гоҳ қуяр ёмғир.
Билсанг айт Сайд,
Бу қайси фasl?

Болалар жавоб берадилар.

«Сизлар баҳордаги ўзгаришлар тўғрисида яна нималарни айтиб бера оласизлар?» (Болаларнинг жавоблари.) Тарбиячи болаларнинг жавобларини аниқластиради ва тўлдиради.

Ёки экскурсия олдидан Уйғуннинг «Баҳор» шеърини ўқиб бериши мумкин:

БАХОР

Осмон тиниқ, кўк шоҳи
Оқ булат кезар гоҳи
Гулларга кўмилади
Қандак ўрикнинг шоҳи.
Боғбон чиқар боғига,
Чўпон кетар тоғига.
Боларилар гувиллаб,
Кўнар гул япроғига.

Күшлар учиб келади
Шамол ғир-ғир елади.
Куёш гуллар юзини
Шуълаларга белади.
Сувлар шилдираб оқар,
Қўшиғи дилга ёқар,
Бизга шодлик келтирдинг,
Салом сенга, гул баҳор!

— Мен сизларга йилнинг қайси фасли тўғрисида шеър ўқиб бердим? Баҳорда она ўлкамизда қандай ўзгаришлар юз берар экан? Баҳор тўғрисида яна нималарни айтиб бера оласиз? (Болаларнинг жавоблари.) Тарбиячи болалар жавобини аниқлаштиради, тўлдидиради.

— Биз сизлар билан ҳозир боғчамиз ҳовлисига чиқиб (парк ёки хиёбонга) баҳор белгиларини топамиз.

Экскурсиянинг бориши. Тарбиячи болалардан табиатда нималар ўзгарганлигини, нима учун баҳор келди деб ҳисоблаш мумкинлигини айтишини сўрайди ва шундай қўшимча саволлар беради. «Осмоннинг ранги қандай?», «У қишида ҳам шундай рангда эдими?», «Қуёш баланддами ёки пастда турибдими?», «Қишида қуёш шундай иситадими?», «Нималар ўзгарган?», «Катталар ва болалар қандай кийинишган? Нима учун?». Баҳорнинг «шивир-шивири»ни эшитиш, қушларнинг номини айтиш тавсия этилади. Қандай ҳашаротлар кўпайиб қолганини, уларнинг қайсилари фойдали (ипак қурти, асалари) ва қайсилари зааркундана (март қўнғизи, май қўнғизи ва б.) сўралади. Кейин болалар тарбиячининг топшириғи билан баҳорнинг ҳали айтилмаган белгиларини излайдилар (экинзор, гулзор, майсазор, дараҳт ва буталардан).

Болалар майса, ўтлар, гуллаб турган мевали ва манзарали дараҳтларнинг, уруғларидан униб чиққан баҳорги сабзавотларнинг (пиёз, редиска, укроп, кашнич, петрушка ва б.) баргларини, очилиб турган наврӯз гулларини, ҳашаротлар, қайта чопилган эгатларни, уяси ёнида сайраётган чуфурчук ва бошқаларни кўриб чиқадилар.

Экскурсия охирида, тарбиячи нима учун ўт-ўланлар туркираб ётгани, айрим новдалар барг ёзгани, айрим-

лари чаман бўлиб гуллаб тургани, қушлар турли хил сайраётганлари, учиб келган қушларнинг учиб келиш сабабини ўйлаб кўришни айтади. Болалардан баҳордан хурсанд ёки хурсанд эмасликларини, катталар ва болалар баҳорни нима учун севишларини сўрайди. Болалар баҳор ҳақида билган шеър ва ашуналарини айтадилар.

Е3

Июнь ойида қуёш янада баланд кўтарилади. Ҳарорат 20—30 даражада бўлади. Бу ойда ҳаво асосан мусаффо бўлади. Ёмғир камдан-кам ёғади, кўпинча момакалдироқ бўлади. Баъзан ҳатто дўл ёғади.

Ўзбекистонда ҳақиқий ёз май ойидан бошланади. Ёз меваларининг етилиши билан алоҳида ажralиб туради.

Ёзда болаларни табиат билан таниширишнинг асосий формаси экскурсия ва мақсадли сайрлардир. Бунда болаларнинг табиат ҳақидаги тасаввурлари бойийди, кузатувчанлиги ортади, табиатни эстетик идрок қилиш чуқурлашади.

Ўсимликлар дунёсини кузатиш. Болалар боғчаси участкасида, табиат бурчагида, полиз ва гулзорлардаги, хиёбонлардаги, боғ ва далалардаги, пайкаллардаги ўсимликлар устида кузатиш олиб борилади. Боғларда ўрик, олча, эртапишар олма ва ноклар пишиб етилади.

Июнь ойида гладиолус, аждарофиз, чинни гул, картошкагул, канда, хушбўй тамаки, мойчечак, флокс, петуний, тизигул, семизўт ва бошқа боғ гуллари гуллай бошлайди.

Июнь ойининг учинчи ўн кунлигига фўза гуллай бошлайди. Тарбиячи болалар диққатини ўсимликлар гулининг эрталаб очилишига (момоқаймоқ, бойчечак, лола ва б.), кечқурун эса ёпилишига қаратиши керак, кунгабоқар, пахта ўз гулини кун бўйи қуёш томонга ўгиради. Наъматакнинг гули ҳам доим қуёшга қараб туради. Номозшомгул эса кечқурун очилади.

Тарбиячи М. Зайнитдинованинг «Жўжалар» ҳикояси асосида тупроқнинг бутун жонзот ҳаётида тутган ўрни тўғрисида суҳбат ўтказиши мумкин (1- иловага қаранг).

Қушлар. Қушларнинг овозлари ҳар томондан жаранглаб эшитилиб туради. Айниқса булбул кўп сай-

райди. Тухумларидан янги очиб чиққан полопонларини она қушлар зўр ғамхўрлик билан боқадилар. Қушларнинг болалари уяларидан тушиб кетса, уларни уяларига солиб қўйиш керак. Қуш болаларини табиат бурчагига олиб келиб бўлмайди. Улар жуда серҳаракат, очликдан ўлиб қолиши мумкин.

Ҳашаротлар. Қўнғизлар, пашшалар, асаларилар тез-тез гулдан-гулга қўниб туради. Улар гуллардан нектар ва чанг йифади.

Капалаклар ҳам гулдан-гулга қўниб учиб юради. Баргларнинг қуий қисмларида ҳашаротларнинг игналари изини болаларга қўрсатиш мумкин, улар баргларнинг шарбатини сўриб олади.

Салқин тунларда гуллар ичида майдада ҳашаротларни учратиш мумкин. Улар тунда гуллар ичида исинадилар ва тухум қўядилар. Чиннигулларнинг гулкосаларида тунги капалакнинг тухумларини топиш мумкин.

Июнь ойида итбалиқлар ёш қурбақачага ва чўл бақаларга айланади. Чўл бақачалари қирғоқдаги майдонларга ва боғларга жойлашади.

Июнь ойида туялар ҳам туғади. Ёш бўталоқ одатданимжон бўлади. Дастрлаб уни маҳаллий аҳоли ўз ўтовларида сақлайди, наматларга ўраб, қуёшдан паналайди. Бўталоқ бир оз ўсгандан кейин, у соя-салқин ерга бойлаб боқилади ва жуда эҳтиёт қилинади. Тунлари арқондан бўшатилиб, онасининг ёнида қолдирилади. Она туялар ўз болаларига жуда ғамхўр ва меҳрибон бўлади, ҳатто болаларини эмизиш учун атайин яйловлардан келади.

Кишилар меҳнати. Ёз ойида ишкомлардаги узумлар ва боғлардаги меваларни ҳар хил заарарли ҳашаротлар ва ҳашаротлар келтириб чиқарадиган касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳар хил чора-тадбирлар кўрилади. Масалан, июнь ойида боғлардаги олма ва бошқа меваларни заарланирадиган қурт капалаклар пайдо бўлади. Қуртлаган олма ерга тўкилади, унинг ичидан қуртчалар ўрмалаб чиқиб дарахт тепасига ўрмалаб чиқади ва янги тоза олма ичига жойлашиб уни ҳам кемира бошлайди, у яна тўкилади ва яна қурт ўз ишини давом эттиради.

Болалар билан ерга тўкилган олмани олиб уни қурт тешган тешикчасини кўрсатинг ва олмани ёриб ичини қурт қандай еганини ва ичидаги қурт яна янги олмани ейиш учун олма дарахтига ўрмалаб чиқиб кет-

ганини тушунтиринг. Ва имкони бор жойда олма капалакларини заарлантириш бўйича катталар олиб бораётган ишини болалар билан кузатиш ва тушунтириш керак.

Июль ойининг бошига келганда худди шунга ўхшаган, лекин бошқа хил капалаклар узумларни заарлантиради. Улар узум уруғи билан овқатланади. Капалакчалардан чиққан қуртчалар узум уруғларини, кейин эса узумнинг юмшоқ мевасини ҳам ея борадилар, улар тез-тез биридан иккинчига ўтиб ейди. Бу мақсадда узум хомтот қилинади ва олтингугурт чанглатиб сепилади. Бу ишларни ҳам болалар жуда қизиқиб кузатадилар.

Июнь ойида боғларда эртанги олма, шафтоли, олча, гилос ва ўрикларни йиғишиш ишлари бошланади.

Полизларда эртанги помидор, гармдори ва бақажонларни йиғишириш бошланади.

Болалар катталарнинг бундай йиғим-терим ишларида баҳоли қудрат қатнашадилар.

Июль ойида ҳарорат кўтарилиб, қуёш қиздира бошлайди, шунинг учун пайкалларда қовун, тарвуз каби полиз экинлари пишиб етилади.

Гулзорларда қўқонгул, тизимгул, настурция, заъфар гул, картошкагул ва бошқа гуллар очилади. Ёзулар ёппасига гуллайди ва кўсак туга бошлайди.

Апрель ойидан бошлаб, имкони бўлса, далага, полизга боққа бир неча марта мақсадли экскурсия уюштириш керак, дон ўсимликларини, пахтани, меваларни, сабзавотларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиш ҳамда катталарнинг уларни етиширишдаги меҳнатлари билан танишириш лозим. Тарбиячи болалар диққатини далаларнинг, полизларнинг катта-кичиклигига жалб этади. Болалар катталарнинг меҳнатини, меҳнат қуролларини кузатадилар, ўсимликларнинг катта-кичиклигини, баргининг ҳажми, шаклини кўриб чиқадилар, ўсимликларни фарқлашга, уларнинг номини айтишга ўрганидилар. Болалар диққати ўсимликлар шохлаб, ўсиб, барглари кўпайиб бутун дала ёки полизни қоплаб кетганига қаратилиди. Болалар далада тўрғай, бедана-нинг сайрашини мароқ билан тинглайдилар.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи мақсадли сайдлар ўсимликларни гуллаши, мева туғиши, пишиш вақтларида ўтказилади. Бунда ўсимликларни чопиқ қилиш, қўшимча озиқлантириш ҳам кузатилади.

Июль ойида болалар билан ўтлоққа мақсадли сайд

уюштирилади. Болалар диққати иссиқдан, сувсизликдан қовжираб ётган ўтларга қаратилади. Болалар билан ўтлоқнинг баҳорги кўриниши эсланади. Ҳозирги кўриниш билан солишириб сабаб натижалари аниқла-нади. (Баҳорда ҳам қуёш яхши иситарди, аммо қиздир-мас эди, тез-тез ёғиб тургани сабабли ер юмшоқ эди.) Маккажӯхорилар думбул бўлади. Болалар би-лан имкони бор жойларни айланиб юз берган ўзга-ришларни кузатиб сўз билан ифодалаш, болаларнинг ақлини иешлайди, катталар меҳнатига ҳурматни тар-биялади, она ўлка табиатининг саховатидан ғуурла-ниш ҳиссини уйғотади.

Июль ойида кўпгина чигиртка ва капалаклар кўп-лаб пайдо бўлади. Уларни кўк ўтлар, шох-шаббалар ва дарахтларнинг устида кўриш мумкин. Чигирткаларни дарахтлар барги ичидан ажратиш қийин, чунки улар яшил — ҳимоя рангida бўлади. Чигиртка орқа оёқлари билан сакрайди. Уларнинг икки жуфт қаноти ва узун мўйлови бўлади. Болалар уларнинг ҳаракатини қизи-қиб кузатадилар. Тарбиячи болаларга чигирткаларнинг ўсимликларга келтирадиган зарарини тушуниради. Кечки пайт уйларнинг деворларида калтакесакларни учратиш мумкин. Улар чириллаб товуш чиқаради. Улар капалак, чивин ва майда чивинлар билан овқатланиб одамларга, ўсимликларга фойда келтиради. Кейин тар-биячи Г. Ганейзерданинг «Қандай жонивор ўз уйини елкасида кўтариб юради?» ҳикоясини ўқиб беради. (1- иловага қаранг).

Июль ойида қушларнинг сайраши анча камаяди, уларнинг полопонлари катта бўлиб, мустақил ҳаёт кечира бошлайди. Болалар билан бўшаб қолган қуш уялари кузатилади ва полопонлар катта бўлиб учиб кетишганини тарбиячи билан биргаликда аниқлайди-лар.

Яйловда қўйлар, сигирлар, баҳорда туғилган бола-лари билан ўтлаб юради. Ҳамма ҳайвонларнинг боласи оналари олдида юришга ҳаракат қиласи. Баъзан бола-лари орқада қолса, оналари кутиб туришади. Бундай манзарани болалар билан кузатиш улар қалбида меҳр-шафқат деган инсоний ҳисларни уйғотишга ёр-дам беради.

Август ойида ҳарорат бир оз пасаяди, айниқса кечалари салқин тушиб қолади.

Айрим қушлар — кўкқарға, жарқалдирғочлар, қар-қуноқлар сингари қушлар учиб кета бошлайди.

Август ойида капалак, ниначи ва қўнғизларни ҳали учратиш мумкин бўлади.

Август ойида тошбақалар тухумдан чиқади, типратиканлар туғади. Тошбақаларнинг болалари дарров қўм остига кириб кетади ва келгуси баҳоргача ўша ерда ухлайди.

Типратиканларнинг айрим болалари ёввойи қушлар, уккилар, тулкилар учун емиш бўлиши мумкин.

Ёзда саҳроларда қўшоёқлар бўлади, улар кундузлари қўм орасига кириб ётади. Қўшоёқлар саҳро лолаларининг илдизлари, фалласимон ўт уруғлари билан овқатланади. Шунингдек, улар қўнғизлар, қуртлар, чумоли ва калтакесакларни ҳам ейди. Тарвузлар, қовоқлар, қовунларни ёриб уруғларини, бодринг, карам, кўкат ва сабзи баргларини ейди.

Қўшоёқларнинг кўпгина душманлари бор. Тулки, бўри, ит, бўғма илон, бойқушлар шундай ҳайвонлар жумласидандир. Улар ўз душманларидан бирон тешикка яшириниб сақланадилар.

Она қўшоёқ ёз ойларида 3—6 та бола туғади. Болалар катта бўлиб олгунча оналари ёнида юради.

Чўлларда, яйловларда бўрилар ҳам бўлади. Улар чорвачиликка кўп талафот келтиради.

Август ойида пахта терими бошланади. Пахтани колхозчилар, совхоз ишчилари қўллари билан ва машиналар ёрдамида териб оладилар. Бу манзарани болалар билан имкони бўлса бевосита, имкони бўлмаса, телевидение ёки расмлар орқали кузатиш керак. Кузатиш жараёнида болаларга кишиларнинг куч-ғайратлари туфайли пахтадан мўл ҳосил олиниб тоғ-тоғ пахта хирмонлари юзага келаётгани ундан кишилар учун ҳар хил зарур маҳсулотлар олиниши тушунтирилади.

Табиат билан таништириш ва унга нисбатан ғамхўрликни тарбиялаш бўйича машғулотларнинг намунавий режа конспектлари.

ҲАШАРОТЛАРНИ ҚУЗАТИШ

Мақсад. Болаларнинг ҳашаротлар хилма-хил бўлиши (дала, боғ, ўтлоқ, болалар боғчаси участкаси, кўл, ҳовуз атрофларида кўп бўладиган ҳар хил қўнғиз, капалак, ниначи, пашша, ари, асалари, чивин ва бошқаларнинг яшаси) ҳақидаги тасаввурларини умумлаштириш; болаларни қайд этиб ўтилган ҳашаротлар гурӯҳи вакилларининг аниқ белгилари (катта-кичиклиги,

ранги, танаси, айрим қисмларининг ўзига хослиги) га қараб фарқлаш ва номини айтишни машқ қилдириш, ҳашаротларнинг фойдаси (асаларининг асал йифиши, ниначи, ари, сассиқ қўнғизлар кўп ўсимликларга зарар етказадиган ҳашаротларни ейиши) ҳақидаги тасавурларини аниқлаш; «ҳашаротлар» тушунчасини шакллантириш.

Машғулотни ташкил этиш. Тарбиячининг столига сузувчи қўнғиз солиниб устига мато ёпилган аквариум, ниначи, сузувчи қўнғиз солингган қафас қўйилади, доскага ҳашаротлар тасвирланган расмлар осиб қўйилади. Болалар стол атрофига ўтирадилар.

Машғулотни ниг бориши. Болаларга расмларда тасвирланган ҳашаротларни кузатиб, номини айтиш ва уларнинг ҳар қайсиси ҳақида қўйидаги режа асосида сўзлаб бериш тавсия этилади. «Бу ҳашаротни бошқалари орасидан қандай қилиб олиш мумкин?», «У қандай ҳаракатланади (судралади, учади, юради)?», «Қаерда яшайди?», «Қандай фойда келтиради?». Саволлар, битта умумий ном билан «ҳашаротлар» деб атариб борилади.

Тарбиячи нима учун санаб ўтилган барча жониворлар, битта умумий ном билан «ҳашаротлар» деб аталишини ўйлаб, асослаб беришни сўрайди. Агар болалар қийналсалар, қўйидаги қўшимча саволларни беради: Ҳашаротлар қушлардан нимаси билан фарқ қиласди?», «Уларнинг барчасида нимаси бир хил (оёқлари, қанотларининг сони)?», «Улар каттами, кичикми (қушларга нисбатан)?», «Қандай ҳаракатланади?». Шундан кейин педагог болаларга умумий фикрларни шакллантиришда ёрдам беради.

Сўнгра ниначи солингган қафасчани очиб: «Бу нима?», «Бу ҳашаротми ёки қушми?», «Нима учун ниначини ҳашарот дейиш мумкин?» деб сўрайди. Болалар ҳамма ҳашаротларга хос бўлган умумий белгиларни айтаверадилар. Тарбиячи ниначини қаерда кўрганликлари, у нималар ейишини айтиб беришларини сўрайди.

Сўнгра ниначи солингган қафасни очади. Болалар уни кўриб, унинг катталигини хон қизи билан солиширадилар, сузувчи қўнғизни кузатиб, унинг тузилиш хусусиятларини белгилаб қўядилар. Тарбиячи нима учун аквариумга тўр тўсилганлигини тушунтиради (акс ҳолда, қўнғиз учиб кетади). Нималар билан овқатланишини айтади. «Нима учун сузувчи қўнғизни ҳашарот

дэйиш мумкин?» деб савол беради. Навбатчиларга у овқатни оғзига қандай олишини диққат билан кузатишни топширади.

Болаларнинг ҳашаротларнинг ташқи тузилиш хусусиятлари, яшаш тарзи ҳақидаги билимларини янада чуқурлаштириш учун В. Бианкининг «Чумоли боласининг саргузашти» эртагини ўқишга бағишиланган машғулот ўтказилади.

В. БИАНҚИННИГ «ЧУМОЛИ БОЛАСИННИГ САРГУЗАШТИ» ЭРТАГИГА ОИД МАШҒУЛОТ

Мақсад. Болаларнинг ҳашаротлар яшайдиган муҳит (ўрмонда, ўтлоқда, сувда) ва уларнинг ҳаракатланиш усули (ўрмалаб юради, сакрайди, сузади) тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш, болаларга ҳашаротларнинг ҳаракатланиши оёқларининг тузилишига боғлиқлигини тушунтириш.

Машғулотни ташкил этиш. Сузувчи қўнғиз, сассиққўнғиз, чигиртка, май қўнғизи, асалари, ниначилар тасвириланган расмлар тайёрлаш.

Машғулотни бориши. Тарбиячи В. Бианкининг «Чумоли боласининг саргузашти» эртагини ўқиб беради. Шундан кейин болаларга расмлар тўпламидан чумоли боласининг уйига етиб олишига ёрдам берган жониворларни ажратиб олиб, номини айтишни, уларни тагликка, чумолига учраган тартибда териб қўйишни тавсия қиласи, кейин бу ҳашаротлар қаерда яшашини, уларни қаерда учратганликларини сўрайди. Навбатдаги сухбатлар давомида болалар билимини мустаҳкамлаш мақсадида қуидаги саволлардан фойдаланади: «Нима учун чумоли боласи уйига шошилди?», «Капалак қуртининг орқасидан кетиш нима учун унга ноқулай бўлди?», «Капалак қурти уни ўтлоқдан олиб кета олар эдими?», «Нима учун олиб кета олмас эди?», «Нима учун сассиққўнғиз картошкага эгатларидан сакраб унинг боласини картошкага полизи пайкалидан тез олиб ўтди?», «Девордан ўтишда чумоли боласига нима ёрдам берди?», «Нима учун чигиртка девордан бунчалик тез сакраб ўтди?», «Нима учун водомерка чумоли боласини ўрмондан олиб ўтмади?».

Охирида тарбиячи чумоли боласининг уйига етиб олишга ёрдам берган барча ҳашаротларни — жониворларни номини айтиб, санаб чиқишини айтади. Нима учун бунчалик кўп ёрдамчи керак бўлганлигининг саба-

бини ҳам сўраш мумкин. Шу тарзда тарбиячи болаларни ҳашаротлар оёқларининг тузилиши ҳақида, яшаш жойига қараб турлича ҳаракат қиласи деган холоса чиқаришга олиб келади.

ИПАК ҚУРТИ

Мақсад. Болаларни фойдали ҳашарот — ипак қурти тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш (ташқи кўриниши, нима билан овқатланиши, қандай ейиши, қаерда яшаши, кимлар қандай парвариш қилиши, қайси жониворлардан уларни ҳимоя қилиш кераклиги, келтирадиган фойдаси ва б.) Болаларда ҳайвонларга нисбатан қизиқиш ва ғамхўрликни тарбиялаш.

Машғулотга тайёрланиш. Ипак қурти яшаш даври (кичкина қуртчалигидан то пилладан чиқиб уруф қўйишигача) тасвириланган расм. Ипакдан тўкилган бир неча хил матолар (улар вақтинча кўрсатилмайди).

Тарбиячи болаларга Қ. Муҳаммадийнинг «Ипак қурти» шеърини ифодали қилиб ўқиб беради.

Оқ қурт, кўк қурт, ола
қурт,
Бир-биридан сара қурт.
Тут баргидир емиши,
Гулдан тоза турмуши.
Виш-виш этиб аланглаб,
Баргни ейди яланглаб,
Кечакундуз хизматда
Шунинг учун иззатда.
Боқамиз биз ардоқлаб,
Уйда, сўрида сақлаб.
Семиради йилтиллаб,

Пилла ўтар силкиллаб.
Оқ пилла, сариқ пилла,
Пилламас, асл тилла.
Тилла керак бизларга,
Илак бўлар қизларга.
Ипак борар фабрика,
Машина ўтар дукка.
Дуглар фир-фир айланиб,
Бир-бирига боғланиб,
Бўлар жойи, жужунча,
Бизга кўйлак ва нимча.

Болалар, мен нима тўғрисида шеър ўқидим? (Болаларнинг жавоблари.)

— Тўғри, мен Қ. Муҳаммадийнинг «Ипак қурти» тўғрисида ёзган шеърини ўқидим,— дейди ва болаларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қиласи:

«Бу расмда нималар тасвириланган?», «Сизлар яхшилаб, диққат билан кўриб олинглар, кейин менга ипак қурти тўғрисида билганларингни гапириб берасизлар», ва «Ким ипак қурти тўғрисида нимани билса шуни сўзлаб берсин» деб айтади. Қийналган болаларга қуйидаги саволларни беради: «Ипак қурти аввал қандай эди?»

(Майдың қоралар құртчалар эди), «Қатта бұлғанда қандай бўлиб қолди?», (Чўзинчоқ, оппоқ, тепасида қора ҳолла-ри, қоши бор, баргни ушлаш учун ва сирпаниб сур-лиши учун оёқчалари бор.) «У нима билан овқатланади?» (Баргини ейди). «У қаерда яшайди?» (Одамлар уйларида сўкчакларда боқадилар.) «Ким унга овқат беради?» (Одамлар тутбарги билан боқишиади.) «Бир кунда неча марта тут барглари солиш керак?» (5—6 марта.) «У баргни қандай ейди?» (Оёқчалари билан ушлаб баргда чиройли шакллар ҳосил қилиб ейди). «Ипак қуртини қайси жониворлардан асралаш керак?» (Қушлар, чумолилар, арилар.), «Нима учун одамлар ипак қуртини парвариш қилишиади?» (У пилла беради.) Пилладан қандай қилиб ипак олинади?» (Пиллахона-ларда катта қозонларда қайнатиб ипаги қалаваларга ўраб олинади). «Ипаклардан қаерда матолар тўқила-ди?» (Тўқимачилик фабрикаларида). «Мана бу топиши-моқ нима тўғрисида?»

Тутдан бизга кўйлак тўқир.

(Болаларнинг жавоблари).

— Тўғри, бу топиши-моқ ипак қурти тўғрисида, 2—3 боладан ипак қурти тўғрисида сўралади. Болалар бил-ганинни айтиб берадилар. Тарбиячи болалар жаво-бини тўлдиради.

— Сизлар яна қандай фойдалы ҳашаротларни била-сизлар?

— Улар қандай фойда келтиради?

Худди шундай машғулотни пахта тўғрисида ҳам ўт-казиш мумкин.

«ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНЛАРНИ АСРА» МАВЗУСИДА СУҲБАТ

Максад. Болаларнинг ўсимлик ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг (ўрмон, хиёбон ва ўтлоқ-лар, боф ва полизларда, сув ҳавзаларида ҳар хил ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг) барчаси кишиларнинг ёрда-ми ва ғамхўрлигига муҳтожлиги ҳақидаги тасаввурла-рини аниқлаш. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг жонли мавжудот эканлиги (улар озиқ, иссиқлик, ёруғлик ва бош-қаларга эҳтиёж сезиши, кишилар ўсимлик, ҳайвонлар-га ғамхўрлик қилиб, уларни ҳалокатдан сақлаб қолиши-лари, зарар етказмаслик учун уринишлари, уларга яхши шароит яратиб беришлари—озиқ билан таъмин-лашлари, совуқдан асралшлари ва ҳ. к.) ҳақидаги тасав-

вурларини мустаҳкамлаш ва умумлаштириш; болалар-ынг ўсимлик ва ҳайвонларни эҳтиёт қилиш зарурлигини тушуниб етишларига эришиш.

Суҳбат учун материаллар. Инсоннинг махсус қўриқланиши лозим бўлган табиат, ҳайвон ва ўсимликлар ҳақидаги ғамхўрлигини акс эттирадиган жумҳуриятимиздаги қўриқхоналар тасвиранган сурат ва расмлар.

Суҳбатнинг бориши. Суҳбатни қўйидаги саволлардан бошлаш мумкин: «Биз хиёбонни нима учун яхши кўрамиз?», «Ўрмон, даланичи?», «Ўтлоқларимизни-чи?», «Дарёни-чи?», (Анҳорни-чи?), «Ўсимликлар яхши ўсиши учун нималар керак?», «Колхозчилар донни қандай етиширадилар?», «Сабзавотларни-чи?», «Бунинг учун нималар қиласидилар?», «Ерни нима учун юмшатиш керак?», «Ўтоқ қилиш-чи?», «Ўрмонда нималар ўсади ва яшайди?», «Ўрмончилар ўрмонга қандай ғамхўрлик қиласидилар?», «Уни ўт кетишдан қандай сақлайдилар?», «Ўтлоқларни қандай асрайдилар?», «Болалар ўрмонда ўзларини қандай тутишлари лозим?», «Далада-чи?», «Ўтлоқдачи?» «Катталар ва болалар қушлар тўғрисида қандай ғамхўрлик қиласидилар?», «Бу нима учун зарур?», «Биз қушларга қандай ғамхўрлик қилдик?».

Кейин давлатимизнинг бошқа ерларида ёввойи ҳайвонлар, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар қандай асралиши ҳақида сўзлаб бериш болалар билан расм ва суратларни кўриш мумкин.

Тарбиячи болаларга жонажон ўлкамиздаги алоҳида қўриқлашни талаб этадиган қушлар, ўсимликлар (кatta читтак, ўсимликлардан — айиқтовонлар, кенг баргли чучомалар, анемонларнинг) тасвирини кўрсатади. Болалар читтакларга қандай ғамхўрлик қиласидилар, юқоридаги ўсимликларни қаерда кўрганликлари, уларга қандай муносабатда бўлиш (завқланиш, уларни юлмаслик) кераклигини эслайдилар.

1- ИЛОВА

БОЛАЛАРГА ҮҚИБ БЕРИШ УЧУН АСАРЛАР ҚАРАМ ҚАПАЛАГИ

Бола полиздан оппоқ капалак тутиб олиб, отасига келтирди.

— Бу жуда заарли капалак,— деди отаси, улар күпайиб кетса, ҳамма карамларимиз нобуд бўлади!

— Наҳотки шу капалакча шунчалик очкўз бўлса?— деб сўради бола.

— Капалакнинг ўзи эмас, унинг қурти очкўз,— жавоб берди отаси,— капалак майда тухумчалар қўяди, ундан эса қурт очиб чиқади.

— Капалак қурти жуда очкўз бўлади. Унинг қилган иши овқат ейиш, егани сайин ўсаверади. У катта бўлгач, ғумбак ҳосил қиласди. Ғумбак емайди ҳам, ичмайди ҳам, ҳаракатсиз ётгани-ётган, кейинчалик эса ундан қўлингдагига ўхшаган капалак учиб чиқади.

Ҳар қандай капалак ҳам шу йўсинда тухумдан қуртга, қуртдан ғумбакка, ғумбакдан капалакка айланади, кейинчалик яна тухум қўйиб, бирорта япроқ танасида қотиб ўлади.

К. Ушинский

ҚҰРИНМАС ЧИГИРТКА

Келинг, ўтириб бир оз дам олайлик. Ўт-ўланлар орасида чигирткаларнинг шўх-шодон чириллашини эшитяпсизми? Хўш, сиз улардан биронтасини кўряпсизми? Йўқми? Мен ҳам кўраётганим йўқ. Чигирткалар яшириниб олишга жуда уста бўлади. Бари бир ҳозир биз уларни тутамиз. Бошингиздан қалпоғингизни олиб, ўт-ўланлар устида у ёқдан бу ёққа силкитинг... Ана шундай. Энди қалпоғингизнинг ичига қаранг, фақат эҳтиёткорлик эсингиздан чиқмасин. Бирон нима тушибдими? Худди чигиртканнинг ўзи тушипти-да! Майсага ўхаш ям-яшил, узун оёқлари ингичка кўк поянинг ўзи, қанотлари эса баргни эслатади. Шунинг учун ҳам чигирткани ўт-ўланлар орасида кўриш осон эмас. Энди қалпо-

ғингизни очинг. Қарабсизки, чигиртка ғойиб бўлибди. Кўрдингизми, у қандай баланд сакрай олади? Қалпоғингизда яна бирон ҳашарот қолиптими? Ҳа, қолипти, ҳар бирингизнинг қалпоғингизда ранг-баранг қўнғизча ва чумолилар ташқарига чиқишга уриниб, у ёқ, бу ёққа зир югуради.

Г. Ганейзердан

ҚАНДАЙ ЖОНИВОР ҮЗ УЙНИ ЕЛКАСИДА КУТАРИБ ЮРАДИ

Мана мойчечакнинг баргига шилиққурт ўрнашиб олипти. У ҳеч маҳал ўз уйидан ажрамайди. Шилиққуртга маза. Тұхтаган жойи — унинг уйи. Ёмғирдан шалоббо бўлмайди, қуёш қиздириб куйдирмайди, бирор жойда ўйини тополмай адашиб қолмайди. Ана, қаранг: шилиққурт чифаноқ — уйидан чўзилиб чиқиб, барг ейишга тушди. Кўряпсизми: унинг бошида шохга ўхшаган, учи қора нуқтали ўсимтаси бор? Бу оддий қора доф эмас, унинг кўзлари. Агар унинг чифаногига бармоғингизни теккиссангиз, шилиққурт кўзларини яшириб, ўзи ҳам уйчасига бекиниб олади.

Г. Ганейзердан

ТИПРАТИКАН

«Жаҳли ёмон, тикани бор, яххиси унга тегмаганинг маъқул». Бу қандай жонивор тўғрисида айтилган? Албатта, типратикан ҳақида-да. Типратикан — ажойиб ҳайвон-да, дум-думалоқ, сеп-семиз. Ўрмондами, даладами унга дуч келиб қолсангиз уни жонивор деб ўйламайсиз. Ўтлар орасида чумоли уясидай бир нарса кўзга ташланади, қўлга олмоқчи бўлиб, тегинсанг, «уя» жонланиб пишиллаб, пишқириб қўяди, ҳатто сакраб, қўлга нинасини санчиб олиши ҳам мумкин.

Типратиканинг орқаси, биқинлари жун билан эмас, ўткир ниналар билан қопланган. Фақат тушмуғи, қорни ва оёқларида тикан йўқ.

Типратикан бирор хавф сезса, дарҳол юм-юмалоқ бўлиб, оёқларини ҳам, тумшуғини ҳам ичига тортиб, тиканли пўстинига ўраниб олади. Энди унга тегиниш беҳуда...

Она типратикан ёзда ўт-ўланлар ёки шох-шаббалар орасида ўзига уя қуриб, бола туғади. Типратикан болалари кичкинагина, каламуш болаларига ўхшаб кўзларини

юмуқ бўлади, фақат каламушлар қип-қизил чақа бўлиб туғилса, типратиканчалар тиқани билан дунёга келади. Она типратикан болаларини яхши парвариш қиласди, агар хавф-хатар туғилса, болаларини жон-жаҳди билан ҳимоя қиласди...

Она типратикан болаларини сут билан боқади. У ёнбошлаб ётиб олади, болалари эса унинг қорнига ёпишиб, сўргани-сўрган. Типратиканчалар катта бўлишгач, ўзлари овқат толиб ейишга киришади, ҳар хил ҳашаротлар, қурт-қумурсқаларни тутади. Типратиканлар ёз бўйи ўрмон ва далаларда шундай қилиб яшайди.

Куз келиши билан барча ҳашаротлар, қурт-қумурсқалар,чувалчангү қўнғизлар совуқдан қочиб яширина бошлайди. Типратиканчалар эса оч қола бошлайди. Улар ҳам бирор хилват жойга ўт-ўланлардан, барг ва хаслардан, жундан уя ясад, унга кириб олади-да баҳорнинг илиқ кунлари келгунча бутун қиши бўйи қаттиқ уйқуга кетади.

Г. Скребицкийдан

ЕЗ ОХИРЛАГАНДА

Индан дарахтга, дарахтдан инга ва яна индан дадарахтга чумолилар ўрмалайди. Бир-бирига қарама-қарши икки бетартиб оқим: бири индан дарахт томонга, иккинчиси дарахтдан инга қараб ҳаракат қиласди. Инга етиб олган чумолилар унинг ичига тушиб, ҳар бири оғзига оч сариқ бир нимани олиб чиқади. Сўнг дарахтга қараб йўл олади. Бу ерда туртиб чиққан дарахт илдизлари орасида кичикроқ чуқурча бор. Чумолилар илдиз устига чиқиб олиб оғзидағи оч сариқ увоқни чуқурчага ташлаб, изига қайтишади. Рўпарадан эса яна увоқ кўтарган чумолилар узлуксиз келаверади. Аста-секин чуқурча тўлади. Чумолилар дарахтнинг тубига нима қурмоқчи? Эҳтимол, чумолилар уясининг ер бетидаги қисмини шу ерда барпо қилишар. Дарахтнинг танасида ўйиқ жойи бор, бу жой худди пўстлоқ ёрилиб, ярадаги қондек қотиб қолган. Ана шу ерда чумолилар доира қуриб, бир-бирига сиқилиб, ўрнашиб олишган. Доира-нинг ўртасида урчуққа ўхшаган узун бир нарса бор. Бу шира. У чумолиларга озиқ беради. Чумоли ширани туртиб қитиқлайди, у эса ширин томчилар чиқаради. Томчини ялаб олгач, чумоли яна қитиқлашга тушади.

Қари қайиннинг ёрилиб-ёрилиб кетган танасида

бундай ўйиқлар беҳад кўп. Уларда чумолилар ўзларининг «ошхонасини» қуриб олишган. «Ошхоналарда» уч, тўрттагача шира бор. Ширалар ялтироқ, яшил ёки тўқ жигар рангда бўлади.

Ёмғир ёғяпти. Ўрмон қоп-қоронфи. Чумолилар қаерда экан? Мана ин. Мана дараҳт. Мана чумолиларнинг йўлаги. Ҳаммаси шалоббо ҳўл. Ин ичи бўм-бўш. Йўлакчада бир-икки чумоли аранг судралиб боряпти... Дараҳтга чиқиб олишмаганмикан? Дараҳт танаси бўйлаб сув оқиб тушяпти. Ерга оққан сув кўлмакка қўшилиб шалдирайди. Бу ҳолда чумолиларнинг дараҳтда бўлмаслиги табийи. Агар улар дараҳтга чиқиб олган тақдирда ҳам ёмғир суви уларни оқизиб, ерга қулатган бўларди. Дараҳтнинг бир томонидан шаршара. Ярим метрча баландликдан сув отилиб тушяпти. Бу ерда дараҳтнинг пўстлоғи то ўзагигача шилиниб тушган. Ўзига хос токча ҳосил бўлиб қолган. Ана шу токчада чумолилар паналаб туришибди. Бу балки чумолилар учун ғордир? Атрофдан шовқин-сурон билан сув қуюляпти. Токча ичи эса қуруқ, балки чумолилар учун жуда қулайдир. Ёмғир деярли икки кун тўхтовсиз ёради. Эндинга тинди. Кеч кирди. Ўрмонга қоронфилик тушди. Чумолилар нима қилишяпти экан? Ер қоп-қора, дараҳт қоп-қора, чумолилар ҳам қоп-қора. Ҳеч нарса кўринмайди — ҳамма нарса қоп-қора. Фақат «ғор»га кираверишдаги пўстлоқ лабида осилган томчигина ҳар гал симобдай товланиб кетади. «Ғор» даги чумолилар бу томчини кўрадилар, демак, улар учун ҳали ёмғир тўхтаган эмас. Ин билан дараҳт орасидаги йўлакда эса яна ҳаракат бошланган. Лекин бу ҳаракат кундузгидагидек бетартиб эмас.

Зим-зиё тун. Қоронфиликда бир-бирининг кетидан занжирдай туташиб, чумолилар аста-секинлик билан ўрмалайдилар. Бир тизим инга қараб кетса, иккинчиси индан кўтарилиб келади.

Чумолилар секин, эҳтиёт бўлиб, осойишталик билан ўрмалайдилар. Машиналар тоғ йўлида оқшом ана шундай юрадилар.

Тонг отди. Офтоб чиқди. Дараҳт тагида ялонғочланиб қолган илдизлар узра миттигина қалпоқча силжиб ўрмалайди. У худди дараҳт пўстлоғидан думалоқлаб ясалганга ўхшайди. Гўё ғадир-будур, увадаси чиққаи, қизғиш-сарғиш,mallаранг пўстоқни олиб, уни думалоқлаб, ўрама ҳосил қилгану, қубба қалпоқча ясаган-

лар. Қалпоқча дараҳтда ёнбошлаб ётипти. Қалпоқчанинг остидан митти яшил бошча күринади, бошдан кейин тана чиқади. Тананинг ҳаммаси эмас, фақат олдинги қисми чиқади, унинг қорин тарафида ғадир-будури күзга ташланади. Тана гоҳ чўзилиб, гоҳ қисқаради. Қалпоқча эса ҳаракатга келади. Чумолилар бўлса яшил бошчага, яшил таначага ташланиб қолишади. Лекин бошча билан тана тезликда қалпоқчага яшириниб олади. Энди у ёнбошлаб ётмайди, балки ўткир учини осмонга қаратиб тик туради. Жонли қисмининг ҳаммаси қалпоқчанинг тагига бекинган, ичкарига эса чумолилар киролмайди. Улар қалпоқчанинг атрофида зир югуришмасин, тумшуқларини, мўйловчаси ва оёқларини тиқиб кўришга қанчалик уринмасин — бари беҳуда. Қалпоқча дараҳтга маҳкам ёпишиб олган. Чумолилар уринишнинг фойдасизлигини билиб, бирин-кетин нари кетадилар. Ана шунда оддий шох-шаббага ўхшаб турган қалпоқча секин ёнига ётиб, яна ундан бошча ва танача ташқарига чиқади ва қалпоқча ҳаракатга тушади. Буни кўриб чумолилар яна ҳамла қиласди, у эса яна шохчага айланиб олади, чумолилар яна ҳафсаласи пир бўлиб орқага чекинадилар. Қалпоқча илгарилаб бора-веради. Чумолилар орасида ҳаракат қилиш осон эмас. Баъзан бир кўзини чиқариб қарashi билан яна яшириниб олишга тўғри келади. Худди чумолилар қалпоқчанинг ҳийласини англаб олган: бир тисарилиб, атайлаб унинг очилишини пойлаб туришади. Митти қалпоқча чумолилар салтанатидан ҳеч чиқолмайдигандай туюлади. Бироқ ярим соатлар ўтгандан кейин қарасанглар у дараҳтнинг илдизидан танасига силжиб борганини кўрасиз. Дараҳт танасида юқорилагани сайин чумолилар кам учрайди ва унинг ўрмалаши осонлашади. Демак, энди ундан хавотирланмаса ҳам бўлади.

Чумоли чивинни судраб келяпти. Чивин ўлган. Унинг оёқлари орқада саланглаб турипти. Чивиннинг бутун вужуди қонсиз, рангсиз, чўзилиб кетган. Хуллас, жонсиз жасад. Иўл-иўлакай чивин пўстлоқقا илиниб қолади. Энди тўхтаб силтаб тортишга, орқага судрашга тўғри келади, қарабсизки, яна бир чумоли пайдо бўлди, унинг кетидан яна, яна... Ҳар бири чивинни ўзига қараб тортади. Биринчи чумоли бошқалардан тортиб олишга ҳаракат қиласди. Тортиб оладиям. Энди яна олфа интилади. Унинг рўпарасидан яна чумоли чиқиб келади. Бу бошқалардан кучлироқ экан шекилли чивинни

олди-қўйди. Ўлжасини олдириб қўйган чумоли жонжаҳди билан чивиннинг қанотига ёмишиб олади. Шу қўйи қанотига осилганча умбалоқ ошади, осилиб қолади, айланади. Қанот юлиниб кетди. Чивин тутган чумолига эса ҳеч қайсиси яқинлашиб келолмайди, фақат мўйловларини у томон қаратиб, қимиллатиб қўяди, эҳтимол унинг кучини сезишгандир.

Чивинни олган чумоли дараҳтдан тушиб йўлакдан ўрмалаб кетди. Иннинг олдига бориб тўхтади. Қўприк. Қарағай нинасининг уюмидан иборат кўприк. Инга чумолилар кўприкнинг остидан боришиади. Чивин судраган чумоли кўприк тагидан ўтмоқчи бўлди. Аммо қарағай ниналари орасига қисилиб қолди. Чумолилар шу заҳоти чивинни тортиб олишга шошилдилар. Бир-бирининг устига чиқиб, тор йўлакда айқаш-чуйқаш бўлиб кетишиди. Қўприкнинг бўйичалик чумолилар уюми ҳосил бўлди. Ана шунда чивинни судраган чумоли тўдадан қутулиб чиқиб, тирик уюм устидан юриб, кўприкка ўтиб олди. Қўприкдан эса инга ўтди. Инда нима бор? Инда нима борлигини кўриб бўлмайди. У ерда чумолиларнинг ер ости салтанати бошланади.

Бугун чумолилар индан оч сариқ нарса ташиб чиқмаяптилар. Ёмғир йўлакни ювиб, илдизлар орасидаги чуқурчадан оч сариқ увоқларнинг ҳаммасини оқизиб кетди. Чумолилар қурилишни кеч бошлаган эди. Ёз охирлаб боряпти. Энди ҳар куни ёмғир ёғиши мумкин. Шу ерга яқин жойдаги дараҳтлардан бирининг тагида бошқа чумолилар увоқлардан уюм ҳосил қилиб улгуришяпти. Ёмғир ёғиб ўтди. Уларнинг уюми эса зичлашди, холос.

Қизиқ, чумолилар яна индан увоқларни ташиб чиқиб, қурилишни қайтадан бошлаб юборармикан?

Иккита чумоли миттигина яшил тасма — кичкинагина қуртни икки учидан тишлиб олиб келишяпти. Бир чумоли бир ёқقا тортса, бошқаси иккинчи томонга судрайди. Ҳеч бирининг бўш келгиси йўқ. Иккови ҳам аста-секинлик билан бўлса-да илгарилаб боряпти. Уларнинг атрофида анча чумоли ғужрон ўйнайди. Улар ҳам икки чумолининг «юришига» қўшилмоқчи бўладилар. Ана шунда бу икки чумоли биргалашиб ҳаракат қиласди, улар яшил тасмачани силтаб яқинлашган чумолининг бошига урадилар. Ниҳоят, қуртни судраб юрган чумолилар инга яқинлашадилар. Улардан бири инга

түхтаб қолди. Олдингиси тасмани бир учида осилиб қолди, орқадагиси эса иннинг лабида туриб олиб, қуртни қўйиб юборади. Аммо шу пайт бошқа бир чумоли келиб қолиб орқасидагисини итариб юборди.

Энди чумолилар инга тушиб кетишиди. Улар қуртни нима қилас экан?

Шира (ўсимлик қурти) нинг бир маромда доира ясаб айланшини қаранг. Мана бир айланди, икки айланди, уч, тўрт ... Лекин бу шира аввалги «ошхонадагига» сира ўхшамайди, унинг ранглари хира, кўримсиз. Унинг бир доира бўйлаб тўхтовсиз айланishi ҳам қандайдир қўпол, тушунарсиз, қайсарона...

Ширанинг ёнида чумоли югуриб юрибди. У гоҳ ширанинг орқасидан, гоҳ олдидан, гоҳ ёнидан чопиб ўтиб, уни йўлдан тойдирмоқчи бўлади. Яна иккита чумоли бу ерга ўрмалаб келди. Энди ширанинг орқасидан уч чумоли гир айланади. Ниҳоят, чумолилар ширани унинг кўринмас изларидан тойдиришга муваффақ бўлдилар. Хўш, кейинчи? Шира айланишни давом эттираверади. Унинг янги «доираси» ҳам олдинги катталикда, фақат доиранинг маркази ўнгроқча сурилди. Бўлгани шу. Чумолилар ҳолдан тойди. Кейин ширани қолдириб дараҳт бўйлаб ўрмалаб кетдилар. Улар токча томонга яқинлашиб тўхтаб қолдилар ва токчага киришдан олдин оёқлари билан мўйловларини обдан тозаладилар, ювиндилар. Чумолилар токчадан чиқишганда яна мўйловларини тозалаб олишади. Токчада улар ювинмайдилар.

Икки чумоли орқа оёқларига таяниб тикка туриб олган, олдинги оёқларини бир-бирига чирмаб, мўйловлари билан силаб-сийпайлашади. Бунда чумолилар бири иккинчисига оғзидан ширинлик улашади. Уларнинг ёнига учинчи чумоли ўрмалашиб келади, бу ўша ширадан ҳафсаласи пир бўлиб кетганларнинг бири. У ҳам орқа оёқларида тик туриб, мўйловларини қимирлатади. Унинг ҳам бирор ширинликдан татиб кўргиси бор.

Токчада ширинликлар сероб. Токча чумолиларнинг дам олиш ва учрашув жойидир. Уч чумоли ширанинг олдидан кетгандан бери унинг ёнига нечталари келиб кетди. Бироқ улар ширани яна бир неча миллиметр суришдан бошқага ярамайдилар. Шира янги жойида ҳам аввалгидек айланаверади. Ҳали чумолилар уни бирон ёриқча —«ошхонага» қувиб киргизиб, атрофини ўраб олиб, уни қитиқлашга эришиш учун озмунча куч сарф-

ламайдилар. Ана ўшанда шира тинчланади. Ўзидан ширин, шилимшиқ томчилар ажратиб, қораяди ва ялтирай бошлайди.

Жажжи қоп-қора чумолилар хотиржам, вазмин ҳаракат қиласди. Улар бу ернинг хўжайинлари, улар мөхнат қилишади! Уларни орасида зувиллаб, у ёқдан бу ёққа атемелес қўнғизи зир югуради. Атемелеснинг бўйи худди чумолиникидай, ранги ҳам деярли фарқ қilmайди. Мўйловларини қўмирлатиб қўйишлари-ку, чумолининг айнан ўзи. Фақат у тезроқ югуради, эгилиб-букилиб кетади. Қорнининг учини доим тик кўтариб юради, баъзан қорнининг учи айланиб бошигача тегади.

Йўлакда чумоли ўрмалаб боряпти. Бирдан у тўхтаб, даҳшатдан қотиб қолди. Унинг ёнига бир чумоли келиб тўхтади. Кейин яна бири ва яна бири. Энди улар жуда кўпайиб кетди, ҳаммаси жойидан қўзгалмай қотиб туришипти. Чумолилардан бир нечтаси ўзига келгандек, югуриб кетдилар. Улар ҳар ёққа қараб: баъзилари дарахт сари, баъзилари эса ин томонга чопишмоқда. Йўл-йўлакай улар қаршисидан келаётган чумолилар билан мўйлов уриштириб, бир-бирларига янгилидан хабар берадилар. Мана энди бир эмас, икки эмас, чумолиларнинг бутун оқими воқеа содир бўлган жойга югурадилар ва у ерга келиб қўмирламай қотиб қолишли. Чумолилар даврасининг ўртасида бир чумоли ётибди. У ўлган. Унга тегмасдан ҳаммалари қараб туришибди.

Кутилмаганда даврага атемелес ёриб кирди. У ўлик чумолини чанглалаб, шу заҳотиёқ гойиб бўлди. Энди давра ўртаси бўшаб қолган бўлса-да, чумолилар ўз жойларидан жилмадилар.

Чумолилар секин-аста тарқала бошлайдилар, бироқ уларни узоқ вақтгача нимадир бирлаштириб туради. Атемелес қўнғизи-чи? У ўлик чумолини кўтарганича ялангликда югуради. Гоҳ уни бир жойга, гоҳ бошқа жойга тиқиб яширмоқчи бўлади. Гоҳ ерга қўяди-да, нарига бориб, яна чанглалаб олади. У нимани изляяпти ўзи? Нима хоҳлаяпти? Балки у чумолини кўмиш учун бирон жой қидираётгандир?

Чумолилар янги йўл очиб олишли. Улар ингача ўрмалаб борадилар, лекин инга тушмай, чапга, тўнка томонга буриладилар. Тўнка пастаккина, чириган, ўйиқ жойлари кўп. Юқоридаги ўйифининг ён томонида тўрт бурчак туйнук бор. Чумолилар бу туйнукнинг юқориси

ва ёнига кичкина чўплар қўйдилар. Энди бу туйнук ертўланинг оғзига үхшаб қолди. Туйнукнинг ичига ҳам чумолилар чўпларни ташиб киритадилар. Чўпларни шундоқ ён томондан олишмоқда. Лекин ўзларига қеракли чўпни топгунча роса саралаб, ӯлчаб кўрадилар.

Мана бир чумоли тўнка бўйлаб кўтарилаётib бир бўлак яшил баргчани судраб келяпти. Лекин у бояги йўлдан келаётгани йўқ. Шунинг учун туйнукнинг оғзи ни тополмаяпти. Уни бошқа бир чумоли қувиб етади ва мўйловчалари билан туртади, сўнгра икков бўлишиб тўртбурчакли туйнук сари йўл оладилар. Бироқ туйнук барг учун кичиклик қиласди. Баргга тикилиб қолади. Гўё туйнук оғзида эшик ҳосил бўлади: ичкарига кираётган чумолилар уни ичкарига, ташқарига чиқаётган чумолилар — ташқарига очиб ўтадилар.

... Яна бир ўлик чивин. Ў дараҳт остида ётибди. Лекин энди чумолилар унга ҳеч ҳам эътибор бермасдан ёнидан ўрмалаб ўтадилар. Шундай бўлса-да, улардан бири чивинни тишлиб йўлак бўйлаб судрай бошлайди. Бирдан ваҳима тутиб кетади, чумолилар ўзларини ҳар томонга отиб югурдилар.

Ин. Худди уни ҳамма унутганга үхшайди. Лекин чивинни судраб келаётган чумоли инга яқинлашиши билан бошқа чумолилар унинг олдида қатор тизилишади, аммо ҳеч бири ундан чивинни тортиб олмайди, фақат унинг инга бораётган йўлини тўсиб туришади. Шунда чивин кўтарган чумоли тўнка томонга бурилиб кетади. Чумолилар уни ўраб олишиб, бошига уришади, оёклиридан тутиб қолишади, тўнкадан судраб тушишади. У яна тўнкага кўтарила бошлайди, тағин судраб тушишади. Шунда бирдан у гўё қаҳр-ғазабга минади. Бирин-кетин чумолиларни итқитиб ташлаб, уларнинг сафларини ёриб ўтиб, тўртбурчакли туйнукка етиб келади. Бу ер эса бўшаб қолган, худди инга ҳеч ким бормаётгани сингари, бу ерга ҳам ҳеч ким келмайди. Чумоли туйнук оғзида мўйловчаларини айлантириб, орқага бурилади. Демак, ичкарига йўл ёпиқ. Чумоли тўнканинг бошқа томонига олиб борадиган йўлакдан кета бошлайди. Бу ерларда юмалоқ туйнуклар кўп.

Чивин кўтариб олган чумоли уларнинг қайси бирига бўлса ҳам киришга ҳаракат қиласди. Лекин улардан бирида ичкаридан итариб чиқаришса, бошқасида ҳали ташқаридалигидаёқ нарироққа сурис ташлашади.

Мана атрофи бўм-бўш тешикча чиқиб қолди. Чумо-

ли юрганича ўзини тешикка урди. Бир неча секунд ўтиши билан бу тешикдан ҳам бирин-кетин чумолилар югуриб чиқади. Улар ҳадеб мўйловларини айлантиради, яъни бошқаларни чақиради. Ҳар тарафдан чумолилар чопиб келишади ва бирин-кетин тешик ичига кириб, ғойиб бўлишади. Энди у ерда нима бўларкан? Бу баҳти қаро жиноятчини қандай жазо кутаётган экан?

Демак, чумолилар қонуни бўйича ўлган чивинларни ер остидаги турар жойларига олиб кириш ман этиладиган вақт бошланган экан.

Ҳар куни ёмғир ёғади. Ҳозир ҳам у секин ёғиб турибди... Дараҳтларда энди «ошхоналар» кам. Борлари ҳам энг узун, энг чуқур ёриқларнинг ичиди. Чумолилар энди тўнканинг юмaloқ туйнуклар жойлашган томонига қараб ўрмалашади, лекин ҳаммасига ҳам киравермайдилар. Мана бирин-кетин юмaloқ тешикчага чумолилар кириб келишяпти. Бирданига тақа-тақ тўхтайдилар. Ер ости турар жойига бу тешикдан кириб жойлашиш шу билан тамом бўлади. Энди чумолилар тешикка бош суқиб кўрадилар-у, бирдан орқага қайтадилар. Бирмунча вақт ўтгач, йўлнинг ўртасида тўхтаб қолишади. Бошларини кўтарадилар, мўйловларини қимиратадилар ва ниманидир англаб, орқага буриладилар. Энди улар ичкарига киришга бошқа туйнук сари ўрмалайдилар, лекин бундай туйнуклар борган сари камайиб кетмоқда.

Дараҳтдан йўлак бўйлаб бир чумоли судралади. У ингача ўрмалаб бориб, тўнка томон бурилади. У ёлғиз. Орқада ҳам, олдинда ҳам чумолилардан дом-дарак ўйқ. Тўнкадаги юмaloқ тешикчалар. Битта, иккита, учта. Уларнинг ҳар бирига чумоли бош суқиб кўриб, нари кетади. Сўнгги тешикчча. Бунга чумоли жуда аста-секинлик билан яқинлашади. Тешикнинг оғзида тўхтайди. Мўйловчасини секин қимиллатиб қўяди. Орқага бурилиб кетади. Тамом. Ҳамма жой ёпиқ.

Чумоли орқага юриб, инга тушиб келади. Ундан чиқиб йўлак бўйлаб ўрмалайди, илдизчаларга етиб боради. Бу ерда эса чумолилар оч сариқ увоқлардан ҳеч нарса қурган эмас. Ишни кеч бошлагандилар, ёмғир халақит берди. Шундай бўлса-да, чумолилар тўнкани макон қилишиди.

Чумоли дараҳт бўйлаб тепага кўтарила бошлайди. Токча. Бу ҳам бўм-бўш, бирон жонзот ўйқ. Кечагина бу ерда чумолилар тўпланишарди... Икки чумоли кейин-

ги оёқларида тик туриб, олдинги оёқлари билан бир-бирини қучоқлаганча, мўйловлари билан бир-бирини силаб-сийпалашарди.

Бу кеча бўлган эди....

Чумоли яна ўрмалай бошлайди. «Ошхоналар». Уларда ҳозир ҳам аввалгидай ширалар туришибди. Уларни ҳеч ким қўриқламайди. Бироқ улар чумолиларни қайтиб келишини кутаётгандай. Рост, мана чумоли яқинлашиб келяпти... Йўқ, бу ёнидан ўтиб кетди. Ширалар жойидан ўрмалаб чиқа бошлайди. Улар чуқурчалардан зўрға титраб-титраб чиқиб, эркинликда яна рангсиз, хунук бўлиб қолади.

Чумоли бўлса дараҳт бўйлаб яна баландроқ кўтарилиди. Қейин бирдан тўхтаб сўнгра ичкарига қараб югурди. Унинг олдидан тўрт чумоли чиқди. У мўйловчаларини узоқ қимирлатиб, бўлган воқеаларни айтиб берди. Энди у ёлғиз эмас. Улар бешта бўлиб олишди.

Сариқ япроқлар йўлакни қоплаб олган, сариқ барглар худди сариқ ёпинғич сингари иннинг устида осилиб турибди, сариқ барглар тўнка устида пирпираб ўтиб юрибди.

Ёз тугади. Чумолилар ер остига кириб кетишиди.

H. Романова

ЖЎЖАЛАР

Ҳикоя

Собирнинг она товуғи жўжаларини эртадан кечгача қа-қақ-лаб эргаштириб юргани-юрган. Ердан битта дон топса ҳам дарров чурқ-чурқ деб жўжаларини чақиради. У жўжаларига жуда меҳрибон. Уларга дон топишни ўргатади. Собир жўжаларга дон, сув берса чўқиб-чўқиб ейишади-да, яна ер титишиди. Собир бир кун бувасидан сўради:

— Бува, нега товуқлар ер титади-я? Собирнинг бу саволига буваси шундай деди: одамларнинг ҳам, паррандаларнинг ҳам, қурт-қумурсقا, тирик жон борки, ҳаммасининг емиши ер билан-да, болам. Шунинг учун ҳам она товуқ жўжаларига ер титишини меҳнат қилиб, овқат топишни ўргатади. Эртаси кун Собир боғчада тушлик овқатини еб ўтирганда гап бошлади:

— Малиқ, бизнинг овқатимиз стол устида, товуқ,

жўжаларники эса ерда бўлади. Агар товуқлар ҳам одам бўлишганда столда овқат ерди-да? Бувамчи, ҳамманинг овқати ерда бўлади, дедилар. Бизнинг овқат ерда эмаску-я?

Собирнинг гапини эшитган тарбиячи ундан сўради:

— Собиржон, нималарни гапиряпсан?

— Менми? Мен товуқ, жўжа, одам, иннайкейин, ер ...

— Ҳозир кўп гапирмай овқатингни егин.

Тушки овқатдан сўнг тарбиячи болаларни ўиғди. Улар ўзларининг кичкина стулчаларига ўтиришиб, опаларига диққат билан қулоқ солишади. Тарбиячи:

— Болалар мен ҳозир сизларга одамлар ўз овқатларини қаердан ва қандай топишларини айтиб бераман.

— Товуқларнинг овқати ерда бўлар экан-а, опа, ке-ча бувам айтдилар,— деди Собир.

— Ҳа, ерда бўлади, мана ҳаммамиз овқатландик, қандай овқат едик?

— Вермишелли овқат, вермишелли,— деб чувилла-шади болалар.

— Вермишел эмас, вермишель,— деб тузатди тар-биячи. Ҳўп, вермишелли овқат, яна нима единглар?

— Яна-ми? Яна, нон едик, шакар чой ичдик.

— Тўғри, овқатнинг ичидаги нималар бор эди? Қани, Азиза сен айтиб берчи? Уятчан, камгап Азиза секингина ўрнидан туриб, ингичка товуш билан:

— Вермишель, сув, гўшт, кейин ёғ, картошка, по-мидор ҳам бор,— деди.

— Яхши, қани, айтинглар-чи, нонни қаердан ола-миз?

— Магазиндан.

— Нон нимадан қилинади?

— Ундан.

— Тўғри, ундан қилинади. Ун-чи, ун нимадан қили-нади?

Болалар бир оз жим қолишиди.

— Бўлмаса, мен сизларга айтиб бераман, жим ўти-риб эшитинглар. Болалар, ҳаммамизнинг ейдиган овқа-тимиз ҳам, киядиган кийимимиз ҳам ердан олинади. Ерга буғдой экилади, буғдойни тегирмонда тортиб ун, ундан эса нон қилинади. Ерга пахта экилади, пахтадан ҳар хил газламалар тўқилади. Улардан сизларга кўй-лак тикиб берилади. Чигитидан эса ёғ олинади. Мана

гүшт, сут, ёғни олайлик. Ерда ўт ўсади. Ўтни қора мол, қўйлар ейди, сигир сут беради, қўй семирса гўшт, ёғ беради. Ҳали шакар едик-а? Шакар нимадан олинади, биласизларми? Қолхозчилар ерга қанд лавлаги экадилар, ана ўша ширин, оқ қанд лавлагидан шакар олинади. Кишилар ерни тракторларда ҳайдашади, экин экишади, сугоришади, меҳнат қилишади, ерга экилган экинлар қанча кўп парвариш қилинса, у шунча кўп ҳосил беради.

— Опа, ҳамма нарса ерда дейсиз, олма дарахтнинг тепасида бўлади-ку? — деди Үлмас.

— Ўрик ҳам, шафтоли ҳам, узум ҳам! — чувиллашди болалар.

— Жим-жим, болалар, шовқин солманглар,— давом этди сўзини тарбиячи. Ҳўп агар олма тепада бўлса, дарахтнинг ўзи қаерда ўсади, унинг илдизи қаерда бўлади?

— Илдизи, ернинг тагида.

— Олмаси дарахтнинг устида бўлгани билан дарахтнинг ўзи томирлари орқали ердан, тупроқдан озиқланади. Бизнинг халқимиз Ватанимиз тупрогини жонидан азиз севади, шунинг учун ҳам «Ватанимиз — онамиз» деймиз. Қани, болалар, қўлни-қўлга бериб доира ясанглар. «Ватанимиз — онамиз» деган қўшиқни айтамиз. Бир, икки уч.

М. Зайнитдинова

ЧУМЧУҚ БОЛА

Ҳикоя

Бобохон чумчуқ болани роса қийнади; сувга солиб суздириди, икки қўли билан қанотларини ёйиб ҳилпиллатди... Кейин оёғига ип боғлаб, кўчага олиб чиқди.

Кўчада Талъатга дуч келди. Талъат Бобохонни кўрдию қовоғи солинди. Бобохон жудаям ўжар бола эди, шунда Талъат унга ялиниб ўтирумай шоша-пиша ёнини ковлаштириди, киссасида яримта ўчирғич билан кеча очган қалами бор экан...

— Бобохон чумчуқни қаердан олдинг?

— Буғдойзордан, чигиртка тутвотганимда дўппим билан уриб йиқитдим.

— Алишмайсанми?

Бобохон ялт этиб Талъатга қаради, сўнг бир нарса ўйлади шекилли.

— Алишаман, ниманг бор? — деди ҳовлиқиб.

— Мана, бўёқ қалам, шунга берасанми?

— Фи-и! Тирик чумчуқни битта қаламгами? Бошқа нарсанг йўқми?

— Агар хўп десанг, мана бу ўчирғичимни ҳам бераман.

Бобохон билагига ўраб олган пишиқ, ингичка ипини бўшатиб. Талъатдан ўчирғич билан қаламни олди-да, чумчуқ болани берди. Кейин қизиқсиниб:

— Буни алишволиб нима қиласан? — деди.

— Ҳозир биласан нима қилишимни ...

Талъат чумчуқ боланинг оёғидаги ипни авайлаб ечди. Юраги дук-дук ураётган бечора қушчани бир-икки силади-да, кейин бирдан осмонга қўйиб юборди. «Бор, учавер!» Сўнг Бобохонга қаради...

Бобохон гоҳ қўлидаги ўчирғич билан қаламга, гоҳ пат-пат қанот қоқиб буғдойзор томон учуб кетаётган чумчуқ болага, гоҳ истеҳзо билан кулимсираб турган Талъат ўртоғига жовдирар, нима қилишини билмай ҳанг-манг бўлиб қолган эди.

У. Усмонов

ТОПИЛМА

Ёш асалари ўзининг икки ҳафталик бўлишини сабр-сизлик билан кутарди, чунки унинг ёши қачон икки ҳафталик бўлса, опалари уни ўzlари билан асал йиғиш учун олиб чиқишга сўз беришганди. Асалари бир ҳафталик бўлмагунча, уни уйдан ҳеч қаерга чиқармадилар.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин унга ўз инидан учуб чиқиб, атрофни озгина кузатишга рухсат бердилар. Бу асалари учун жуда ҳам қизиқ эди, чунки атроф асалари инига қараганда кенг, ёруғ, ҳаво мусаффо эди! Асалари узоқдан доғ шаклида кўринган сариқ, зангори гулларни аниқроқ кўриш учун узоқ-узоқларга учишга интиларди. Асли бор бу гуллар жуда ҳам ажойиб!

Мана, ниҳоят бу кун ҳам етиб келди. Ёш асалари опалари билан асал йиғишга учуб кетди.

— Ҳаммадан кўп асал йигаман, ҳаммадан кўп олиб келаман, — деб ғинғилларди асалари.

Улар сариқ рангда товланаётган гуллар олдига етиб келди. Бу гуллар жуда-жуда чиройли эди!

Ачинарлиси шунда әдики, ҳамма гулларда ҳам асал

бўлавермас эди; бирида бор, бирида йўқ. Албатта, бу гулларнинг ҳаммасида асал бордек туюлар эди, лекин аслида бир томчи асал йўқ!

Ёш асалари жуда ҳам хижолат бўларди, чунки унинг йиққан асали жуда ҳам кам эди.

— Сен гулларни танлаб ўтирганин-да, ҳаммасини бир бошидан сўриб кетавергин. Сен барибир қайсида бор, қайсида йўқлигини топа олмайсан,— дейишиди асаларининг опалари. Нима учун бунчалик нокулай қилинганд?— асалари ҳайрон бўлар эди. Ва яна кўпроқ асал йифишга ҳаракат қилди, чунки уни опалари қувиб ўтишидан жуда ҳам қўрқар эди.

У қўрққан нарса содир бўлди ҳам, у жуда кам асал тўплаган, лекин ҳаммадан кўпроқ чарчаган эди. У интиқлик билан кутган кун, кўнгилсизлик билан тугади.

Бунинг эвазига эртанги куни жуда ҳам ажойиб бошланди. Разведкачи асалари етиб келди. Уни кўриб ҳамма хурсанд бўлди. Улар разведкачи асалари яхши янгилик олиб келганини фаҳмлашди.

— Топилма, топилма, янги гуллар!— деб ғувиллашди асаларилар.

Разведкачи асалари янги гуллардан олиб келган асални тотиб кўриш учун берди, кейин эса, «топилма» деб аталган рақсга тушиб кетди.

Ёш асалари унинг олдига югуриб келди, мўйловлари билан унинг қоринчасидан ушлаб олди ва улар рақсга тушиб кетишиди. Уларнинг орқасидан эса бирданига олтида асалари ўйнаб кетишиди. Разведкачи асалари ўйнаб туриб, гулларни қаерда топганини ва қаерга учиб боришини тушунтириди. Кейин у инидан учиб чиқди, асаларилар унинг кетидан эргашишиди, албатта, ёш асалари ҳам.

Улар дарё соҳилидаги соя-салқин жойга келишиди. Шу яқин орада шаршаранинг шовуллаши эшитилди. Унинг шовуллаши худди арихонанинг шовқинига ўхшарди.

— Топилма, топилма, янги гуллар! Бу янги гуллар шундай ажойибки, поясида ҳам пушти, ҳам зангори, ҳам кўк, ҳам бинафша гуллар бор.

Қичик асалари пушти ранг гулни тили билан ялаб кўрди ва гулда жуда ҳам кўп асал борлигининг гувоҳи бўлди. Уни сўриб бўлгач, пушти ранг гулга учиб ўтди. Ўнда ҳам асал кўп экан. Қандай ажойиб!!! Ҳар қайси пушти ранг гулда асал! Ёш асалари оғзини асал билан тўлдириб олди.

— Фақат пушти ранг гулга құнинглар,— деди опалари,— пушти ранглиси ёш, қолғанлари эса қари, уларда асал бўлмайди.

У энди шундай асал йиғдики, ҳатто опалари ҳам ҳайрон қолишиди ва уни мақтаб кетишиди.

— Қандай яхши, ақлли, гулжон,— деди ёш асалари,— асали борлигини унинг ўзи айтади.

— Ҳа, бу ажойиб гул ҳақида мен ҳар йили әшитаман, унинг исми ҳам ажойиб,— деди опа асалари. Асал — бу дунёда энг яхши нарса. Шунинг учун ҳам бу гулни медуница — асалдан деб аташган.

Н. Павлова

БУТА ТАГИДА

Кекса бир бута ўзининг тагида ҳеч бир нарсанинг, ҳатто кичик бир майсанинг ҳам ўсишини хоҳламасди. Баҳорда унинг шоҳларидаги куртаклари йўғонлаша бошлади. У ҳеч қандай ўт ўсмасмикан деб пастга қараган эди, қандайдир сариқ бир гулнинг ўғланлигини кўриб жаҳли чиқди.

— Сен бу жойни танлаганингда нима ҳақида ўйладинг,— деб бақирди у гулга.

— Мен ҳеч нарса ҳақида ўйламадим,— деди гул. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. У яшаётганлигига хурсанд эди. У иссиққа, қуёшга, осмонга, унинг гулларига қўнган пашибаларга қараб хурсанд эди. Хурсандлигидан ўзининг япроқларини, гулларини ёза бошлади.

Бута бўлса, пастга қараб ўшқирди:

— Шошмай тур, сен сариқ гул! Ҳали сен соя нималигини билиб қўясан.

Лекин сариқ гул қўрқмади, у олдингидек хурсанд эди. Унинг биринчи гуллари ғунчалай бошлади.

Бутанинг бўлса барглари ўса бошлади ва натижада бутанинг ости соя билан қопланди. Энди сариқ гулга осмон кўринмас эди. Шундай катта осмоннинг айrim жойларигина кўринарди холос.

Сариқ гулнинг гуллари гуллаб бўлиб, уруғлари пиша бошлади.

— Эй сариқ гул, менинг соям сенга ёқяптими?— деб бақирди бута.— Энди сенга яшаш яхши эканми?

— Мен бир оз чарчадим,— деди сариқ гул. Энди уйқим келяпти.

— Ёлғон!— деди бута — сен шунчаки бўшашияпсан,

яқин орада нобуд бўласан. Менинг соям сенинг ҳамма баргларингни чўчитади.

Бутанинг барглари яна ҳам йириклишибди, унинг остидаги соя яна ҳам қоронфилаша бошлабди.

— Сен ҳали тирикмисан!— деб бақирди у яна. Лекин унга ҳеч ким жавоб бермабди.

— Охири ўлибди-да,— деди бута. Яхши бўлибди, менинг соямдан ҳеч нарса қутулолмайди.

Кузгача бу қари бутанинг тагидан ҳеч қандай яшил майса униб чиқмабди. Кузда бутанинг барча барглари тўкилибди. Бутанинг шохлари яна бўшаб қолди. Шохлар орасидан яна қуёш ва осмон кўрина бошлабди. Лекин бунга ҳеч ким хурсанд бўлиб қарамади.

Куз ҳам, қиши ҳам ўтди. Яна баҳор келди. Қари бута ҳали уйғонмаган ҳам эдикӣ, тагида яна қандайдир бақувват — яшил ўсимлик чириган баргларини ёзди. Ундан барглар ўсиб чиқди, яна яшил ўсимлик ҳам юлдузча шаклидаги гулини ёза бошлади.

— Сариқ гул! — ўшиқирди бута, сен тирикмидинг?

— Ҳа, мен ўлганим йўқ,— деди гул.

Ҳақиқатан ҳам у ўлмаганди. У ўша пайтда жуда кичкина эди ва ер остида ётарди, яна баҳорда ўсиш учун бутун ёз, куз, қиши уйқуда эди.

Н. Павлова

БИР ОЛМА ТАРИХИ

Ўрмонда бир олма дарахти ўсарди. Кузда ундан бир нордон олма узилиб тушди. Қушлар олмани, унинг уруғини чўқий бошлади. Шунда бир дона уруғ ерда яшириниб қолди. Бутун қиши у қор остида қолди. Баҳорда қуёш нам ерни қурита бошлаганда, уруғ униб чиқа бошлади. Ерда илдизчалар ёйила бошлади. Юқоридан эса иккита барг ўса бошлади. Икки барг орасидан куртакли поя ўсиб куртакларидан яшил барглар чиқара бошлади. Куртак кетидан куртак, барг кетидан барг, шох кетидан шох чиқиб, беш йилдан сўнг ўша кичкина уруғчадан кичкина дарахтча пайдо бўлди.

Ўрмонга белкураги билан келган боғбон олма дарахтини кўриб «Яхши дарахт экан, у менга жуда ҳам керак», — деди. Боғбон уни қазиб олди. Дарахт эса қалтираб, нобуд бўлдим деб ўйлади. Боғбон эса уни эҳтиёткорлик билан, илдизларига ҳеч қандай шикаст етказмасдан боғнинг яхши ерига экиб қўйди.

Боғда олма күчати керилиб «Мен жуда камёб күчат бўлсан керак, шунинг учун мени ўрмондан боқقا олиб келишди»,— деб ўйлабди. Ён-атрофга қараб, латта билан ўралган бутоқларни кўрибди. У мактаб боғига келганини билмас эди.

Эртаси куни боғбон келиб қайчиси билан дараҳт шоҳларини кеса бошлабди. Олма күчати қалтираб «Мана, энди мен нобуд бўлдим!»— деб ўйлабди.

Боғбон күчатнинг юқоридаги яшил шоҳларини кесиб, бир шоҳини қолдирди, унинг ҳам учидан қирқиб ташлабди, бунга ёш, яхши олма қаламчасини пайванд қилиб, яхшилаб, боғлабди. Шундан кейин олма дараҳтининг бир оз тоби қочиб қолибди, лекин у ёш ва бақувват эди, тезда соғайиб, бегона шоҳ билан ўса бошлабди. Шоҳлар кучли олма дараҳтининг сувини шимиб тез ўса бошлабди. Уч йилдан сўнг дараҳт гуллабди. Бу гуллар тўкилиб, улар ўрнида яшил тугунчалар пишиб, нордон олма эмас, балки катта, қип-қизил, ширин олмалар пишибди. Шундай қилиб, бу олма дараҳтидан бошқа боғбонлар келиб, унинг қаламчаларини пайвандлаш учун олиб кетишибди.

К. Ушинский

КИМДАН ФОЙДА, КИМДАН ЗИЕН

Узун оёқли чивинлар тўғрисида кўп ёзишади. Асосан улар сув бор жойда кўп бўлади. Ҳаводаги енгилгина булат тоғ юқорига, тоғ пастга шўнғийди. Мана, чақадиган чивин учиб келиб, қўлга қўнди. У секингина, нимадир излаётганга ўхшарди, тўхтади ва ... қўлимга қаттиқ укол қилди.

— Эҳ, сен абллаҳ! Ҳаётда сен нима учун яшаяпсан!

Балким, сиз қизил капалакни билсангиз керак. Бу чивиннинг уруғи. У сувда яшайди, асосан уни майдабалиқ ейди. Балиқ овловчилар капалак билан турли балиқларни овлайдилар. Ким аквариумда балиқ боқадиган бўлса, билади, қизил капалак балиқлар учун яхши овқат. Чивинлар ҳам ҳаётда бекорга яшамайдигангага ўхшайди.

Мана сирен шоҳларида қўнғизча секин ўрмалаяпти. У кичкина, думалоқ, устида майдаболчаси бор. Унинг икки қаноти ҳам қизил, иккаласида ҳам — еттита қора нуқта бор. У «хон қизи»дир. Агар сен сал тегинсанг у қўрқиб, дарҳол оёғи ва мўйловларини йифиб яшириниб

олади. Жойидан қимирламай тураверади. Агар уни ҳеч ким ва ҳеч нима безовта қилмаса, у яна ўрмалаб кетаверади. Ў ўсимлик шираси — жуда кичик, ҳатто нинанг учидек нимжон бўлган, лекин заарли ҳашаротлар билан озиқланади. Бу қанотсиз ҳашарот ўсимлик ширалари, олма, нок, ўрик, узум баргларида ўтириб, уларни ейди, мева ва баргларни тешиб, сўради.

Агар уларни ҳон қизи еб ташламаганда эди, улар кўп сабзавот ва дараҳтларни қуритарди.

Ёзда олхўри ва олма баргларида кичкинагина тирноқдай пахмоқ тукли қўнғизни кўриш мумкин. У узун кулранг тукчалар билан қопланган, орқасида эса оқ доғлари бор. Бу пахмоқ бронза қўнғиз дараҳтларнинг гуллари ва баргларини секин ея бошлайди.

Пахмоқ тукли — бронза қўнғизнинг уруғи ерда ва дараҳтнинг чириган жойларида бўлади. Буни бошқа личинкалардан фарқлаш қийин эмас. У доим орқаси билан ўрмалайди. Ҳа! Оёғи осмонда! Олма ва олча дараҳтларини нобут қилмаслиги учун уларни йўқотиш керак.

Нимадир осмонда лип-лип этиб учиб борарди. Бу инидан учиб чиққан асалари. У гулкосанинг четида ўтириб секин гулнинг ичига ўрмалайди. Гулнинг шириншарбатини ялади. Шарбатни сўриб ўзининг асосий ошқозонига жойлаштиради. У гуллар бўйлаб кўп учиб, тул чангини ўзида олиб юради ва шарбатини ичади. Ари ошқозондаги гул шарбати хушбўй ширин асалга айланади.

Полизда карам ўсиб, унинг тепасида капалаклар учиб юрарди. Уларнинг қанотлари оқ, четлари қора эди. Бу оппоқ капалак карам баргининг қуи қисмига қўниб, у ерга сариқ тухумларини қўяди. Бу тухумлардан личинкалар пайдо бўлади. Улар катта бўлиб, карам баргларини ея бошлайди. Кўпинча карам баргларида фақат йирик қолдиқ барглар қолади. Карам капалаги қандай заарли!

Ёзнинг эрта тонгидаги олди гўнг билан тўсилган инидан қўнғиз чиқиб келади. Унинг орқаси мовий рангда товланади. Қўнғизнинг ўзи қора тунукадан ясалганга ўҳшайди. У йўлда жуда секин ўрмалаб юради. Қўнғиз гўнг излайди, уни топиб олса тезда қийинчилик билан бўлса ҳам ўз личинкаларини боқиш учун инига судрайди, кечқурнлари гўнг қўнғизчалар озиқ-овқат излаб, жуда паст учиб юришади, лекин улар ҳар куни

кечқурун учавермайды. Баъзида кечанинг сокин бүлишига қарамасдан құнғизлар ўз инларида ўтиришади. У ҳолда ёмғир бўлишини кутинг.

Бошқа пайтда эса ёмғир томчилай бошлайды, құнғизлар бўлса, учиб юраверишади. Билинг, бунда тунда ҳаво очилади ва ёмғир ёғмайди.

Құнғизларни кузатинг, улар сизга об-ҳаво ҳақида маълумот беради.

A. Кликов

2- ИЛОВА

ЎЗБЕҚИСТОН ҚУШЛАРИ

Оқ лайлак

Бухоро ва Шаҳрисабз, Фиждувон билан Қорлуқдаги мадрасаларнинг томларида, қари тут ва чинор дараҳтларининг учида қуруқ шохчаларнинг уюмларини учратамиз. Бу лайлакларнинг инидир. Илгари Тошкентда ҳам лайлак инлари учраб туар эди. Ҳозир Тошкент атрофларидағи Янгибозор, Оҳангарон ва Чиноз яқинида лайлак инларини учратиш мумкин. Оқ лайлак Ўзбекистоннинг деярли ҳамма воҳаларида учрайдиган қушдир. Оқ лайлак Арабистон, Африка, Ҳиндистон ва Жануби-Шарқий Осиёда қишилайди. Ўзбекистонга март бошларида учеб келади. Лайлак Тошкент атрофларидан август охири — сентябрь бошларида учеб кета бошлиайди. Қўпчилик қисми октябрь ўрталарида учеб кетади.

Қизилиштон

Боғларда, тоғ ўрмонларида ва саксовулзорда чуғурчуқдан бир оз кичик, қанотлари олачипор, дум ости патлари тиниқ рангли қушларни учратиш мумкин. Дум ости пастлари тиниқ қизил рангда бўлгани учун оқ қанотли қизилиштон деб аталади.

У Ўзбекистондаги тўқайзорларда, саксавулзорда, воҳа ва тоғ ўрмонларида учрайди. Оқ қанотли қизилиштон пўстлоқ қўнғизлари ва уларнинг личинкалари, капалак қурти, чумоли ҳамда ўргимчаклар билан озиқланади. Зааркунанда ва ҳашаротларни йўқ қилиб боғ ва ўрмонларни қўриқлайди. Оқ қанотли қизилиштон қишида қисқа масофаларга учеб юради. Бу вақтда теварак-атрофдаги боғлардан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Наманган шаҳарларига учеб келаётган оқ қанотли қизилиштонларни кўриш мумкин.

Қалдирғоч

Ўзбекистонда қалдирғочларнинг бир неча тури яшайди. Қишлоқ қалдирғочи Ўзбекистонда фақат воҳаларга уя қуради. Учеб ўтиш вактида тоғларда ва қумли воҳаларда учрайди. Марказий ҳамда Жанубий Аф-

рикада, Ҳиндистонда ва Бирмада қишлиайди. Бизга мартнинг ўрталарида келиб, сентябрда учиб кетади.

Қалдирғоч деярли ёз бўйи ҳашаротлар билан озиқланади. Турли қасаллик тарқатувчи чивин, қўнғиз ва капалакларни йўқ қилиб, фойда келтиради. Малла ранг қалдирғоч ҳам қишлоқ хўжалиги зааркунандаларини йўқ қиласди. Бу қушларни ҳимоя қилиш керак.

Зарғалдоқ

Зарғалдоқ Ўзбекистоннинг воҳа ва тўқайларида кам учрайди. Бу қуш тоғ этакларида боғларда ва денгиз сатҳидан 2000—2500 м баландликда бўлган тоғлардаги баргли ўрмонларда кўп учрайди. Ҳиндистон ва Африкада қишлиайди. Бизга апрелнинг охирларида майнинг бошларида учиб келади. Ўзбекистондан августнинг охирни ва сентябрнинг бошларида учиб кетади.

Зарғалдоқ, кўпинча, дараҳтда яшовчи капалак қурти, қўнғизлар, баъзан қандала ва чигирткалар билан овқатланади. Камдан-кам олча, гилос ва тутларни чўқилайди. Боғ ва ўрмонлардаги зааркунанда ва ҳашаротларни йўқ қилиш билан катта фойда келтиради.

Кўк қарға

Тоғ этакларида, дарё водийларида жарликларда, Фарғона водийсининг боғ ва қишлоқларида кўк қарға кўп учрайди. Кўк қарға Африкада (Сахрои Қабир жанубида) қишлиайди. Республикаизга апрель охири май бошларида учиб келиб, сентябрда учиб кета бошлайди. Аммо кўп ҳолларда куз охирида, ҳатто ноябргача учиб юради. Кўк қарға ғурракдан бир оз катта ва кантардан кичкина бўлади. Ў деярли ҳашаротлар билан озиқланади. Баъзан умуртқасиз бопиқа жониборларни ва умуртқали майда ҳайвонларни (калтакесаклар, кемирувчиларни) ейди. Кўкламда қўнғизлар, ёзда чигирткалар билан озиқланади.

Читтак

Тошкент ва Самарқанд боғларида, айниқса, куз пайтида дараҳт шохларини титаётган кичкина қушчани учратиш мумкин. Читтак Ўзбекистонда ўтроқ ҳаёт кечиради. Фақат кузда ва қушда қисқа масофаларга учиб боради. Улар овқатни деярли дараҳтлардан топиб ейди. Бунинг учун ҳар бир шоҳ, пўстлоқ ва пўстлоқ бурмалари орасидан зааркунанда ва ҳашаротларни

қидиради. Дарахтларга уялар ўрнатиб, уларни боғларга жалб қилиш керак.

Қора қарға

Қорақарға Ўзбекистонда уя қуради ва қишлийди. Қора қарғалар ёзда дарё қирғоғидаги тўқайзорда, дарахтзорда, боғларда ва боғ ўрмонларда (денгиз сатҳидан 3000 м баландликда) яшайди.

Қорақарғаларнинг овқати хилма-хил бўлиб, ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларидан иборат. Баҳорда ўрдак, фоз, қашқалдоқ ва бошқа қуш ҳамда кемиувчилар тухуми билан, ёзда балиқ, қўқонгул уруғи билан, калтакесаклар, кемиувчилар, қўнғиз ва читтаклар билан, кузда эса жийда, балиқ ва уй сичқонлари билан озиқланади. У Амударёнинг қўйи оқимида кўпинча ондатрани қиради. Қорақарға овланадиган қуш ва ҳайвон болалари билан озиқлангани учун энг зарарли қушлардан ҳисобланади.

Саъва

Кузда Тошкент, Самарқанд боғларида саъва галалари пайдо бўлади. Саъваларнинг катталиги чумчуқдай бўлиб, тана тузилиши унга қараганда ихчамроқ, яқиндан қараганда патлари олачипор, ранг-баранг, қанот ва думи қора, қанотида оқ сарғиш доги бўлиб, бошининг тепаси қора рангда бўлади.

Саъвалар Ўзбекистонда Чотқол, Нурота, Туркистон, Зарафшон Хисор, Кухитанг ва Боботоғ тизмаларида яшайди.

Саъвалар кўчманчи қуш бўлиб, куз ва қишида уясидан узоқ бўлмаган масофаларга учиб кетади.

Саъвалар катта шаҳар ва водийларга октябрининг охирида келиб, март ойининг охиригача яшайди. Саъвалар қушкўнмас, аломатчой, отқулоқ ва бошқа ўсимлик уруғлари билан озиқланади.

Мусича

Мусича Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида кўп учрайди. У энг кўп тарқалган қушлардан бўлиб, Ўзбекистоннинг аҳоли яшайдиган жойларида учрайди.

Мусича — ўтроқ қуш. Мусича эрта тонгда ҳали қуёш чиқмасдан овқат излай бошлайди. Мусича буғдой, мош, ловия, маккажӯхори, узум, қовун, помидор ва бегона

ўтларнинг уруғлари билан озиқланади. У қишлоқ хўжалигига мутлақо зиён келтирмайди.

Бойқуш

Ёзда Ўзбекистонда бойқуш кўп бўлади. Қишда кўпчилиги жанубга учиб кетади, бир қисми қишлиб қолиб, алоҳида-алоҳида ҳаёт кечиради. Бойқуш кўклам ва ёзда зараркунанда ва ҳашаротлар билан озиқланади. Бойқуш эрта кўкламда дараҳтларга зарар етказадиган йирик қўнғизларни қиради, ёзда эса чигирткаларни кўп ейди. Баъзан дала ва ўрмон яйловларига заарар етказада ва юқумли касаллик тарқатадиган сичқон, олахуржун, даласичқон ёки қумсичқонни тутишга ҳаракат қиласиди. Бойқуш донли экинлар заволи бўлган чумчукни ҳам тутиб ейди. Қишда бойқуш, асосан, кемирувчилар билан озиқланади. Бойқуш фойдали бўлгани учун ҳам уни ҳимоя қилиш керак.

Бойқуш тунда ҳаёт кечиради, кўпинча қабристонларда, ғорларда ва масжидларда юради. Шунинг учун қадимдан кишилар бойқуш уйга баҳтсизлик келтиради деб, уни қувганлар. Бойқуш Ўзбекистоннинг фойдали қушларидандир.

Зағизон

Зағизон боғларда, қирғоқдаги тўқайзорларда ва тоғлардаги япроқли ўрмонларда кўп учрайди. Бу қуш ўтроқ ҳаёт кечиради.

Зағизонлар қўнғизлар, бузоқбош, барг қурти, узунбурун, тунлам капалагининг қурти, одимчи, қандала, чигиртка ва бошқа зараркунанда ҳамда ҳашаротлар билан озиқланади. Зағизонни мудофаа қилиш керак.

Майна

Майна — ўтроқ қуш. Майна, асосан, чигирткалар билан озиқланади. Пашиша, сўна каби қўй ва сигирларга қўнадиган паразитларни ҳам териб ейди.

Қишда ахлатхона ва турар жойлардаги ташландилар ҳамда донлар билан озиқланади. Майна чигирткаларни қириш билан фойда келтиради.

Сассиқпопишак

Ўзбекистонда сассиқпопишак воҳаларда, тоғ этакларида ва тоғларда (денгиз сатҳидан 2000 м гача баланд-

ликда) учрайди. Баъзан чўллардаги қудуқлар олдида чорвадорларнинг манзиллари яқинида ҳаёт кечиради. Ўзбекистонга сассиқпопишак март ойининг бошларида учиб келади. Сентябрь — октябрда учиб кетади. Қишилиқ келган йилларда Тошкент ва Самарқанд атрофларида унда-бунда сассиқпопишак учраб туради. Қушларнинг кўпчилиги Африка, Ҳиндистон ва Хитойда қишлияди.

Сассиқпопишак асосан, ерда ҳаёт кечиради. У қўнғизлар (визилдоқ қўнғиз, қорақўнғиз), бузоқбош, чигиртка, пашша личинкаси ва бошқа зааркунанда ҳамда ҳашаротларни йўқ қилиб, фойда келтиради. Үни ҳимоя қилиш ва инлар ўрнатиб, боғларга жалб қилиш керак.

Илонхўр қуш

Илонхўр қуш бир йилда 400—500 тагача илонни тутиб ейди. Илон топилмаса калтакесакни ҳам еяберади. Баъзи-баъзида бошқа қушларни ҳам тутиб ейди. Кузда Ҳиндистон ва Олд Осиёга қишилаш учун учиб кетади. Бир йилда биттагина жўжа очади.

Қаклик

Қакликлар асосан тоғларда яшайди. Улар ҳар йили 6—19 тагача тухум қўйиб бола очади. Қишилиқ келиб ер устини қалин қор қоплагандан овқат излаб тоғлиқишлоқларга учиб кетади.

Қирғовул

Қирғовул ҳозир табиатда жуда ҳам оз қолган. Шунинг учун уларни табиий шароитда учратиш қийин, фақат ҳайвонот боғида бемалол кўриш мумкин. Унинг яшаш жойи асосан тўқайзорда. У ўсимлик уруғлари, далаларда қолган жўхори донлари билан озиқланади. Май — июнь ойларида 10—20 тагача тухум қўяди. Орадан 25—26 кун ўтгач, тухумлардан кичкина жўжалар — қирғовулчалар очиб чиқади. Қирғовуллар ўлкамизнинг доимий қушларидир (учиб кетишмайди).

Чорлоқ

Чорлоқ асосан Орол денгизида, Амударё ва Сирдарё-нинг қуви оқимида, сув омборларида ва бошқа сув ҳавзаларида яшайди.

Сичқонлар, калтакесак ва қурбақалар, кўпроқ кеми-

рувчи — зааркунандалар билан овқатланади. Сув юзасига чиқиб қолган касал балиқларни еб, сув табиби вазифасини ўтайди. 2—3 тагача тухум қўяди. Бир ойдан кейин тухумдан полапонлар очиб чиқади.

Сўфитўрғай

Бу қиши баҳорнинг биринчи даракчиси деб аталади. Улар асосан Марказий Устюртдан тортиб Термиз далаларигача тарқалган. Апрель ойида 4 тадан 6 тагача тухум қўяди, май ойларида полапонлари учирма бўлади. Кейин яна тухум қўяди. Уларни август ойида учирма қиласди.

Улар одамларга эл бўлади. Ўз уяларини томларнинг кавакларига қўяди. Улар қишлоқ хўжалиги учун зааркунанда бўлган турли хил ҳашаротлар билан овқатланади. Қишида улар турли хил донлар, нон ушоқлари билан овқатланади. Улар ёзда жуда чиройли сайрайди.

Жаннат қуши

Бу қуш Чотқол тизмаларида, Тошкент обласгининг Хумсон, Оқтош, Бурчмулла атрофларида яшайди. Наманган тоғларида, Фарғона водийсида ҳам учратиш мумкин.

Жаннат қуши Ўзбекистонга май ойларида учиб келади. Августнинг охирлари, сентябрнинг бошларида қишлиш учун Ҳиндистонга учиб кетади. Ҳар йили 4—5 та тухум қўяди ва полапонлари ўсиб улар ҳам катталарига қўшилиб учиб кетишади.

Булбул

Май оқшомида кеч шафоғи сўниши баланоқ, Тошкент атрофида ва ҳатто шаҳар марказида кичкинагина, кишини ҳайратда қолдирадиган даражада, ҳар хил оҳангда, ёқимли сайрайдиган малла ранг қушча — булбул учрайди.

Булбул Ўзбекистонда қирғоқ бўйидаги тўқайзор ва бутазорда, суви кўп бўлган боғ ва қишлоқларда, тоғлардаги баргли ўрмонларда учрайди. Булбул Арабистон ярим оролининг жанубида қишилаб, апрелнинг охрида учиб келади. Сентябрда Ўзбекистондан учиб кетади. Булбул, асосан, ҳашарот ва уларнинг личинкалари билан озиқланади. Бу қушни ҳимоя қилиш керак.

Фуррак

Тұқайда, саксовулзорда, боғларда, бутазор ва боғ үрмөнларида фурракни учратиш мумкин. Фуррак Сахрай кабирнинг жанубий қисмида, Сенегал ва Суданда қишлоиди.

Тошкент атрофларида дастлабки фурраклар апрелнинг иккинчи ярмида пайдо бўлади. Фурраклар эрта тонгда далаларда озиқланади. Ёзда дон пиша бошлигач, ёввойи ўсимлик ва фалласимон ўсимликларнинг уруфини териб ейди. Фуррак экинларга кўп зарар етказмайди. Бегона ўтларнинг уруфини кўп ейди.

Какку қуш

Ёзда дарё водийлари ва боғларда «ку-ку, ку-ку» деган баланд овозни эшитиш мумкин. Ўзбекистонда какку қуш дарё водийларида, тоғ этакларида ва тоғларда (денгиз сатҳидан 3000 м гача баланадликда) учрайди. Какку қуш Африка, Жанубий Арабистон, Хиндистон, Шри Ланка ва Жанубий Хитойда қишлоиди. Какку қуш республикамизга апрелда учиб келади. Бу қуш, асосан, турли қуртлар билан озиқланади. У чигиртка, қўнғиз, чумолиларни ҳам ейди. Какку қуш биздан кузда — сентябрда ва октябръ бошларида учиб кетади. Какку қушни Самарқанд обlastida 20 октябргача учратиш мумкин. Какку қуш ҳашаротхўр майда қушларнинг инларига тухум қўйиб, зарар келтирса, ҳашаротларни кўплаб қириб, фойда келтиради.

Уй чумчуғи

Уй чумчуғи ўткинчи қушдир. Бу чумчуқ апрелнинг охирида учиб келади. У август ўрталаридан болалаб, сентябрь охиригача учиб кетади. Чумчуқлар майнинг ўрталарида арпа ва буғдой далаларига учиб кетади. Айрим фаллакор районларда уй чумчуқлари баъзан буғдой ҳосилини 74 %гача камайтириб юборади. Фалла ўриб олингандан кейин, бу қушлар гала-гала бўлиб, пиёз уруғлари, маккажўхори, жўхори донларини, узум бошлари, тариқ ва шоли бошоқларини нобуд қиласади.

Уй чумчуғи қишлоқ хўжалигига энг кўп зарар келтирувчи қушлардан биридир.

Оқ жиблажибон

Қатталиги чумчуқдай келадиган бу кичкина қушча дарё қирғоқларида ва йўл ёқаларида узун думини ли-

киллатиб тез югуриб юради. Жиблажибоннинг пешо-наси, қорни, кўз атрофидаги пати оқдир. Бошининг бошқа қисмлари қора рангда. Қанотларида биттадан қора доғ бор. Оқ жиблажибон Ўзбекистонда ҳайдалган ерларда, катта-кичик дарё қирғоқларида ва йўлларнинг атрофида учрайди. Ўзбекистонга февраль охири ва март бошларида учиб келади.

Оқ жиблажибонлар ҳашаротлар ва уларнинг ли-чинкалари билан озиқланади. Зааркунанда ва ҳашаротларни йўқ қилиб, қишлоқ хўжалигига фойда келтиради. Бу қушларнинг уясини ҳимоя қилиш керак.

Қора капитар

Тоғ этакларида ва дарё водийларида қора капитар яшайди. Ўзбекистонда қора капитар Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида, тоғ этагидаги қишлоқларда (Паркент, Заркент ва ҳоказо), Қашқадарё, Амударё ва Сурхондарё бўйларида, тоғларнинг юқори қисмида учрайди. Асосан Ҳиндистонда қишлиайди. Қора капитар баъзан Копетдоғнинг шимолий этакларида, Мирғоб водийсида ва Афғонистонда қишлиайди. Қора капитар дуккакли (беда) ва ғалла (буғдой) ўсимликларининг, шунингдек, бегона ўтларнинг уруғлари билан озиқланади. Қора капитар тўкилган донни териб еб, ортиқча зарар келтирмайди.

Зағча

Зағча Ўзбекистонда ҳам қишилаб қолади. Унинг бир қисми эрта баҳорда шимолга учиб боради. Зағча қўнғиз, капалак ва унинг личинкаси ҳамда ҳар хил ўсимлик донлари билан (айниқса қишида) озиқланади. Зағча зааркунанда ҳашаротларни йўқ қилиб фойда келтиради.

Узун думли қарқуноқ

Қишлоқлардаги боғларда, тўқайзорда ва тоғ ўрмонларида узун думли қарқуноқ учрайди. Бошининг тепаси, бўйни, орқасининг олди қисми бўз кул рангда, елкаси, бели ва дум усти сариқ, думи қўнғир, қорни оқ рангда бўлади.

Узун думли қарқуноқлар Ўзбекистонга апрелнинг ўрталарида учиб келади. Ҳиндистонда қишлиайди. Ўзбекистондан сентябрь ойида учиб кетади. Айримларини

октябрда ва ҳатто, ноябрнинг дастлабки кунларида ҳам учратиш мумкин.

Узун думли қарқуноқлар қўнғизлар, шунингдек дарахт зааркунандалари билан озиқланади. Калтакесакларни тутиб ейди. У айниқса зааркунанда ва ҳашаротларни, қўнғизларни йўқ қилиб, фойда келтиради. Бу қушни ҳимоя қилиш керак.

Бедана

Кузда бедапоядан ўтаётганингизда, кўпинча кичкина бўз ранг қуш — беданани учратасиз. Бедана Ўзбекистонда ҳамма ерда учрайди. Чотқол, Қурама тизмалари, Қуҳитанг тоғида, Самарқанд тоғларида бир неча бедана инлари топилган. Бедананинг қилиқлари кичкина хонаки товуққа ўхшайди. Бедана бемалол ва тез йўрғалайди. Овқат қидириб юриб, панжалари билан ерни титади. Тупроққа ағанашни яхши кўради. Тунда ва қош қорайганда серҳаракат бўлиб, кундузи дам олиб ётади. Бедана кўкламда (апрель, майда) актив бўлиб, тез учади. Кузда августдан ноябргача учиб ўтади, сентябрь, октябрда айниқса кўплаб учади. Шу даврда бедапоялар, пахтазорлар, жўхорипоя, маккажўхорипоя, полиз, чўл, тўқайларда бедана кўп бўлади. Баъзи турлари Самарқанд, Бухоро атрофларида, республиканинг жанубидаги районларда қишлиш учун қолади, кўпчилиги эса Шимолий Африка ва Ҳиндистонга учиб кетади.

Бедана, асосан ўсимликларнинг уруғлари ва новдлари билан озиқланади. Ёзда, баъзан ҳашаротлар ва умуртқасиз бошқа жониворларни тутиб ейди.

Қора жарқалдирғоч

Июнь ойида кун ботиш пайтида узун ва айри қанотли қора қуш тўдалари қаттиқ чийиллашиб учиб юради. Булар қора жарқалдирғочлардир. Қора жарқалдирғочлар ерга қўнмайди ва ерда юра олмайди.

Қора жарқалдирғочлар Жанубий Африка ва Ҳиндистонда қишлиайди. Ўзбекистонга март бошларида учиб кела бошлайди.

Қора жарқалдирғочлар эртадан то кечгача осмонда тез учиб юриб, тумшуғини катта очиб қанотли чумоли ва ўсимлик битларини тутиб ейди. Қора жарқалдирғочлар зааркунанда ва ҳашаротларни йўқ қилиб, фойда келтиради.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| Сүз боши | 3 |
| Кириш | 7 |
| Табиий ресурслар | 8 |
| Қызил китоб | 14 |
| ТАБИАТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ХИЛЛАРИ | 15 |
| Күргазмали услублар | 15 |
| Расмларни күриш, кинофильмлар ва диафильмларни намойиш қилиш | 20 |
| Амалий методлар | 22 |
| Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништириш йүллари | 25 |
| Кундалик ҳәётдаги ишлар | 28 |
| Табиат бурчагидаги ишлар | 28 |
| ИЛК ЕШДАГИ БОЛАЛАР ГУРУХИ | 30 |
| БИРИНЧИ ҚИЧИҚ ГУРУХ | 33 |
| ИҚКИНЧИ ҚИЧИҚ ГУРУХ | 34 |
| Күз | 35 |
| Үсімліктер дүнёсі | 36 |
| Хайвонот олами | 38 |
| Қишлоғ | 39 |
| Дараҳттар | 40 |
| Құшлар | 40 |
| Кишилар мәжнати | 41 |
| Баҳор | 41 |
| Үсімліктерни күзатиши | 42 |
| Хайвонот оламины күзатиши | 42 |
| Ез | 43 |
| Үсімліктер дүнёсі | 43 |
| Жөнсиз табиат ҳодисаларини күзатиши | 43 |
| Хайвонот оламины күзатиши | 45 |
| Балиқ билан таништириши | 46 |
| Наврүзгүл ва фикусни күзатиши | 47 |
| Хона үсімліктери | 47 |
| «Қандай гүл» ўйини | 48 |
| «Шундай дараҳтни топ» ўйини | 48 |
| Пиёз әкиш машғулоти | 48 |
| Қатталарнинг әқинзордаги мәжнатини күзатиши | 50 |
| Қишлоғ қолувчи құшлар билан таништириши | 50 |
| Баҳор | 51 |
| Боғча майдончасидаги сайдар | 51 |
| Овқатланған чумчукни күзатиши | 51 |
| «Ажойиб халтаса» дидактикалық ўйини | 52 |
| Мушук боласини күзатиши | 53 |
| Жұжаларни күзатиши | 54 |
| Құнғиз ва капалактарни күзатиши | 55 |
| «Бу қандай ҳайвон» дидактикалық ўйини | 55 |
| «Бу қачон бўлади» дидактикалық ўйини | 56 |

ҮРТА ГУРУХ БОЛАЛАРИ

Куз
Жонсиз табиат ҳодисаларини кузатиш
Ўсимликлар дунёсини кузатиш
Ҳайвонот оламини кузатиш
Киш
Жонсиз табиатни кузатиш
Табиат бурчагидаги ишлар
Баҳор
Жонсиз табиатни кузатиш
Ҳайвонот оламини кузатиш
Табиат бурчагидаги ишлар
Ез
Боққа мақсаддли экскурсия
Куз
«Шундай дараҳтни топ» дидактик ўйини
Полиз ҳақида сұхбат
Мевазорга экскурсия
Хона ўсимлиги билан таништириш
Пиёз экиш
Тарвуз ҳақида сұхбат
Ез ҳақида сұхбат
Курбағанни кузатиш
Тошбағанни кузатиш
Типратикан ҳақида сұзлаб бериш
Ёввойи ҳайвонлар (типратика, олмахон, қуён, айиқ)
ҳақида сұхбат
Қүшларнинг учиб кетиши ҳақида сұхбат
«Эчки — уй ҳайвони» мавзусида сұхбат
Жўжаларни кузатиш
Үрта гурӯҳ болаларига ўқиб бериш учун ҳикоялар
Карим чумолининг тилини билар экан
Сув ва дараҳт
Нега дўст бўлишолмайди?
Үрмон қўзиқоринлари

КАТТА ГУРУХ БОЛАЛАРИ

Куз
Киш
Ўсимликлар дунёсини кузатиш
Табиат бурчагидаги ишлар
Баҳор
Жонсиз табиатни кузатиш
Ез
Мевазор боққа ёки истироҳат боғига экскурсия
Кузда ўтлоққа экскурсия қилиш
«Қаерда нима ўсади?» дидактик ўйини
«Мевасига қараб ўсимликнинг номини топинг» дидактик
ўйини
Хона ўсимликлари билан таништириш
Овқатланадиган чумчукни кузатиш
Мен қўшларга дон бердим
Ўтлоққа экскурсия
Ипак қуртини кузатиш

| | |
|---|------------|
| Ипак құрти ҳақида сұхбат | 131 |
| Типратиканни күзатиш | 133 |
| Иил фасллари ҳақида сұхбат | 135 |
| МАКТАБГА ТАЙЕРЛОВ ГУРУХИ | 136 |
| Күз | 137 |
| Жонсиз табиатни күзатиш | 138 |
| Ұсимликлар дүнёсими күзатиш | 139 |
| Ұсимликтің қаламчадан күпайтириш | 142 |
| Гулзорга экспурсия | 144 |
| Пахта даласига экспурсия | 145 |
| Ҳайвонот оламины күзатиш | 147 |
| Н. Романованиң чумолилар тұғрысындағы «Ез охирлаганды ҳикоясини үқиб бериш ва шу ҳикоя бүйіча сұхбатлашиш | 149 |
| Ҳашаротлардаги сәхрли үзгариш ҳақида сұхбат | 150 |
| Күз ҳақида сұхбат | 151 |
| Әчки уй ҳайвони | 155 |
| Қишлоқ | 156 |
| Жонсиз табиатни күзатиш | 156 |
| Ұсимликлар дүнёсими күзатиш | 158 |
| Иссекхонага экспурсия | 158 |
| Қишлоқ ҳақида сұхбат | 159 |
| Бақор | 160 |
| Ұсимликлар дүнёсими күзатиш | 161 |
| Үтлоққа экспурсия | 161 |
| Катталар мәжнати | 164 |
| Қанотли дүстларимиз | 166 |
| Тошбақа билан құрбақаны солишириш | 171 |
| Ұсимликлар дүнёсими күзатиш | 172 |
| Боғча қөвлісига обзор экспурсия | 180 |
| Ез | 182 |
| Ҳашаротларни күзатиш | 186 |
| В. Бианкининг «Чумоли боласининг саргузашты» әртаги-га оид машрут | 188 |
| Ипак құрти | 189 |
| «Ұсимлик ва ҳайвонларни аспа» темасида сұхбат | 190 |
| 1- илова | 192 |
| Қарам капалаги | 192 |
| Болаларга үқиб бериш учун асарлар | 192 |
| Қарам капалаги, Құрнімас чигиртка | 192 |
| Қандай жонивор үз уйини елкасида күтариб юради? | 193 |
| Типратикан | 193 |
| Ез охирлаганда | 194 |
| Жұжалар | 202 |
| Чумчук бола | 204 |
| Топайлма | 205 |
| Бута тәгіда | 207 |
| Бир олма тарихи | 208 |
| Кімдан фойда, кімдан зиён | 209 |
| 2- илова | 212 |

ЮСУПОВА ПАТИМА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ
БОЛАЛАРГА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ**

Тарбиячилар учун методик қўлланма

Тошкент Ўқитувчи 1995

Муҳаррир Д. Аббосова
Бадиий муҳаррир Ф. Некқадамбоев
Техн. муҳаррир С. Турсунова
Мусаҳҳих З. Содиқова



ИБ 6481

Теришга берилди 26. 01. 95. Босишга рухсат әтилди, 5.04.95.
Формати 84×108/32. Тип қорози. Кегли 10 шпонсиз. Литература
на гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.
11,76+0,84 вклейка. Шартли кр.-отт. 14.74. Нашр. л. 11,41+
вкл. Тиражи 17000. Буюртма № 16.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 11—49—94.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижараси
тоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1995.

